

**ТАҲОВИЙ АҚИДАСИ
МАТНИГА
МУХТАСАР ИЗОҲЛАР**

Шайх Доктор Солиҳ ибн Фавзон
ал-Фавзон

Муаллиф: Солиҳ, ибн Фавзон ал-Фавзон
Таржимон: Абдуллоҳ Муҳаммад
Ношир: «Ислом Нури»
Саҳифаловчи: Саид Аҳмад
Нашр: Биринчи
Ислом Нури: 3
Тарих: 1433 ҳ. – 2012 м.
E-mail: admin@islamnuri.com
Web саҳифа: <http://www.islamnuri.com/>

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

قال العلامة حجة الإسلام أبو جعفر الوراق الطحاوي
بمصر (رحمه الله) :

هذا ذكر بيان عقيدة أهل السنة والجماعة على مذهب فقهاء
الملة: أبي حنيفة النعمان بن ثابت الكوفي، وأبي يوسف
يعقوب بن إبراهيم الأنصاري، وأبي عبد الله محمد بن
الحسن الشيباني رضوان الله عليهم أجمعين، وما يعتقدون
من أصول الدين ويدينون به رب العالمين.

*Аллома, Хужжатул-Ислом Абу Жаъфар ал-Варроқ ат-
Таҳовий раҳимаҳуллоҳ айтадилар:*

*Қуйида Ислом миллати олимлари бўлмиш Абу Ханифа
Нуъмон ибн Собит Ал-Куфий, Абу Юсуф Яъқуб ибн
Иброҳим Ал-Ансорий ва Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн
Ҳасан Аш-Шайбонийлар Ислом дини асослари ҳақида
нимани эътиқод қилганлари ва Аллоҳ Роббул оламинга
қайси эътиқод билан сиғинганлари зикр қилинади ҳамда
ана шу уламолар мазҳабларида Аҳли сунна вал жамоа
ақидаси қандай бўлиши кераклиги баён қилинади.*

Алҳамду лиллаҳи роббил аламин, ва соллаллоҳу ва саллама ала набиййина Муҳаммад ва ала алиҳи ва соҳбиҳи ажмаъийн. Аммо баъд...

Ақида диннинг асоси, «*Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадун Расулуллоҳ*» шаҳодатининг мазмуни, Ислому рукнарининг биринчисидир⁽¹⁾. Шундай экан, соғлом эътиқод соҳиби бўлиш учун киши ақидага эътибор бериши ва аҳамият қаратиши, уни ўқиб-ўрганиши, уни бузадиган нарсаларни таний билиши лозим бўлади. Чунки, дин саҳиҳ-соғлом асосга барпо бўлгандагина тўғри ва Аллоҳ наздида мақбул дин бўлади. Аксинча, заиф-беқарор ёки фосид-бузуқ ақида асосига қурилган дин саҳиҳ ва тўғри дин бўлмайди. Шунинг учун уламолар — раҳимаҳумуллоҳ — ақида мавзусига кўп аҳамият қаратишар, уни дарслар ва бошқа муносабатларда узлуксиз ва давомий равишда баён қилишар, ҳар бир даврнинг олимлари уни муқаддам ўтган уламолардан ривоят қилишар эди.

Саҳобаларда — розияллоҳу анҳум — Қуръонда ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларида келган нарсалар хусусида шак-шубҳанинг асари ҳам бўлмаган, уларнинг ақидалари Аллоҳнинг Китоби ва Расулининг суннатлари асосига қурилган бўлиб, бунда уларга ҳеч қандай шак-шубҳа ва иккиланиш етмас эди. Аллоҳ ва Расули соллаллоҳу алайҳи ва саллам нимани айтган бўлсалар, ўшани дин деб қабул қилишар ва унга эътиқод қилишар эди. Бу тўғрида китоблар таълиф қилишга уларнинг эҳтиёжлари бўлмаган, чунки бу улар наздида таслим бўлинган ва узил-кесил ҳал қилинган

(1) Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «*Ислому беш (асос) устига қурилган: Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва Муҳаммад Аллоҳнинг элчисидир деб гувоҳлик бериш, намозни барпо қилиш, закотни адо этиш, ҳаж қилиш ва Рамазон рўзасини тутиш*» (Муттафақун алайҳ).

иш бўлиб, уларнинг ақидаси Китоб ва Суннат эди. Сўнг улардан қабул қилиб олган шогирдлари — тобеинлар ҳам айна шу йўлда давом этдилар. Уларда ҳам мана бу нарса олинади, бу нарса рад қилинади, деган гап бўлмади, масала аниқ-гиниқ, манба Китоб ва Суннат бўлди.

Давр ўтиб, фирқалар ва ихтилофлар пайдо бўлди, қалбига ақида мустаҳкам ўрнамаган кишилар динга кириб келдилар, баъзилар носоғлом ва нотўғри фикрлардан халос бўлмаган ҳолда Исломни қабул қилдилар, ақидада Китоб ва Суннатга мурожаат қилиш ўрнига ўз ораларидаги залолат аҳли ўйлаб топган қоида ва манҳажларга мурожаат қиладиган тоифалар юзага чиқди. Ана шунда Ислом уламолари соғлом ақидани баён қилишга, уни носоғлом фикрлардан тозалашга, уни умматнинг пешқадам уламоларидан ривоят қилишга эҳтиёж сездилар ва ақидага оид китоблар ёздилар. Уларнинг китоблари ўзларидан кейингилар учун то қиёматгача ақиданинг маржеъига-манбаига айланди.

Аллоҳ таоло ушбу динни Аллоҳдан ва Пайғамбаридан қандай келган бўлса, ўшандай ҳолда етказиб берадиган, бузғунчиларнинг таъвиллари-ю, мушаббихларнинг (яъни Аллоҳнинг сифатларини махлуқлар сифатига ўхшатувчиларнинг) ташбеҳларини рад қиладиган, соф ақидани авлодма-авлод бир-бирига узатиб, етказиб берадиган омонатли зотларни етиштириб чиқариб турдики, бу У Зотнинг ушбу динни Ўзи асраши ва ҳимоя қилиши белгиларидандир.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан, у зотнинг аҳоблари ва тобеинлар тарафидан собит бўлган эътиқод устида бўлган салафи солиҳинлар жумласига тўртмазҳабимолари — Имом Абу Ханифа, Имом Молик, Имом Шофеъий, Имом Аҳмадни — раҳимаҳумуллоҳ — ва улар каби ақидани тозалаш ва ҳимоя қилишга, уни соф ҳолида толибларга ўргатиш ва баён қилиб беришга бел боғлаган кўплаб уламоларни киритиш мумкин.

Мазкур тўрт имомнинг тобеълари бўлмиш уламолар ушбу ақидани маҳкам тутишда, уни ўқиб-ўрганиш ва шогирдларга таълим беришда давом этдилар, бу ҳақда Китобу Суннат асосида, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва у зотнинг саҳобалари ҳамда тобеинлар эътиқодлари асосида кўплаб китоблар ёздилар, ботил ва нотўғри ақидаларни рад қилдилар, уларнинг ботиллик ва хатоларини баён қилиб бердилар. Шунингдек, Исҳоқ ибн Роҳавайҳ, Бухорий, Муслим, Ибн Хузайма, Ибн Қутайба каби ҳадис имомлари, Табарий, Ибн Касир, Бағавий каби кўплаб тафсир имомлари ҳам ушбу ишга салмоқли ҳисса қўшдилар.

Бу ҳақда «Суннат китоблари» деб аталган китоблар таълиф қилдилар, Ибн Аби Осимнинг «Ас-Сунна», Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Ҳанбалнинг «Ас-Сунна», Халлолнинг «Ас-Сунна», Ожуррийнинг «Аш-Шариъа» китоблари бунга мисол бўлади.

Имом Абу Жаъфар Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Салома ал-Аздий ат-Таҳовий⁽¹⁾ ҳам мазкур имомлар жумласидан бўлиб, учинчи асрдаги Миср уламоларидан, Миср шаҳарларидан бирига нисбат берилиб Таҳовий деб аталганлар, бу киши ушбу фойдали мухтасар ақидани ёзганлар.

Унга еттитача шарҳ ёзилган, лекин улар хатолардан холи эмас. Чунки уларни битган кишилар мутааххирлар (яъни салафлардан кейингилар) манҳажиди бўлганлари учун уларнинг шарҳлари Таҳовий ақидасига айрим раддиялар, мулоҳаза ва мунозараларни ҳам ўз ичига олган. Бизга маълум бўлишича, улар ичидан фақат битта шарҳ,

(1) Имом, аллома, буюк ҳофиз, Миср диёри муҳаддиси ва фақиҳи, ҳадис ва фикҳ илмида забардаст олим, бу борада таълиф ва таснифлар қилган. Китобларини ўқиган киши унинг илмда тутган ўрнини ва билим доирасининг нақадар кенглигини билади. 321 хижрий санада вафот этган, Аллоҳ раҳмат қилсин. (Сияру аълам ан-нубалаи: 15/27-33).

яъни Ибн Абил-Из⁽¹⁾ раҳимаҳуллоҳнинг «Таҳовий шарҳи» номи билан машҳур бўлган шарҳи бундан мустасно. Бу киши Ибн Касир раҳимаҳуллоҳнинг шогирдларидан бўлиб, ёзган шарҳи шайхулислом Ибн Таймиянинг, Ибн Қаййимнинг ва бошқа имомларнинг китобларидан олинган кўчирмаларни ҳам ўз ичига олган. У кўп фойдали шарҳ бўлиб, ақида маржеъларидан улкан бир маржеъ (манбаъ, мурожаат қилинадиган ўрин) саналади, софлиги ва маълумотлари тиниқлиги боис уламолар унга суянадилар ва эътимодли санайдилар.

Муаллиф — юқорида айтилганидек — ушбу ақидани умуман аҳли сунна мазҳаби асосида, жумладан тўрт имом ичидан энг муқаддам яшаб ўтган, тобеинларни кўрган ва улардан ривоят қилган Абу Ҳанифа ан-Нуъмон ибн Собит ал-Куфий мазҳабида, шунингдек у зотнинг шогирдлари Абу Юсуф ва Муҳаммад аш-Шайбоний ва бошқа ҳанафий мазҳаб имомлари эътиқоди асосида таълиф қилган. Уларнинг ақидаларини зикр қилиб, унинг аҳли сунна вал-жамоа мазҳабига мувофиқ эканини баён қилган.

Бу ақида китобида ҳозирги вақтдаги ёки кейинги асрлардаги ҳанафий мазҳабига нисбатланувчиларга айрим раддиялар мавжудки, улар фикҳда Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳнинг мазҳабига эргашганлари ҳолда ақидада у зотга хилоф қилиб, калом ва мантиқ аҳлининг ақидасини ушлайдилар. Худди шу каби ҳолат кейинги даврдаги шофеъийларда ҳам юзага келдики, улар ақидада имом Шофеъийга муҳолиф бўлишади, фақат фикҳдагина у киши мазҳабларига нисбатланишади. Моликийларда ҳам аҳвол бундан ўзга эмас, уларнинг ҳам кейинги

(1) Бу киши имом, аллома, Садруддин Абул-Ҳасан Алий ибн Алоуддин Алий ибн Муҳаммад ибн Абул-Из ал-Ҳанафий ал-Азраъий ас-Солихий раҳимаҳуллоҳ бўлиб, заковатли ва зикр аҳли бўлган хонадонда улғайган, Ҳофиз Ибн Касирнинг шогирди ва Ибн Таймия, Ибн Қаййим раҳимаҳумулоҳ сўзларини қўллаб-қувватловчи бўлган.

даврдагилари фақат фикҳда у кишининг мазҳабига нисбатланиб, ақидада ундан умуман бегона бўлиб кетишган. Ундан ташқари ушбу ақидада ашъарийларга, яъни Абул Ҳасан ал-Ашъарийнинг аввалги давридаги фикри-мазҳабига эргашиб, у кишининг кейинги даврда қарор топган мазҳаби — аҳли сунна вал-жамоа мазҳабини тарк қиладиган кишиларга ҳам раддия бор. Умуман олганда мазкур нисбатланишлар ҳақиқий ҳисобланмайди, чунки мазкур имомларнинг мазҳабида бўлганлар аслида уларнинг ақидаларида бўлишлари лозим эди.

۱. نَقُولُ فِي تَوْحِيدِ اللَّهِ مُعْتَقِدِينَ بِتَوْفِيقِ اللَّهِ أَنْ اللَّهَ وَاحِدٌ لَا شَرِيكَ لَهُ.

1. Аллоҳнинг тавҳиди хусусида Аллоҳ тавфиқи ила эътиқод қилиб айтамызки: Аллоҳ яккадир, Унинг шериги йўқдир.

Луғатда «тавҳид» وَحْدٌ (ваҳҳада) феълнинг масдари бўлиб, бир нарсани ёлғизлаш, бир деб билиш маъносини англатади.

Шариатда эса ибодатда Аллоҳ субҳанаҳу ва таолони ёлғизлаш, яъни ёлғиз Унинг Ўзига ибодат қилиш ва Ундан бошқаларга сиғинишни тарк қилиш демақдир.

Аллоҳнинг Китоби ва пайғамбарининг Суннатига асосан тавҳид уч қисмдир. Аҳли сунна вал-жамоа мазҳаби иттифоқ қилган нарса шудир. Ким тўртинчи ё бешинчи қисмни зиёда қилса, у ўзи тарафидан қўшиб олган бўлади. Чунки имомлар тавҳидни Китобу Суннатга асосланиб уч қисмга бўлганлар. Ақида хусусида сўз борган оят ва ҳадислар мана шу уч қисмдан ташқарига чиқмайди:

Биринчи қисм: Рубубият тавҳиди, яъни Аллоҳ таолони яратиш, ризқ бериш, ҳаёт бахш этиш, ўлдириш, бутун

борлиқни бошқариш каби ишларида якка-ягона деб билиш, Роббул оламин бўлган У зот субҳанаҳу ва таолодан бошқа ҳеч қандай Роб — Тарбияткунанда йўқ деб этиқод қилиш.

Иккинчи қисм: Улуҳият тавҳиди ёки ибодат тавҳиди. Зеро, улуҳият маъноси Аллоҳ азза ва жаллага муҳаббат, қўрқув ва умид билан, буйруқларига итоат қилиш ва қайтариқларидан тийилиш билан ибодат қилиш, яъни Аллоҳ таолони Унинг Ўзи бандаларига машруъ қилган ишлар билан ёлғизлаш демақдир.

Учинчи қисм: Исм ва сифатлар тавҳиди, яъни Аллоҳ таоло Ўзи ёки Унинг пайғамбари соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳга исбот қилган (яъни У зотда бор эканини хабар берган) исм ва сифатларни исботлаш ва Унинг Ўзи ёки пайғамбари соллаллоҳу алайҳи ва саллам У зотни поклаган айб ва камчиликлардан У зотни пок санаш.

Аллоҳ таолонинг феъл-ишлари ҳақида сўз юритган ҳамма оятлар рубубият тавҳиди хусусидадир.

Ибодат, унга буюриш ва чақирриш ҳақида сўз юритган барча оятлар улуҳият тавҳиди хусусидадир.


Аллоҳ азза ва жалланинг исм ва сифатлари ҳақида сўз юритган барча оятлар исм ва сифатлар тавҳиди хусусидадир.

Мазкур уч қисмдан асосий мақсад улуҳият тавҳидидир. Чунки, пайғамбарлар айни шу тавҳидга даъват қилганлар, китоблар шу тавҳидни олиб тушган, шу тавҳидни рўёбга чиқариш учун, ибодат Аллоҳнинг ягона Ўзига қилиниши ва Ундан ўзгасига сиғинишни йўқ қилиш учун Аллоҳ йўлидаги жиҳодлар бўлган.

Рубубият тавҳидини ва шу жумладан исм ва сифатлар тавҳидини халқлардан биронтаси инкор қилмаган эди, буни Аллоҳ таоло кўп оятларда зикр қилган, кофирларнинг ҳам Аллоҳни яратувчи, ризқ берувчи, тирилтирувчи, ўлдирувчи, бутун борлиқни бошқарувчи деб иқроп бўлишларини, бу хусусда муҳолиф эмасликларини баён

қилган. Тавҳиднинг бу турига чекланиб қолиш инсонни жаннатга олиб киролмайди. Чунки, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам рубубият тавҳидига иқрор бўлиб турган кишиларга қарши жанг қилганлар, уларнинг қонларини ва молларини ҳалол санаганлар.

Агар рубубият тавҳидининг ўзи кифоя қилсайди, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларга қарши асло жанг қилмаган бўлардилар. Ва ҳатто пайғамбарлар юборилишига ҳожат ҳам қолмас эди. Демак, бу нарса далолат қиладики, асосий кўзланган мақсад улуҳият тавҳиди экан. Рубубият тавҳиди эса кишини у сари етаклайдиган йўлчи ва унга йўллайдиган белги-аломатдир. Шунинг учун Аллоҳ таоло Ўзининг ибодатига буюрган вақтда улуҳият тавҳидига бурҳон-ҳужжат қилиш ва рубубият-ни эътироф қилиб, улуҳиятни инкор қиладиган кофиру мушрикларни мулзам қилиш учун осмонлару ерни яратганлигини, бутун махлуқотининг ишларини Ўзи юргизиб туришини зикр қилган. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мушрикларга: *«Ла илаҳа иллаллоҳ»* (Бир Аллоҳдан ўзга барҳақ маъбуд йўқ) деглар», деганларида улар:



**«(Шунча) худоларни битта худо қилиб олибдими?!
Ҳақиқатан бу жуда қизиқ нарса!»** (Сод: 5), дейишди⁽¹⁾.

(1) Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Абу Толиб бетобланди, шунда Қурайш унинг ҳузурига келди, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам уникига келдилар, Абу Толибнинг олдида бир кишилик жой бор эди, Абу Жаҳл Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни у ерга ўтиришдан тўсиш мақсадида ўрнидан турди. Қурайш Абу Толибга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан шикоят қилишди. Шунда у: «Эй жиян, қавмингиздан нима истайсиз?» деди. «Мен улардан фақат битта калимани айтишларини истайман, ўша сабабли араблар уларга бўйсунди, ажамлар уларга жия (ўлпон) тўлайдиган бўлади», дедилар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам. «Фақат битта

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло айтади:

﴿ وَإِذَا ذُكِرَ اللَّهُ وَحْدَهُ اشْمَأَزَّتْ قُلُوبُ الَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِالْآخِرَةِ
وَإِذَا ذُكِرَ الَّذِينَ مِنْ دُونِهِ إِذَا هُمْ يَسْتَبْشِرُونَ ﴿٤٥﴾ ﴾

«Қачон ёлғиз Аллоҳ зикр қилинса, охиратга иймон келтирмайдиган кимсаларнинг диллари сиқилиб кетар. Қачон У зотдан ўзга бутлар зикр қилинганида эса баногоҳ улар шодланиб кетурлар» (Зумар: 45),

﴿ إِنَّهُمْ كَانُوا إِذَا قِيلَ لَهُمْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ يَسْتَكْبِرُونَ ﴿٣٥﴾ وَيَقُولُونَ إِنَّا لَتَارِكُوا
الْهَيْهَاتَ لِشَاعِرٍ مَجْنُونٍ ﴿٣٦﴾ ﴾

«Улар ўзларича: «Ҳеч қандай барҳақ илоҳ йўқ, магар ёлғиз Аллоҳгина барҳақдир», дейилган вақтда кибр-ҳаво қилган эдилар. Ва улар «Ҳали бизлар бир мажнун шоирни деб худоларимизни тарк қилар эканмизми?» дер эдилар» (Вас-соффат: 35, 36).

Улар улуҳият тавҳидини хоҳлашмас, маъбудлар кўп бўлишини ва ҳар ким ўзи истаган маъбудига сиғинишини истардилар.

Буни билиш жуда муҳим, чунки аввалда ҳам, ҳозирда ҳам адашган фирқалар фақат рубубият тавҳидига аҳамият қаратишади, улар наздида банда агар Аллоҳнинг яратув-

калима-ми?», деб сўради Абу Толиб, «Ҳа, фақат битта калима» — дедилар Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам — *эй амаки, «Ла илаҳа иллаллоҳ» (бир Аллоҳдан ўзга барҳақ маъбуд йўқ) дейишларини истайман».* «Нима! битта маъбуд?! Бизлар бу ҳақда (яъни Аллоҳнинг яқкаю ягона эканлиги ҳақида) **сўнгни миллат — динда**(ги одамлардан ҳам, яъни Исломдан аввалги сўнгни дин бўлмиш Насроний динидаги одамлардан ҳам) **эшитган эмасмиз. Бу фақат бир уйдирмадир, холос**», дейишди. Шунда улар ҳаққида «Сод» сурасининг 1-7 оятлари нозил бўлди «Термизий ривоят қилган ва «ҳасан, саҳиҳ ҳадис» деган, шайх Аҳмад Шокир ҳам саҳиҳ санаган (2008).

чи ва ризқ берувчи эканини тан олса бас, уни мусулмон деб билишади, бу нарсани ақидаларида битиб қўйишган. Мутакаллимларнинг (яъни калом ва фалсафа аҳлининг) ақидалари рубубият тавҳидини таҳқиқ қилиш ва унга далиллар келтиришдан нарига ўтмайди.

Ҳолбуки, бунинг ўзи кифоя қилмайди, балки улуҳият тавҳиди бўлиши зарур. Аллоҳ таоло:

﴿وَلَقَدْ بَعَثْنَا فِي كُلِّ أُمَّةٍ رَّسُولًا أَنِ اعْبُدُوا اللَّهَ وَاجْتَنِبُوا الطَّاغُوتَ﴾

«Аниққи, Биз ҳар бир умматга: «Аллоҳга ибодат қилинглр ва Тоғут (Аллоҳдан ўзга ибодат қилинадиган ҳар бир нарса) дан йироқ бўлинглр», (деган ваҳий билан) бир пайғамбар юборганмиз» (Наҳл: 36) дейди ва одамларни Аллоҳнинг ибодатига, яъни улуҳият тавҳидига буюради. Яна У зот шундай дейди:

﴿وَمَا أَرْسَلْنَا مِنْ قَبْلِكَ مِنْ رَّسُولٍ إِلَّا نُوحِي إِلَيْهِ أَنَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا أَنَا فَاعْبُدُونِ﴾

«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), Биз сиздан илгари юборган ҳар бир пайғамбарга ҳам: «Ҳеч қандай барҳақ илоҳ йўк, магар Менгина Ҳақдирман, бас Менгина ибодат қилинглр», деб ваҳий юборгандирмиз» (Анбиё: 25),

﴿وَاعْبُدُوا اللَّهَ وَلَا تُشْرِكُوا بِهِ شَيْئًا﴾

«Аллоҳга бандалик қилинглр ва Унга ҳеч нарсани шерик қилманглр!» (Нисо: 36).

Барча оятлар улуҳият тавҳидига буюради ва унга чорлайди. Барча пайғамбарлар улуҳият тавҳидига даъват қилганлар, умматларини унга буюрганлар ва ширкдан қайтарганлар. Тавҳиддан асосий мақсад ва ғоя ҳам шу ўзи

аслида. Исм ва сифатлар тавҳидига келсак, жаҳмийя, муъ-тазила ва ашъарийлар каби бидъат аҳли уни ўзаро баъзи фарқлар билан инкор қилишган.

«Аллоҳнинг тавҳиди хусусида Аллоҳ тавфиқи ила эътиқод қилиб айтамизки (яъни аҳли сунна вал-жамоа айтадики): **“Аллоҳ яккадир, Унинг шериги йўқдир”**», — дейди муаллиф.

Ақида ва тавҳиднинг маъноси бир, хоҳ ақида деб, хоҳ тавҳид деб, хоҳ иймон деб номлансин, номлари турлича бўлгани билан маъноси биттадир.

«Аллоҳ тавфиқи ила» деган сўзларидан мурод — Аллоҳ азза ва жаллага таслим бўлиш, Унга тазарруъ қилиш, куч-қувватни фақат Унга хослашдир. Инсон ўзига юқори баҳо бермаслиги, балки «Аллоҳнинг тавфиқи билан», «Аллоҳнинг хоҳиш-иродаси билан», «Аллоҳнинг қудрати билан» демоғи лозим, уламолар раҳимаҳумуллоҳнинг одоблари шундай.

«Аллоҳ яккадир, Унинг шериги йўқдир» — Тавҳид шудир, У зот Ўзининг рубубиятида ягона, улуҳиятида ягона, исм ва сифатларида ягона.

۲. **ولا شَيْءٌ مِّثْلَهُ.**

2. Унга ўхшаш ҳеч нарса йўқ.

Бу Аллоҳ таолонинг:

﴿لَيْسَ كَمِثْلِهِ شَيْءٌ﴾

«Бирон нарса У зотга ўхшаш эмасдир» (Шуро: 11),

﴿وَلَمْ يَكُنْ لَهُ كُفُوًا أَحَدٌ﴾

«Ва ҳеч ким У зотга тенг эмасдир» (Ихлос: 4),

﴿فَلَا تَجْعَلُوا لِلَّهِ أَنْدَادًا وَأَنْتُمْ تَعْلَمُونَ﴾

«Бас билиб туриб ўзгаларни Аллоҳга тенглаштирманг»

(Бақара: 22),

﴿هَلْ تَعْلَمُونَ لَهُ سَمِيًّا﴾

«Унинг учун бирон «тенг»ни билурмисиз?! (Йўқ! Бил-массиз!)» (Марям:65) оятларидан олинган. Зеро, махлуқотга ўхшатилиш ва тенглаштирилиш Аллоҳ таоло шаънига муносиб эмас.

Махлуқотидан ҳеч бирови У зотга ўхшаш эмас. Аллоҳ таоло учун У зот Ўзига исбот қилган нарсани исбот қилишимиз ва шундай эътиқод қилишимиз, махлуқотидан биронтасини Унга ўхшатмаслигимиз, тенг кўрмаслигимиз вожиб. Бунда Аллоҳ таолони махлуқотига ўхшаш деб эътиқод қиладиган ва холиқ билан махлуқ ўртасини фарқламайдиган ботил мазҳаб эгалари мушаббиха (Аллоҳнинг сифатларини махлуқларникига ўхшаш деб эътиқод қиладиган ташбеҳ аҳли)га раддия бор.

Унинг муқобилида Аллоҳни поклаймиз деб ғулув кетиб қолган ва ташбеҳ аҳлидан бўлиб қолишдан қочиб ҳатто Аллоҳ таоло Ўзига исботлаган исм ва сифатларни ҳам У зотга нисбатан рад қиладиган муъаттила (таътил аҳли, Аллоҳни айбу нуқсонлардан поклаш даъвоси билан Унинг собит исм-сифатларини йўққа чиқарувчи) лар туради.

Ҳар икки тоифа аҳли ғулув кетди (ҳаддан ошди), таътил аҳли (йўққа чиқарувчилар) поклашда ва ўхшашликни рад қилишда ғулув кетди, ташбеҳ аҳли (ўхшатувчилар) исботда ғулув кетди. Аҳли сунна вал-жамоа ўрта йўлни тутди. Улар Аллоҳ таоло Ўзига исботлаган нарсаларни Унинг жалолати-буюклигига муносиб равишда, ташбеҳсиз ва таътилсиз, Аллоҳ таолонинг Ўзи:

﴿لَيْسَ كَمِثْلِهِ شَيْءٌ وَهُوَ السَّمِيعُ الْبَصِيرُ﴾ (11)

«Бирон нарса У зотга ўхшаш эмасдир, У эшитувчи ва кўриб турувчидир» (Шуро: 11) деганидек Унга исботладилар, «Бирон нарса У зотга ўхшаш эмасдир» ибораси ташбеҳни рад қилади, «У эшитувчи ва кўриб турувчидир» ибораси эса таътилни рад қилади. Бу аҳли сунна вал-жамоа ушлаган мазҳабдир.

Шунинг учун айтиладики: «Муаттил йўқ нарсага ибодат қилади, мушаббих бут-санамга ибодат қилади, муваҳхид эса Ягона ва Сомад (беҳожат зот)га ибодат қилади».

۳. **ولا شيء يُعجزُهُ.**

3. Уни ҳеч нарса ожиз қолдирмайди.

Бу У зотнинг мукамал куч-қудратини исботлашдир. Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَهُوَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ﴾ (120)

«У ҳамма нарсага ўта қодирдир» (Моида: 120).

﴿وَكَانَ اللَّهُ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ مُّقْنِدًا﴾ (45)

«Аллоҳ ҳамма нарсага қодир бўлган зотдир» (Каҳф: 45).

﴿إِنَّهُ كَانَ عَلِيمًا قَدِيرًا﴾ (44)

«Зотан У билим ва қудрат эгаси бўлган зотдир» (Фотир: 44).

У зот ўта қудратли, Унинг қудратини ҳеч ким ва ҳеч нарса ожиз қила олмайди, У бир нарсанинг бўлишини истаса: «Бўл!», деса кифоя, у ўша заҳоти вужудга келади.

Ушбу иборада Аллоҳ азза ва жалланинг қудратини, унинг бепоёнлигини ва ҳамма нарсага етишини исботлаш бордир.

Аммо айримлар айтадиган: «Аллоҳ хоҳлаган нарсасига қодир» деган сўз хато, чунки Аллоҳ қудратини хоҳиш-истагига боғлаб қўймаган, балки У зотнинг Ўзи: «**У ҳамма нарсага ўта қодир**» демоқда. Шундай экан, сиз ҳам Унинг Ўзи айтган иборани айтишингиз тўғри бўлади. Ҳалиги иборани улар Аллоҳ таолонинг:

﴿ وَمِنْ آيَاتِهِ خَلْقُ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَمَا بَيْنَهُمَا مِنْ دَابَّةٍ وَهُوَ عَلَىٰ جَمْعِهِمْ إِذَا يَشَاءُ قَدِيرٌ ﴾ ﴿٢٩﴾

«Осмонлар ва Ернинг яратилиши ҳамда (Аллоҳ) уларда тарқатиб-ёйиб юборган жониворлар Унинг (қудрати илоҳиясига далолат қиладиган) **оят-аломатларидандир. У Ўзи хоҳлаган вақтида уларни жамлаб-йиғиб олишга қодирдир**» (Шуро: 29) деган сўзидан олиб айтишади. Бирок, бу уларни йиғиб олишнинг келажакда У зот тарафидан тайин қилинган маълум вақти бор, ўша вақт келганда Аллоҳ таоло уларни йиғиб олишга қодир, деганидир.

٤. وَلَا إِلَهَ غَيْرُهُ.

4. Ундан ўзга барҳақ илоҳ-маъбуд йўқ.

Бу улуҳият тавҳидидир. Ундан ўзга ибодатга сазовор барҳақ маъбуд йўқ.

Агар «**لا معبود إلا هو**» «Ундан ўзга маъбуд йўқ» десак, бу хато бўлади. Чунки дунёда Аллоҳ таолодан бошқа маъбудалар кўп. «**لا معبود إلا الله**» «Аллоҳдан бошқа маъбуд йўқ», десак барча маъбудаларнинг ўзи Аллоҳ, деган бўламиз.

Бу эса ваҳдатул-вужуд мазҳабининг сўзидир. Уни айтаётган киши шундай эътиқодда айтаётган бўлса, у ваҳдатул-вужуд аҳлидан бўлади. Агар ундай эътиқодда айтмаётган бўлса, бировдан эшитиб, тақлидан айтаётган бўлади. У ҳолда хато қилган бўлади ва унинг хатосини тузатиш лозим бўлади. Айримлар намознинг бошлаш-истифтоҳ дуосида: «*Вала маъбуда ғойрук*» «Сендан ўзга маъбуд йўқ» дейишади⁽¹⁾. Аслида, Аллоҳ таоло барҳақ (ҳақиқий) маъбуд, ўзга маъбудлар эса ботил маъбудлардир. Аллоҳ таоло айтади:

﴿ ذَٰلِكَ بِأَنَّ اللَّهَ هُوَ الْحَقُّ وَأَنَّ مَا يَدْعُونَ مِن دُونِهِ هُوَ الْبَاطِلُ
وَأَنَّ اللَّهَ هُوَ الْعَلِيُّ الْكَبِيرُ ﴾

«Бунга (яъни Аллоҳ мазлумга ёрдам қила олишига) сабаб Аллоҳнинг Ўзигина ҳақиқий Илоҳ экани ва сизлар Уни қўйиб илтижо қилаётганлар эса ботилнинг ўзи экани, ҳамда, шак-шубҳасиз, Аллоҳ Ўзигина энг юксак ва буюк зот эканлигидир» (Ҳаж: 62).

۵. قَدِيمٌ بِلَا اِبْتِدَاءٍ، دَائِمٌ بِلَا اَنْتِهَاءٍ.

5. У ибтидосиз «Қадим» ва интиҳосиз «Доим» (ҳамиша мавжуд) Зотдир.

Бунга Аллоҳ таолонинг:

﴿ هُوَ الْأَوَّلُ وَالْآخِرُ وَالظَّاهِرُ وَالْبَاطِنُ ﴾

(1) Аммо истифтоҳ дуосида «вала илаҳа ғойрук» дейилса бўлаверади. Бу ерда «илаҳа» калимаси ўрнига «маъбуда» калимасини қўйиб айтиш ҳақида гап кетган. Буни яхши фикрланг. /И.Н./

«У Аввалдир, Охирдир, Зоҳирдир, Ботиндир» (Ҳадид: 3) ояти ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Сен Аввалсан, Сендан аввал бирон нарса йўқ, Сен Охирсан, Сендан сўнг бирон нарса йўқ» деган сўзлари⁽¹⁾ далил бўлади.

Лекин «қадим» калимаси фақат Аллоҳ азза ва жалла ҳақида хабар бериш учунгина истеъмол қилинади, У зотни бундай исм билан аталмайди, чунки Унинг исмлари ичида «Қадим» эмас, «Аввал» исми келган. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам: «Сен Аввалсан, Сендан аввал бирон нарса йўқ», деганлар.

Лекин муаллиф бунинг эҳтиётини қилиб: «**Ибтидосиз қадим**» деган, агар мутлақ «**қадим**» дебгина қўйганида маъно тўғри бўлмас эди.

6. لَا يَفْنَى وَلَا يَبِيدُ.

6. У фоний эмас ва ҳалок бўлмайди.

Фонийлик ва ҳалок бўлиш бир маънода. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло абадий ва боқий ҳаёт билан сифатланувчи Зотдир. Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَتَوَكَّلْ عَلَى الْحَيِّ الَّذِي لَا يَمُوتُ﴾


«Ўлмайдиган тирик Зотга таваккул қилинг!» (Фурқон: 58).

Аллоҳга фонийлик етмайди. Аллоҳ таоло айтади:

﴿كُلُّ شَيْءٍ هَالِكٌ إِلَّا وَجْهَهُ﴾

(1) Имом Муслим ривояти (2713).

«Барча нарса ҳалок бўлувчидир, магар Унинг Ўзигина (мангудир)» (Қасас: 88).



«(Ер) юзидаги барча жонзот фонийдир. Буюклик ва карам соҳиби бўлган Парвардигорингизнинг юзи — Ўзигина боқий мангу қолур» (Ар-Раҳмон: 26, 27).

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло мангу ва боқийдир. Махлуқотлар ўладилар, кейин қайта тирилтириладилар. Улар аввалда йўқ эдилар, Аллоҳ субҳанаҳу уларни яратди, кейин ўладилар, кейин яна Аллоҳ субҳанаҳу уларни қайта тирилтиради.

Аллоҳ таоло ибтидоси ҳам, интиҳоси ҳам йўқ бўлган Зотдир.

۷. وَلَا يَكُونُ إِلَّا مَا يُرِيدُ.

7. Фақат У хоҳлаган нарсагина бўлади.

Бунда қадарни исботлаш ва Аллоҳнинг иродасини исботлаш бордир. У зотнинг мулкида ва У зотнинг махлуқотида фақат У кавний ирода⁽¹⁾ билан ирода қилган ҳодиса ва воқеалар содир бўлади:

(1) Уламолар ирода сўзини икки маънога бўлиб тушунтирадилар:

1. Кавний қадарий ирода. Борлиқдаги яхши ва ёмон иш-ҳолатларнинг ҳаммаси Аллоҳнинг мана шу иродасига кўра амалга ошади, бу ирода билан Аллоҳнинг ўша ишни яхши кўриши ё ёмон кўриши ўртасида мулозамат — алоқа йўқ. Балки, куфру иймон, тоату исёнлар, рози бўлинган ва яхши кўрилганлар ҳам, ёмон кўрилганлар ҳам унинг ичига кираверади. Бу иродадан ҳеч ким на ташқарига чиқа олади, на қочиб кутулади.

2. Аллоҳ яхши кўрган ва рози бўлган ишларга хос бўлган диний шаръий ирода. Аллоҳ таоло бандаларига буйруқларини шу иродага кўра қилади (тарж.).

﴿ إِنَّمَا أَمْرُهُ إِذَا أَرَادَ شَيْئًا أَنْ يَقُولَ لَهُ كُنْ فَيَكُونُ ﴾

«Бирон нарсани (яратишни) ирода қилган вақтида Унинг иши фақатгина «Бўл», демоқлигидир. Бас у (наrsa) бўлур — вужудга келур» (Ёсин: 82). Ҳар бир яхшилик ва ҳар бир ёмонлик Аллоҳнинг кавний иродаси билан бўлиб, Унинг иродасидан ташқари эмас. Бунда қадарни инкор қилувчи ва банда ўзининг феълини ўзи яратади ва вужудга келтиради, деб даъво қилувчи қадарийларга раддия бор. Аллоҳ улар айтаётган нарсалардан олийдир. Уларнинг бу сўзлари Аллоҳни ожиз санаш ва Унинг махлуқотида У хоҳламаган нарсалар ҳам бўлаверади, дейишдир, бу эса У зотни нуқсон билан сифатлашдир. Аслида, борлиқдаги ҳар бир яхши иш ҳам, ёмон иш ҳам Унинг иродаси билан бўлиб, яхшиликни ҳам, ёмонликни ҳам ҳикмат учун яратади. Ёмонлик У зотнинг яратиши жиҳатидан ёмонлик эмас, чунки унинг остида катта ҳикмат ва улкан мақсад бор, яъни у синов ва имтиҳон учун, пок ва нопокни ажратиш учун, яхши амалларга мукофот ва ёмон амалларга жазо берилиши учундир, бу борада Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг етук ҳикматлари мавжуд, У бу нарсаларни бекорга яратмаган.

۸. لَا تَبْلُغُهُ الْأَوْهَامُ وَلَا تُدْرِكُهُ الْأَفْهَامُ.

8. Унинг ҳақиқатига гумону хаёллар етолмайди, Унинг моҳиятини ақл идрок қилолмайди.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таолони тўлалигича билиш ва идрок қилиш имконсиз, У зот барча нарсадан буюқдир:

﴿ يَعْلَمُ مَا بَيْنَ أَيْدِيهِمْ وَمَا خَلْفَهُمْ وَلَا يُحِيطُونَ بِهِ ۗ عَلِيمًا ﴾

«У зот уларнинг олдиларидаги ва ортларидаги бор нарсани билади. Улар эса У зотни била олмаслар» (Тоҳа: 110). Аллоҳ таолони таниш мумкин, бироқ У зот субҳанаҳу ва таолони тўлалигича билиш имконсиз, У ҳамма нарсадан катта, Уни фикр билан тасаввур қилишнинг иложи йўқ, инсон Аллоҳ ҳақида фақат Унинг Ўзи ёки пайғамбари соллаллоҳу алайҳи ва саллам У ҳақда айтган нарсаларнигина айтиши лозим.

۹. **وَلَا يُشَبِّهُهُ الْآنَامُ.**

9. У махлуқларга ўхшамайди.

Бу юқорида ўтган «Унга ўхшаш ҳеч нарсa йўқ» иборасига ўхшагандир. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло махлуқотларга ўхшашдан олий ва покдир:

﴿لَيْسَ كَمِثْلِهِ شَيْءٌ وَهُوَ السَّمِيعُ الْبَصِيرُ﴾ (۱۱)

«Бирон нарсa У зотга ўхшаш эмасдир, У эшитувчи ва кўриб турувчидир» (Шуро: 11),

﴿وَلَمْ يَكُنْ لَهُ كُفُوًا أَحَدٌ﴾ (۴)

«Ва ҳеч ким У зотга тенг эмасдир» (Ихлос: 4). Гарчи Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг исм ва сифатлари махлуқотларининг исм ва сифатларига лафз ва маънода ўхшаш эса-да, ҳақиқатда ва кайфият жихатидан улар ўртасида ҳеч қандай ўхшашлик мавжуд эмас.

۱۰. **حَيٌّ لَا يَمُوتُ.**

10. Ўлмайдиган тирикдир.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло мангу тирикдир. Унинг тириклиги на бир нуқсон ва на уйқу олмас комил ҳаётдир:

﴿ اللَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الْحَيُّ الْقَيُّومُ لَا تَأْخُذُهُ سِنَّةٌ وَلَا نَوْمٌ ﴾

«Аллоҳдан ўзга ҳеч қандай барҳақ маъбуд йўқ. Фақат Унинг ўзи ҳақдир. У тирик ва абадий турувчидир. Уни на мудроқ, на уйқу олмайди» (Бақара: 255),

﴿ وَتَوَكَّلْ عَلَى الْحَيِّ الَّذِي لَا يَمُوتُ ﴾

«Ва ўлмайдиган тирик Зотга таваккул қилинг» (Фурқон: 58). Унинг ҳаёти комил ҳаёт бўлиб, Ўзига уйқу ва мудроқ етишини рад этди⁽¹⁾, Ўзига ўлим келишини рад этди⁽²⁾. Уйқу, мудроқ ва ўлим тирикликдаги нуқсон бўлиб, улар махлуқлар сифатидан. Махлуқлар тириклиги ноқис, улар ухлайдилар, ўладилар.

Уйқу махлуқнинг ҳаққида комиллик, холиқнинг ҳаққида эса нуқсондир. Чунки, ухламайдиган одамни касалликка чалинган деб эътибор қилинади. Бу эса холиқнинг сифатлари билан махлуқнинг сифатлари ўртасидаги фарқни кўрсатади. «Тирик ва абадий турувчи» деган икки сифат Аллоҳ таолонинг «... **У тирик ва абадий турувчидир**» (Бақара: 255) оятидан олинган.

(1) Абу Мусо розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам бизга хутба қилиб, беш нарсани айтдилар: «Албатта Аллоҳ азза ва жалла ухламайди, ухлаш Унга муносиб эмас...» (Имом Муслим ривояти: 179).

(2) Ибн Аббос розияллоху анхумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Эй Аллоҳ! Сенга бўйсундим, Сенга иймон келтирдим, Сенга таваккул этдим, Сенга тавба қилдим, Сен учун (ёки Сенинг мададинг билан) талашдим-ёмон кўрдим. Эй Аллоҳ! Мен Сенинг азизлигингни, Сендан ўзга барҳақ маъбуд йўқлигини восита қилиб, мени адаштиришингдан паноҳ тилайман. Сен ўлмайдиган тирик зотсан, жинлар ва инсонлар ўладилар» (Имом Муслим ривояти: 2717).

11. قَيُّوْمٌ لَا يَنَامُ .

11. Ухламайдиган қайюмдир.

Қайюм — ўзи турувчи ва ўзгаларни тургизувчи деганидир. У Ўзи абадий турувчи, бирон нарсага муҳтож эмас, барча нарсадан беҳожат. Бошқаларни ҳам тургизиб, тутиб турувчи, ҳамма нарса Унга муҳтож ва ўзининг туришида Унинг тургизишига эҳтиёжли. Агар осмонлару ерни ва барча махлуқотни Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло тутиб турмаса эди, улар вайрон ва йўқ бўлиб кетган бўларди. Бироқ, уларни Аллоҳ таоло тутиб туради, асрайди ва уларга салоҳият (яроқлилик) бахш этиб туради. Демак, барча махлуқот Унга муҳтож:

﴿إِنَّ اللَّهَ يُمَسِكُ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضَ أَنْ تَزُولَا وَلَئِن زَالَتَا إِنْ أَمْسَكَهُمَا مِنْ أَحَدٍ مِنْ عِبَادِهِ﴾

«Албатта Аллоҳ осмонлар ва ерни қулаб тушишдан ушлаб-асраб турур. Аниқки агар улар қуласалар, У зотдан сўнг (яъни Аллоҳдан ўзга) бирон кимса уларни тутиб тура олмас» (Фотир: 41).

12. خَالِقٌ بِلَا حَاجَةٍ، رَازِقٌ بِلَا مُؤْنَةٍ .

12. Бирон ҳожати бўлмайд туриб яратувчи ва қийинчиликсиз ризқ берувчидир.

У махлуқотларни яратди, аслида уларни яратишга Унинг ҳеч қандай эҳтиёжи йўқ эди. Уларни фақат Ўзининг ибодати учун яратди:

﴿وَمَا خَلَقْتُ الْجِنَّ وَالْإِنْسَ إِلَّا لِيَعْبُدُونِ﴾

«Мен жин ва инсни фақат Ўзимга ибодат қилишлари учунгина яратдим» (Ваз-зарият: 56). Махлуқотларга бирон ҳожати борлиги учун, улардан мадад, ёрдам ва кўмак олиш учун ёки уларнинг химоясига муҳтож бўлгани учун яратмади, балки фақат Ўзига сиғинишлари учунгина яратди. Улар ўзларини Аллоҳга боғлайдиган, тилакларини Унга етказадиган ибодатга муҳтожлар. Ибодат банда билан Робби ўртасидаги алоқа воситаси бўлиб, у бандани Роббига яқинлаштиради ва у сабабли Аллоҳнинг ажру мукофотларини қўлга киритади. Демак, ибодатга махлуқотлар муҳтож, Аллоҳ азза ва жалланинг унга ҳеч қандай эҳтиёжи йўқ.

﴿إِن تَكْفُرُوا أَنْتُمْ وَمَنْ فِي الْأَرْضِ جَمِيعًا فَأِنَّ اللَّهَ لَغَنِيٌ حَمِيدٌ﴾

«Агар сизлар ўзингиз ва Ер юзидаги барча кишилар кофир бўлсалар ҳам (Аллоҳга бирон зиён етказа олмай-сизлар). Зеро, Аллоҳ (сизларнинг шукр қилишингиздан) беҳожат, ҳамду сано эгасидир» (Иброҳим: 8),

﴿إِن تَكْفُرُوا فَأِنَّ اللَّهَ غَنِيٌ عَنْكُمْ﴾

«Агар сизлар кофир бўлсангизлар, бас албатта Аллоҳ сизлардан беҳожатдир» (Зумар: 7).

У қийинчиликсиз ризқ берувчи, яъни бандаларига бераётган ризқи Унинг мулкидан бирон нарсани камайтиролмайди.

۱۳. مُمِيتٌ بِلَا مَخَافَةٍ.

13. Қўрқмасдан жон олувчидир.

Яъни, жонзотларнинг ажаллари етганда улардан қўрққанидан эмас, балки Ўзининг ҳикматига биноан улар-

ни вафот эттиради. Чунки дунё ҳаётининг ниҳояси бор, охират ҳаёти эса бениҳоядир. Махлуқотларни ўлдириши улардан (бирон зарар етиб қолишидан) қўрққанидан ёки улар(нинг ишларини бошқариш)дан дам олиш учун эмас. Гарчи У зотга кофир бўлишса-да, уларнинг куфрлари билан У ҳеч қандай зарар кўрмайди, аксинча фақат уларнинг ўзлари зиён қилишади. Бироқ, шундай бўлса-да, У зот уларнинг тавбалари билан хурсанд бўлади. Чунки, У уларга фақат яхшилик истайди. Шунинг учун уларнинг тавбаларига асло эҳтиёжи бўлмаса ҳам, уларга меҳрибонлиги туфайли тавба қилишларидан хурсанд бўлади.

۱۴. **بَاعِثْ بِلَا مَسْقَةٍ.**

14. **Машаққатсиз қайта тирилтирувчидир.**

Бу Аллоҳ қудратининг ажойиботлариданки, У махлуқотларни ўлдиради, улар йўқ бўлиб, тупроққа айланиб кетишади, ҳатто жоҳил одам: энди улар яна қайта одам шаклига келишлари асло мумкин эмас, деб ўйлайди. Лекин Аллоҳ азза ва жалла уларни қайтадан тирилтиради ва янгитдан яратади. Бунинг У зот учун ҳеч қандай машаққатли жойи йўқ. Аллоҳ таоло айтади:

﴿ مَا خَلَقَكُمْ وَلَا بَعَثُكُمْ إِلَّا كَنَفْسٍ وَاحِدَةً ﴾

«(Эй инсонлар), **сизларни** (барчангизни аввал бошда) **яратиш ҳам**, (қиёмат кунда) **қайта тирилтириш ҳам худди бир жонни** (яратиш ва қайта тирилтиришнинг) **ўзгинасидир** (яъни шу қадар осондир)» (Луқмон: 28),

﴿ وَهُوَ الَّذِي يَبْدَأُ الْخَلْقَ ثُمَّ يُعِيدُهُ وَهُوَ أَهْوَبُ عَلَيْهِ وَلَهُ الْمَثَلُ الْأَعْلَى فِي السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَهُوَ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ ﴾

«У аввал бошда Ўзи яратиб, сўнгра (қиёмат кунда) Ўзи яна қайта яратадиган зотдир. (Қайта яратиш — тирилтириш) У зотга жуда осондир. Осмонлар ва ердаги энг юксак хислат (яъни Яккаю-Ягоналик) Уникидир. У қудрат ва ҳикмат эгасидир» (Рум: 27).

Мушриклар қайта тирилишни ақлдан узоқ санаб, инкор қилишди. Аллоҳ таоло айтади:

﴿ وَضَرَبَ لَنَا مَثَلًا وَنَسِيَ خَلْقَهُ، قَالَ مَنْ يُحْيِ الْعِظْمَ وَهِيَ رَمِيمٌ ﴿٧٨﴾ قُلْ يُحْيِيهَا الَّذِي أَنشَأَهَا أَوَّلَ مَرَّةٍ وَهُوَ بِكُلِّ خَلْقٍ عَلِيمٌ ﴿٧٩﴾ ﴾

«У Бизга «Чириб битган суякларни ким ҳам тирилтира олур?» деб, мисол келтирди-ю, (аммо) ўзининг (бир томчи сувдан) яралганини унутиб қўйди. (Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), айтинг: «У (чириган суяк)ларни дастлаб (бир томчи сув)дан пайдо қилган зотнинг Ўзи қайта тирилтирур. У (Ўзи яратган) барча махлуқотни билувчидир» (Ёсин: 78, 79).

Даставвал, умуман вужуди бўлмаган нарсани Аллоҳ таоло йўқдан бор қилди. Йўқдан бор қилган Зот уни яна қайта вужудга келтиришга қандай қодир бўлмасин?! Бу ақл тарозусига солиб кўрилгандаги гап. Аслида, Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг қудрати махлуқотига қараб ўлчанмайди. Бу бир мисол тариқасида келтирилди, холос:

﴿ وَ لَهُ الْمَثَلُ الْأَعْلَى ﴾

«Энг юксак хислатлар Уникидир» (Рум: 27). Анави инкор қилувчи кимса ўзининг аввалда йўқдан бор бўлганини унутди:

﴿ هَلْ أَتَى عَلَى الْإِنْسَانِ حِينٌ مِّنَ الدَّهْرِ لَمْ يَكُنْ شَيْئًا مَّذْكُورًا ﴿١﴾ ﴾

«Аниқки, инсоннинг устига замондан у тилга олгулик бир нарса бўлмаган вақт-муддат ҳам келгандир» (Инсон: 1). Аллоҳ уни йўқликдан вужудга келтирди. Унинг Ўзи сочилиб кетган суякларни, майдаланиб кетган этларни, тўзиб кетган соч-туқларни, тупроққа айланиб кетган таналарни аввал қандай бўлса, ўшандай ҳолга қайтаради:

﴿وَمِنَ آيَاتِهِ أَنْ تَقُومَ السَّمَاءُ وَالْأَرْضُ بِأَمْرِهِ ثُمَّ إِذَا دَعَاكُمْ دَعْوَةً مِّنَ الْأَرْضِ إِذَا أَنْتُمْ تَخْرُجُونَ ﴿٢٥﴾﴾

«Унинг оятларидан (яна бири) — осмон ва ер У зотнинг амри билан (фазода муаллақ) туришидир. Сўнгра (қиёмат қойим бўлганида) У сизларни (ётган) ерларингиздан бир бор чақирishi билан барчангиз бирдан (ҳисоб-китоб учун) чиқарсизлар» (Рум: 25).

﴿وَنُفِخَ فِي الصُّورِ فَصَعِقَ مَنْ فِي السَّمَوَاتِ وَمَنْ فِي الْأَرْضِ إِلَّا مَنْ شَاءَ اللَّهُ ثُمَّ نُفِخَ فِيهِ أُخْرَىٰ فَإِذَا هُمْ قِيَامٌ يَنْظُرُونَ ﴿٦٨﴾﴾

«Сур чалинди-ю, осмонлар ва ердаги бор жонзот ўлди, магар Аллоҳ хоҳлаган зотларгина (тирик қолдилар). Сўнгра у иккинчи бор чалинди-да, баногоҳ улар (яъни барча халойиқ қайта тирилди, қабрларидан) туриб, (Аллоҳнинг амрига) кўз тутарлар» (Зумар: 68). Биринчиси барча жонзотни жонсиз қиладиган чалиниш бўлса, иккинчиси қайта тирилтириш чалинишидир.

﴿وَنُفِخَ فِي الصُّورِ فَإِذَا هُمْ مِنَ الْأَجْدَاثِ إِلَىٰ رَبِّهِمْ يَنْسِلُونَ ﴿٥١﴾ قَالُوا يَا بُولُوكُنَّا مِن بَعْثِنَا مِن مَّرْقَدِنَا هَذَا مَا وَعَدَ الرَّحْمَنُ وَصَدَقَ الْمُرْسَلُونَ ﴿٥٢﴾﴾

«(Қиёмат соати келиб фаришта Исрофилнинг) сури чалиниши билан баногоҳ улар қабрларидан Парвардигорлари хузурига (ҳисоб-китоб учун) суғурилиб чиқурлар. Улар: «Эй бизларга ўлим бўлсин! Ким бизларни ётган жойимиздан (қабрларимиздан) турғазди?» деганларида, (уларга айтилу): «Мана шу Раҳмон ваъда қилган ва пайғамбарлар рост сўзлаган нарса (Қиёмат)дир»» (Ёсин: 51, 52).

Аллоҳ ҳамма нарсага қодир. Бу Аллоҳ таолони ўликларни тирилтиришдан ва аввал қандай бўлган бўлсалар шу ҳолга қайтаришдан ожиз санайдиган кофирларга раддиядир.

Аллоҳ таоло айтади:

﴿ أَيَحْسَبُ الْإِنْسَانُ أَنْ نَجْمَعَ عِظَامَهُ، ﴿٣﴾ بَلَىٰ قَدَرِينِ عَلَيَّ أَنْ نُسَوِّيَ بَنَانَهُ، ﴿٤﴾ ﴾

«Инсон Бизни унинг (чириб, тупроққа айланиб кетган) суякларини ҳаргиз тўплай олмас, деб гумон қилурми?! Йўқ, Биз унинг бармоқ (уч) ларини (ҳам) тиклаб-жойига келтиришга қодир бўлган зотдирмиз!» (Киёмат: 3, 4).

﴿ يَوْمَ يُخْرِجُونَ مِنَ الْأَجْدَاثِ سِرَاعًا كَانْتَهُم إِلَىٰ نُصَبٍ يُوَفُّونَ ﴿٤٣﴾ ﴾

«У Кунда улар гўё (ўзлари сиғинадиган) бутларга қараб чопишаётгандек шошилган, кўзлари (қуйига) эгилган, хорлик уларни ўраб-эгаллаб олган ҳолларида қабрларидан чиқиб келурлар!» (Маориж: 43).

Бу Аллоҳнинг қудрати, иродаси, хоҳиш-истагидир, Уни ҳеч ким ва ҳеч нарса ожиз қолдиролмайди. Лекин айрим жоҳиллар Аллоҳни махлуқотларга қиёслаб туриб, қайта турғизишни ақлдан узоқ санашади, чунки уларнинг назарида бу имконсиз иш саналади. Улар Аллоҳнинг қудратига назар қилишмайди, Аллоҳни лойиқ суратда қадрламайдилар. Бу эса Аллоҳ азза ва жаллани билмаслик натижасидир.

15. Махлуқотни яратишдан аввал ҳам барча сифатлари Аллоҳда бор эди.

Юқорида мусаннифнинг «Ибтидосиз қадим», ҳеч бир нарса Аллоҳ субҳанаҳу ва таолодан аввал эмас, деган сўзи ўтди. Бунинг маъноси шуки, У комиллик сифатлари билан сифатланган, Унинг сифатлари азалий ва абадий. У бошланишсиз Аввал бўлганидек, Унинг сифатлари ҳам худди шундай, улар ҳам Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг авваллигидек аввалдир. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло залолат аҳли даъво қилганидек, сифатларсиз Аввал бўлиб, сифатлари кейин пайдо бўлган эмас. Улар айтишадики: «Азалда Унинг сифатлари бўлган эмас, улар кейинчалик бўлган. Агар шундай демасак, маъбудлар — ёки қадимлар — бир нечта бўлишига тўғри келиб қолади ва исму сифатлар Аллоҳга аввалликда шерик бўлиб қолади». Биз айтамиз: «Ё субҳаналлоҳ! Бу даъводан Аллоҳ таоло бир қанча вақт ноқис бўлган-у, кейин исму сифатлари пайдо бўлиб, комил бўлган, деган гап келиб чиқади. Аллоҳ улар айтаётган нарсалардан олийдир! Сифатларнинг қадим бўлишидан бир неча Робларнинг қадимлиги келиб чиқмайди. Чунки, сифатлар фақат мавсуфда (яъни сифат эгасида) бор бўлган маънолардир, мавсуфдан мустақил алоҳида нарсалар эмас. Агар масалан, «Фалончи эшитувчи, кўрувчи, олим, фақиҳ, луғатшунос, наҳвшунос» дейилса, бундан битта инсон бир неча шахслар бўлиб қолгани тушуниладими?! Залолат аҳли даъво қилганидек, сифатларнинг бир қанча бўлишидан мавсуфнинг бир нечталиги келиб чиқмайди!».

Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг зотининг бошланиши бўлмаганидек, Унинг сифатларининг ҳам бошланиши

бўлмаган, У доимо ва абадий Холиқ-яратувчи деб сифатланади.

У зотнинг феъллари эса нав жиҳатидан қадим, бирмабир бўлиши жиҳатидан ҳодис (янгилиниб турувчи)дир.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Ундан калом содир бўлмасидан аввал ҳам мутакаллим (сўзловчи) эди, яратиши содир бўлмасидан туриб ҳам яратувчи эди. Унинг гапириши ва яратиши эса янгиланиб тураверади, ва ҳоказо.

۱۶. لَمْ يَزِدْ بِكُونِهِمْ شَيْئًا لَمْ يَكُنْ قَبْلَهُمْ مِنْ صِفَتِهِ.

16. Уларнинг яралиши билан Унга аввал Ўзида мавжуд бўлмаган бирор сифат қўшилиб қолгани йўқ.

Яъни, У махлуқотларни яратмасидан аввал қандай сифатлар эгаси бўлса, кейин ҳам ўша сифатларига бирон бошқа сифат қўшилиб қолмаган. Махлуқотларни яратганидан кейин Холиқ бўлди, деб айтилмайди. Балки, У азалдан Холиқ — яратувчи эди, унинг бошланиши бўлмаган. Яратишлиги эса янгиланиб тураверади.

۱۷. وَكَمَا كَانَ بِصِفَاتِهِ أَرْزِيًا، كَذَلِكَ لَا يَزَالُ عَلَيْهَا أَبَدِيًّا.

17. Барча сифатлари Аллоҳда азалдан бор бўлгани каби, улар Унда абадий мавжуд бўлиб қолади.

У Ўзининг барча сифатлари билан азалдан мавсуф бўлган, яъни уларнинг бошланиши бўлмаган. Худди шунингдек, барча сифатлари келажакда ҳам тоабад У билан бирга қолади. У Ўз сифатлари билан бирга бениҳоя абадийдир. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам айтганларидек: «Сен (исм ва сифатларинг билан) Охирсан, Сендан сўнг ҳеч нарса йўқ». Ушбу сифатлари келажакда Ундан

ажралади, деб айтиш жоиз эмас, балки улар У билан абдий биргадир.

۱۸. لَيْسَ بَعْدَ خَلْقِ الْخَلْقِ اسْتِفَادَ اسْمِ «الْخَالِقِ».

18. «Холиқ» (Яратувчи) номини махлуқотни яратгандан сўнг олгани йўқ.

Бу юқоридаги гапнинг изоҳи ва такроридир.

۱۹. وَلَا يَأْخُذَاتِهِ الْبَرِيَّةَ اسْتِفَادَ اسْمِ «الْبَارِي».

19. Борлиқни яратмай туриб ҳам «Борий» (Бор қилувчи) исми бор эди!

Борий ҳам яратувчи маъносида бўлиб, Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг исмларидан. У зот махлуқотларни яратди ва бор қилди. Бу исм У зотда азалдан, бошланишсиз биргадир.

۲۰. لَهُ مَعْنَى الرُّبُوبِيَّةِ وَلَا مَرْبُوبَ ، وَمَعْنَى الْخَالِقِ وَ لَا مَخْلُوقَ.

20. Ҳеч қандай марбуб бўлмаганда ҳам рубубият (парвардигорлик) сифати Унда мавжуд эди ва ҳеч қандай махлуқ бўлмаган ҳолда ҳам холиқлик-яратувчилик сифати Унга собит эди.

У марбублар, яъни парваришга муҳтож махлуқот ва мавжудотлар вужудга келишларидан олдин ҳам Роб — парвардигор эди. Парвардигор маъноси — молик,

тасарруф қилувчи, ислоҳ қилувчи, хожа, тарбият қилувчи деганидир. Ушбу сифатлар Унинг зотига азалий ва абадий лозим, марбублар вужудга келишидан олдин ҳам, улар йўқ бўлиб кетганидан кейин ҳам биргадир.

٢١. وَكَمَا أَنَّهُ مُحْيِي الْمَوْتَى بَعْدَ مَا أَحْيَا اسْتَحَقَّ هَذَا
الاسْمَ قَبْلَ إِحْيَائِهِمْ، كَذَلِكَ اسْتَحَقَّ اسْمَ الْخَالِقِ قَبْلَ
إِنشَائِهِمْ.

21. Аллоҳ Таоло ўликларни қайта тирилтиргандан сўнг ўликларни тирилтирувчи бўлса-да, уларни қайта тирилтиришдан аввал ҳам шу исмга ҳақли бўлган. Шунингдек, У махлуқларини яратмасдан аввал ҳам яратувчи исмига ҳақли бўлган.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло азалдан ўликларни тирилтирувчи, ҳаёт бахш этувчи ва ўлим берувчи деган сифатга эга. Ушбу сифат то ўликларни тирилтиргунига қадар йўқ бўлиб турмайди, балки Унда қадимдан ва азалдан мавжуд. Аммо ўликларни тирилтириши янгиланиб тураверади, Ўзи истаган пайт ҳаёт беради, ўлдиради.

٢٢. ذَلِكَ بِأَنَّهُ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ.

22. Чунки Аллоҳ ҳар бир нарсага қодирдир.

Бу Унинг азалий васфидир. У махлуқотларни яратганидан ва пайдо қилганидан кейингина қудратга эга бўлган, деб айтилмайди. Балки қодирлик Унинг азалий сифати. Махлуқотларни вужудга келтирганлиги Унинг ҳамма нарсага қодир эканининг асаридир.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Ўзини борлиғу йўқликдаги барча нарсалар устидан қодир, деб сифатлади, У Ўзининг қудратини бирон муайян нарсага чекламади. Уни ҳеч нарса ожиз қолдира олмайди, «У фалон нарсага қодир» деб чеклаш жоиз эмас. Шунингдек, «У Ўзи истаган нарсага қодир» дейиш нотўғри бўлади. Чунки, бу мазмундаги оят Унинг самовот ва ер аҳлини Ўзи истаган пайт йиғиб-жамлашга қодир эканига хос:

﴿ وَمِنْ آيَاتِهِ خَلْقَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَمَا بَثَّ فِيهِمَا مِنْ دَابَّةٍ وَهُوَ عَلَىٰ جَمْعِهِمْ إِذَا يَشَاءُ قَدِيرٌ ﴾ ﴿٢٩﴾

«Осмонлар ва Ернинг яратилиши ҳамда (Аллоҳ) уларда тарқатиб-ёйиб юборган жониворлар Унинг (қудрати илоҳиясига далолат қиладиган) оят-аломатларидандир. У Ўзи хоҳлаган вақтида уларни жамлаб-йиғиб олишга қодирдир» (Шуро: 29).

٢٣. وَكُلُّ شَيْءٍ إِلَيْهِ فَقِيرٌ.

23. Барча нарса Унга муҳтождир.

Ҳеч бир нарса Аллоҳ таолодан беҳожат бўлиши имконсиз. Малоикалар бўлсин, самовоту ер бўлсин, инсу жинлар бўлсин, тоғу тошлар, денгиз ва кўллардан иборат жонсиз мавжудотлар бўлсин, барча-барчаси Аллоҳ таолога муҳтож:

﴿ يَا أَيُّهَا النَّاسُ أَنْتُمُ الْفُقَرَاءُ إِلَى اللَّهِ وَاللَّهُ هُوَ الْغَنِيُّ الْحَمِيدُ ﴾ ﴿١٥﴾

«Эй инсонлар, сизлар Аллоҳга муҳтождирсизлар. Аллоҳнинг Ўзигина (барчадан) беҳожат ва (барча) мақтовга лойиқ зотдир» (Фотир: 15).

Хоҳ анбиё-ю авлиё бўлсин, хоҳ муқарраб фаришта бўлсин, Аллоҳдан беҳожат ва Унинг тасарруфидан ташқари бўлиши иложсиз. Кимда-ким авлиёларнинг ғайриинсоний қудратлари бўлади, улар коинотни бошқариб туришга эгалар деса, у кофир ва мушрикларнинг сўзини айтган бўлади.

Қубурий (яъни, қабрдагилардан мадад сўраш жоиз деб биладиган тоифа) уламоларидан бири тавҳид аҳлидан бўлган бир илмсиз кишига: «Сизлар: Авлиёлар фойда ҳам, зарар ҳам етказа олмайди, дейсизлар» деганида у: «Ҳа, биз улар фойда ҳам, зарар ҳам етказа олмайди, деймиз», дейди. У: «Ахир Аллоҳ таоло:

﴿وَلَا تَحْسَبَنَّ الَّذِينَ قُتِلُوا فِي سَبِيلِ اللَّهِ أَمْوَاتًا بَلْ أَحْيَاءُ عِنْدَ رَبِّهِمْ يُرْزَقُونَ﴾

«Аллоҳ йўлидаги жангда ўлдирилган зотларни ҳаргиз ўликлар деб ўйламанг! Йўқ, улар тириклардир! У зотлар Аллоҳ Ўз фазлу карами билан берган неъматлардан хушнуд ҳолларида ризқланиб турадилар» (Оли Имрон: 169) деб айтади-ку», дейди. Шунда у: «Хўп, Аллоҳ таоло: «Улар ризқланиб турадилар» деганми ёки «Ризқ бериб турадилар» деганми?» деб сўрайди. ««Ризқланиб турадилар» деган», деганида «Ундай бўлса, мен уларга ризқ бериб турган Зотдан сўраб қўя қоламан, улардан сўрамайман», деб жавоб беради. Илмсиз, бироқ тўғри табиатли бу кишининг жавобидан ҳалиги олим каловланиб қолади.

۲۴. وَكُلُّ أَمْرٍ عَلَيْهِ يَسِيرٌ.

24. Ҳар қандай иш Унга осон.

﴿إِنَّمَا أَمْرُهُ إِذَا أَرَادَ شَيْئًا أَنْ يَقُولَ لَهُ كُنْ فَيَكُونُ﴾

«Бирон нарсани (яратишни) ирода қилган вақтида Унинг иши фақатгина «Бўл», демоқлигидир. Бас у (наrsa) бўлур — вужудга келур» (Ёсин: 82).

У ҳаёт бахш этади, ўлдиради, яратади, ризқ беради, ато этадиган ҳам, бермай қўядиган ҳам Ўзи, йўқ бўлиб кетган ўликларни қайта тирилтиради, бу ишлар Аллоҳ субҳанаҳу ва таолога жуда ҳам осон, Унга ҳеч қандай меҳнат-машаққат юкламайди. Махлуқотларда иш бунинг акси-ча, баъзи ишларни қилишга қийналади, ожизлик қилади, аммо Аллоҳ таолога оғир ишнинг ўзи йўқ:

﴿ مَا خَلَقَكُمْ وَلَا بَعَثَكُمْ إِلَّا كَفَيْسٍ وَحِدَةً ﴾

«Сизларни яратиш ҳам, қайта тирилтириш ҳам худди бир жонни (яратиш ва қайта тирилтиришнинг) ўзгинасидир (яъни шу қадар осондир)» (Луқмон: 28).

٢٥. لَا يَخْتَاَجُ إِلَى شَيْءٍ.

25. У ҳеч нарсага муҳтож эмас.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло ҳамма нарсадан беҳожат, У махлуқотларга муҳтож эмас, чунки У Ғанийдир, махлуқотларга ато этувчи Унинг Ўзидир.

٢٦. لَيْسَ كَمِثْلِهِ شَيْءٌ، وَهُوَ السَّمِيعُ الْبَصِيرُ.

26. Унга ўхшаш ҳеч наrsa йўқ ва У эшитувчи ва кўрувчидир.

Бу ибора Аллоҳ таолони махлуқотларига ўхшашини мутлақо рад қилишдир. Оламдаги ҳеч бир наrsa, малоикалар бўлсин, анбиё-ю расуллар бўлсин, азиз-авлиёлар бўлсин, Аллоҳ субҳанаҳу ва таолога ўхшамайди:

﴿لَيْسَ كَمِثْلِهِ شَيْءٌ وَهُوَ السَّمِيعُ الْبَصِيرُ﴾ (11)

«Бирон нарса У зотга ўхшаш эмасдир, У эшитувчи ва кўриб турувчидир» (Шуро: 11). Оятнинг аввалги қисмида мушаббихалар (ташбеҳ аҳли, Аллоҳнинг сифатларини махлуқларникига ўхшаш деб эътиқод қиладиганлар)га раддия бўлса, кейинги қисмида муъаттилалар (таътил аҳли, Аллоҳни айбу нуқсонлардан поклаш даъвоси билан Унинг собит исм-сифатларини йўққа чиқарувчилар) га раддия бор. Оят яна далолат қиладики, исм ва сифатларни исбот қилишдан махлуқотларга ўхшатиш келиб чиқмайди, махлуқотларнинг эшитиш ва кўриши Аллоҳ азза ва жалланинг эшитиши ва кўришига ўхшамайди.

۲۷. خَلَقَ الْخَلْقَ بِعِلْمِهِ.

27. Махлуқотларни ўз илми билан яратди.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло айтади:

﴿أَلَا يَعْلَمُ مَنْ خَلَقَ وَهُوَ اللَّطِيفُ الْخَبِيرُ﴾ (14)

«(Ахир) яратган зот (Ўзи йўқдан бор қилган нарсаларни) билмасми?! У меҳрибон ва (ҳар нарсадан) хабардор зотдир» (Мулк: 14). Яратган эканлиги Унинг билими ва қудратига далолатдир.


﴿وَمَا كَانَتْ أَلَّهُ لِيُعْجِزَهُ، مِنْ شَيْءٍ فِي السَّمَوَاتِ وَلَا فِي الْأَرْضِ إِنَّهُ كَانَ عَلِيمًا قَدِيرًا﴾ (44)

«На осмонлардаги ва на ердаги бирон нарса Аллоҳдан қочиб қутулувчи эмас. Зотан У билимли ва қудратлидир» (Фотир: 44).


۲۸. وَقَدَّرَ لَهُمْ أَقْدَارًا.

28. Улар учун тақдирларни ўлчаб-белгилаб қўйди.

Аллоҳ таоло ҳар бир нарсани тақдирлаб-ўлчаб қўйган, ҳеч бир нарса ўлчовсиз яратилмаган:



«(Сизларнинг ризқу рўзингиз бўлмиш) ҳар бир нарсанинг асли — манбаи Бизнинг даргоҳимиздадир. Биз у нарсаларни аниқ ўлчов билан (сизларга) туширурмиз» (Ҳижр: 21). Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло ҳар бир нарсага ўзига хос ўлчов ва кайфиятларни белгилаб қўйганки, ўшандан заррача фарқланмайди ва ўзгача бўлмайди. Мисол учун, Аллоҳ таоло инсоннинг жисмини, сезгиларини, аъзоларини, таркибини, вазнларини аниқ ўлчов билан яратди, у шу билан туриш ва юришга қодир инсон бўлди. Агар инсоннинг аъзоларидан ёки унинг таркибидан биронтасига халаллик етса, унинг бутун жисми бузилади. Бошқа мавжудотлар ҳақида ҳам гап шу.



«У зот даргоҳида ҳар бир нарса ўлчовлидир» (Раъд: 8). Ҳар бир нарсанинг ўзига хос ўлчови бор, ҳар бирининг ўлчови бошқасининг ўлчовидан фарқлидир.

۲۹. وَضَرَبَ لَهُم آجَالًا.

29. Уларнинг ажалларини тайинлади.

Барча махлуқотнинг ниҳояси ва тугаб-битадиган ажаллари-муддатлари бор. Аллоҳ таоло айтади:

﴿كُلُّ مَنْ عَلَيْهَا فَانٍ ﴿٢٦﴾ وَيَبْقَىٰ وَجْهَ رَبِّكَ ذُو الْجَلَالِ وَالْإِكْرَامِ ﴿٢٧﴾﴾

«(Ер) юзидаги барча жонзот фонийдир. Буюклик ва карам соҳиби бўлган Парвардигорингизнинг юзи — Ўзигина боқий мангу қолур» (Раҳмон: 26-27), яна айтади:

﴿كُلُّ شَيْءٍ هَالِكٌ إِلَّا وَجْهَهُ﴾

«Барча нарса ҳалок бўлувчидир, магар Унинг Ўзигина (мангудир)» (Қасас: 88).

Ҳамма нарсанинг Аллоҳ таоло томонидан белгилаб қўйилган — узундир, қисқадир — чек-чегарали умри бор. Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَمَا يُعْمَرُ مِنْ مُّعَمَّرٍ وَلَا يُنْقِصُ مِنْ عُمُرِهِ إِلَّا فِي كِتَابٍ إِنَّ ذَلِكَ عَلَى اللَّهِ يَسِيرٌ﴾

«Ҳар бир умр кўрувчининг умри узун қилинмас ва (ё) умридан камайтирилмас, магар (буларнинг барчаси) Китобда (яъни Лавҳул-Маҳфузда битилган бўлур). Албатта бу Аллоҳга осондир» (Фотир: 11). Умрлар (узун-қисқалиги) Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг қўлида. Бу Унинг рубубиятининг комиллигига ва қудратининг мукамаллигига далолат қилади. У истаган нарса бўлади, истамаган нарса бўлмайди.

۳۰. وَلَمْ يَخَفْ عَلَيْهِ شَيْءٌ قَبْلَ أَنْ يَخْلُقَهُمْ.

30. Уларни яратмасдан аввал ҳам Унга ҳеч нарса махфий эмасди.

Балки У барча нарсани уларни яратишидан аввал ҳам билган, уларни вужудга келганидан кейингина билган эмас.

۳۱. وَعَلِمَ مَا هُمْ عَامِلُونَ قَبْلَ أَنْ يَخْلُقَهُمْ.

31. Уларни яратишдан аввал ҳам уларнинг нима қилажакларини биларди.

Бандаларни яратмасидан туриб, уларнинг нима амаллар қилишларини, ким тоат аҳлидан, ким маъсият аҳлидан бўлишини билган.

۳۲. وَأَمَرَهُمْ بِطَاعَتِهِ، وَنَهَاَهُمْ عَنِ مَعْصِيَتِهِ.

32. Уларни Ўзига итоат қилишга буюрди ва осийлик қилишдан қайтарди.

Аллоҳ таоло айтади:

﴿ وَمَا خَلَقْتُ الْجِنَّ وَالْإِنْسَ إِلَّا لِيَعْبُدُونِ ﴿۵۶﴾ ﴾

«Мен жин ва инсни фақат Ўзимга ибодат қилишлари учунгина яратдим» (Ваз-зариёт: 56). Аввал уларни яратди, сўнг Ўзига ибодат қилишга буюрди. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло уларнинг нима амаллар қилишларини аввалдан билгани ҳолда уларни Ўзининг тоатига буюрди. Зеро, жазо ва мукофот илмга (яъни Аллоҳнинг билишига) эмас, балки (бандадан содир бўладиган) амалга қараб бўлади. Аллоҳ таоло бандани (у ҳақдаги Ўзи билган) илмга қараб азобламайди, қачон ундан гуноҳ содир бўлганидан кейингина жазо беради. Шунингдек, чиройли амал қилувчи бандани ҳам то ундан амал содир бўлмагунича мукофотламайди. Жазо ва мукофот амалнинг натижасидир, илм ва қадарнинг эмас. Илм бошқа, жазо-мукофот бошқа. Шунинг учун Аллоҳ таоло уларни тоатга буюриб, маъсиятдан қайтарди. Ким

буйруқларига итоат қилиб, қайтариқларидан тийилса, савобга эга бўлади. Ким буйруқларига хилоф қилиб, қайтариқларидан қайтмаса, ўзининг феълларига биноан жазо кўради, Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг феълларига биноан эмас. Банда намоз ўқувчи, закот берувчи, ҳаж қилувчи, жиҳод қилувчи бўлади, амалларнинг нисбати унга берилади, Аллоҳ таолога эмас. Фақатгина яратиш, аввалдан билиш, тақдир қилиш ва муваффақ қилиш жиҳатидан Аллоҳга нисбатланади.

۳۳. **وَكُلُّ شَيْءٍ يَجْرِي بِتَقْدِيرِهِ وَمَشِيئَتِهِ.**

33. Ҳар бир нарса Аллоҳнинг тақдири ва хоҳиши билан бўлади.

Шубҳасиз, ҳар бир нара Аллоҳнинг тақдири билан бўлади, яхшилигу ёмонлик, тоату маъсият, куфру иймон, касаллигу соғлик, бойлигу камбағаллик, илму жаҳолат Унинг тақдиридан ташқарида эмас, ҳамма-ҳаммаси Унинг тақдири билан жорий бўлади. Унинг мулкида У тақдир қилмаган ва истамаган нарса бўлмайди.

۳۴. **وَمَشِيئَتُهُ تَنْفُذُ، لَا مَشِيئَةَ لِلْعِبَادِ، إِلَّا مَا شَاءَ لَهُمْ، فَمَا شَاءَ لَهُمْ كَانَ، وَمَا لَمْ يَشَأْ لَمْ يَكُنْ.**

34. Унинг хоҳиши албатта амалга ошади. Бандалар учун Аллоҳ нимани хоҳлаган бўлса, улар учун шундан ўзга хоҳиш йўқдир. Аллоҳ нимани улар учун хоҳласа, бўлади. Нимани хоҳламаса, бўлмайди.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг истак-хоҳиши бор, бандаларнинг ҳам истак-хоҳишлари бор. Лекин бандалар-

нинг хоҳишлари Аллоҳнинг хоҳишига эргашади, ундан мустақил эмас. Шунинг учун Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَمَا تَشَاءُونَ إِلَّا أَنْ يَشَاءَ اللَّهُ إِنَّ اللَّهَ كَانَ عَلِيمًا حَكِيمًا ﴿٣٠﴾﴾

«(Эй инсонлар), **сизлар фақат Аллоҳ хоҳлаган вақтдагина хоҳларсизлар** (яъни, бирон иш Аллоҳнинг хоҳиш-иродасисиз бўлмас). **Албатта Аллоҳ билимли ва ҳикматли зотдир**» (Инсон: 30).

Яна айтади:

﴿وَمَا تَشَاءُونَ إِلَّا أَنْ يَشَاءَ اللَّهُ رَبُّ الْعَالَمِينَ ﴿٢٩﴾﴾

«**Сизлар фақат бутун оламлар Парвардигори бўлмиш Аллоҳ хоҳласагина хоҳларсизлар**» (Таквир: 29).

У зот истак-хоҳишни Ўзининг сифатларидан қилди, бандаларига ҳам истак-хоҳиш сифатини берди ва уларнинг хоҳишларини Ўзининг хоҳишига боғлиқ қилди. Бунда қадария ва жабрияларга раддия бор. Қадариялар бандаларнинг феъллари Аллоҳнинг хоҳишига боғлиқ бўлишини рад қилишади ва бандани мутлақ хоҳиш эгаси қилишади. Банда ўзи хоҳлаган ишни қилади ва ўзи хоҳлаган нарсани ирода қилади дейишади. Жабриялар эса бандада ҳеч қандай хоҳиш-ирода бўлмайди, хоҳиш фақат Аллоҳга хос, банда худди асбоблар ҳаракатлангани каби ихтиёрсиз равишда ҳаракатланади, (Аллоҳ тақдирда нимани битиб қўйган бўлса ўша нарса мажбуран содир бўлади) дейишади. Бир тоифа Аллоҳнинг истак-хоҳишини исботлашда ғулув кетган бўлса, иккинчи тоифа банданинг истак-хоҳишини исботлашда ғулув кетди.

Аҳли сунна вал-жамоа эса ҳар икки хоҳишни исботлайдилар ва банданинг хоҳишини Аллоҳнинг хоҳишига боғлайдилар. Буни улар юқорида ўтган икки оят мазмунидан оладилар. Уларда айтилишича, банданинг хоҳиши

мустақил эмас, балки Аллоҳнинг истак-хоҳишига боғлиқ. Чунки, у Аллоҳнинг махлуқотларидан бири, унинг ўзини ҳам, истак-хоҳишини ҳам Аллоҳнинг Ўзи яратган. Шунинг учун бир киши Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга: «Аллоҳ хоҳласа ва сиз хоҳласангиз» деганида у зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мени Аллоҳга тенг — яъни истак-хоҳишида мени Унга шерик — қилдингми?! Ёлғиз Аллоҳнинг Ўзи хоҳласа, дегин», дедилар⁽¹⁾. У зот соллаллоҳу алайҳи ва салламга бир қавмнинг: «Аллоҳ хоҳлаган ва Муҳаммад хоҳлаган нарса (бўлади)» дейишгани хабари етгач, буни инкор қилдилар ва: ««Аллоҳ хоҳлаган, сўнг Муҳаммад хоҳлаган нарса» денглар», дедилар, бу билан ўзларининг хоҳишларини Аллоҳнинг хоҳишига тобеъ қилдилар.

۳۵. يَهْدِي مَنْ يَشَاءُ، وَيَعْصِمُ و يُعَافِي، فَضْلاً، وَيُضِلُّ مَنْ يَشَاءُ، وَيَخْذُلُ وَيَتَّبِلِي، عَدْلاً.

35. Хоҳлаган бандасини Ўз фазли-карами ила ҳидоят қилади, (гуноҳ қилишдан) сақлайди ва (бало-мусибатлардан) офият беради. Хоҳлаган бандасини адолати ила адаштиради, (гуноҳлардан сақланишга) ёрдам бермайди ва (бало-мусибатлар билан) имтиҳон қилади.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло хоҳлаган бандасини ҳидоят қилади, хоҳлаган бандасини адаштиради. Бу Аллоҳнинг қазоси ва қадари билан бўлади. Лекин, У зот Ўзи билиб, ҳидоятга салоҳияти бор бўлган кишини ҳидоят қилади, ҳидоят излашга ҳаракат қиладиган ва унга қалбини оча-

(1) Имом Аҳмад (1/214, 283, 224, 347), Имом Бухорий «Ал-адабул-муфрад»да (783), Ибн Можа (2117), Насоий «Амалул-яъми вал-лайла»да (988) келтирганлар.

диган кишини ҳидоят қилади. Зеро, Аллоҳ таоло уни энгилликка муяссар қилиб қўйган бўлади. У Ўзи истаган кишини ҳидоят ва яхшилик талаб қилишдан юз ўгиргани учун жазо сифатида ҳидоятдан маҳрум қилади. Буни Аллоҳ таолонинг қуйидаги оятлари изоҳлаб беради:

﴿ فَأَمَّا مَنْ أَعْطَى وَاتَّقَى ﴿٥﴾ وَصَدَّقَ بِالْحُسْنَى ﴿٦﴾ فَسَنِيسِرُهُ لِلْغَيْبِ ﴾ ﴿٧﴾

«Ана энди ким (ўз мол-давлатидаги камбағал-бечораларга берилиши лозим бўлган закот ва бошқа садақотларни) ато этса ва (Аллоҳдан) қўрқса, ҳамда гўзал оқибатни (яъни жаннат бор эканини) тасдиқ этса, Биз уни осон йўлга муяссар қилурмиз» (Вал-лайл: 5-7). Сабаб бандадан, қадар эса Аллоҳ субҳанаҳу томонидан бўлди.

﴿ وَأَمَّا مَنْ حَبَلَ وَاسْتَعْتَفَى ﴿٨﴾ وَكَذَّبَ بِالْحُسْنَى ﴿٩﴾ فَسَنِيسِرُهُ لِلْغَيْبِ ﴾ ﴿١٠﴾

«Энди ким (Аллоҳ йўлида ҳайр-саҳоват кўрсатишдан) бахиллик қилса ва (ўзини Аллоҳ ҳузурдаги ажр-мукофотлардан) беҳожат билса, ҳамда гўзал оқибатни (яъни Аллоҳ ваъда қилган жаннатни) ёлғон деса, Биз уни (дунё ва охиратда бахтсиз бўладиган) оғир йўлга «муяссар» қилурмиз!» (Вал-лайл: 8-10). Бунда ҳам сабаб бандадан, қадар эса Аллоҳ азза ва жалла тарафидан, бироқ Аллоҳ таоло буни унга жазо сифатида тақдир қилди.

Аллоҳ таоло ҳидоятни Ўзи тарафидан фазлу марҳамат қилиб тақдир қилди ҳамда яхшилик ва ҳидоят талабида бўлган кишига уни инъом этди. Бу Аллоҳ азза ва жалланинг эмас, балки банданинг фойдаси учундир. Адашганларни адаштириши эса уларга яхшиликдан ва Аллоҳнинг тоатидан юз ўгирганликлари ва унга иқбол қилмаганликлари учун жазо ва укубат тариқасида бўлиб, бу Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло томонидан адолатдир, (чунки У уларга ҳақни баён қилиб қўйди. Агар

уларга оқ-қорани танитмай туриб уларнинг итоатсизларини сен шундай қилмабсан деб, жазолаганда бу адолатсизлик бўларди, лекин) У уларга заррача зулм қилгани йўқ. Шунинг учун оятларда келадики:

﴿وَاللَّهُ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الظَّالِمِينَ﴾ (258)

«Аллоҳ золим кимсаларни ҳидоят қилмайди» (Бақара: 258),

﴿وَاللَّهُ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الْكَافِرِينَ﴾ (264)

«Аллоҳ кофирларни ҳидоят қилмайди» (Бақара: 264),

﴿وَاللَّهُ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الْفَاسِقِينَ﴾ (108)

«Аллоҳ итоатсиз қавмни ҳақ йўлга ҳидоят қилмас» (Моида: 108). Мазкур оятларда Аллоҳ таоло зулм, куфр ва итоатсизликни ҳидоятдан бебаҳра қолишга сабаб қилди. Булар бандаларнинг феълларидан бўлиб, Аллоҳ таоло уларни ўшаларга кўра, зулм қилиб эмас, балки Ўзининг адолати билан жазолади:

﴿وَمَا ظَلَمَهُمُ اللَّهُ وَلَكِنْ كَانُوا أَنفُسَهُمْ يَظْلِمُونَ﴾ (33)

«Уларга Аллоҳ жабр қилгани йўқ, балки улар (ўзлари) ўз жонларига жабр қилувчи бўлдилар» (Наҳл: 33). Ана шундай сифат эгаси бўлган кимсани иззат-икром қилиш У зотга муносиб бўлмагани каби, амал қилувчиларнинг амалларини зое қилиш ҳам Унга муносиб эмас. Аллоҳ таоло айтади:

﴿أَمْ حَسِبَ الَّذِينَ اجْتَرَحُوا السَّيِّئَاتِ أَنْ نَجْعَلَهُمُ كَالَّذِينَ ءَامَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ سَوَاءً مَحْيَاهُمْ وَمَمَاتُهُمْ سَاءَ مَا يَحْكُمُونَ﴾ (11)

«Балки ёмонлик-гуноҳлар касб этган кимсалар Биз уларни ҳам иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотлар каби қилишимизни ва ҳаётлари ҳам, мамотлари ҳам (яъни дунёлари ҳам, охиратлари ҳам мўминлар билан) баробар бўлишини ўйлагандирлар?! Нақадар ёмон (нотўғри) ҳукм қилурлар-а?!» (Жосия: 21).

﴿وَخَلَقَ اللَّهُ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضَ بِالْحَقِّ وَلِتُجْزَىٰ كُلُّ نَفْسٍ بِمَا كَسَبَتْ وَهُمْ لَا يُظْلَمُونَ﴾ (22)

«Аллоҳ осмонлар ва Ерни (Ўзининг қудрати илоҳиясига далолат қилиши учун) ва ҳар бир жон мазлум бўлмаган ҳолларида ўзлари қилган амаллари сабабли жазо ва мукофот олиши учун ҳақ (конун ва низом) билан яратди» (Жосия: 22).

﴿أَفَنَجْعَلُ الْمُسْلِمِينَ كَالْمُجْرِمِينَ ﴿٣٥﴾ مَا لَكُمْ كَيْفَ تَحْكُمُونَ ﴿٣٦﴾﴾


«Ахир Биз мусулмонларни жиноятчи-кофир кимсаларга баробар қилурмизми?! (Эй мушриклар), сизларга нима бўлди? Қандай ҳукм чиқармоқдасизлар?» (Қалам: 35, 36).

Агар ундай бўлганида зулм бўлган бўларди, ҳолбуки Аллоҳ субҳанаху ва таоло зулмдан пок Зот! У Зот айтади:

﴿أَمْ يَجْعَلُ الَّذِينَ ءَامَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ كَالْمُفْسِدِينَ فِي الْأَرْضِ أَمْ يَجْعَلُ الْمُتَّقِينَ كَالْفَجَارِ﴾ (28)

«Биз иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотларни ерда бузғунчилик қилиб юрган кимсалар каби қилиб қўямизми?! Ёки Биз тақводор зотларни фисқу-фужур қилиб юрган кимсалар каби қилиб қўямизми?! (Йўқ! Асло ундоқ бўлмас!))» (Сод: 28).

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло солиҳ амал қилган кишининг амалини ҳаргиз зое қилмайди, бирон кишини қилмаган иши учун асло жазоламайди:



«Сизлар фақат қилиб ўтган жиноятларингиз сабабли жазоланурсизлар» (Вас-софат: 39). Яхши амал ҳам, ёмон амал ҳам банда томонидан, мукофот ва жазо эса Аллоҳ таоло томонидан, Унинг фазли ва адолатига мувофик берилади.

۳۶. وَكُلُّهُمْ يَتَّقَلْبُونَ فِي مَشِيئَتِهِ، بَيْنَ فَضْلِهِ وَعَدْلِهِ.

36. Барча (бандалар) Унинг хоҳиши доирасида - фазли билан адли ўртасида ҳаёт кечирадилар.

Барча бандалар Аллоҳнинг хоҳиш-иродаси ичида, Унинг тоат ва яхшилик аҳлига бўлган фазли билан куфр ва ширк аҳлига бўлган адли ўртасида бўлиб, ундан ташқарига чиқа олмайдилар. Бу Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг ҳикмати ва улуғлигига лойиқ ишдир. У бир-бирига зид ва турлича нарсаларни бир жойда жамламайди, балки ҳар бир нарсани ўз ўрнига қўяди, шунинг учун Ҳаким Унинг исмларидан, ҳикмат-донолик эса Унинг сифатларидан. У Ҳаким, яъни ҳамма нарсани ўз ўрнига ишлатадиган Зот бўлиб, тоат аҳлига фазлу марҳаматини, куфру маъсият аҳлига эса азобини туширади. Бу У зотнинг фазли ва адлидир.

۳۷. وَهُوَ مُتَعَالٍ عَنِ الْأَضْدَادِ وَالْأَنْدَادِ.

37. У ўзига рақиблар ёки тенглар бўлишидан олийдир.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Ўзининг зоти, қадр-қиймати ва қаҳри-ғолиблиги билан Унга рақиблар ва тенглар бўлишидан олийдир.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг тенги йўқ, Унинг мисли ва ўхшаши мавжуд эмас. Ҳеч ким Аллоҳга шерик бўлмайди, ўхшаёлмайди, тенг келолмайди. Бу У зотнинг қадри ва қаҳрининг олийлигидан, У зоти билан олий, махлуқотидан юқорида.

Аллоҳ таолонинг рақиби йўқ, махлуқотидан биронтаси Унга рақобат қилолмайди. У бир ишнинг бўлишини истаса, ҳеч ким унга монеълик қилишга ва эътироз билдиришга қодир эмас. У ато этишни истаган нарсани ҳеч ким ман қилолмайди, У ман қилишни истаса ҳеч ким уни беролмайди: «*Сен ато қилган нарсани ман қилувчи, Сен ман қилган нарсани ато этувчи йўқ*»⁽¹⁾.

Аллоҳ таоло айтади:

﴿ مَا يَفْتَحُ اللَّهُ لِلنَّاسِ مِنْ رَحْمَةٍ فَلَا مُمْسِكَ لَهَا وَمَا يُمْسِكُ فَلَا مُرْسِلَ لَهُ مِنْ بَعْدِهِ ۗ وَهُوَ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ ﴾

«Аллоҳ одамлар учун не бир раҳмат-марҳаматни очиб қўйса, уни ушлаб-тўсиб қолувчи бўлмас ва нени ушлаб қолса, У зот (ушлаб қолгани)дан сўнг у (нарсани бандаларга) бирон юборувчи бўлмас. У қудратли ва ҳикматлидир» (Фотир: 2).

Аллоҳ буюрадиган ва қайтарадиган нарсаларда Унга на тенг ва на рақиб мавжуд. Махлуқотларда эса иш

(1) Муғира ибн Шуъба розияллоху анхунинг котиби Варроддан ривоят қилинади: Муғира ибн Шуъба Муовияга ёздирган хатида менга шундай ёзишни буюрди: «Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам ҳар фарз намозидан кейин: «Эй Аллоҳ! Сен ато қилган нарсани ман қилувчи, Сен ман қилган нарсани ато этувчи йўқдир! Улуғлик-бойлик эгасига бойлиги-улуғлиги Сенинг олдингда фойда беролмас», дердилар (Бухорий (844) ва Муслим (593) ривоятлари).

бунинг аксича бўлади, яъни уларнинг буйруқларини бажариш олдида тўсиқлар ва мухолифлар бўлади. Бу бо-рада барча махлуқотлар муштарак, махлуқотлар илмда, исмда, тана кўринишида, сифатларда, умуман барча нарсада бир-бирига ўхшашдирлар, феълларда, мол-мулкка эга бўлишда муштаракдирлар. Аллоҳ субҳанаҳу ва таолога эса ҳеч ким ўхшамайди, ҳеч ким унга шери-клик қила олмайди.

۳۸. لَا زَادَ لِقَضَائِهِ، وَلَا مَعْقَبَ لِحُكْمِهِ، وَلَا غَالِبَ لَأَمْرِهِ.

38. У тақдир қилган нарсани қайтарувчи, Унинг ҳукмини текширувчи, Унинг амрига ғолиб келувчи йўқдир.

Зеро, Аллоҳ таоло «**бирон ишни қилмоқни иста-са фақат унга «Бўл», дер. Бас (ўша иш) бўлар**» (Марям: 35), «**Аллоҳ ҳукм қилур — Унинг ҳукмини текширув-чи бўлмас. У тез ҳисоб-китоб қилувчидир**» (Раъд: 41). Аллоҳ таоло бирон ишни тақдир қилган бўлса, ҳеч ким уни тўхтатиб қолишга ё рад қилишга қодир эмас.

Унинг амрига ғолиб келувчи йўқ. У бир нарсани амр қилса, Унинг кавний буйруқларига ғолиб келувчи йўқдир. Аммо шаръий буйруқлари қилинмай қолиши, гоҳо уларга хилоф қилиниши мумкин. Бу эса синов ва имтиҳон учун бўлиб, шунинг ортидан савоб ё жазога эришилади.

۳۹. آمَنَّا بِذَلِكَ كُلِّهِ، وَأَيْقَنَّا أَنَّ كُلَّ مِّنْ عِنْدِهِ.

39. Юқоридагиларнинг барчасига иймон келтирдик ва барчаси Унинг ҳузуридан эканлигига аниқ ишондик.

Юқорида зикр қилинган ақиданинг аввалидан то охи-ригача эътиқод қиламиз ва Аллоҳ таолога шу эътиқод би-

лан сиғинамиз. Улар фақат тилимиздаги гаплар эмас, балки буларга дилимиздан ишонамиз.

٤٠. **وَإِنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ الْمُضْطَفَى، وَنَبِيُّهُ الْمُجْتَبَى، وَرَسُولُهُ الْمُرْتَضَى.**

40. (Яна шуни айтамызки,) Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Унинг танланган бандаси, сараланган пайғамбари ҳамда (Парвардигори ундан) рози бўлган расулидирлар.

Муаллиф раҳимаҳуллоҳ сўзларининг аввалида Аллоҳ субҳанаҳу ва таолони таниш, Унинг ёлғиз Ўзи ибодатга сазовор маъбуд ва тарбияткунанда эканига, Унинг камолот сифатлари ва жалолат васфлари билан азалий ва абадий сифатланган эканига эътиқод қилиш каби У зот ҳаққида вожиб бўлган нарсаларни баён қилгач, энди пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳақларида эътиқод қилиш лозим бўлган нарсаларга ўтдилар. «Аллоҳнинг тавҳиди хусусида Аллоҳ тавфиқи ила эътиқод қилиб айтамызки: Аллоҳ яккадир, Унинг шериги йўқдир...» деган сўзларининг давоми сифатида «Яна шуни айтамызки, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Унинг танланган бандаси...» дейдилар. Шундай эътиқод қилиш вожиб, Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг улуҳиятига қандай гувоҳлик берсак, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг пайғамбарликларига ҳам худди шундай гувоҳлик беришимиз лозим. Шунинг учун ҳам бу икки шаҳодат калималари доимо чамбарчас ва ҳар доим ёнма-ён зикр қилинади.

«Муҳаммад» пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг машҳур исмлиридир. Бу ҳақда Куръони каримда келган:

﴿ مَا كَانَ مُحَمَّدٌ أَبَا أَحَدٍ مِّن رِّجَالِكُمْ وَلَٰكِن رَّسُولَ اللَّهِ وَخَاتَمَ النَّبِيِّينَ ﴾

«Муҳаммад сизлардан бирон кишининг отаси эмасдир, балки у Аллоҳнинг пайғамбари ва пайғамбарларнинг сўнгисидир» (Ахзоб: 40).

﴿ وَالَّذِينَ ءَامَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ وَءَامَنُوا بِمَا نُزِّلَ عَلَيَّ مُحَمَّدٍ وَهُوَ الْحَقُّ مِن رَّبِّهِمْ كَفَّرَ عَنْهُمْ سَيِّئَاتِهِمْ وَأَصْلَحَ بَالَهُمْ ﴾

«Иймон келтирган ва яхши амаллар қилган ҳамда Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га нозил қилинган нарсага (Қуръонга) — ҳолбуки у Парвардигорлари томонидан келган ҳақиқатдир — иймон келтирган зотларнинг эса ёмонлик-гуноҳларини ўчирур ва ишларини ўнглар» (Муҳаммад: 2).

﴿ مُحَمَّدٌ رَّسُولُ اللَّهِ ﴾

«Муҳаммад Аллоҳнинг пайғамбаридир» (Фатҳ: 29).

Қуръонда Аллоҳ таолонинг Ийсо алайҳис-салом тилидан келтирган сўзлари орасида пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Аҳмад деган исмлари ҳам зикр қилинган:

﴿ يٰٓبَنِي إِسْرٰٓءِيلَ اِنِّي رَسُوْلُ اللّٰهِ اِيْتِكُمْ مُّصَدِّقًا لِّمَا بَيْنَ يَدَيَّ مِنَ التَّوْرٰتِ وَمُبَشِّرًا بِرَسُوْلِ يٰٓتِيْ مِنْۢ بَعْدِي اَسْمُهُۥٓ اَحْمَدٌ فَلَمَّا جَآءَهُمْ بِالْبَيِّنٰتِ قَالُوْٓا هٰذَا سِحْرٌ مُّٓبِيْنٌ ﴾

«Эй Бани Исроил, албатта мен Аллоҳнинг сизларга (юборган) пайғамбаридирман. (Мен) ўзимдан олдинги Тавротни тасдиқловчи ва ўзимдан кейин келадиган Аҳмад исмли бир пайғамбар ҳақида хушхабар берувчи бўлган ҳолда (юборилдим)» (Саф: 6).

Ҳадисларда У зотнинг бошқа исмлари ҳам келган, Ибнул Қаййим «Жалоул-афҳом» китобларида уларни зикр қилган.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни билиш дин вожиботлари ва Ислом асосларидан. Шайх Муҳаммад ибн Сулаймон «Уч асос» китобида айтади: «Биринчи асос: Аллоҳни таниш, иккинчи асос: Унинг пайғамбари соллаллоҳу алайҳи ва салламни таниш, учинчи асос: Ислом динини далиллар билан билиш». Демак, сизга Аллоҳни таниш қанчалик вожиб бўлса, Унинг пайғамбари соллаллоҳу алайҳи ва салламни ва у зот олиб келган Ислом динини далиллар билан билиш шунчалик вожиб бўлади. Маййит қабрига қўйилгач сўраладиган асосий нарсалар ҳам шулардир.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳ азза ва жалланинг бандасидирлар, у кишига на улухиятдан, на рубубиятдан бирон насиба-улуш берилмаган. У зот Аллоҳнинг бандаси ва элчиси, Унинг буйруқларига бўйсунувчи, қайтариқларидан тийилувчи ва Аллоҳ азза ва жалладан етказувчидирлар. Бунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам хусусларида ғулув кетувчиларга раддия борки, баъзилар у зотни улухият ёки рурубиятдан насибадор қилишади ва Аллоҳ билан биргаликда у кишига ҳам дуо-илтижо қилишади. Бу эса гўё масиҳийлар Ийсо ибн Марям ҳақларида ғулув кетиб, уни Аллоҳнинг ўғли ёки худо деб ёки учта илоҳнинг бири деб даъво қилишларига ўхшаб кетади.

«Танланган бандаси» деган сўзда ғулув кетишдан қайтариш бор. У киши банда, самовоту ердаги барча мавжудот Аллоҳ азза ва жалланинг бандаларидир. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло айтади:

﴿إِنَّ كُلَّ مَنْ فِي السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ إِلَّا آتَى الرَّحْمَنِ عَبْدًا﴾

«Осмонлар ва ердаги бор жонзот (қиёмат кунида) Раҳмон (ҳузурига) банда-қул ҳолида келур» (Марям: 93).

Малоикалар Аллоҳнинг бандаларидир:

﴿بَلْ عِبَادٌ مُّكْرَمُونَ ﴿٢٦﴾ لَا يَسْفِقُونَهُ بِالْقَوْلِ وَهُمْ بِأَمْرِهِ
يَعْمَلُونَ ﴿٢٧﴾﴾

«Йўқ, (фаришталар асло Аллоҳнинг болалари эмас, балки) улуғ бандалардир. (Фаришталар) У зотдан илгари бирон сўз айтмайдилар (яъни Аллоҳ буюрмаган бирон ишни қилмайдилар), Улар (Аллоҳнинг) амри фармони билангина амал қилурлар» (Анбиё: 26, 27).

Расуллар ва набийлар Аллоҳнинг бандаларидир. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Нух алайҳис-салом ҳақида:

﴿إِنَّهُ كَانَ عَبْدًا شَكُورًا ﴿٣﴾﴾

«Зеро, у доимо шукр қилувчи банда эди» (Исро: 3),

﴿فَكَذَّبُوا عَبْدَنَا ﴿٩﴾﴾

«Улар Бизнинг бандамиз (Нух)ни ёлғончи қилишди» (Қамар: 9), дейди.

Довуд алайҳис-салом ҳақида:

﴿وَأَذْكُرْ عَبْدَنَا دَاوُدَ ذَا الْأَيْدِ إِنَّهُ أَوَّابٌ ﴿١٧﴾﴾

«Бизнинг бандамиз (тоат-ибодатда) қувват соҳиби бўлган Довудни эсланг! Дарҳақиқат у (Аллоҳ рози бўладиган йўлга) бутунлай қайтувчидир» (Сод: 17), дейди.

Сулаймон алайҳис-салом ҳақида:

﴿نَعْمَ الْعَبْدُ إِنَّهُ أَوَّابٌ ﴿٣٠﴾﴾

«(Сулаймон) нақадар яхши бандадир. Дарҳақиқат у (Аллоҳ рози бўладиган йўлга) бутунлай қайтувчидир» (Сод: 30), дейди.

Айюб алайҳис-салом ҳақида:

﴿وَأَذْكُرْ عَبْدَنَا أَيُّوبَ إِذْ نَادَىٰ رَبَّهُ أَنِّي مَسَّنِيَ الشَّيْطَانُ بِنُصْبٍ وَعَذَابٍ﴾



«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), бандамиз Айюбнинг Парвардигорига нидо қилиб «Дарҳақиқат мени шайтон бало ва азоб билан ушлади», деган пайгани эсланг!» (Сод: 41), дейди.

Ийсо алайҳис-салом ҳақида:

﴿إِنْ هُوَ إِلَّا عَبْدٌ أَنْعَمْنَا عَلَيْهِ﴾

«У фақатгина Биз (пайғамбарлик) инъом этган бир бандадир» (Зухруф: 59), дейди.

Агар махлуқотларнинг энг улуғи бўлган набийлар, расуллар, малоикалар Аллоҳнинг бандалари бўлар экан, энди улардан қуйроқда турувчи азиз-авлиёлар-у солиҳ кишилар албатта банда эканликлари аниқдир.

Пайғамбарларнинг энг афзали ва сўнгиси бўлмиш Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламуни Аллоҳ таоло қуйидаги оятларда банда деб атади:

﴿وَإِنْ كُنْتُمْ فِي رَيْبٍ مِّمَّا نَزَّلْنَا عَلَىٰ عَبْدِنَا﴾

«Агар биз бандамизга туширган нарсадан (Қуръондан) шак-шубҳада бўлсангиз...» (Бақара: 23).

﴿تَبَارَكَ الَّذِي نَزَّلَ الْفُرْقَانَ عَلَىٰ عَبْدِهِ لِيَكُونَ لِلْعَالَمِينَ نَذِيرًا﴾

«Барча оламларни (охират азобидан) қўрқитувчи бўлсин деб Ўз бандаси (Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га Фурқон — Қуръон нозил қилган зот — Аллоҳ баракотли — Буюқдир» (Фурқон: 1).

﴿سُبْحَانَ الَّذِي أَسْرَى بِعَبْدِهِ لَيْلًا مِنَ الْمَسْجِدِ الْحَرَامِ إِلَى الْمَسْجِدِ الْأَقْصَا الَّذِي بَرَكْنَا حَوْلَهُ لِنُرِيَهُ مِنْ آيَاتِنَا﴾

«(Аллоҳ) бир кеча, Ўз бандаси (Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам)ни — унга оят-мўъжизаларимиздан кўрсатиш учун (Маккадаги) Масжид-ал-ҳаромдан (Қуддусдаги) Биз атрофини баракотли қилиб қўйган Масжид-ал-Ақсога сайр қилдирган (барча айбу нуқсондан) пок Зотдир» (Исро: 1).

Бандалик мақоми энг олий мақомлардан бўлиб, Аллоҳ азза ва жаллага банда бўлишдан юксак шараф йўқ.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Мени насоролар Йисо ибн Марямни мақтаб кўкларга кўтарганидек кўкка кўтариб мақтаманглар. Мен оддий бир бандаман. Аллоҳнинг бандаси ва расули, денглар»⁽¹⁾.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Мустафо — танланган ва саралаб олингандирлар. Яъни, Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло у зотни қавмлари орасидан Ўз рисолатига танлаб олган. Аллоҳ Ўзининг рисолатини қаерга қўйишни яхши билади, унга сазоворлигини ва ушбу вазифани адо эта олишини билган кишисинигина унга ихтиёр қилади. Чунки, бу жуда оғир ва улкан вазифа бўлиб, Аллоҳ таоло унга нолойиқ одамни ҳаргиз танламайди:

﴿اللَّهُ أَعْلَمُ حَيْثُ يَجْعَلُ رِسَالَتَهُ﴾

«Аллоҳ пайғамбарлик вазифасини қаерга қўйишни яхшироқ билувчидир» (Анъом: 124). Мужтабо ҳам мустафо маъносидадир.

Набий — Аллоҳ таоло томонидан шариат туширилган ва лекин уни таблиғ қилишга-етказишга буюрилма-

(1) Имом Бухорий ривояти (3445).

ган кишидир, расул эса Аллоҳ таоло томонидан шариат туширилган ва уни таблиғ қилишга амр қилинган кишидир. Таблиғ қилишга буюрилиш — одамларни унга тортиш ва у сабабли жанг қилишга буюрилиш маъносидадир.

Ундан ташқари, набийга ҳам ваҳий келади, у ҳам Аллоҳ азза ва жаллага даъват қилади. Лекин у ўзидан аввалги пайғамбарга эргашган ва унинг йўлида юрган, алоҳида хос шариат олиб келмаган бўлади. Бани Исроил пайғамбарлари шу қабилдан бўлиб, улар Мусо алайҳис-саломга нозил қилинган Тавротга даъват қилиб келардилар.

٤١. وَإِنَّهُ خَاتَمُ الْأَنْبِيَاءِ وَإِمَامُ الْأَتْقِيَاءِ وَسَيِّدُ الْمُرْسَلِينَ
وَحَبِيبُ رَبِّ الْعَالَمِينَ.

41. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам пайғамбарларнинг охиргиси, тақводорларнинг имоми, элчиларнинг саййиди (улуғи) ва оламлар Роббисининг ҳабибидирлар.

Булар пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сифатларидан баъзиларидир.

У зот пайғамбарларнинг сўнггиси — хотамул анбиё-дирлар. Аллоҳ таоло Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг рисолатлари билан пайғамбарлик силсиласига муҳр қўйди. Аллоҳ таоло айтади:

﴿ مَا كَانَ مُحَمَّدٌ أَبَا أَحَدٍ مِّن رِّجَالِكُمْ وَلَكِن رَّسُولَ اللَّهِ وَخَاتَمَ النَّبِيِّينَ ﴾

«Муҳаммад сизлардан бирон кишининг отаси эмасдир, балки у Аллоҳнинг пайғамбари ва пайғамбарларнинг сўнггисидир» (Аҳзоб: 40). У зот соллал-

лоҳу алайҳи ва салламдан кейин пайғамбар келишига хожат қолмади. Чунки Қуръон бор, суннати набавия бор, раббоний уламолар мавжуд, улар одамларни даъват қиладилар, уларга йўл кўрсатадилар. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг динлари то қиёмат боқий, у мансух бўлмайди, ўзгармайди. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло уни ҳамма замон ва маконга яроқли қилди. Ўтган пайғамбарларнинг шариатлари эса ўзларининг умматларига, маълум бир даврга хос бўлар, сўнг Аллоҳ таоло кейинги умматга ўзига мос келувчи шариат юбориб, бу билан аввалгисини мансух-бекор қиларди.

﴿لِكُلِّ جَعَلْنَا مِنْكُمْ شِرْعَةً وَمِنْهَا جَا﴾

«Сизлардан ҳар бир миллат (яъни дин аҳли) учун (алоҳида) шариат ва йўл қилиб қўйдик» (Моида: 48).

Ислом дини комил дин, у Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламдан кейин бошқа пайғамбарга муҳтожлиги йўқ. Уламолар пайғамбарларнинг ворисларидир. Кимдаким Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламдан кейин яна пайғамбар келади, деб эътиқод қилса, кофир бўлиб, диндан чиқади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзларидан кейин пайғамбарлик даъвоси билан чиқадиган каззоблар ҳақида хабар бериб шундай деганлар: *«Мендан кейин ўттизта каззоб келади, ҳаммаси пайғамбарлик даъво қилади. Ҳолбуки, мен пайғамбарларнинг сўнггисиман, менадан кейин пайғамбар келмайди»*⁽¹⁾.

(1) Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«То икки тоифа бир-бири билан уруш қилмагунича қиёмат қойим бўлмайди. Улар ўртасида жуда катта жанг кечади. Ҳар иккисининг даъвоси битта бўлади. То ўттизга яқин каззоб дажжоллар, ҳар бири ўзини Аллоҳнинг пайғамбари деган даъво билан чиқмагунича қиёмат қойим бўлмайди»* (Имом Бухорий (3609) ва Имом Муслим «Фитналар китоби»да (48/157) ривоятлари).

Пайғамбарлик даъвоси билан чиққан одам ҳам, унга эргашганлар ҳам ҳаммаси кофирдирлар. Муслмонлар уларга қарши жанг қилганлар ва уларни кофир санаганлар. Кейинги даврда пайғамбарлик даъвоси билан чиққан охирги киши покистонлик Аҳмад Қодиёний бўлиб, унга эргашганлар, яъни қодиёнийлар уни пайғамбар эканини даъво қилдилар, улар унинг исмига нисбатан ахмадийлар деб ҳам аталишади. Уламолар уни кофир деб эълон қилганлар ва исломий ўлкалардан бадарға қилганлар, унга эргашганларни ҳам кофир санаганлар. Чунки, бу Аллоҳ ва расулини ёлғончи қилиш бўларди. Муслмонлар уларнинг кофирликларига ижмоъ-иттифоқ қилганлар, бу брада ҳеч ким ихтилоф қилмаган.

Муслмон киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни пайғамбар ва элчиларнинг сўнггиси, тақводорларнинг пешвоси, яъни Аллоҳ азза ва жалладан тақво қилувчи зотларнинг ўрнак-намунаси, деб эътиқод қилмоғи лозим:

﴿لَقَدْ كَانَ لَكُمْ فِي رَسُولِ اللَّهِ أُسْوَةٌ حَسَنَةٌ لِّمَن كَانَ يَرْجُوا اللَّهَ وَالْيَوْمَ الْآخِرَ
وَذَكَرَ اللَّهَ كَذِكْرًا﴾

«(Эй мўминлар), сизлар учун — Аллоҳ ва охират кунидан умидвор бўлган ҳамда Аллоҳни кўп ёд қилган кишилар учун Аллоҳнинг пайғамбари (иймон-эътиқоди ва хулқи атвори)да гўзал ибрат бордир» (Аҳзоб: 21).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан бошқа ҳар қандай кишига агар у Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашаётган бўлсагина эргашилади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўлларига хилоф қилган кишига асло эргашиб мумкин эмас:

﴿قُلْ إِن كُنتُمْ تُحِبُّونَ اللَّهَ فَاتَّبِعُونِي يُحْبِبْكُمُ اللَّهُ وَيَغْفِرْ لَكُمْ ذُنُوبَكُمْ وَاللَّهُ غَفُورٌ
رَّحِيمٌ﴾


«**Айтинг** (эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «**Агар Аллоҳни севсангиз, менга эргашинглар. Шунда Аллоҳ сизларни севади ва гуноҳларингизни мағфират қилади. Аллоҳ (гуноҳларни) мағфират қилувчи, меҳрибондир**» (Оли Имрон: 31). Аллоҳга олиб борувчи йўл фақатгина Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашиш ва у зотнинг йўллари ни маҳкам тутишдадир.

У зот элчиларнинг саййидидирлар. Нафақат пайғамбарларнинг, балки бутун одамзотнинг саййидидирлар. У зот: «*Мен Одам авлодининг саййидиман, бироқ бу билан фахрланмайман*»⁽¹⁾, деганлар, буни Аллоҳ азза ва жаллага шукр келтириш бобида айтганлар, шунингдек умматлари Парвардигорга у зотни ўзларига пайғамбар қилгани ва элчиларнинг саййиди қилгани неъматига шукрона адо қилишлари учун айтганлар.

Саййид — имом, пешво маъносидадир, у зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам пайғамбарларнинг энг афзали, имоми ва пешвосидирлар.

«**Оламлар Роббисининг ҳабибидирлар**» деган ибора хусусида бир оз мулоҳазамиз бор. Чунки, ҳабиб бўлишлари кифоя қилмайди, балки у зот оламлар Роббисининг халилидирлар. Халиллик ҳабиблиқдан афзалдир. Муҳаббатнинг даражалари бўлиб, энг олийси халиллик даражасидир. Бу мартабага махлуқотлардан фақат икки киши — Иброҳим алайҳис-солату вас-салом ва пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам эришганлар. Аллоҳ таоло айтади:

(1) Имом Термизий (3624) ва Имом Аҳмад (3/144-145) ривоятлари. Термизий: «Хасан, саҳиҳ ҳадис» деган. Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган куйидаги муттафақун алайҳи ҳадис ҳам буни қувватлайди: «*Мен қиёмат куни қавмининг саййидиман*», бир лафзда: «*Мен қиёмат куни одамларнинг саййидиман*» (Имом Бухорий (4712, 3340) ва Имом Муслим (194, 2278) ривоятлари.



«Иброҳимни Аллоҳ Ўзига халил тутган» (Нисо: 125). Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Албатта Аллоҳ таоло мени худди Иброҳимни халил қилганидек халил қилди»⁽¹⁾. Ҳабибуллоҳ дейиш етарли эмас, чунки ҳар бир мўмин бунга эришиши мумкин, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга бунда имтиёз бўлмайди. Аммо халилликда ҳеч ким у зотга етолмайди.

٤٢. وَكُلَّ دَعْوَى النُّبُوَّةِ بَعْدَهُ فَعَيٌّ وَهُوَ.

42. У зотдан кейинги ҳар қандай пайғамбарлик даъвоси ботил ва ёлғондир.

Бу ҳақда гап пайғамбарларнинг охиргиси эканлари ҳақидаги мавзуда ўтди. У зотдан кейин ҳар қандай пайғамбарлик даъвоси ботил ва куфрдир. Чунки, пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламдан сўнг ҳеч қачон пайғамбар келмайди. Ийсо алайҳис-салом охирзамонда тушганларида у киши янгидан пайғамбар бўлиб, янги шариат билан келмайдилар, балки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг динларини қувватлаб ва у зотга эргашувчи бўлиб келадилар ва ислом шариати билан ҳукм қиладилар.

٤٣. وَهُوَ الْمَبْعُوثُ إِلَى عَامَّةِ الْجِنِّ وَكَافَّةِ الْوَرَى، بِالْحَقِّ وَالْهُدَى، وَبِالنُّورِ وَالضِّيَاءِ.

(1) Имом Муслим ривояти (532).

43. У зот барча инсонун жинларга ҳақ ва ҳидоят, нур ва зиё билан юборилгандирлар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳақларида ана шундай эътиқодда бўлмоқ зарур. У зотни Аллоҳнинг элчиси дебгина қўйиш кифоя қилмайди, балки бутун инсониятга ва балки инсу-жинларга элчи қилинганлар деб эътиқод қиламиз.

Аллоҳ таоло айтади:

﴿ وَمَا أَرْسَلْنَاكَ إِلَّا كَافَّةً لِّلنَّاسِ بَشِيرًا وَنَذِيرًا ﴾

«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), **Биз сизни шак-шубҳасиз, барча одамларга:** (мўминларга жаннат ҳақида) **хушxabар элтувчи,** (кофирларни эса дўзах азобидан) **огохлантирувчи бўлган ҳолингизда, пайғамбар қилиб юбордик**» (Сабаъ: 28).

﴿ قُلْ يَا أَيُّهَا النَّاسُ إِنِّي رَسُولُ اللَّهِ إِلَيْكُمْ جَمِيعًا ﴾

«**Айтинг** (эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам): **«Эй одамлар, албатта мен сизларнинг барчангизга Аллоҳ (юборган) элчиман**» (Аъроф: 158).

У зотнинг рисолатлари бутун инсониятга ва бу у зотнинг хусусиятларидандир. У зот бутун инсониятга элчи, унга итоат қилиш барча махлуқотларга — арабига ҳам, ажамига ҳам, қоратанлисига ҳам, оқтанлисига ҳам, инсига ҳам, жинига ҳам фарз. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг даъвати етиб борган ҳар бир киши у зотга итоат қилиши ва эргашиши лозим бўлади. Ким насоролар даъво қилганидек, у зотни фақат арабларга пайғамбар бўлиб келганлар деса ва бошқаларга ҳам пайғамбар эканларини инкор қилса, Аллоҳга кофир бўлган ва Аллоҳу расулини ёлғончи қилган бўлади. Аллоҳ таоло айтади:

﴿ وَمَا أَرْسَلْنَاكَ إِلَّا كَافَّةً لِّلنَّاسِ بَشِيرًا وَنَذِيرًا ﴾

«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), **Биз сизни шак-шубҳасиз, барча одамларга:** (мўминларга жаннат ҳақида) **хушхабар элтувчи,** (кофирларни эса дўзах азобидан) **огохлантирувчи бўлган ҳолингизда, пайғамбар қилиб юбордик**» (Сабаъ: 28),

﴿ تَبَارَكَ الَّذِي نَزَّلَ الْفُرْقَانَ عَلَى عَبْدِهِ لِيَكُونَ لِلْعَالَمِينَ نَذِيرًا ﴾

«**Барча оламларни** (охират азобидан) **қўрқитувчи бўлсин деб Ўз бандаси** (Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га **Фурқон — Қуръон нозил қилган зот — Аллоҳ баракотли — Буюкдир**» (Фурқон: 1). Демак, у зотнинг рисолатлари оламшумулдир.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «*Ҳар бир пайғамбар ўз қавмига хос юбориларди, мен ҳамма одамларга юборилдим*»⁽¹⁾.

У зот ер юзи подшоҳларига уларни Исломга чақириб мактублар юбордилар. Шунинг ўзи ҳам у кишининг бутун ер юзи аҳлига юборилган эканларига далил бўлади. У зот то одамлар Исломга киргунларича жиҳод қилишга буюрилдилар. Бу ҳам у зот соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг рисолатлари оламшумул эканига далил бўлади.

У зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳақларида қуйидагича эътиқодда бўлиш лозим:

Биринчи: У Аллоҳнинг бандаси ва элчиси;

Иккинчи: У пайғамбарларнинг сўнггиси, ундан кейин пайғамбар келмайди;

Учинчи: Унинг рисолати инсу жин оламига умумий.

Инсонлар оламига умумий эканига далил юқоридаги оятларда ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва

(1) Имом Бухорий ривояти (335, 438), Имом Муслим ривоятида: «Қизил-у қоратанининг ҳар бирига юборилдим». (521).

салламнинг ер юзи ҳукмдорларига мактуб ёзишларида ўтди.

Жинлар оламига ҳам пайғамбар эканларига далиллар:

﴿وَإِذْ صَرَفْنَا إِلَيْكَ نَفَرًا مِّنَ الْجِنِّ يَسْتَمِعُونَ الْقُرْآنَ فَلَمَّا حَضَرُوهُ قَالُوا أَنصِتُوا فَلَمَّا قُضِيَ وَلَّوْا إِلَىٰ قَوْمِهِمْ مُنْذِرِينَ ﴿٢٩﴾ قَالُوا يَا قَوْمَنَا إِنَّا سَمِعْنَا كِتَابًا أُنزِلَ مِن بَعْدِ مُوسَىٰ مُصَدِّقًا لِّمَا بَيْنَ يَدَيْهِ يَهْدِي إِلَى الْحَقِّ وَإِلَىٰ طَرِيقِ مُسْتَقِيمٍ ﴿٣٠﴾ يَا قَوْمَنَا أَجِيبُوا دَاعِيَ اللَّهِ وَآمِنُوا بِهِ ۖ يَعْفِرَ لَكُمْ مِّن ذُنُوبِكُمْ وَيَجْرِمَكُمْ مِّنْ عَذَابِ الْعِلْمِ ﴿٣١﴾﴾

«Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), эсланг, Биз сизнинг олдингизга бир гуруҳ жинларни Қуръон тингласинлар, деб юборган эдик. Бас, қачонки улар (Қуръон тиловатига) ҳозир бўлишгач, (бир-бирларига): «Жим туринглар», дедилар. Энди қачонки (тиловат) тугатилгач, улар ўз қавмлари олдига огоҳлантирувчи бўлган ҳолларида қайтиб кетдилар. Улар дедилар: «Эй қавмимиз, дарҳақиқат бизлар Мусодан кейин нозил қилинган, ўзидан олдинги (илоҳий китоб) ларни тасдиқ қилувчи бўлган, Ҳақ (дин)га ва Тўғри йўлга ҳидоят қиладиган бир Китобни — Қуръонни тингладик. Эй қавмимиз, Аллоҳга даъват қилувчи (Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг даъвати)ни қабул қилинганлар ва унга иймон келтиринглар, (шунда Аллоҳ) сизларнинг гуноҳларингизни мағфират қилур ва сизларга аламли азобдан паноҳ берур» (Ахқоф: 29-31).

﴿قُلْ أُوْحِيَ إِلَيَّ أَنَّهُ اسْتَمَعَ نَفَرٌ مِّنَ الْجِنِّ فَقَالُوا إِنَّا سَمِعْنَا قُرْآنًا عَجَبًا ﴿١﴾﴾
﴿يَهْدِي إِلَى الرُّشْدِ فَآمَنَّا بِهِ ۗ وَلَن نُشْرِكَ بِرَبِّنَا أَحَدًا ﴿٢﴾﴾

«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), **айтинг: «Менга ваҳий қилиндики, жинлардан бир гуруҳи (менинг Қуръон тиловат қилганимни) эшитишиб, (ўз қавмларига қайтиб боришгач,) дедилар: «Дарҳақиқат бизлар ҳақ йўлга ҳидоят қиладиган бир ажиб Қуръонни эшитдик ва дарҳол унга иймон келтирдик»** (Жин: 1, 2).

Хуллас, пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ер юзи аҳлининг ҳаммасига, инсу жин оламига юборилдилар. Ким у зотга иймон келтирса жаннатга киради, ким иймон келтирмаса жаҳаннамга тушади.

У зот нур ва зиё билан юборилганлар. Аллоҳ таоло айтади:

﴿يَأَيُّهَا النَّبِيُّ إِنَّا أَرْسَلْنَاكَ شَهِيدًا وَمُبَشِّرًا وَنَذِيرًا ﴿٤٥﴾ وَدَاعِيًا إِلَى اللَّهِ بِإِذْنِهِ وَسِرَاجًا مُنِيرًا ﴿٤٦﴾﴾

«Эй пайғамбар, дарҳақиқат Биз сизни (қиёмат кунида барча умматлар устида) **гувоҳлик берувчи, (мўминларга жаннат ҳақида) хушxabар элтувчи ва (кофирларни дўзах азобидан) огоҳлантирувчи ҳамда Аллоҳнинг изни-иродаси билан У зотга (яъни Унинг динига) даъват қилувчи ва (Ҳақ йўлини кўрсатувчи) нурли чирок қилиб юборгандирмиз»** (Ахзоб: 45, 46).

٤٤ . وَإِنَّ الْقُرْآنَ كَلَامُ اللَّهِ .

44. Қуръон Аллоҳнинг каломидир.

Аллоҳ аzza ва жаллага ва Унинг Расули соллаллоҳу алайҳи ва салламга иймон келтирганимиздан сўнг Қуръон Аллоҳнинг каломи эканига, уни Ўз пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга нозил

қилган эканига иймон келтирамиз. Қуръон Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳам, Жибрил алайҳис-саломнинг ҳам сўзи эмас. Балки у Аллоҳ азза ва жалланинг Каломи-сўзи, Жибрил алайҳис-салом уни Аллоҳдан қабул қилиб олганлар, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам эса уни Жибрил алайҳис-саломдан қабул қилиб олганлар ва умматга етказганлар.

Жибрил алайҳис-салом Қуръонни Аллоҳ таолонинг Ўзидан қабул қилганлар, айрим залолат аҳллари айтганидек лавҳул-маҳфуздан олмаганлар. У Жибрил алайҳис-саломнинг ҳам, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳам сўзлари эмас, оламлар Роббисининг каломидир. Жибрил алайҳис-салом ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни Аллоҳ азза ва жалла тарафидан махлуқотларга етказувчи бўлганлар, холос. Сўзни дастлаб айтувчисига нисбат берилади, ўртадаги етказувчига эмас.

Кимда-ким: Жибрил алайҳис-салом уни лавҳул-маҳфуздан олганлар, деса ёки — жаҳмийлар ва муътазилийлар айтгани каби — Аллоҳ таоло уни яратиб, бир ўринга қўйиб қўйган, Жибрил алайҳис-салом уни ўша ўридан олганлар, деса, Аллоҳга кофир бўлиб, диндан чиқади. Қуръон ҳарфлари ва маънолари билан Аллоҳнинг Каломи, Уни Аллоҳ Ўзи истаганидек кайфиятда сўзлаган. Биз Аллоҳни сўзлаш сифатига эга деб эътиқод қиламиз. Сўзлаш Унинг феълий сифатларидан. Қандай сўзлаши ҳақида эса: «У ёлғиз Аллоҳнинг Ўзига маълум, бу Унинг бошқа сифатлари кабидир, унга иймон келтирамиз, лекин кайфиятини билмаймиз. Сўзлаши маълум, кайфияти бизга номаълум», деймиз.

٤٥ . مِنْهُ بَدَأَ بِلَا كَيْفِيَّةٍ قَوْلًا، وَ أَنْزَلَهُ عَلَى رَسُولِهِ وَحَيًّا .

45. У кайфияти бизга номаълум ҳолда Аллоҳ Таолонинг ўзи тарафидан (сўзма-сўз) айтилиб содир бўлган ва (кейин) уни расулига ваҳий тарзида нозил қилгандир.

Яъни, Қуръон Аллоҳдан нозил бўлган, уни Аллоҳ сўзлаган ва нозил қилган. Ундан ўзгаси томонидан нозил бўлмаган, Ундан ўзгасидан содир бўлмаган. Унинг бошланиши Жибрил алайҳис-салом томонидан ёки лавҳдан ёки ҳаводан, деб айтилмайди. У даставвал Аллоҳ азза ва жалла томонидан содир бўлган, Жибрил алайҳис-салом уни эшитиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга ваҳий сифатида етказган, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам эса уни одамларга етказганлар. Агар Қуръон инсон сўзи бўлса эди, қайсидир бир инсон худди унга ўхшабини келтиришга қодир бўлган бўларди. Инсон зотининг бундай қилишдан ожиз қолган экани унинг Аллоҳ азза ва жалланинг каломи эканига далил бўлади. Аллоҳ таоло айтди:

﴿وَأَن كُنْتُمْ فِي رَيْبٍ مِّمَّا نَزَّلْنَا عَلَىٰ عَبْدِنَا فَأْتُوا بِسُورَةٍ مِّثْلِهِ ۚ وَادْعُوا شُهَدَاءَكُمْ مِّن دُونِ اللَّهِ إِنْ كُنْتُمْ صَادِقِينَ﴾

«Агар биз бандамизга туширган нарсадан (Қуръондан) шак-шубҳада бўлсангиз, у ҳолда шунга ўхшаган биргина сура келтиринг ва Аллоҳдан ўзга ёрдамчиларингизни (бу ишда кўмак беришлари учун) чақиринг — агар ростгўй бўлсангиз» (Бақара: 23).

Яна деди:

﴿أَمْ يَقُولُونَ أَفْتَرَنَاهُ ۗ قُلْ فَأْتُوا بِعَشْرِ سُوْرٍ مِّثْلِهِ ۚ مُفْتَرِيْنَ ۚ وَادْعُوا مَن اسْتَطَعْتُمْ مِّن دُونِ اللَّهِ إِنْ كُنْتُمْ صَادِقِينَ﴾

«Ёки: «Уни (яъни, Қуръонни Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам) тўқиб чиқарган», дейдиларми?! Айтинг: «У ҳолда, агар ростгўй бўлсангизлар, Аллоҳдан ўзга кучингиз етган барча махлуқотларни (ёрдамга) чорлаб шунга ўхшаш ўнтагина «тўқилган» сура келтирингиз!» (Худ: 13).

Улар фасоҳату балоғатнинг чўққисига етган, араб бўлишларига, Қуръон уларнинг тилларида — араб тилида ва улар истеъмол қиладиган ҳарфларда тушган эканига қарамасдан бундан ожиз қолишди. Ҳолбуки, улар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга қаршилиқ қилишга қаттиқ ҳаракат қилишар, агар Қуръонга тенг келадиган нарсани келтириш қўлларидан келса эди, ҳеч қачон бундан тортиниб ва тўхталиб турмаган бўлишарди. Бундай қилишдан ожиз бўлганликлари Қуръон олдидан ҳам, ортидан ҳам ботил киролмайдиган Аллоҳнинг Каломи эканига далил бўлади.

٤٦ . وَصَدَقَهُ الْمُؤْمِنُونَ عَلَىٰ ذَٰلِكَ حَقًّا .

46. Мўминлар Қуръонни дарҳақиқат ана шундай деб тасдиқлаганлар.


Аллоҳ ва Расулига иймон келтирган кишилар Қуръонни Аллоҳнинг Каломи эканига ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни Аллоҳ томонидан етказувчи бўлганларига ишонадилар. Аллоҳ таолонинг:

﴿إِنَّهُ لَقَوْلُ رَسُولٍ كَرِيمٍ ﴿١١﴾ ذِي قُوَّةٍ عِنْدَ ذِي الْعَرْشِ مَكِينٍ ﴿٢٠﴾﴾

«Шак-шубҳасиз у (Қуръон) бир улуғ, қувватли, аршнинг соҳиби (бўлмиш Аллоҳ) наздида макон-мартабали, у жойда (яъни осмонларда фаришталар томонидан) итоат этилувчи, ишончли элчининг (яъни Жаб-

роил фариштанинг Аллоҳ таоло томонидан келтирган) **сўзидир»** (Таквир: 19-21) деган оятларида унинг Жибрил алайҳис-саломга нисбат берилиши фақат етказиш жиҳатидандир. Чунки, Қуръон бир вақтнинг ўзида ҳам Аллоҳ таолонинг, ҳам Жибрил алайҳис-саломнинг сўзи бўлиши мумкин эмас. Битта сўз фақат бир кишиники бўлади, уни бир неча кишининг сўзи дейиш тўғри бўлмайди. Уни Аллоҳ таолога нисбатлаш ҳақиқий, Жибрил алайҳис-саломга нисбати эса таблиғ-етказиш жиҳатидан холос.

Бошқа оятда:



«У (Қуръон) **шак-шубҳасиз улуг пайғамбарнинг** (Аллоҳ даргоҳидан келтирган) **сўзидир!**» (Ал-ҳааққа: 40) деб, уни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга нисбатланиши ҳам таблиғ-етказиш жиҳатидандир.

٤٧ . وَأَيَقْنُوا أَنَّهُ كَلَامُ اللَّهِ تَعَالَى بِالْحَقِيقَةِ .

47. Уни Аллоҳ таолонинг ҳақиқий каломидир, деб иймон келтирганлар.

Жаҳмийлар ва муътазилийлар айтганидек эмаски, улар: «Қуръон Аллоҳнинг каломи, лекин уни Аллоҳга нисбатланиши мажозий, чунки Аллоҳ уни яратган, уни Аллоҳга нисбатлаш махлуқни холиқига нисбатлаш маъносида», дейишади.

Биз айтамыз: Бекор айтибсизлар, Аллоҳга изофа қилиш — нисбатлаш икки хил бўлади: маъноларни изофа қилиш ва нарсаларнинг ўзини изофа қилиш.

Биринчиси: Маъноларни Аллоҳга изофа қилиш — нисбат бериш, бунинг мисоли калом-сўзлаш. Маъно-

ларни Аллоҳга изофа қилиш сифатни мавсуфга изофа қилиш бўлади. Масалан, сўзлаш, эшитиш, кўриш, қудрат, иродани изофа қилиш сифатни мавсуфга изофа қилиш қабилидан. Чунки, булар ўзлари мустақил равишда амал қила олмайдиган маънолардир, балки фақат мавсуф билан бирга бўлганда амал қилади.

Иккинчиси: Нарсаларни изофа қилиш, байтулоҳ (Аллоҳнинг уйи), ноқатуллоҳ (Аллоҳнинг туяси), абдуллоҳ (Аллоҳнинг бандаси) каби. Бу — махлуқни холиқига изофа қилиш бўлиб, бу ердаги изофадан мурод — улуғлаш ва ҳурматлашдир.

٤٨. لَيْسَ بِمَخْلُوقٍ كَكَلَامِ الْبَرِيَّةِ.

48. У махлуқларнинг каломи каби махлуқ — яратилган эмас.

Аллоҳнинг каломи махлуқ эмас. Бу «Қуръон махлуқ» дейдиган жаҳмийлар ва муътазилийларга раддиядир. Уларнинг — ўз даъволарича — ташбехдан қочиш учун барча сифатларни Аллоҳдан рад қилишга қурилган манҳажларига кўра, Аллоҳ сўзламайди. Чунки улар яратувчининг сифатлари билан махлуқларнинг сифатлари ўртасини ажратмайдилар. Шу боис мавҳум — гумоний ташбехдан қочиб, ундан кўра ёмонроқ нарсага — таътилга тушиб қолдилар, гўёки ёмғирдан қочиб дўлга тутилдилар.

Агар улар Аллоҳ таоло Ўзига исботлаган нарсаларни исботлашганда ва Холиқ билан махлуқ сифатлари ўртасидаги фарқни илғаб олишганда эди, тўғриликка етишган бўлар, шу билан олам гулистон эди. Бироқ, таасуфки, улар залолат йўлини тутишди.

٤٩. فَمَنْ سَمِعَهُ فَرَعَمَ أَنَّهُ كَلَامُ الْبَشَرِ فَقَدْ كَفَرَ.

49. Кимда-ким Қуръонни эшитгач, уни инсонларнинг сўзи деб ҳисобласа, шубҳасиз кофир бўлади.

Аллоҳнинг Каломини инсон сўзи деб даъво қилган одам шак-шубҳасиз кофир бўлади, чунки у Аллоҳ азза ва жалланинг Каломини инкор қилган бўлди. Агар Аллоҳ таолонинг бандаларга нозил қиладиган каломи бўлмаса, унда Аллоҳнинг бандалар устидаги ҳужжати нима билан барпо бўлади?! Бу сўзлари билан улар шариатларни йўққа чиқаришни қасд қилишади. Агар борлиқда — хоҳ Тавротда, хоҳ Инжилда, хоҳ Қуръонда бўлсин –Аллоҳнинг Каломи бўлмаса, бу дегани одамлар устида Аллоҳнинг ҳужжати барпо бўлмаган, дегани бўлади. Бу эса энг катта куфр ва энг катта залолатдир.

۵۰. وَقَدْ ذَمَّهُ اللَّهُ وَ عَابَهُ وَ أَوْعَدَهُ بِسَقَرٍ حَيْثُ قَالَ تَعَالَى:
﴿سَأُضْلِيهِ سَقَرَ﴾.

50. Бундай кимсани Аллоҳ Таоло мазаммат қилган ва «Мен уни тез кунда «сақар» - жаҳаннамга киритажакман» (Муддассир: 26) деб унга таҳдид қилгандир.

Қуръонни инсон сўзи дейдиган кимсани Аллоҳ таоло мазаммат қилди. Валид ибн Муғйра ал-Махзумий шундай деган эди. У Макка кофирларининг катталаридан ва зодагонларидан эди. Обрў-эътибори кучлилигидан уни Макканинг кўрки деб аташарди. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламдан Қуръонни эшитганида унинг жозибаси уни маҳлиё қилди ва уни инсоннинг сўзи эмаслигини билди. Қуръонни мақтаб: «У шеър эмас, сеҳр ҳам эмас. Мен шеър турларини яхши биламан, сеҳр турларини ҳам, фолбинликни ҳам биламан, яна фалон-фалон нарсаларни биламан. Қуръон уларнинг ҳеч биридан

эмас», деди. Шунда қавмдошлари бўлмиш кофирлар ундан норози бўлиб, қаттиқ-қаттиқ сўзлар айтишди. Чунки, сўзларининг маъносидан у Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламнинг пайғамбарликларини эътироф қилаётган эди. Қавмдошларининг муомаласини кўргач, у гапини тўғрилаб олди-да: **«Бу фақат башарнинг сўзидир»** (Муддассир: 25), деди. Шунда Аллоҳ азза ва жалла ушбу оятларни туширди:

﴿إِنَّهُ فَكَّرَ وَقَدَّرَ ﴿١٨﴾ فَقِيلَ كَيْفَ قَدَرَ ﴿١٩﴾ ثُمَّ قِيلَ كَيْفَ فَدَرَ ﴿٢٠﴾ ثُمَّ نَظَرَ ﴿٢١﴾ ثُمَّ عَبَسَ وَبَسَرَ ﴿٢٢﴾ ثُمَّ أَدْبَرَ وَاسْتَكْبَرَ ﴿٢٣﴾ فَقَالَ إِن هَذَا إِلَّا سِحْرٌ يُؤْتَرُ ﴿٢٤﴾ إِنْ هَذَا إِلَّا قَوْلُ الْبَشَرِ ﴿٢٥﴾ سَأُصَلِّيهُ سَقَرَ ﴿٢٦﴾﴾

«Чунки у (Қуръонни эшитгач, бу илоҳий Китобга қандай тухмат қилиш тўғрисида) ўйлади, режа тузди. Ҳалок қилингур, қандай режа тузди-я?! Яна ҳалок қилингур, қандай режа тузди-я?! Сўнгра у (ўйлаган режаларига) қаради. Сўнгра (Қуръондан бирон айб топа олмагач, пешонасини) тириштирди ва (афтини) буриштирди. Сўнгра (ҳақдан) юз ўгирди ва кибр-ҳаво қилди. Бас, у: «Бу (Қуръон Аллоҳнинг сўзи эмас, балки) фақат (аввалгилардан) нақл қилинаётган бир сеҳрдир. Бу фақат башарнинг сўзидир», деди. Яқинда Мен уни Сақарга (жаҳаннамга) киритажакман! (Муддассир: 18-26).

٥١ . فَلَمَّا أُوْعِدَ اللَّهُ بِسَقَرٍ لِمَنْ قَالَ: ﴿إِنْ هَذَا إِلَّا قَوْلُ الْبَشَرِ﴾
(المدرثر: ٢٥) عَلِمْنَا وَ أَيْقَنَّا أَنَّهُ قَوْلُ خَالِقِ الْبَشَرِ.

51. (Қуръон тўғрисида): «Бу инсоннинг сўздан бошқа нарса эмас» (Муддассир: 25) деган кимсани Аллоҳ «сақар» билан огоҳлантириб қўрқитган экан, шундан биз

Қуръон Яратганнинг сўзи эканлигини билдик ва иймон келтирдик.

Кимда-ким Қуръонни Аллоҳнинг Каломи эмас, балки инсоннинг ёки малоиканинг сўзи деса, у одам худди Валид ибн Муғийрага ўхшаган бўлади. Ўртадаги фарқ шуки, у мусулмонлик даъво қилади, Валид эса Исломни даъво қилмаган. Исломни даъво қилишнинг ўзи кифоя қилмайди. Чунки, Қуръонга кофир бўлган кимсага Исломни даъво қилиш асло фойда бермайди. Чунки бу муртадлик ҳисобланади. Шундан маълум бўладики, Қуръонни Аллоҳнинг ҳақиқий каломи деб эътироф қилиш зарурдир.

۵۲. وَلَا يُشْبِهُ قَوْلَ الْبَشَرِ.

52. Ҳамда унинг инсонлар сўзига ўхшамаслигини (билдик ва иймон келтирдик).

Агар Қуръон Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сўзлари бўлса эди, Валид ибн Муғийранинг «Қуръон Муҳамад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг сўзи» деган гапига бу даражада қаттиқ маломат бўлмас эди. Ваҳоланки, Аллоҳ таоло унга қаттиқ ваъид (азоб хабари) билан пўписа қилди. Демак, бу унинг Қуръонни Аллоҳдан бошқасига нисбат бериши билан жуда ёмон ва ҳақоратли сўз айтганига далил бўлади. Мана шу йўлни тутган ва шу даъвони қилган ҳар бир киши Валид ибн Муғийрадан фарқсиз ўлароқ жаҳаннамда абадий қолади.

۵۳. وَمَنْ وَصَفَ اللَّهُ بِمَعْنَى مِنْ مَعَانِي الْبَشَرِ، فَقَدْ كَفَرَ.

53. Ким Аллоҳ Таолони фақат инсонларга хос бўлган бирон сифат билан васфласа, шаксиз кофир бўлади.

Яъни, кимда-ким Аллоҳ таолони инсонларга хос бўлган маъно-тушунчаларга ўхшатса кофир бўлади, чунки бу билан у Аллоҳ субҳанаху ва таолони камситган бўлади.

٥٤. مَنْ أَبْصَرَ هَذَا اغْتَبَرَ.

54. Буни англаган инсон ибратланади

Чунки, Холиқнинг сифатлари билан махлуқнинг сифатлари ўртасидаги фарқ очиқ-ойдин маълум. Улар гарчи ном ва маънода муштарак бўлса-да, ҳақиқатида фарқли ва воқеъда бошқачадир. Демак, Аллоҳнинг Каломи билан инсон каломи ўртасида ўхшашлик йўқ, Аллоҳнинг эшитиши билан инсоннинг эшитиши ўртасида ўхшашлик йўқ, Аллоҳнинг кўриши билан инсоннинг кўриши ўртасида ўхшашлик йўқ, Аллоҳнинг илми билан инсоннинг илми ўртасида ўхшашлик йўқ, Аллоҳнинг хоҳиш-иродаси билан инсоннинг хоҳиш-иродаси ўртасида ўхшашлик йўқ. Ким Аллоҳ таолонинг сифатлари билан махлуқотлар сифатлари ўртасини фарқламаса, кофир бўлиб қолади.

٥٥. وَعَنْ مِثْلِ قَوْلِ الْكُفَّارِ انْتَزَجَ.

55. Ва кофирларникига ўхшаган сўзлардан тийилади.

Ким Аллоҳ таолонинг Валид ибн Муғйра ҳақида нозил қилган оятларини тафаккур қилиб кўрса, адашган фирқаларнинг Аллоҳнинг Каломи ҳақидаги гапларини

нинг ботиллигини билади ва бундай сўзлардан тийи-лади.

٥٦. وَعَلِمَ أَنَّهُ بِصِفَاتِهِ لَيْسَ كَالْبَشَرِ.

56. Ҳамда У Ўзининг сифатларида инсонларга ўхшаш эмаслигини (аниқ) билади.

Аллоҳ таолонинг сўзлаш, эшитиш, кўриш ва бошқа сифатлари инсонларнинг мазкур сифатларига ўхшаган эмас. Зеро, Холикнинг сифатлари билан махлуқнинг сифатлари ўртасида улкан фарқ бор.

٥٧. وَالرُّؤْيَا حَقٌّ لِأَهْلِ الْجَنَّةِ، بِغَيْرِ إِحْاطَةٍ وَلَا كَيْفِيَّةٍ.

57. Жаннат аҳли Қиёмат кунни Аллоҳни нигоҳ билан тўлиқ қамраб олмасдан, кайфияти бизга номаълум ҳолда кўриши ҳақдир.

Мўминлар охиратда Парвардигорлари субҳанаҳу ва таолони кўрадилар, деб ишонамиз. Уни ўз кўзлари билан, худди тўлин ойни кўргандек ва худди булутсиз кунда қуёшни кўргандек кўрадилар. Бу ҳақда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳиҳ ва мутавотир ҳадисларида хабар берганлар⁽¹⁾. Шунинг учун мусанниф: «кўриш ҳақ», дейди, яъни Китоб, Суннат, салафу халаф

(1) Жарир ибн Абдуллоҳ ал-Бажалий розияллоху анҳудан ривоят қилинади: Биз Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларида эдик, тўлин ойга қараб туриб дедилар: “Яқинда сизлар Роббингизни худди шу ойни кўриб турганингиздек кўрасиз. У зотни кўришда талашиб-тортишмайсиз...” (Имом Бухорий (554) ва Имом Муслим (633) ривоятлари).

аҳли сунна вал-жамоанинг ижмоъ-иттифоқига кўра бу собитдир, бунга бидъат аҳли ва адашган йўллар эгаларидан бошқалар мухолиф бўлмаганлар.

Мўминлар Роббилари субҳанаху ва таолони кўрадилар. Унинг Ўзи бу ҳақда шундай деган:

﴿ وَجْهُ يَوْمَئِذٍ نَّاصِرَةٌ ﴿٢٢﴾ إِلَىٰ رَبِّهَا نَاظِرَةٌ ﴿٢٣﴾ ﴾

«У Кунда (мўминларнинг) юзлари яшнаб, Парвардигорларига боқиб турувчидир!» (Қиёмат: 22, 23).

Агар **نظر** (назар солмоқ) феъли **إلى** (-га) ҳарфи билан бирга келса, «қарамоқ, кўз билан кўрмоқ» маъноларида бўлади. Масалан,

﴿ أَفَلَا يَنْظُرُونَ إِلَىٰ الْإِبِلِ كَيْفَ خُلِقَتْ ﴿١٧﴾ وَإِلَىٰ السَّمَاءِ كَيْفَ رُفِعَتْ ﴿١٨﴾
وَإِلَىٰ الْجِبَالِ كَيْفَ نُصِبَتْ ﴿١٩﴾ وَإِلَىٰ الْأَرْضِ كَيْفَ سُطِحَتْ ﴿٢٠﴾ ﴾

«Ахир улар туянинг қандай яратилганига, осмоннинг қандай кўтариб қўйилганига; тоғларнинг қандай тикланганига ва Ернинг қандай ёйиб-текислаб қўйилганига (ибрат назари билан) боқмайдиларми?!» (Ғошия: 17-20),

﴿ وَجْهُ يَوْمَئِذٍ نَّاصِرَةٌ ﴿٢٢﴾ إِلَىٰ رَبِّهَا نَاظِرَةٌ ﴿٢٣﴾ ﴾

«У Кунда (мўминларнинг) юзлари яшнаб, Парвардигорларига боқиб турувчидир!» (Қиёмат: 22, 23) каби.

Агар ёлғиз ўзи келса, «кутиш, «кутиб туриш» маъносида келади. Масалан,

﴿ يَوْمَ يَقُولُ الْمُتَفَقِّهُونَ وَالْمُتَفَقِّتُ لِلذِّبِّ ۚ ءَامَنُوا أَنْظِرُونَا نَقِيسَ مِنْ نُورِكُمْ ﴾

«У Кунда мунофиқ ва мунофиқалар иймон келтирган зотларга: «Бизни кутиб туринглр, биз ҳам сиз-

ларнинг нурингиздан озгина олиб фойдаланайлик», десалар» (Ҳадид: 13) каби.

Агар **في** (-да) билан келса, «фикр юритиш, ибрат олиш» маъносида келади. Масалан,

﴿أَوَّلَمَ يَنْظُرُوا فِي مَلَكُوتِ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَمَا خَلَقَ اللَّهُ مِنْ شَيْءٍ وَأَنْ عَسَى أَنْ يَكُونَ قَدِ اقْتَرَبَ أَجَلُهُمْ﴾

«Самовот ва Ер малакутлари ҳақида, Аллоҳ яратган нарсалар тўғрисида ва ажаллари яқинлашиб қолган бўлиши мумкинлиги хусусида фикр юритмайдиларми?!» (Аъроф: 185) каби.

Хулоса шуки, оятдаги (Қиёмат: 22, 23) **نظر** (назар солмоқ) сўзи **إلى** (-га) ҳарфи билан бирга келди ва у «қармоқ, кўз билан кўрмоқ» маъносини англатди.

Ундан ташқари, Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг:

﴿لِّلَّذِينَ أَحْسَنُوا الْحُسْنَىٰ وَزِيَادَةٌ﴾

«Чиройли амал қилган зотлар учун гўзал оқибат ва зиёда неъматлар бордир» (Юнус: 26) деган сўзларидаги «гўзал оқибат»ни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жаннат, деб, «зиёда неъмат»ни Аллоҳ таолонинг Юзига боқиш, деб тафсир қилган эканлари «Саҳиҳ Муслим»да ривоят қилинган.⁽¹⁾

Аллоҳ таолонинг:


﴿وَلَدَيْنَا مَزِيدٌ﴾

«Ва яна Бизнинг даргоҳимиздаги қўшимча (иззат-икром)лар ҳам бордир» (Қоф: 35) оятидаги «қўшимча

(1) Имом Муслим (181) ва имом Термизий (2557) ривоятлари.

иззат-икром»дан мурод ҳам Аллоҳ таолонинг Юзига боқишдир.

Аллоҳ таоло кофирлар ҳақида:



«Ҳеч шак-шубҳа йўққи, улар ўша (Қиёмат) Кунида Парвардигорларидан тўсилувчидирдар» (Мутаф-фифун: 15), дейди. Агар кофирлар дунёда Аллоҳга кофир бўлишгани учун охиратда Ундан тўсилсалар, яъни У зотни кўролмасалар — бу эса энг катта маҳрумлик ва энг оғир азобдир, Аллоҳ сақласин — демак, бу дегани мўминлар қиёмат куни Аллоҳ таолодан тўсилмаслигига ва улар охиратда У зотни ўз кўзлари билан кўришларига далил бўлади. Чунки, улар дунёдаликларида Уни кўрмаган ҳолда ҳам иймон келтиришган, Унинг оят-аломатлари ва рисолатлари билан ҳаққа йўлланишган эди. Энди Аллоҳ таоло қиёмат куни уларни Ўзининг жамолини кўрсатиш билан иззат-икром қилади.

Аллоҳ азза ва жалланинг жамолига боқиш жаннатдаги энг катта неъмат ва мукофотдир.

Айтиб ўтилган гаплар аҳли сунна вал-жамоат мазҳаби ва уларнинг Қуръондан далиллари эди.

Уларнинг суннатдан ҳам кўплаб далиллари бор бўлиб, улар мутавотирлик даражасига етган. Аллома Ибнул Қаййим «Ҳодил-арвоҳ ила биладил-афроҳ» китобида бу ҳақда келган ва мутавотирлик даражасига етган ҳадисларни олиб келганлар.

«Сизлар қиёмат куни Роббингизни худди тўлин ойни кўрганингиздек ва худди булутсиз кунда қуёшни кўрганингиздек кўрасизлар, Уни кўришда талашиб-тортишмайсизлар»⁽¹⁾ ҳадиси шу жумладандир. Яъни,

(1) Имом Бухорий (554, 806, 7434) ва Имом Муслим (182) «Бир-бирингизга зарар бермаган ҳолда» ибораси билан ривоятлари.

Аллоҳ азза ва жаллани кўришда тиқилинч ҳолат юзага келиб, туртиниб-суртинмайсиз. Чунки, ҳар бир киши Аллоҳ таолони ўзи турган ўрнида, ҳеч қандай тиқилинчсиз, худди ой ва қуёшни бемалол, тиқилинчсиз кўрганидек кўра олади. Одатда, ерда бўлган нарсани кўпчилик кўрмоқчи бўлганида тиқилинчлик ҳолати вужудга келади. Аммо бир нарса юқорида, худди қуёш ва ой каби кўриниб турадиган бўлса, уни кўриш учун талашиб-тортишиш бўлмайди, ҳар ким турган ерида кўриш имконига эга бўлади. Махлуқ — қуёш ва ой ҳақида гап шу бўлса, Холиқ субҳанаҳу ва таоло ҳақида бу қандай мумкин бўлмасин?!

Аллоҳни кўришни жаҳмийлар ва муътазилийлар каби бидъат аҳлидан бошқа ҳеч ким инкор қилмайди. Улар эса буни рад қилишади ва: «Кўришни исбот қиладиган бўлсак, бундан Аллоҳнинг қайсидир бир жиҳат-тарафда экани келиб чиқади», дейишади. Уларнинг наздида Аллоҳ таоло ҳеч бир тарафда эмас, У оламнинг ичида ҳам, ташида ҳам эмас, юқорида ҳам, пастда ҳам, ўнгда ҳам, чапда ҳам эмас. Демак, Аллоҳ таоло йўқ экан-да?! Аллоҳ таоло улар айтаётган гаплардан олийдир, улар мана шу ботил фикрларидан келиб чиқиб Аллоҳ таолони кўришни рад қилишади.

Ашъарийлар эса Китобу Суннатдаги далилларни инкор қилиш имкони бўлмаганидан кўришни исботлашди, бироқ: «У кўрилади, лекин бирор тарафда эмас» дейишди. Қизиқ гап, шундай эмасми? Бир нарсани кўриш мумкин бўлса-ю, у ҳеч бир тарафда бўлмаса?! Шунинг учун муътазилийлар бундай бўлишини маҳол санаб, бу гапни инкор қилишди.

Аҳли сунна вал-жамоат айтадики: Аллоҳ субҳанаҳу ва таолони кўрилади, У юқори тарафда, уларнинг тепасида бўлади. Жиҳат-тараф деганда махлуқ-яратилган тараф кўзда тутилса, Аллоҳ таоло бирор тарафда эмас. Чунки, У зот Ўзининг махлуқоти ичида бўлмаслиги аниқ.

Агар у билан олийлик ва махлуқотдан юқорилик кўзда тугилса, бу Аллоҳ азза ва жалла учун собитдир. Аллоҳ таоло юксакликда, осмонлар устидадир. Куръонда жиҳатнинг исботи ҳам, инкори ҳам келмаган, лекин у ҳақда юқоридагидек тафсилот билан айтилади.

Улар Аллоҳ таолони нигоҳ билан тўлиқ қамраб олмасдан, қандайлиги бизга номаълум ҳолда кўрадилар. Зотан, Аллоҳ таоло Уни нигоҳлар тўла қамраб олишидан буюқдир. Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَلَا يُحِيطُونَ بِهِ عِلْمًا﴾

«Улар эса У зотни тўла била олмаслар» (Тоҳа: 110).

﴿لَا تُدْرِكُهُ الْأَبْصَارُ﴾

«Кўзлар уни идрок қила олмас» (Анъом: 103). Бунинг маъноси — кўзлар уни кўролмас, дегани эмас, кўзлар уни тўла қамраб ололмас, деганидир. Идрок қилиш бошқа, кўриш бошқа. Аллоҳ таоло: «Кўзлар уни кўра олмас» демади, балки: «Кўзлар уни идрок қила олмас» деди. Бунда ушбу оятни Аллоҳ таолони кўришни инкор қилишга далил қиладиган кишиларга раддия бор. Улар: «Аллоҳни кўришнинг имкони йўқ, чунки Унинг ўзи: «Кўзлар уни идрок қила олмас» деган», дейишади. Биз айтамикки: «Сизлар бу оят маъносини тушунмабсизлар. Унинг маъноси — кўзлар Уни кўра олмайди, дегани эмас, балки тўла қамраб ололмайди, деганидир».

Яна улар:

﴿وَلَمَّا جَاءَ مُوسَى لِمِيقَاتِنَا وَكَلَّمَهُ رَبُّهُ قَالَ رَبِّ أَرِنِي إِلَيْكَ قَالَ لَنْ نَرَنِي﴾

«Қачонки Мусо (ваъдалашган) вақтимизда (Тур тоғига) келиб, Парвардигори унга (бевосита) сўзлагач, у: «Пар-

вардигорим, менга (жамолингни) кўрсатгин. Сенга бир қарай», деди. (Аллоҳ) айтди: «Сен Мени (бу дунёда) ҳаргиз кўролмайсан» (Аъроф: 143) оятини далил қилиб: «Бу ҳам Аллоҳни кўриш мумкин эмаслигига далил» дейишади.

Биз уларга айтамыз: Бу мана шу дунёдаги гап. Мусо алайҳис-салом буни шу дунёда сўраган. Бу дунёда Аллоҳ таолони ҳеч ким, на пайғамбарлар, на бошқалар кўра оладилар. Аммо охиратда мўминлар Роббиларини кўрадилар. Дунё ҳолати охират ҳолати билан бир хил эмас. Одамлар дунёда жисмлари ҳам, идроклари ҳам заиф бўлади. Шу боис улар Аллоҳ таолони кўришга қодир бўлишмайди. Охиратда эса Аллоҳ уларни икром қилиб, Роббиларини кўришга қодир бўладиган қувват ато этади.

Шунинг учун Мусо алайҳис-салом Роббиларидан унга Ўз жамолини кўрсатишини сўраганида:

﴿قَالَ لَنْ تَرِنِي وَلَكِنْ أَنْظِرْ إِلَى الْجَبَلِ فَإِنِ اسْتَقَرَّ مَكَانَهُ، فَسَوْفَ تَرِنِي﴾
﴿فَلَمَّا تَجَلَّى رَبُّهُ لِلْجَبَلِ جَعَلَهُ دَكًّا﴾

«(Аллоҳ) айтди: «Сен Мени (бу дунёда) ҳаргиз кўролмайсан. Аммо мана бу тоққа боқ. (Мен унга кўринурман.) Бас, агар у (Мен кўринганимда) ўрнашган жойида тура олса, сен ҳам Мени кўражаксан». Қачонки, Парвардигори у тоққа кўринган эди, уни майда-майда қилиб ташлади» (Аъроф: 143). Метин бўлган тоғ уқаланиб, майда-майда бўлиб кетган бўлса, эт ва суюқдан иборат махлуқ қандай унга тоқат қила олсин?! Бу дунёда у Аллоҳ таолони кўришга ҳаргиз қодир бўлмайди!

Мусо алайҳис-саломнинг Аллоҳ таолодан Уни кўришни сўрашлиги кўриш жоиз ва мумкинлигига далилдир. Чунки, Мусо Парвардигордан ножоиз нарсани сўрамас эдилар. Лекин, бу нарса бу дунёда имконсиз ишдир. Аллоҳ таоло: «Сен Мени ҳаргиз кўролмайсан» деди, «Мен

кўринмайман», демади. Аллоҳ таоло охиратда кўрилади⁽¹⁾, Уни кўришга энг лойиқ инсонлар пайғамбарлар бўлади.

«Кайфияти номаълум ҳолда» бунинг маъноси — Аллоҳни қандай ҳолда кўрилади?, деб сўралмайди. Чунки, бу Аллоҳ азза ва жалланинг бошқа сифатлари каби кайфияти бизга номаълумдир. Биз бунга иймон келтирамыз, маъносини биламиз, исботлаймиз. Лекин унинг қандай ҳолда бўлиши бизга номаълум, Аллоҳ Ўзи билади.

۵۸. كَمَا نَطَقَ بِهِ كِتَابُ رَبِّنَا: ﴿وَجُودٌ يَوْمَئِذٍ نَاصِرَةٌ إِلَىٰ رَبِّهَا
نَاطِرَةٌ﴾ (القيامة: ۲۲-۲۳).

58. Парвардигоримиз китобида айтилганидек: «У Кунда (мўминларнинг) юзлари яшнаб, Парвардигорларига боқиб турувчидир!» (Қиёмат: 22, 23).

Юқорида айтиб ўтилганидек, агар نظر (назар солмоқ) феъли *إلى* (-га) ҳарфи билан бирга келса, «қарамоқ, кўз билан кўрмоқ» маъноларида бўлади. Муътазиллийлар *إلى* ояти калимасидаги *إلى* ни «неъматлар» маъносини англаувчи исми жамъ, дейишиб: «Парвардигорининг неъматларига боқиб турувчидирлар» маъносида, дейишди. Бу ақлли кишининг кулгисини келтирадиган таҳриф (оят маъносини бузиш)дир. Чунки, ҳарф ҳеч қачон жамъга айлантирилмайди.

(1) Абу Мусо Ашъарий розияллоху анҳудан: Расулulloҳ соллalloху алайҳи ва саллам дедилар: «Икки жаннат кумушдан, ундаги идишлар ва бошқа нарсалар ҳам кумушдандир. Икки жаннат тиллодан, ундаги идишлар ва бошқа нарсалар ҳам тиллодандир. Қавм (бандалар) билан уларнинг Роббиларига қарашлари орасида «Адн» жаннатиди Унинг Юзидаги улуглик ридоси қолади холос» (Бухорий (4878, 4880) ва Муслим (180) ривоятлари).

۵۹. وَتَفْسِيرُهُ عَلَى مَا أَرَادَ اللَّهُ تَعَالَى وَعَلِمَهُ.

59. Бу оятлар шарҳи Аллоҳ таоло Ўзи ирода қилгани ва билганидекдир.

Яъни, «Парвардигорларига боқиб турувчидир» (Қиёмат: 23) оятининг тафсири Аллоҳ азза ва жалла ирода қилгани каби, кўзлар билан кўриш маъносидадир, бидъат аҳли ирода қилган маъноларда эмас.

۶۰. وَكُلُّ مَا جَاءَ فِي ذَلِكَ مِنَ الْحَدِيثِ الصَّحِيحِ عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَهُوَ كَمَا قَالَ.

60. Шу ҳақда Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилинган ҳар қандай саҳиҳ ҳадисни у зот қандай айтган бўлсалар шундайлигича қабул қиламиз.

Аллоҳ таолони кўриш ҳақлиги ҳақида Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилинган ҳар бир ҳадисни Қуръонда бу ҳақда келган оятларни қандай қабул қилсак шундай, ҳақиқатига кўра қабул қиламиз. Чунки, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламнинг сўзлари Аллоҳ тарафидан ваҳийдир:

﴿ وَمَا يَنْطِقُ عَنِ الْهَوَىٰ ۚ إِنْ هُوَ إِلَّا وَحْيٌ يُوحَىٰ ﴾

«Ва у ўз ҳавойи-хоҳиши билан сўзламас. У фақат (Аллоҳ томонидан пайғамбарга) ваҳий қилинаётган (туширилаётган) бир ваҳийдир» (Ван-нажм: 3, 4). У зот соллalloҳу алайҳи ва салламнинг сўзлари иккинчи ваҳий деб номланади. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам кўп мутавотир ҳадисларида мўминлар қиёмат куни

Роббиларини кўришлари ҳақида хабар берганлар. Бунга ҳеч қандай таҳрифсиз (ўзгартирмасдан), таътилсиз (йўққа чиқармасдан), тамсилсиз (ўхшатмасдан), таъйифсиз (қандайлигини суриштирмасдан) иймон келтириш вожиб бўлади.

٦١. وَمَعْنَاهُ عَلَى مَا أَرَادَ.

61. Маъноси эса Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қандай кўзда тутган бўлсалар шундайдир.

У Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтган маънодадир, бидъат ва таҳриф аҳли айтганидек эмас.

٦٢. لَا نَدْخُلُ فِي ذَلِكَ مُتَأَوِّلِينَ بَأْرَائِنَا وَلَا مُتَوَهِّمِينَ بِأَهْوَائِنَا.

62. Бундай хабарларни тушунишда ўз фикрларимиз билан таъвил қилиб, ҳавою хоҳиш таъсирига берилмаймиз.

Яъни, жаҳмия ва муътазилалар, шунингдек уларнинг этагини тутган ва ботил таъвил билан айтган фикрларини қабул қилган кимсаларнинг йўлларини тутмаймиз.

Балки Китобу Суннатга эргашамиз, ўз ақлимиз ва фикримизга суянмаймиз, ақлимизни Китобу Суннатда келган хабарлар устидан ҳоким қилмаймиз, аксинча Китобу Суннатни ақллар ва фикрлар устидан ҳоким қиламиз⁽¹⁾.

(1) Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Аллоҳга энг ёқимсиз одам жанжалкаш, хусуматгўй кимсадир» (Бухорий (2457) ва Муслим (2668) ривоятлари.

٦٣ . فَإِنَّهُ مَا سَلِمَ فِي دِينِهِ إِلَّا مَنْ سَلَّمَ لِلَّهِ عَزَّ وَجَلَّ وَلِرَسُولِهِ
صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَرَدَّ عِلْمَ مَا اشْتَبَهَ عَلَيْهِ إِلَىٰ عَالِمِهِ .

63. Зеро, Аллоҳ азза ва жаллага ва Расули соллаллоҳу алайҳи ва салламга тўла бўйсунган ва тушунмай қолган нарсасини Билувчи Зот иродасига ҳавола қилган кишигина динида саломат қолади.

Аллоҳ ва Расулига тўла бўйсунган киши улар тарафидан келган нарсани қандай бўлса шундайлигича қабул қилган ва иймон келтирган, унга таҳриф ва таъвиллар киритмаган кишидир.

Имом Шофеъий раҳимаҳуллоҳ айтганлар: «Аллоҳга иймон келтирдим ва Аллоҳнинг китобида келган нарсаларга Аллоҳ нимани мурод қилган бўлса ўшандоқ иймон келтирдим, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилинган нарсаларга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам нимани мурод қилган бўлсалар ўшандоқ иймон келтирдим». Яъни, хохиш-ҳавойимга мувофиқ ёки таҳриф қилиб ёки одамларнинг сўзларига қараб эмас.⁽¹⁾

Ким ана шундай тарзда бўйсунса, ўзига яхши тушунарсиз бўлган, маъноси ёки кайфиятини англаб етмаган нарсани унинг олимига, яъни Аллоҳ субҳанаҳу ва таолога ҳавола қилса, динида саломат қолади. Кимга бирон нарса чигал ва тушунарсиз бўлса, уни илм аҳлига ҳавола қилсин, ҳар бир илм соҳибининг устида ундан устунроқ билимдон бўлади, агар уламоларнинг илми етмаса, уни Аллоҳ жалла ва алога топшириш вожиб бўлади.

Шунинг учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам асҳобларидан улар билмайдиган бирон нарса

(1) Субкий, «Табакот уш-Шофеъия» (8/96).

ҳақида сўрасалар, улар: «Аллоҳ ва Расули билувчироқ» деб жавоб беришар, тахмин ва гумонлари бўйича жавоб беришмас эди.

Шундай экан, ўзингиз тушунмаган нарсани тушунтириб беришга қодир ишончли олим топсангиз, Аллоҳга ҳамд айтинг. Аксинча бўлганда, унинг ҳақ эканига ва маъноси борлигига, бироқ сиз уни тушунолмаётган эканингизга эътиқод қилинг-да, уни Аллоҳга топширинг.

٦٤. وَلَا تَثْبُتُ قَدَمُ الْإِسْلَامِ إِلَّا عَلَى ظَهْرِ التَّسْلِيمِ وَالِاسْتِسْلَامِ.

64. Аслида, Исломнинг қадами фақат тўла таслим бўлиш ва бўйсунуш билан мустаҳкам бўлади.

Ҳақиқий мусулмончилик Аллоҳ азза ва жаллага тўла таслим бўлиш ва бўйсунуш билан, яъни У зот ҳузуридан ва Расули тарафидан келган нарсага тўла итоат қилиш билан бўлади. Аллоҳ таоло айтади:

﴿ فَلَا وَرَبِّكَ لَا يُؤْمِنُونَ حَتَّىٰ يُحَكِّمُوكَ فِي مَا شَجَرَ بَيْنَهُمْ ثُمَّ لَا يَجِدُوا فِي أَنفُسِهِمْ حَرَجًا مِّمَّا قَضَيْتَ وَيُسَلِّمُوا تَسْلِيمًا ﴾

«Йўк, Парвардигорингизга қасамки, то улар ўз ўрталарида чиққан келишмовчиликларда сизни ҳакам қилмагунларича ва кейин сиз чиқарган ҳукмдан дилларида ҳеч қандай танглик топмай, тўла таслим бўлмагунларича - бўйсунмагунларича зинҳор мўмин бўла олмайдилар» (Нисо: 65).

٦٥. فَمَنْ رَامَ عِلْمَ مَا حُظِرَ عَنْهُ عِلْمُهُ، وَلَمْ يَقْنَعْ بِالتَّسْلِيمِ فَهَمُّهُ، حَجَبَهُ مَرَامُهُ عَنِ خَالِصِ التَّوْحِيدِ، وَصَافِي الْمَعْرِفَةِ،

وَصَحِيحُ الْإِيمَانِ.

65. Бас, ким (Аллоҳ ва расулига) таслим бўлиш билан қаноатланмасдан (Аллоҳ тарафидан) беркитилган нарсани билишга интилса, бу интилиши уни холис тавҳиддан, (Аллоҳ тўғрисидаги) тўғри билим-маърифатдан ва саҳиҳ иймондан тўсиб қўяди.

Аллоҳ тарафидан беркитилган нарсани билишга интилиш маъноси — Аллоҳ таоло тарафидан у ҳақда маълумот берилмаган, кайфият (Аллоҳнинг сифатлари қандайлиги ҳақидаги) илми каби нарсаларга иймон келтирмаслик ва қаноат ҳосил қилмасликдир. Аслида, буларга иймон келтириш ва унинг илмини Аллоҳ азза ва жаллага ҳавола қилиш ва топшириш вожиб.

﴿فَأَمَّا الَّذِينَ ءَامَنُوا فَيَعْلَمُونَ أَنَّهُ الْحَقُّ مِن رَّبِّهِمْ وَأَمَّا الَّذِينَ كَفَرُوا فَيَقُولُونَ مَاذَآ أَرَادَ اللَّهُ بِهَذَا مَثَلًا ۗ﴾

«Иймонли кишилар унинг ҳақиқатан Парвардигорлари тарафидан эканини биладилар. Кофирлар эса: «Буни мисол қилиш билан Аллоҳ нима демоқчи?», дейдилар» (Бақара: 26).

Аллоҳ таоло айтади:

﴿هُوَ الَّذِي أَنْزَلَ عَلَيْكَ الْكِتَابَ مِنْهُ ءَايَاتٌ مُحْكَمَاتٌ هُنَّ أُمُّ الْكِتَابِ وَأُخَرُ مُتَشَابِهَاتٌ فَأَمَّا الَّذِينَ فِي قُلُوبِهِمْ زَيْغٌ فَيَتَّبِعُونَ مَا تَشَبَهَ مِنْهُ ابْتِغَاءَ الْفِتْنَةِ وَابْتِغَاءَ تَأْوِيلِهِ ۗ وَمَا يَعْلَمُ تَأْوِيلَهُ إِلَّا اللَّهُ وَالرَّاسِخُونَ فِي الْعِلْمِ يَقُولُونَ ءَامَنَّا بِهِ ۗ كُلٌّ مِّنْ عِنْدِ رَبِّنَا ۗ﴾

«У Сизга Китоб нозил қилган зотдирки, у (Китобдан) шу Китобнинг асли моҳияти бўлган муҳкам

аниқ-равшан оятлар ҳам ва бошқа (уларни муҳкам оятларга қўшилмаганда асл маъноларини) тушуниш қийин бўлган муташобих оятлар ҳам (ўрин олгандир). Энди дилларида ҳақ йўлдан оғиш бўлган кимсалар одамларни алдаб фитнага солиш ва ўз ҳавойи нафсларига мувофиқ таъвил-тафсир қилиш учун Унинг муташобих оятларига эргашадилар. — Ҳолбуки, ундай оятларнинг таъвилини ёлғиз Аллоҳгина билур. — Илмда собитқадам бўлган кишилар эса: «У Китобга иймон келтирганмиз. Ҳамма оятлари Парвардигоримиз ҳузуридандир», — дейдилар» (Оли Имрон: 7).

٦٦. فَيَتَذَكَّرُ بَيْنَ الْكُفْرِ وَالْإِيمَانِ، وَالتَّضَدِيقِ وَالتَّكْذِيبِ،
وَالْإِفْرَارِ وَالْإِنْكَارِ.

66. Оқибатда у куфр билан иймон, тасдиқлаш билан рад қилиш, иқрор билан инкор ўртасида адашиб-улоқиб юриди.

Ушбу нарсалар илмини Аллоҳ ва Расулига топширмаган киши Аллоҳни таниш ва ҳақни танишдан тўсиб қўйилади, натижада адашиб-улоқиб кетади.

Бу на уёқлик, на буёқлик бўлмай икки орада сарсон, гоҳ мусулмонлар билан, гоҳ кофирлар билан, гоҳ тасдиқлаб, гоҳ ёлғон санаб юридиган мунофиқларнинг ҳолидир.

﴿كَلَّمَآ أَضَاءَ لَهُمْ مَشَوْآ فِيهِ وَإِذَا أَظْلَمَ عَلَيْهِمْ قَامُوا﴾

«У (яъни, яшин атрофини) ёритганида юридилар, ўчганида туриб қоладилар» (Бақара: 20).

Аммо иймон аҳли ўзлари билган нарсани айтадилар, билмаган нарсаларининг илмини Аллоҳ азза ва жаллага

топширадилар, билиш имкони йўқ бўлган нарсаларни билишга уринмайдилар ёки Аллоҳ шаънида ўзлари билмаган нарсани гапирмайдилар. Аллоҳ шаънида билмаган нарсасини гапириш ширкка баробар, балки ширкдан-да ёмонроқдир. Аллоҳ таоло айтади:

﴿ قُلْ إِنَّمَا حَرَّمَ رَبِّيَ الْفَوَاحِشَ مَا ظَهَرَ مِنْهَا وَمَا بَطَنَ وَالْإِثْمَ وَالْبَغْيَ بِغَيْرِ الْحَقِّ وَأَنْ تُشْرِكُوا بِاللَّهِ مَا لَمْ يُنَزَّلْ بِهِ سُلْطَانًا وَأَنْ تَقُولُوا عَلَى اللَّهِ مَا لَا نَعْمُونَ ﴾ (33)

«Айтинг: «Парвардигорим фақатгина ошкор ва яширин бузуқликларни, (барча) гуноҳ ишларни, ноҳақ зулм қилишни ва Аллоҳга (шерик эканлигига) ҳеч қандай ҳужжат туширмаган нарсаларни Унга шерик қилиб олишингизни ҳамда Аллоҳ шаънига билмайдиган нарсаларни гапиришингизни ҳаром қилган» (Аъроф: 33).

67. *مُوسَىٰ تَأْتِيهَا، شَاكًا، لَا مُؤْمِنًا مُصَدِّقًا، وَلَا جَاهِدًا مُكَدِّبًا.*

67. Шубҳа ва гумонлар ичра на чин мўмин ва на ҳақиқий кофир эканини билмаган ҳолда доводирайди.

Бу ҳам иккиланиш ва нифоқ аҳлининг ҳолати бўлиб, улар доим шак-шубҳа ва гумонлар ичра, на уёқ, на буёқ бўлмай, икки ўртада сарсон бўлишади. Чунки, уларнинг мусулмонликлари қалбга ўрнашмаган, Аллоҳ ва Расулига таслим бўлишмаган.

Аллоҳ таоло мунофиқлар ҳақида айтади:

﴿ مُدْبِرِينَ بَيْنَ ذَلِكَ لَا إِلَىٰ هَتُولَاءٍ وَلَا إِلَىٰ هَتُولَاءٍ ﴾

«Улар на уёқлик, на буёқлик бўлмай икки орада сарсон ҳолда қолганлар» (Нисо: 143).

﴿ وَإِذَا لَقُوا الَّذِينَ ءَامَنُوا قَالُوا ءَامَنَّا وَإِذَا خَلَوْا إِلَيَّ شَيْطَانِيهِمْ قَالُوا إِنَّا مَعَكُمْ
 إِنَّمَا نَحْنُ مُسْتَهْزِءُونَ ﴿١٤﴾ اللَّهُ يَسْتَهْزِئُ بِهِمْ وَيَمُدُّهُمْ فِي طُغْيَانِهِمْ يَعْمَهُونَ ﴿١٥﴾ ﴾

«Иймон келтирган зотларга йўликқанларида: «Биз ҳам иймон келтирдик», дейдилар. Ўзларининг шайтонлари (бошлиқлари) билан ҳоли қолганда эса: «Биз албатта сизлар билан биргамиз, фақат (уларнинг устидан) кулмоқдамиз, холос», дейишади. Аллоҳ уларнинг устидан кулади ва ўз туғёнларида адашиб-улоқиб юришларини давомли қилади» (Бақара: 14, 15).

٦٨. وَلَا يَصِحُّ الْإِيمَانُ بِالرُّؤْيَةِ لِأَهْلِ دَارِ السَّلَامِ لِمَنْ اغْتَبَرَهَا مِنْهُمْ بِوَهْمٍ، أَوْ تَأْوَلَهَا بِفَهْمٍ.

68. Ким дорус-салом (жаннат) аҳли Аллоҳ Таолони кўришларини ўзининг хаёлидагидек тасаввур қилса ёки ақли билан уни таъвил қилса, унинг иймони нотўғри бўлади.

Дорус-салом — жаннатдир, жаннатда Аллоҳни кўришни ўз гумонича тасаввур ёки таъвил қилиб, унинг ҳақиқатини рад қиладиган ва бунинг илмини Аллоҳ ва Расулига ҳавола қилмаган кишининг иймони саҳиҳ бўлмайди.

٦٩. إِذْ كَانَ تَأْوِيلُ الرُّؤْيَةِ - وَتَأْوِيلُ كُلِّ مَعْنَى يُضَافُ إِلَى الرُّبُوبِيَّةِ - بِتَرْكِ التَّأْوِيلِ، وَلِزُومِ التَّسْلِيمِ.

69. Чунки қиёмат кунда Аллоҳни кўришнинг чин таъвили рубубиятга дахлдор бўлган ҳар қандай маънонинг таъвили сингари мутлақо таъвил қилмасдан тўла таслим бўлишидир.

Буларнинг ҳаммаси юқорида ўтган, Аллоҳ ва Расулидан келган нарсаларга, шу жумладан Аллоҳни кўриш ҳақидаги сўзга таслим бўлиш тўғрисида келган гапларни таъкидлаш учундир. Биз бу борадаги сўзларга аҳли бидъатлар қилганидек чуқур киришмаймиз, балки қандай келган бўлса шундай ишонамиз ва тасдиқлаймиз, мўминлар қиёмат куни жаннатга киришдан олдин Роббиларини кўрадилар, жаннатга кирганларидан сўнг яна кўрадилар, бу уларга дунёдалиқ пайтларида У зотни кўрмаган ҳолда иймон келтирган эканларига мукофот қилиб берилади.

۰۷ . وَعَلَيْهِ دِينُ الْمُسْلِمِينَ .

70. Ислом ана шу қоида устига барпо қилинган.

Мусулмонларнинг динлари шу қоидага — яъни Аллоҳ ва Расулидан келган нарсаларга иймон келтириб, таслим бўлиш, бу ҳақда гумонлар, ботил таъвиллар ва ноҳақ таҳрифлар қилмаслик асосига қурилган. Ислом дини шудир. Мусулмон бўлмаганлар эса Аллоҳдан ва Унинг пайғамбаридан келган нарсаларга аралашадилар ва сўзларни ўз ўринларидан ўзгартирадилар.

۷۱ . وَمَنْ لَمْ يَتَوَقَّ النَّفْيَ وَ التَّشْبِيهَ ، زَلَّ وَلَمْ يُصِبِ التَّنْزِيهَ .

71. (Аллоҳ ўзига исбот қилган сифатларни) инкор этишдан ва (уларни махлуқлар сифатига) ўхшатишдан эҳтиёт бўлмаган кимса албатта тойилади ва (аслида Аллоҳни поклашни мақсад қилган бўлса-да, Уни) поклашда хатога йўл қўяди.

Демак, таътил ва ташбеҳ орасида ўртачалик йўлини тутиш зарур. Аллоҳ таолони айбу нуқсондан поклай-

ман деб ғулув кетиб қолиб, Унинг сифатларини йўққа чиқаришдан ҳам, уларни исботлашда ғулув кетиб, махлуқотлар сифатларига ўхшатиб қўйишдан ҳам эҳтиёт бўлиш, бу борада мўътадил йўлни тутиб, Аллоҳга Унинг Ўзи ва пайғамбари исботлаган сифатларни ташбеҳсиз, тамсилсиз, таътилсиз, тақйифсиз исботлаш лозим. Мана шу энг тўғри йўлдир.

٧٢. فَإِنَّ رَبَّنَا جَلٌّ وَعَلَا مَوْضُوفٌ بِصِفَاتِ الْوَحْدَانِيَّةِ،
مَنْعُوتٌ بِنُعُوتِ الْفَرْدَانِيَّةِ، لَيْسَ فِي مَعْنَاهُ أَحَدٌ مِنَ الْبَرِيَّةِ.

72. Зеро, Буюк Раббимиз зотида ҳам, ишларида ҳам ваҳдоният ва фардоният (яъни, танҳо Унинг Ўзига хос бўлган улуғлик) сифатларига эгаки, ундай сифатлар бирон махлуқда бўлиши мумкин эмас.

Ваҳдоният сифатлари шуки, Аллоҳ таоло бирдир, рубубиятида ҳам, улуҳиятида ҳам, исму сифатларида ҳам Унинг шериги йўқдир, буларнинг барчасида У ягонадир.


У камолот сифатлари ва жалолат (улуғворлик) васфлари билан мавсуф (сифатланган), ушбу сифатларида махлуқотларидан биронтаси Унга ўхшаш эмас, Унинг исму сифатлари Ўзига хос ва мос, махлуқотларнинг сифатлари эса ўзларига хос ва мос. Шуни билиш билан сизга ҳақиқат ва тўғрилиқ равшан бўлади ва сиз муаттила ва мушабихаларнинг йўлидан халос бўласиз.

٧٣. وَتَعَالَى عَنِ الْحُدُودِ وَالْغَايَاتِ، وَالْأَرْكَانِ وَالْأَعْضَاءِ
وَالْأَدْوَاتِ.

73. Чегара-худудлардан, ғоя-мақсадлардан, арконлардан ҳамда аъзо ва асбоблардан (яъни уларга муҳтож бўлишдан) олийдир.

Бу гап биров изохталаб ва тафсилотга муҳтож. Яъни, агар махлуқ-яратилган худудлар кўзда тутилаётган бўлса, Аллоҳ таоло худудлардан ва махлуқотлар ичига тушишдан покдир. Агар худудлар деганда махлуқ бўлмаган худуд, яъни олийлик ва юқори томон кўзда тутилса, бу Аллоҳ таоло шаънида собитдир, У зот олийликдан пок дейилмайди. Бу яратилган худуд ва жиҳатлар туридан бўлмайди.

Ғоялар дегани ҳам тафсилотга муҳтож. Бу гапнинг ҳаққа ҳам, ботилликка ҳам эҳтимоли бор. Агар ғоя деганда махлуқотларни яратишдан мақсад ва ҳикмат кўзда тутилса, бу Унинг шаънида ҳақдир. У махлуқотларни ҳикмат учун яратган. Лекин бунда ғоя эмас, ҳикмат деб айтиш тўғри бўлади. Аллоҳ таоло айтади:



«Мен жин ва инсни фақат Ўзимга ибодат қилишлари учунгина яратдим» (Ваз-зарият: 56).

Агар ғоя деганда махлуқотларга эҳтиёж кўзда тутилса, албатта, уни Аллоҳ таолодан рад қилиш тўғри бўлади. Аллоҳ таоло махлуқотларни уларга эҳтиёжи борлигидан яратмаган. У бутун оламдан беҳожат Зот.

«Арконлар, аъзолар ва асбоблардан пок» деган ибора ҳам изохталаб. Агар арконлар, аъзолар ва асбоблар деганда Унинг юз, қўл каби зотий сифатлари кўзда тутилса, бу У зотда собитдир ва буни рад қилиш нотўғри бўлади.

Агар махлуқларнинг аъзоларига ўхшаш аъзолар ва махлуқларнинг асбобларига ўхшаш асбоблар кўзда тутилса, унда Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло бундан покдир. Чунки, махлуқотларидан бирон киши ҳам Унга на зотида, на исмларида ва на сифатларида ўхшашдир.

Хулоса шуки, мусанниф келтирган иборалар гарчи тафсилотга муҳтож бўлса-да, лекин у кишининг сўзларини ҳаққа йўйилади, чунки у киши аҳли сунна вал-жамоатдан, муҳаддисларнинг имомларидан, бу сўзлари билан ёмон маъноларни кўзда тутишлари мумкин эмас, албатта саҳих маъноларни мақсад қилган бўладилар. Бирок, буни батафсилроқ баён қилганларида яхшироқ бўларди.

۷۴. لَا تَحْوِيهِ الْجِهَاتُ السِّتُ كَسَائِرِ الْمُتَبَدَّعَاتِ.

74. Ва Уни бошқа махлуқларни (ўраб тургани) сингари олти тараф ўрамайди.

Бу ибора ҳам изоҳталаб ва тафсилотга муҳтож. Агар бу сўздан махлуқ бўлган — Аллоҳ яратган тарафлар кўзда тутилса, Аллоҳ таоло бундан пок, махлуқотларидан бирон нарса Уни ўрай олмайди. Агар юқорилик жиҳати кўзда тутилса, У Зот барча махлуқотларидан юқорида, бу ҳақ, уни рад қилиш ботил бўлади. Бизнингча, муаллифнинг олти тараф деган сўздан мақсади махлуқ тарафлар бўлади, олийлик жиҳати эмас албатта. Чунки, у киши Аллоҳ таоло учун юқорилик тарафини ва истивони исбот қилувчилардан — Аллоҳ уни раҳматига олсин.

۷۵. وَالْمِعْرَاجُ حَقٌّ، وَقَدْ أُسْرِيَ بِالنَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ
وَعُرِجَ بِشَخْصِهِ فِي الْيَقْظَةِ إِلَى السَّمَاءِ، ثُمَّ إِلَى حَيْثُ شَاءَ
اللَّهُ مِنَ الْعُلَا وَ أَكْرَمَهُ اللَّهُ بِمَا شَاءَ، وَ أَوْحَى إِلَيْهِ مَا أَوْحَى.

75. Меърож воқеаси ҳақдир. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам (ўша кечаси Маккадан Байтул-Мақдисга) сайр қилдирилганлар ва у зотни уйғоқ ҳол-

ларида осмонга, сўнгра Аллоҳ хоҳлаган юксакликка шахсан олиб чиқилган. (У ерда) Аллоҳ у зотни Ўзи истаганчалик иззат-икром этган ва нимани хоҳласа ваҳий қилган.

Исро — тунда сайр қилдириш маъносида бўлиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир кечада масжидул Ҳаромдан Масжидул Ақсога сайр қилдирилганлар. У зотни Жаброил алайҳис-салом Аллоҳ таолонинг амри билан сайр қилдирганлар:

﴿سُبْحَانَ الَّذِي أَسْرَى بِعَبْدِهِ لَيْلًا مِّنَ الْمَسْجِدِ الْحَرَامِ إِلَى الْمَسْجِدِ الْأَقْصَا الَّذِي بَرَكْنَا حَوْلَهُ لِنُرِيَهُ مِنَ آيَاتِنَا﴾

«(Аллоҳ) бир кеча, Ўз бандаси (Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам)ни — унга оят-мўъжизаларимиздан кўрсатиш учун (Маккадаги) Масжид-ал-ҳаромдан (Қуддусдаги) Биз атрофини баракотли қилиб қўйган Масжид-ал-Ақсога сайр қилдирган (барча айбу нуқсондан) пок Зотдир» (Исро: 1).

Бу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг мўъжизаларидан, чунки бу масофани одатда бир ойдан кўпроқ вақт ичида босиб ўтиларди, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни бир кечада босиб ўтдилар.

Меърож — луғатда юқорига кўтарилиш асбоби маъносида бўлиб, исро ҳам, меърож ҳам Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳақларида собитдир⁽¹⁾.

Исро — Масжидул Ҳаромдан Масжидул Ақсога олиб борилиш, меърож эса ердан осмонга олиб чиқилишдир. Ҳар икки иш бир кечада содир бўлди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламни Байтул Мақдисга

(1) Исро ва меърож ҳақидаги ҳадисни Бухорий (3207, 7517) ва Муслим (162) келтирганлар.

олиб борилди, у ерда анбиёларга имом бўлиб намоз ўқидилар, сўнг осмонга олиб чиқилдилар ва етти қават осмонни босиб ўтдилар. Аллоҳ таоло у зотга Ўзининг улкан мўъжиза-аломатларидан Ўзи истаганича кўрсатди. Сўнгра ерга қайтиб тушдилар. Жибрил алайҳис-салом ўша кечанинг ўзида у зотни ўз ўринларига олиб келиб қўйдилар.

Исро воқеаси Исро сурасида баён қилинган, меърож воқеаси ҳақида эса Ван-нажм сурасининг оятларида зикр қилинган:

﴿وَالنَّجْمِ إِذَا هَوَىٰ ۝۱ مَا ضَلَّ صَاحِبُكُمْ وَمَا غَوَىٰ ۝۲ وَمَا يَنْطِقُ عَنِ الْهَوَىٰ ۝۳ إِنْ هُوَ إِلَّا وَحْيٌ يُوحَىٰ ۝۴ عَلَّمَهُ شَدِيدُ الْقُوَىٰ ۝۵ ذُو مِرَّةٍ فَاسْتَوَىٰ ۝۶ وَهُوَ بِالْأُفُقِ الْأَعْلَىٰ ۝۷ ثُمَّ دَنَا فَتَدَلَّىٰ ۝۸ فَكَانَ قَابَ قَوْسَيْنِ أَوْ أَدْنَىٰ ۝۹ فَأَوْحَىٰ إِلَىٰ عَبْدِهِ مَا أَوْحَىٰ ۝۱۰ مَا كَذَبَ الْفُؤَادُ مَا رَأَىٰ ۝۱۱﴾

«Ботиб кетаётган юлдузга қасамки, сизларнинг соҳибингиз (яъни Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам) залолатга ҳам кетгани йўқ, йўлдан ҳам озгани йўқ! Ва у (сизларга келтираётган Куръонни) ўз ҳавойи-хоҳиши билан сўзламас. У (Куръон) фақат (Аллоҳ томонидан пайғамбарга) ваҳий қилинаётган (туширилаётган) бир ваҳийдир. Унга (бу ваҳийни) бир кучга тўлган, соҳиби қудрат (яъни Жаброил алайҳис-салом) таълим бермишдир. Бас, у (аввал) юксак уфқда (кўриниб), тик турди. Сўнгра яқинлашиб, пастлади. Бас, (Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга) икки камон оралиғида ё (ундан-да) яқинроқ бўлди. (Аллоҳ) Ўз бандаси (Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам) га (Жибрил алайҳис-салом орқали) ваҳий қилган нарсасини ваҳий қилди. (Пайғамбарнинг) кўнгли (кўзи) кўрган нарсани инкор этмади. (Ван-нажм: 1-11).

Исро ва меърож ҳақ, ким уларни инкор қилса ёки (ақлдан) узоқ санаса, Аллоҳ азза ва жаллага кофир бўлади. Ким уларни (бошқа нарсага) таъвил қилса, адашган бўлади. Уни мушриклардан бошқа ҳеч ким инкор қилмаган. Кимда-ким: «Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам жасадлари қолиб, фақат руҳлари билан сайр қилдирилганлар», деса ёки «Бу воқеа тушларида бўлган, ўнгларида эмас», деса, у одам адашган бўлади. Чунки, Аллоҳ таоло: «**Ўз бандасини сайр қилдирган**», деди, банда эса руҳ ва жасаднинг биргаликдаги исмидир, руҳнинг ўзига банда дейилмайди. Исро уйқуларида эмас, уйғоқликларида содир бўлган, чунки уйқудаги иш эътиборга олинмайди. Ҳамма ҳам туш кўради, бошқалар ҳам ажойиб-ғаройиб ишларни туш кўриши мумкин, бу фақат Набий соллalloҳу алайҳи ва салламга хос эмас.

У зот уйғоқ ҳолатларида, осмонга шахсан олиб чиқилдилар. Бунда руҳлари билан чиққанлар, деювчиларга раддия бор.

Аллоҳ таоло у зотга ўша жойда Ўзи истаган нарсаларни ваҳий қилди, У субҳанаҳу ва таоло у кишига сўзлади, у киши Аллоҳ таолони кўрмадилар. Зеро, Аллоҳ таолони бу дунёда кўришнинг имкони йўқ.

«Ван-нажм» сурасида зикр қилинган меърож шудир.

۷۶. مَا كَذَبَ الْفُؤَادُ مَا رَأَى، فَصَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي
الْآخِرَةِ وَالْأُولَى.

76. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламнинг қалблари қўзлари кўрган нарсани инкор қилмади. У зотга дунёю охиратда Аллоҳнинг салаватлари бўлсин.

Номлари зикр қилинганда салавоту салом айтишимиз у зотнинг бизнинг устимиздаги ҳақларидан:

﴿إِنَّ اللَّهَ وَمَلَائِكَتَهُ يُصَلُّونَ عَلَى النَّبِيِّ يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا صَلُّوا عَلَيْهِ وَسَلِّمُوا تَسْلِيمًا﴾

«Албатта Аллоҳ ҳам, Унинг фаришталари ҳам пайғамбарга дуою салавот айтурлар. Эй мўминлар, сизлар ҳам у зотга саловот ва саломлар айтинглар!» (Аҳзоб: 56).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам тонг отганидан сўнг Макка мушрикларига бу воқеа ҳақида айтиб берганларида уларнинг куфрлари ва у кишини ёлғончи санашлари яна ҳам зиёда бўлди. «Биз Фаластинга бир ойдан кўпроқ вақтда бориб келамиз-у, бу бир кечада бориб келган эмиш!», дейишди, айрим иймони заиф кимсалар шу ҳодиса сабаб диндан чиқиб, муртад бўлиб ҳам кетишди. Иймони бақувват кишилар эса у зотнинг сўзларини тасдиқладилар. Абу Бакр розияллоҳу анҳуга: «Биродарингиз айтаётган гапга нима дейсиз?» дейилганда у киши: «Нима деяптилар?», деб сўрадилар. «Бир кечада Байтул Мақдисга бориб келганмиш!», дейишди. «Агар шундай деган бўлсалар, ҳақиқатан шундай бўлган бўлади. Чунки у зот ҳавойи хоҳишларидан гапирмайдилар», дедилар ва: «Мен у кишидан бундан ҳам узоқроқ нарсани, яъни осмондан хабар — яъни ваҳий — қабул қилишларини тасдиқлайман-ку, нега энди бу хабарни тасдиқламай?!», дедилар. Бу — мустаҳкам ва эгилмас, бақувват иймон намунасиدير!

۷۷. وَالْحَوْضُ - الَّذِي أَكْرَمَهُ اللَّهُ تَعَالَى بِهِ غِيَاثًا لِأُمَّتِهِ - حَقٌّ.

77. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга - умматларига мадад бўлсин учун — Аллоҳ Таоло инъом этган ҳавзи Кавсар ҳақдир.

Аҳли сунна вал-жамоат қиёмат куни содир бўлувчи ишлар ҳақида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилинган саҳиҳ хабарларга эътиқод қилади. Ушбулардан бири ҳавзи Кавсарга бўлган эътиқоддир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қиёмат куни маҳшарда у зотга иймон келтирган ва йўлларига эргашган кишилар келиб, сув ичадиган бир ҳовузлари бўлишини хабар берганлар ва ундан бир бор ичган киши асло ташналик нималигини билмаслигини айтганлар⁽¹⁾.

Қиёмат кунининг иссиғи ўта кучли бўлганидан жуда қаттиқ ташналик пайдо бўлади. Шунда Аллоҳ таоло мазкур ҳовузни Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам умматларини сув билан сероб этадиган ғиёс-мадад қилиб қўяди. Маълумки, осмондан ёғадиган ғайс-ёмғир билан ерлар кўкариб, оби ҳаёт ҳосил бўлади. Худди шунга ўхшаш, мазкур ҳовуз Аллоҳ таоло бандаларини сувга қаттиқ муҳтож бўлган пайтларида сероб этадиган ғиёс (оби раҳмат) бўлади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ушбу ҳовузуларининг узунлиги бир ойлик йўл, эни бир ойлик йўл эканини, идишлари осмон юлдузлари сонича эканини, ундан бир бор ичган киши асло ташналик нималигини билмаслигини, унинг суви сутдан оқ ва асалдан ширин эканини хабар берганлар⁽²⁾.

(1) Анас ибн Молик розияллоҳу анхундан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Ҳовузимнинг катталиги Айла билан Яманнинг Санъоси ўртасичадир. Кўзаларининг сони осмон юлдузларичадир» (Бухорий (6580) ва Муслим (2303) ривоятлари).

(2) Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анхумодан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «*Ҳовузим* (катталиги) *бир ойлик йўл, суви сутдан оқ, ҳиди мушкдан хушбўй, кўзалари осмон юлдузларича, ундан бир бор ичган киши асло ташна бўлмайди*» (Бухорий (6579) ва Муслим (2292) ривоятлари.)

Яна у зот хабар берганларки, баъзи кишилар ҳовузга яқинлашганларида ундан тўсиладилар ва сув ичишдан ман қилинадилар. Шунда у зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Эй Роббим, умматим, умматим»*, деганларида Аллоҳ азза ва жалла: *«Сиздан сўнг улар нима ишларни пайдо қилишганини сиз билмайсиз»*, дейди. Шунда у зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«(Динимни) ўзгартирган кишиларга ҳалокат ва (Аллоҳнинг раҳматидан) узоқлик бўлсин!»*, дейдилар.⁽¹⁾

Кофир ва муртад бўлганлар, суннатни тарк қилиб, хоҳиш-ҳаволарига эргашиб, ҳар хил бузуқ йўллارни тутган, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга муҳолиф бўлган бидъат ва залолат аҳли Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ушбу ҳовузларидан сув ичишдан ман қилинадилар. Чунки, улар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўлларини ўзгартирган эдилар. Унга фақат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларига сўзда ҳам, амалда ҳам, эътиқодда ҳам маҳкам эргашган кишилар кела оладилар.

Баъзи уламолар **«Биз сизга Кавсарни ато этдик»** (Кавсар: 1) оятидаги «Кавсар»дан мурод мана шу ҳовуздир, деганлар. Баъзилари эса кавсарнинг маъноси - «кўп яхшиликлар» дегани эканини айтганлар. Шаксиз, мазкур ҳовуз ҳам ўша кўп яхшиликлар жумласига киради, чунки у Ислом уммати учун катта яхшиликдир.⁽²⁾ Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ушбу ҳовузларига ишониш ва эътиқод қилиш, қиёмат куни ушбу ҳовуз

(1) Бухорий (6582, 7051, 6584) ва Муслим (2291, 2304) ривоятлари.

(2) Саид ибн Жубайр Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилади, у киши Кавсар ҳақида: «У Аллоҳ таоло у зотга ато этган яхшиликдир», дедилар. Абу Бишр айтади: Мен Саид ибн Жубайрга: «Одамлар уни жаннатдаги наҳр дейишади-ку», дедим. Шунда Саид: «Жаннатдаги наҳр Аллоҳ таоло у зотга ато этган яхшиликлар жумласидандир», деди (Бухорий (4966, 6578) ривояти).

сувидан баҳраманд бўлиш ва ундан ман қилинмаслик учун суннатни маҳкам тутиш вожиб бўлади.

۷۸. وَالشَّفَاعَةُ الَّتِي ادَّخَرَهَا لَهُمْ حَقٌّ، كَمَا رُوِيَ فِي الْأَخْبَارِ.

78. Хабарларда ривоят қилинганидек, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўз умматлари учун сақлаб қўйган шафоатлари ҳам ҳақдир.

Шафоат масаласи ҳам ақидага оид муҳим масалаларга киради⁽¹⁾. Чунки, уни исбот қилишда айримлар адашиб кетдилар, айримлар ғулув кетиб қолдилар, баъзилар ўртача йўлни ушладилар.

Қиёмат куни бўладиган шафоат хусусида одамлар уч қисмга бўлинган:

Бир тоифа уни исботлашда ғулув кетиб қолишган ва хатто ўликлардан, қабрлардан, бут-санамлардан, дароҳт ва тошлардан ҳам шафоат талаб қилишади.

﴿وَيَعْبُدُونَ مِن دُونِ اللَّهِ مَا لَا يَضُرُّهُمْ وَلَا يَنْفَعُهُمْ وَيَقُولُونَ هَؤُلَاءِ شَفَعُونَا عِنْدَ اللَّهِ﴾

«Улар Аллоҳни қўйиб, ўзларига зиён ҳам, фойда ҳам етказмайдиган нарсаларга ибодат қиладилар ва: «Ана шу нарсалар Аллоҳ хузурини бизларнинг шафоатчиларимиз», дейдилар» (Юнус: 18).

(1) Шафоат ҳақидаги ҳадисни Имом Бухорий (3340, 4712, 7510) ва Имом Муслим (193, 194) ривоят қилганлар. Унда жумладан шундай дейилади: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам хузурларига боринглар, дейилади. Шунда улар менинг олдимга келадилар. Мен Аршининг остида сажда қиламан. Шундан сўнг менга: «Эй Муҳаммад, бошингизни кўтаринг! Шафоат қилинг, шафоатингиз қабул қилинади, сўранг, тилагингиз ато этилади» дейилади».

﴿وَالَّذِينَ اتَّخَذُوا مِنْ دُونِهِ أَوْلِيَاءَ مَا نَعْبُدُهُمْ إِلَّا لِيُقَرِّبُونَا إِلَى اللَّهِ زُلْفَىٰ﴾

«У зотдан ўзга «дўстлар»ни («худо») қилиб олган кимсалар: «Биз (ўша «худо»ларимизга) фақат улар бизни Аллоҳга яқин қилишлари учунгина ибодат қилурмиз», (дерлар)» (Зумар: 3).

Яна бир тоифа эса — муътазила ва хаворижлар каби — шафоатни рад қилишда ғулув кетдилар. Улар гуноҳи кабира эгаларидан шафоатни бутунлай рад қилишди ва Китобу Суннатда шафоатни исботлаб келган мутаваотир далилларга муҳолиф бўлишди.

Аҳли сунна вал-жамоа ўрта йўлни тутдилар, улар шафоатни Аллоҳ ва Расули зикр қилган кўринишда исботлайдилар, унга ифрот (яъни қаттиқ ғулув кетиш) ва тафрит (яъни, эътиборсиз санаш)сиз иймон келтирадилар.

Шафоат луғатда «шафъ» сўзидан олинган бўлиб, жуфтлик маъносини англатади ва икки, тўрт, олти каби жуфт сонларни билдиради.

Шаръий истилоҳда эса ҳожатларни раво қилишда воситачилик қилиш, яъни ҳожатманд киши билан унинг ҳожати тушиб турган киши ўртасида воситачи бўлиш маъносиди ишлатилади ва у икки қисмдан иборат: Аллоҳ олдидаги шафоат ва махлуқотлар олдидаги шафоат.

Махлуқотлар олдидаги шафоат икки хил:

Биринчиси: шафоати ҳасана, яъни яхши, фойдали ва мувоҳишларда воситачи бўлиш. Бунда одамларнинг ҳожатлари тушиб турган киши олдида уларнинг ҳожатларини раво қилиш учун воситачи бўлинади. Аллоҳ таоло айтади:

﴿مَنْ يَشْفَعْ شَفَعَةً حَسَنَةً يَكُنْ لَهُ نَصِيبٌ مِّنْهَا﴾

«Ким (одамлар орасида) чиройли — ҳақ тараф олиш билан тараф олса, ўзига ҳам унинг савобидан бир улуш тегур» (Нисо: 85).

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «*Воситачи бўлинглар, ажрланасизлар, Аллоҳ таоло пайғамбарининг тили билан Ўзи истаган нарсани ҳукм қилади*»⁽¹⁾.

Бу шафоати ҳасана бўлиб, унда ажр бор, чунки бу билан мусулмонларнинг ҳожатлари раво бўлишига сабаб бўлинади ва бунда бировга зулм ёки тажовуз бўлмайди.

Иккинчиси: шафоати саййиа, яъни ҳаром ишларда воситачи бўлиш. Кимдандир шаръий жазони соқит қилишда воситачи бўлиш каби. Бундай киши Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам лаънатлаган кишилардан бўлиб қолади: «*Бидъатчини ўз паноҳига олган кимсага Аллоҳнинг лаънати бўлсин*»⁽²⁾. Бировларнинг ҳақларини тортиб олиб, ҳақдор бўлмаган одамларга олиб беришдаги воситачилик ҳам шу турга киради.

﴿وَمَنْ يَشْفَعْ شَفَعَةً سَيِّئَةً يَكُنْ لَهُ كِفْلٌ مِنْهَا﴾

«Ким ноҳақ тараф олиш билан тараф олса, ўзи учун унинг гуноҳидан бир улуш тегур» (Нисо: 85).

Аллоҳ ҳузуридаги шафоат одамлар олдидаги воситачилик каби эмас. Яратувчи олдидаги шафоат шуки, Аллоҳ азза ва жалла баъзи бандаларига гуноҳи кабиралари сабабли дўзахга лойиқ кўрилган айрим мусулмонлар ҳаққига дуо қилиб, Аллоҳдан уларнинг гуноҳларини кечиришини

(1) Имом Бухорий (1432) ва Имом Муслим (2627) ривоятлари.

(2) Алий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Бизнинг ҳузуримиза Аллоҳнинг Китоби-ю, Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ёзиб олинган мана бу саҳифа бор: «*Мадина Оирдан фалон жойгача* (бир ривоятда: Савргача) *ҳарамдир. Ким унда бирон бидъат пайдо қилса ёки бидъатчини ўз паноҳига олса, унга Аллоҳнинг, малоикаларнинг ва барча одамларнинг лаънати бўлсин, унинг фарз (ибодати) ҳам, нафли ҳам мақбул бўлмайди...*» (Имом Бухорий (1870) ва Имом Муслим (1370) ривоятлари.

ва уларга азоб бермаслигини ёки гуноҳи сабабли дўзахга тушган баъзи мўминларни дўзахдан чиқаришини ва улардан азобни кўтаришини сўраб воситачилик қилишга изн бериб, шу билан уларни иззат-икром қилади. Бу шафоат гуноҳи кабира аҳли ҳақидаги шафоат деб номланади.

Лекин, Аллоҳ ҳузуридаги шафоат учун иккита шарт топилши керак:

Биринчи шарт: Аллоҳнинг изни билан бўлиши. Ҳеч ким Аллоҳ ҳузурида Унинг изнисиз шафоат қила олмайди. Фақат Угина шафоатчига шафоат қилишига изн беради. Ундан изн бўлмасдан туриб Аллоҳ аzza ва жалла ҳузурига воситачи бўлиб боришга ҳеч ким журъат қила олмайди:

﴿مَنْ ذَا الَّذِي يَشْفَعُ عِنْدَهُ إِلَّا بِإِذْنِهِ﴾

«Унинг ҳузурида ҳеч ким (бировни) Унинг изнисиз оқлай олмайди» (Бақара: 255).

Иккинчи шарт: Шафоат қилинувчи киши иймон ва тавҳид аҳлидан бўлиши, сўз ва амалларидан Аллоҳ рози бўлган кишилар бўлиши керак:

﴿وَلَا يَشْفَعُونَ إِلَّا لِمَنِ ارْتَضَى﴾

«Улар (қиёмат қойим бўлган кунда) фақат (Аллоҳ) рози бўлган кишиларнигина шафоат қилурлар — оқлай олурлар» (Анбиё: 28).

Қуйидаги оятда ҳар икки шарт мужассам бўлган:

﴿وَكَمْ مِنْ مَلَكٍ فِي السَّمَوَاتِ لَا تُغْنِي شَفَعَتُهُمْ شَيْئًا إِلَّا مِنْ بَعْدِ أَنْ يَأْذَنَ اللَّهُ لِمَنْ يَشَاءُ وَيَرْضَى﴾

«Осмонларда қанчадан-қанча фаришталар бўлиб, ўшаларнинг шафоатлари ҳам бирон фойда бермас,

магар Аллоҳ Ўзи хоҳлаган ва рози бўлган кишилар учун (шафоатга) изн берганидан кейингина (у шафоатнинг фойдаси тегур)» (Ван-нажм:26). Биринчи шарт — Аллоҳ изн бериши, иккинчи шарт — Ўзи рози бўлган кишилар учун бўлиши.

Кофирларга шафоат фойда бермайди:

﴿مَا نَنْفَعُهُمْ شَفَاعَةُ الشَّافِعِينَ﴾ (48)

«Энди оқловчиларнинг оқлови уларга фойда бермас!» (Муддассир: 48),

﴿مَا لِلظَّالِمِينَ مِنْ حَمِيمٍ وَلَا سَفِيحٍ يُطَاعُ﴾ (18)

«Золим (кофир) кимсалар учун (у Кунда) на бир дўст ва на итоат қилинадиган (яъни шафоати қабул қилинадиган) оқловчи бўлмас» (Ғофир: 18). Қуръонда икки хил шафоат ҳақида сўз боради: шартлари топилмаган манфий шафоат ва шартлари мавжуд мусбат шафоат.

Кофирга агарчи осмонлару ер аҳлининг ҳаммаси шафоатчи бўлса ҳам, Аллоҳ таоло уларнинг шафоатларини қабул қилмайди. Чунки, у мушрик ва Аллоҳ азза ва жаллани инкор қилган кофир! Аллоҳ унинг сўзидан ҳам, амалидан ҳам рози бўлмайди. Фақат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам амакилари Абу Толиб ҳақида қиладиган шафоатлари бундан мустасно, бу у зотнинг ўзларига хос шафоат бўлиб, у ҳам уни дўзахдан қутқариш ҳақида бўлмай, фақатгина азобини енгиллатиш ҳақида бўлади. Сабаби, Абу Толиб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни кўп ҳимоя қилган, қўллаб-қувватлаган, ёрдамлар кўрсатган эди. Шу боис Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ундан азоб енгиллатилишини сўраб шафоатчи бўладилар.

Шартлари мавжуд бўлган шафоат ҳам бир неча хил бўлади. Улар ичида фақат Набий соллаллоҳу алайҳи

ва салламга хос бўлганлари бор, у киши билан бошқа пайғамбарлар, малоикалар, солиҳлар ва балоғатга етмай вафот этган норасидалар ўртасида муштарак бўлганлари бор. Уларнинг ҳар бирлари Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло ҳузурида шафоатчи бўладилар.

Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга хос бўлган шафоат ҳам бир неча хил:

Биринчи: Қиёмат куни маҳшарда ҳисоб-китоб бошла-нишидан олдин кутиш чўзилиб кетиб, қуёш шундоққина устиларига келтирилганидан маҳшаргоҳга тўпланган халойиқлар қаттиқ иссиқ ва тикилинчдан қаттиқ қий-налишиб, оғир аҳволга тушгач, тезроқ ҳисоб-китоб ва ажрим қилинишини Аллоҳ таолодан сўрашга воситачи бўлиши учун Одам алайҳис-салом ҳузурига борадилар, у киши мақомнинг буюклиги ва ҳайбатида бу ишга журъ-ат қилолмай, узр айтадилар, сўнг пайғамбарларнинг би-ринчиси бўлмиш Нуҳ алайҳис-салом олдига борадилар, у киши ҳам узр айтадилар, сўнг Мусо Калимуллоҳ олдига борадилар, у киши ҳам узр айтадилар, сўнг Ийсо алайҳис-салом олдига борадилар, у киши ҳам узр айтадилар, сўнгра Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига бо-радилар, шунда у зот: «*Майли, мен бу ишни бўйнимга олай*» дейдилар. Кейин бориб, Аллоҳ азза ва жалла олдида сажда-га бош қўядилар, У Зотга ҳамду санолар айтадилар, дуо-ил-тижолар қиладилар, то у кишига: «Бошингизни кўтаринг, сўранг, сўровингиз ато этилади, шафоат (воситачилик) қилинг, шафоатингиз қабул қилинади»⁽¹⁾ дейилгунча шу ҳолда турадилар. Изн берилгандан кейин ҳам дарров ша-фоат қилишга ўтмайдилар, балки яна сажда қилиб, Аллоҳга дуолар қиладилар, ҳамду санолар айтадилар, Унинг исм ва сифатларини ўртага қўйиб сўрайдилар, шундан сўнг у зотга шафоатга изн берилади. Кейин у зот халойиқларни тезроқ

(1) Бухорий (3340, 4712, 7510) ва Муслим (193, 194) ривоятлари.

ажрим қилинишини сўраб, воситачилик қиладилар, у кишининг бу воситачиликлари қабул қилинади ва Аллоҳ таоло бандалари ўртасида ажрим қилиш учун келади.

Аллоҳ таоло айтган:

﴿ كَلَّا إِذَا دُكَّتِ الْأَرْضُ دَكًّا دَكًّا ﴿٢١﴾ وَجَاءَ رَبُّكَ وَالْمَلَكُ صَفًّا صَفًّا ﴿٢٢﴾ ﴾

«Йўқ, (бундай кирдикорларингиздан қайтингиз)! **Қачон Ер** (зилзилага тушиб, барча нарса) **чил-парчин қилинганда, Парвардигорингиз ва фаришталар саф-саф бўлиб келганда**» (Фажр: 21, 22).

﴿ هَلْ يَنْظُرُونَ إِلَّا أَنْ يَأْتِيَهُمُ اللَّهُ فِي ظُلَلٍ مِنَ الْعَمَامِرِ وَالْمَلَائِكَةُ وَقُضِيَ الْأَمْرُ ﴾

«Улар (ҳақ йўлни инкор этувчилар Қиёмат Кунида) **боқмайдилар, магар уларга булутдан бўлган соябон остида Аллоҳ ва фаришталар** (хисоб-китоб учун) **келади-да, иш тамом бўлади** (яъни улар куфрлари сабабли дўзахга ҳукм қилинурлар)» (Бақара: 210).

Бу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг халойиқлар ўртасида ажрим қилиниши учун бўлган шафоатларидир. Бу ғоят улуғ мақом бўлиб, Аллоҳ таоло у билан Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламни мушарраф қилган, Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло айтган мақтовли мақом ҳам шудир:

﴿ وَمِنَ اللَّيْلِ فَتَهَجَّدْ بِهِ نَافِلَةً لَكَ عَسَىٰ أَنْ يَبْعَثَكَ رَبُّكَ مَقَامًا مَّحْمُودًا ﴾

«Кечанинг (бир қисмида) **уйғониб ўзингиз учун нафл** (ибодат) **бўлган намозни ўқинг!** Шоядки,

Парвардигорингиз сизни (Қиёмат кунда) **мақтовли** (яъни, гуноҳкор умматларингизни шафоат қилиб оқлайдиган) **мақомда тирилтирур»** (Исро: 79). Чунки, бу улуғ ўринда аввалгилар-у охиргилар у кишини мақтаб, олқишлайдилар, у зот соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг фазилатлари зоҳир бўлади.

Иккинчи: Аҳли жаннатнинг жаннатга киришлари учун шафоат қилишлари⁽¹⁾. Жаннат эшигини биринчи бўлиб қоқадиган киши ҳам, унга биринчи бўлиб кирадиган киши ҳам Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам бўладилар⁽²⁾. Умматлар ичида биринчи бўлиб у кишининг уммати киради.

Учинчи: Аллоҳдан жаннат аҳлларида баъзиларининг мартаба ва даражаларини кўтаришини сўраб шафоат қилишлари. Аллоҳ таоло у кишининг шафоатлари сабаб уларнинг даражаларини кўтаради.

Тўртинчи: - бунда бошқалар ҳам муштарак - мўминлар ичидан гуноҳи кабираларга қўл урганлари сабабли дўзахга лойиқ кўрилган кишиларни дўзахга туширмаслигини ва дўзахга тушганларини ундан чиқаришини сўраб шафоат қилишлари. Бу — фирқалар ўртасидаги асосий ихтилоф ўринларидан биридир. Жаҳмия, хавориж каби фирқалар бу шафоатни инкор қилишади ва: «Дўзахга тушган киши ундан қайтиб чиқмайди», дейишади. Аҳли сунна вал-жамоа эса уни ҳадисларда қандай келган бўлса, шундай исботлай-

(1) Анас ибн Молик розияллоху анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «*Мен жаннатдаги биринчи шафоатчидирман*» (Муслим (196) ривояти).

(2) Анас ибн Молик розияллоху анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «*Қиёмат кунда жаннат эшиги ёнига бориб очишларини сўрайман. Жаннат посбони: «Кимсиз?» деб сўрайди. «Мен Муҳаммадман!» дейман. «Сизга (очишга) буюрилганман. Сиздан аввал бирон кишига очмайман», деб жавоб қилади*» (Муслим (197) ривояти).

дилар ва эътиқод қиладилар. Муслмон киши бунга эътиқод қилиши ва иймон келтириши, Аллоҳ таолодан Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни ўзига шафоатчи қилишини сўраши вожиб бўлади. Чунки, барча бунга муҳтож бўлади.

Бешинчи: Амакилари Абу Толиб ҳақидаги шафоатлари. Абу Толиб ширкда, мушрик Абдулмутталибнинг динида ўлган, ўлими олдидан ўзини Абдулмутталибнинг миллатида (яъни, динида) эканини эълон қилган эди. Шу билан у абадий дўзахига айланди. Лекин Аллоҳ таоло Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ундан азобни енгилатишини сўраб қилган шафоатларини қабул қилади ва у тўпиғигача ўт ичида бўлади, ўзидан кўра қаттиқроқ азоб тортаётган одам бўлмаса керак, деб ўйлайди, ваҳоланки у дўзахдагиларнинг энг енгил азоб тортаётгани бўлади.⁽¹⁾

Гуноҳи кабира эгалари хусусидаги шафоат муштаракдир. Малоикалар ҳам шафоат қиладилар, пайғамбарлар ҳам шафоат қиладилар, авлиёлар ва солиҳлар ҳам шафоат қиладилар, норасида оламдан ўтган гўдаклар ўз ота-оналарини шафоат қиладилар.⁽²⁾

۷۹. **وَالْمِيثَاقُ الَّذِي أَخَذَهُ اللَّهُ تَعَالَى مِنْ آدَمَ وَ ذُرِّيَّتِهِ حَقًّا.**

79. Аллоҳ Таоло Одам алайҳис-салом ва унинг зурриётидан олган аҳд-мийсоқ ҳақдир.

(1) Аббос ибн Абдулмутталиб розияллоху анҳудан ривоят қилинади: У Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга: «Амакингизга қандай ёрдамингиз тегди? У сизни ҳимоя қилар ва сизга (озор берувчиларга) ғазаб қилар эди», деди. У зот: «У тўпиғигача дўзахда. Агар мен бўлмасам, жаҳаннамнинг тубида бўларди», дедилар (Бухорий (3883) ва Муслим (209) ривоятлари).

(2) Имом Муслим Абу Саид ал-Худрий розияллоху анҳудан ривоят қилинган шафоат ҳақидаги (183) ҳадисда келтирган.

Аллоҳ таоло Одам алайҳис-салом ва унинг зурриётидан Унгагина ибодат қилишлари ва Унга бирон нарсани ширк келтирмасликлари ҳақида олган мийсоқ — аҳду паймон ҳадисда қандай келган бўлса шундай, ҳақдир деб эътиқод қиламиз. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам хабар берганларки, Аллоҳ таоло Одам алайҳис-саломнинг зурриётини унинг белидан чиқарди ва Ўзининг ягона маъбудлиги ҳақида уларни ўзлари устида гувоҳ қилди, улардан ёлғиз Унинг ўзига ибодат қилишлари ва Унга ширк келтирмасликлари ҳақида аҳду паймон олди⁽¹⁾. Биз бунга иймон келтирамиз. Бироқ, бу аҳду паймоннинг ўзи кифоя қилмайди, бу билан бирга пайғамбарлар юбориш ҳам зарур. Шу боис Аллоҳ таоло пайғамбарлар юборди. Агар ўша мийсоқнинг ўзи кифоя қилганда эди, пайғамбарларни юбормаган бўларди. Лекин У пайғамбарларни ўша аҳду паймонни ёдга солиш ва одамларни унга риоя қилишга чорлаш учун учун юборди.

Баъзи муфассирлар:

﴿وَإِذْ أَخَذَ رَبُّكَ مِنْ بَنِي آدَمَ مِنْ ظُهُورِهِمْ ذُرِّيَّتَهُمْ وَأَشْهَدَهُمْ عَلَىٰ أَنفُسِهِمْ أَلَسْتُ بِرَبِّكُمْ قَالُوا بَلَىٰ شَهِدْنَا﴾

«Парвардигорингиз Одам болаларининг белларидан (яъни пушти камарларидан то Қиёмат Кунигача дун-

(1) Ибн Аббос розияллоху анхумодан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Аллоҳ таоло Одам алайҳиссаломнинг белидан аҳду паймонни Наъмонда — яъни Арафотда — олди, Ўзи яратган зурриётларини унинг сулби (пушти)дан чиқариб, Ўзининг олдига сочди, сўнг улар билан рўнарама-рўнара туриб гаплашди, «Мен сизларнинг Парвардигорингиз эмасманми?», деди. Улар: «Худди шундай, биз гувоҳлик берамизки, (Сен бизнинг Парвардигоримизсан)», дейишди...» (Аҳмад (1/272) ва Ҳоким (2/544) ривоятлари. Ҳайсамий «Мажмаъуз-завоид»да: «Аҳмад ривоят қилган, исноди саҳиҳ» деган. Шайх Шокир «Муснад» таҳқиқида иснодини саҳиҳ санаган (2455).

ёга келадиган барча) зурриётларини олиб: «Мен Парвардигорингиз эмасманми?», деб, ўзларига қарши гувоҳ қилганида, улар: «Ҳақиқатан Сен Парвардигоримизсан, бизлар бунга шоҳидмиз», деганларини эсланг!» (Аъроф: 172), оятини Аллоҳ таоло Одам алайҳиссаломнинг зурриётидан олган ўша аҳди-паймони, дейишади. Бу тўғри эмас. Бу ундан бошқа. Аллоҳ таоло: «**Одам болаларининг белларидан**» деди, «Одамнинг белидан» демади. Оятнинг давомидан ҳам маълумки: «**Улар: «Ҳақиқатан Сен Парвардигоримизсан, бизлар бунга шоҳидмиз», дедилар**». Баъзи уламолар айтишича, бунинг маъноси — Аллоҳ уларни табиатлантирган фитрат-табиат ҳамда Аллоҳ таоло улар учун ўрнатиб қўйган ва шу билан Роббиларини танишлари керак бўлган борлиқдаги оят-аломатлардир.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло уларни тавҳидда ва Исломда яратди.⁽¹⁾ «**Бас** (Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), ўзингизни доимо тўғри бўлган динда (Исломда) тутинг! Аллоҳ инсонларни яратган табиий хилқатни (сақлангиз!)». У Ислом ва тавҳид динидир. Исломнинг маъноси — пайғамбарлар олиб келган тавҳид демакдир, унинг маъноси — ягона Аллоҳнинг Ўзига бирон шерик қилмасдан ибодат қилишдир. Энг тўғри дин шудир.

Шу билан бирга Ўзининг рубубиятига далолат қилувчи далилларни уларнинг ажойиб тарзда яратилган жисмларида ўрнатиб қўйдик, буларнинг ўзи ҳам Яратувчи субҳанаҳу ва таолонинг борлигига далолат қилади.

Яна уларнинг кўз олдиларида Яратувчининг борлигига далил бўлувчи осмонлару ерни ҳамда улардаги

(1) Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «*Ҳар бир чақалоқ фитрат (ислом дини)да туғилади, сўнг ота-онаси уни яҳудий, насроний ёки мажусий қилиб тарбиялайди*». (Бухорий ривояти.)

махлуқоту мавжудотларни яратиб қўйди. Буларнинг ҳеч бири ўз-ўзидан ёки яратувчисиз пайдо бўлиб қолгани йўқ.

﴿أَمْ خُلِقُوا مِنْ غَيْرِ شَيْءٍ أَمْ هُمُ الْخَالِقُونَ ﴿٣٥﴾ أَمْ خَلَقُوا السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضَ ۗ بَلْ لَا يُؤْقِنُونَ ﴿٣٦﴾﴾

«Балки улар ҳеч нарсадан (яъни, Яратувчисиз) яралиб қолгандирлар?! Ёки улар ўзлари яратувчимиканлар-а?! Балки осмонлар ва Ерни ҳам улар яратгандирлар?! Йўқ, улар ишонмаслар!» (Тур: 35, 36).

Шоир айтади: (Шеър мазмуни:) «Қизик, Аллоҳга қандай осий бўлиш мумкин ёки Уни қандай қилиб инкор қилиш мумкин?! Ахир ҳар бир нарсада Унинг ягоналигига далил бўлувчи аломатлар тўлиб ётибди-ку!»

Олдингиздаги ҳар бир нарса Аллоҳнинг ягоналигига далолат қилади, ушбу мавжудотларни яратишда Унинг бирон шериги йўқлигига гувоҳлик беради, «Аниқки, сизлар Аллоҳни қўйиб илтижо қилаётган бутлар агар барчалари бирлашганларида ҳам бир чивин ярата олмаслар» (Хаж: 73), Яратувчи Аллоҳ субҳанаҳу ва таолодир, Ундан бошқа яратувчи йўқ! Шундай экан, нега энди яратмаган, ризқ бермаган, ҳатто ўзи учун бирон фойда ёки зарарга эга бўлолмаган нарсага ибодат қилиш керак?! Юқоридаги «Парвардигорингиз Одам болаларининг белларидан зурриётларини олиб» (Аъроф: 172) ояти Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг ягоналигига фитрат гувоҳлигидир, бутун борлиқнинг гувоҳлигидир. Энди бирон кишига қиёмат куни «Бизлар бундан беҳабар эдик» (Аъроф: 172) деб узр айтишга ўрин қолмади. Кўр-кўрона ҳужжат келтириш қатъий далил-ҳужжатлар олдида яроқсиз бўлиб қолади.

۸۰. وَقَدْ عَلِمَ اللَّهُ تَعَالَى فِيمَا لَمْ يَزَلْ عَدَدَ مَنْ يَدْخُلُ الْجَنَّةَ،
وَعَدَدَ مَنْ يَدْخُلُ النَّارَ، جُمْلَةً وَاحِدَةً، فَلَا يَزْدَادُ فِي ذَلِكَ
الْعَدَدِ وَلَا يَنْقُصُ مِنْهُ.

80. Аллоҳ Таоло жаннатга кирувчиларнинг ҳам, дўзахга кирувчиларнинг ҳам умумий сонини азалда аниқ билган. Энди бу сонга ҳеч нима қўшилмайди ва ундан бирон нарса камайтирилмайди.

Мусаннифнинг бу ва кейинги сўзлари ҳаммаси қазо ва қадар мавзусидадир.

Қазо ва қадарга иймон келтириш иймоннинг олти рукнидан биридир. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганларидек: «Иймон - Аллоҳга, Унинг фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига ва Охират кунига ишонишинг ҳамда тақдирнинг яхшиси-ю ёмонига (барчаси Аллоҳ тарафидан эканига) иймон келтиришинг»⁽¹⁾.

Аллоҳ таоло Қуръонда айтади:

﴿ إِنَّا كُلَّ شَيْءٍ خَلَقْنَاهُ بِقَدَرٍ ۗ ۴۹ ﴾

«Албатта Биз ҳар бир нарсани қадар (аниқ ўлчов) билан яратдик» (Қамар: 49),

﴿ الَّذِي لَهُ مُلْكُ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَلَمْ يَتَّخِذْ وَلَدًا وَلَمْ يَكُن لَّهُ شَرِيكٌ فِي الْمَلِكِ وَخَلَقَ كُلَّ شَيْءٍ فَقَدَرَهُ نَقْدِيرًا ۗ ۲ ﴾

«У — осмонлар ва ернинг подшоҳлиги Ўзиники бўлган, бола-чақа қилмаган, подшоҳликда бирон ше-

(1) Бухорий (50) ва Муслим (10) ривоятлари.

риги бўлмаган ва барча нарсани яратиб (аниқ) ўлчов билан ўлчаб қўйган зотдир» (Фурқон: 2).

Оламда тақдирсиз — ўлчовсиз ишнинг ўзи йўқ, ҳеч нарса тасодифан содир бўлмайди. Юз берувчи ҳар бир ходиса аввалдан битилган ва ўлчаб қўйилгандир.


Қазо ва қадарга иймон тўрт даражани ўз ичига олади, қуйида уларни қисқача баён қиламиз:

Биринчи даража: Аллоҳ таолонинг ҳамма нарсани камраб олувчи комил ва шомил илмига иймон келтириш, У бўлган нарсаларни ҳам, энди бўладиган нарсаларни ҳам, бўлмаган нарсаларни агар бўлганида қандай бўлган бўлишини ҳам билади, Унинг илмидан ҳеч нарса яширин қолмайди, деб ишониш.

Бу — ҳамма нарсани ўз ичига олган умумий китобат (битиб қўйиш)дир. Ҳадисда келадики: *«Аллоҳ энг биринчи қаламни яратиб, унга: «Ёз!», деди. Қалам: «Эй Раббим, нимани ёзай?», деб сўради. «То қиёмат бўлажак барча нарсанинг (тақдирини) ёз!», деди».*⁽¹⁾ Шунда қалам то қиёматга қадар юз беражак барча нарсани ёзди.

Иккинчи даража: Аллоҳ азза ва жалла халойиқларнинг тақдирларини лавҳи маҳфузга ёзиб қўйганига ишониш.

Учинчи даража: Борликда ҳеч бир нарса Аллоҳнинг иродаси ва хоҳиш-истагисиз рўй бермайди, деб ишониш. Лавҳи маҳфуздаги нарса бўлсин ёки Аллоҳнинг Ўз илмидаги нарса бўлсин, Унинг хоҳишисиз амалга ошмайди. Унинг мулкида У истамаган иш жорий бўлмайди:



«Албатта Аллоҳ ёлғиз Ўзи хоҳлаган ишни қилур»
(Ҳаж: 14),

(1) Абу Яъло (2329), Байҳақий «Ас-сунаан ал-кубро»да (3/9) мавқуфан Ибн Аббос розияллоху анҳумодан ривоят қилганлар, Абу Довуд (4700), Термизий (2160) ҳам келтирганлар.

﴿كَذَلِكَ اللَّهُ يَفْعَلُ مَا يَشَاءُ﴾ ﴿٤٠﴾

«Шундай, Аллоҳ истаган ишини қилур» (Оли Имрон: 40). Коинотда юз бераётган туғилиш, ўлиш, бойлик, камбағаллик, иймон, куфр, буларнинг ҳаммаси Аллоҳнинг истак-иродаси билан бўлмоқда. У Зот яхшилиқни ҳам, ёмонликни ҳам, иймонни ҳам, куфрни ҳам хоҳлаган, ҳамма нарса Унинг истак-хоҳиши ичига дохил, У хоҳлаган нарса бўлади, хоҳламаган нарса бўлмайди.

Тўртинчи даража: Яратиш ва вужудга келтириш даражаси: У Ўзи истаган нарсасини яратади ва вужудга келтиради.

﴿اللَّهُ خَلِقُ كُلِّ شَيْءٍ وَهُوَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ وَكِيلٌ﴾ ﴿٦٢﴾

«Аллоҳ барча нарсанинг Яратувчисидир. У барча нарсанинг устида вакил-ҳомийдир» (Зумар: 62),

﴿أَلَا لَهُ الْخَلْقُ وَالْأَمْرُ﴾ ﴿٥٤﴾

Огоҳ бўлингизким, яратиш ва буюриш фақат Уникидир» (Аъроф: 54),

﴿مَا أَصَابَ مِنْ مُصِيبَةٍ فِي الْأَرْضِ وَلَا فِي أَنْفُسِكُمْ إِلَّا فِي كِتَابٍ مِنْ قَبْلِ أَنْ نَبْرَأَهَا﴾ ﴿٢٢﴾

«На Ерга ва на ўзларингизга бирон мусибат етмас, магар (етса) Биз уни пайдо қилишимиздан илгари Китобда (Лавҳул-Махфузда битилган) бўлур» (Ҳадид: 22).

Аллоҳнинг илми ҳақида далиллар жуда кўп.

Илм - Аллоҳ таоло Ўзини васфлаган сифатлар жумласидандир. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло жаннатга кирадиган кишиларнинг сонини ҳам, дўзахга кирадиган кишиларнинг сонини ҳам билади, бу Унинг азалий илмида мавжуд.

Аллоҳ таоло тақдир қилиб, ўлчаб қўйган нарса зиёда ҳам бўлмайди, камаймайди ҳам. Жумладан, У жаннат аҳллариани ҳам, дўзах аҳллариани ҳам билади, улар нима амал қилишларини ҳам билади. Биз бунга иймон келтирамиз ва амал қилишга юзланамиз, қазо ва қадар ҳақида: «қандай?», «нега?» деб талашиб-тортишмаймиз, «Қандай қилиб Ўзи аввалдан тақдир қилиб қўйган иш устида ҳисоб-китоб қилади?», деган каби ўринсиз саволлар билан вақтимизни зое қилмаймиз, Аллоҳ азза ва жаллага эътироз билдирмаймиз.

Банданинг вазифаси тоат-ибодатларни адо этиш ва маъсиятлардан сақланишдир. Аллоҳ азза ва жалла сир қилган ишларни тафтиш қилиш, Парвардигор жалла ва ало билан тортишиш унинг ҳаққидан эмас. Унинг вазифаси амал қилиш. Шунинг учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам асҳобларига ҳар бир кишининг жаннатдаги ва дўзахдаги ўрни аввалдан ёзиб қўйилганини айтганларида баъзилар: «Тақдиримиздаги битикка суяниб, амални тарк қилаверсак бўлмайдимиз?» деб сўрашганда: «Йўқ, амал қилаверинглар. Ҳар ким ўзи яратилган нарсага муяссар бўлувчидир»⁽¹⁾ деб жавоб берганлар.

Аллоҳ таоло айтади:

﴿إِنَّ سَعْيَكُمْ لَشَتَّىٰ ﴿٤﴾ فَأَمَّا مَنْ أَعْطَىٰ وَانْفَىٰ ﴿٥﴾ وَصَدَقَ بِالْحَسَنَىٰ ﴿٦﴾ فَسَنِيْرَهُ ﴿٧﴾ وَإِنَّمَا مِنْ بَحْلٍ وَاسْتَعْنَىٰ ﴿٨﴾ وَكَذَّبَ بِالْحَسَنَىٰ ﴿٩﴾ فَسَنِيْرَهُ لِلْعُسْرَىٰ ﴿١٠﴾﴾

«Шак-шубҳасиз сизларнинг саъйу ҳаракатларингиз ҳилма-ҳилдир. Ана энди ким (ўз мол-давлатидаги камбағал-бечораларга берилиши лозим бўлган закот ва бошқа садақотларни) ато этса ва (Аллоҳдан) кўрқса.

(1) Бухорий (6605) ва Муслим (2647) ривоятлари.

Ҳамда гўзал оқибатни (яъни жаннат бор эканини) **тасдиқ этса. Бас, Биз уни осон йўлга муяссар қилурмиз. Энди ким** (Аллоҳ йўлида ҳайр-саҳоват кўрсатишдан) **бахиллик қилса ва** (ўзини Аллоҳ ҳузуридаги ажр-мукофотлардан) **беҳожат билса. Ҳамда гўзал оқибатни** (яъни Аллоҳ ваъда қилган жаннатни) **ёлғон деса. Бас, Биз уни** (дунё ва охирада бахтсиз бўладиган) **оғир йўлга «муяссар» қилурмиз!»** (Вал-лайл: 4-10).

Демак, бахтли бўлиш ёки бахтсиз бўлишнинг сабаби банданинг ўзидан, сиз билан биздан солиҳ амал қилиш ва гуноҳ ишларни тарк қилиш талаб қилинади.

Қазо ва қадарни ҳужжат қилиш узрга ўтмайди. Аллоҳ азза ва жалла биз учун яхшилик ва ёмонликни баён қилиб қўйган, энди олдимизда узрга ўрин қолмаган. Одамлар ўзларига алоқаси бўлмаган ишларга аралашгани сабабли муаммоларга тушиб қолишади, «Агар амал қилмасам ҳам Аллоҳ таоло жаннатга киришимни битган бўлса барибир жаннатга кираман, дўзахга тушишимни битган бўлса барибир дўзахга тушаман» дейишади.

Уларга айтиш керакки: «Сиз ўз нафсингизга тааллуқли ишларда бундай демайсиз-ку! Ё уйингиздан чиқмай: «Аллоҳ менга ризқни битган бўлса Ўзи етказиб беради» деб қимирламай ўтириб оласизми ё тирикчилик ва ризқ талабида елиб-югуриб ҳаракат қиласизми?! Албатта ризқ талаб қилиб ҳаракат қиласиз. Ҳайвонлару қушлар ҳам инларида ўтирмайди, ризқ истаб ташқарига чиқишади. Ҳадисда келганки: *«Агар сизлар Аллоҳга ҳақиқий таваккул қилувчи бўлганларингизда эди, эрталаб оч ҳолда чиқиб, кечқурун тўйиб қайтадиган қушлар ризқланганидек ризқланган бўлур эдингиз.»*⁽¹⁾ Аллоҳ

(1) Аҳмад (1/30, 52), Абду ибн Хумайд (10), Термизий (2344), Ибн Можа (4169) ривояти. Термизий: «Ҳасан, саҳиҳ ҳадис» деган, шайх Шокир «муснад» таҳқиқида иснодини саҳиҳ санаган.

таоло ўша ақлсиз жониворларга ҳам ризқ талаб қилиш, ризқнинг сабабларини ахтариш табиатини ўрнатиб қўйган, сиз ақлли инсонсиз-ку! Ёки бўлмаса, агар биров сизнинг бирон нарсангизни ўғирлаб олган бўлса: «Ҳа, энди Аллоҳнинг қазоси ва қадари шу экан» деб индамай қўяверасизми ё унинг устидан шикоят қиласизми?! Албатта шикоят қиласиз, жанжаллашасиз, ҳеч қачон қазо ва қадарни ҳужжат қилмайсиз!»

۸۱. **وَكذٰلِكَ اَفْعَالُهُمْ فِيمَا عَلِمَ مِنْهُمْ اَنْ يَّفْعَلُوهُ.**

81. Амаллар ҳам худди шундай. Аллоҳ Таоло улар нима қилишларини билган бўлса, (ўша амалларгина қилинади, ҳеч нарса қўшилмайди ва ҳеч нарса камай-тирилмайди).

Яъни, Аллоҳ таоло азалда уларнинг нима қилишларини билган бўлса, ўшани қилишади.

۸۲. **وَكُلُّ مَيْسِرٍ لِّمَا خُلِقَ لَهُ.**

82. Ҳар бир киши нима учун яратилган бўлса, ўшанга муяссар этилади.

Аллоҳ таоло айтади:

﴿فَأَمَّا مَنْ أَعْطَىٰ وَاتَّقَىٰ ۝۵ وَصَدَّقَ بِالْحُسْنَىٰ ۝۶ فَسَنِّيْرُهُۥ لِلْيُسْرَىٰ ۝۷ وَأَمَّا مَنْ بَخِلَ ۝۸ وَاسْتَعْتَبَ ۝۹ وَكَذَّبَ بِالْحُسْنَىٰ ۝۱۰ فَسَنِّيْرُهُۥ لِلْعُسْرَىٰ ۝۱۱﴾

«Ана энди ким (ўз мол-давлатидаги камбағал-бечораларга берилиши лозим бўлган закот ва бошқа садақотларни) ато этса ва (Аллоҳдан) қўрқса. Ҳамда

гўзал оқибатни (яъни жаннат бор эканини) **тасдиқ этса. Бас, Биз уни осон йўлга муяссар қилурмиз. Энди ким** (Аллоҳ йўлида ҳайр-саҳоват кўрсатишдан) **бахиллик қилса ва** (ўзини Аллоҳ ҳузуридаги ажр-мукофотлардан) **беҳожат билса. Ҳамда гўзал оқибатни** (яъни Аллоҳ ваъда қилган жаннатни) **ёлғон деса. Бас, Биз уни** (дунё ва охирада бахтсиз бўладиган) **оғир йўлга «муяссар» қилурмиз!»** (Вал-лайл: 5-10).

۸۳. وَالْأَعْمَالُ بِالْخَوَاتِيمِ.

83. Амалларга якунига қараб баҳо берилади.

Инсон солиҳларнинг солиҳи бўлса ҳам амали билан мағрурланмаслиги, доим ёмон оқибатдан қўрқиб туриши, бирон кишини амалига қараб у дўзах аҳлидан деб ҳукм қилмаслиги лозим. Чунки, ўзининг оқибати нима билан якун топишини билмайди. Ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган қуйидаги ҳадис буни очиқ изоҳлаб беради: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «*Дарҳақиқат, ҳар бирингиз онасининг қорнида қирқ кун ичида «нутфа» (томчи сув) ҳолида жамланади, сўнгра худди шунча муддат ичида «алақа» (лахта қон) ҳолида бўлади, сўнгра худди шунча муддат ичида «музға» (бир парча гўшт) ҳолида бўлади. Сўнгра унга бир фаришта юборилади ва унга шу инсон аҳволи-тақдирига тааллуқли бўлган тўрт нарсани: ризқи, ажали, амали ҳамда бахтсиз ёки бахтли эканини ёзиш фармон қилинади, сўнг унга жон пуркалади. Албатта, бир киши дўзах аҳлининг амалларини қилиб юради, ҳатто у билан жаҳаннам ўртасида бир газ (ярим қадам)гина масофа қолади. Шунда унинг китоби (Аллоҳ таоло унинг жаннатий эканлиги ҳақида азалда ёзиб қўйган тақдири) ўзиб кетиб (яъни ундан ғолиб келиб), жаннат аҳли амалини*

қилади-да, жаннатга кириб кетади. Яна бир киши жаннат аҳлининг амалларини қилиб юради, ҳатто у билан жаннат ўртасида бир газгина масофа қолади. Шунда унинг китобида (Аллоҳ таоло унинг дўзахий эканлиги ҳақида азалда ёзиб қўйган тақдири) *етиб келиб* (яъни ундан ғолиб келиб), *дўзах аҳлининг амалини қилиб қўяди-да, дўзахга кириб кетади*». ⁽¹⁾

Инсон ёмон хотимадан қўрқиши, бировга ҳам ёмон хотима билан ҳукм қилмаслиги керак. Чунки ҳаёти нима билан хотималанишини билмайди. Тавба ўзидан олдинги гуноҳларни ўчириб юборади:

﴿ قُلْ لِلَّذِينَ كَفَرُوا إِن يَنْتَهُوا يُغْفَرْ لَهُمْ مَّا قَدْ سَلَفَ ﴾

«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), **кофир бўлган кимсаларга айтилганки, агар** (кофирликларидан) **тўхтасалар, ўтган гуноҳлари мағфират қилинур**» (Ан-фол: 38).

Амалларга якунига қараб баҳо берилади, бироқ Аллоҳ таолонинг бандаларига меҳрибонлиги улўғки, ким яхши амаллар устида яшаб ўтса, охириги ҳаётида ҳам яхшилик билан кетишига муваффақ қилиб қўяди. Ким ёмон амаллар билан ҳаётини ўтказса, охирида ҳам ёмон амал билан ҳаётини якунлайдиган қилиб қўяди. Инсон Аллоҳ азза ва жаллага яхши гумонда бўлган ҳолда сабабларни қилиб бориши лозим.

Баъзи бировлар: «Ўлимдан олдин тавба қилиб оламан» дейишади. «Хўш, қачон ўлишингни биласанми?!» — деймиз унга — бир лаҳзада, тавба қилишга ҳам улгурмасдан ўлиб қолишинг ҳам мумкин-ку! Ўлим олдидаги тавбанг мақбул бўладими, йўқми, буниси ҳам маълум эмас! Тавбанинг ҳам ўзига яраша шартлари бор!»

(1) Бухорий (8023) ва Муслим (3462) ривоятлари.

۸۴. وَالسَّعِيدُ مَنْ سَعِدَ بِقَضَاءِ اللَّهِ، وَالشَّقِيئُ مَنْ شَقِيَ بِقَضَاءِ اللَّهِ.

84. Чинакам бахтли инсон Аллоҳнинг тақдири ила бахтли бўлган инсондир. Ҳақиқий бадбахт Аллоҳнинг тақдири ила бахтсиз бўлган кимсадир.

Лекин у Аллоҳнинг қазоси билан эмас, балки Аллоҳ унга тақдир қилган амали билан бахтсиз бўлади. Аллоҳ кимни бахтли ёки бахтсиз бўлишини тақдир қилган бўлса, уни ўшанга муяссар қилиб қўяди.

۸۵. وَأَضَلُّ الْقَدَرِ سِرُّ اللَّهِ تَعَالَى فِي خَلْقِهِ.

85. Тақдир аслида Аллоҳ Таолонинг бандаларидаги сиридир.

Яъни, қазо ва қадар ҳақида ҳар қанча изланманг, барибир унинг сирига етолмайсиз. Шунинг учун ўзингизни уринтирмай қўяверинг-да, қазо ва қадарга иймон келтиринг, солиҳ амаллар қилинг ва ёмон ишлардан сақланинг. Қазо ва қадарнинг сирига етиш сизнинг ихтисосингиз ҳам, имконингиздаги иш ҳам эмас, унга таклиф ҳам қилинмагансиз.

۸۶. لَمْ يَطَّلِعْ عَلَى ذَلِكَ مَلَكٌ مُقَرَّبٌ، وَلَا نَبِيٌّ مُرْسَلٌ.

86. Ушбу сирдан ҳеч бир муқарраб фаришта ва ҳеч қайси пайғамбар воқиф бўлмаган.

Бу Аллоҳ таолонинг Ўзига хос ишлардан, Унинг Ўзидан бошқага маълум бўлмаган ғайбий нарсалардан. Уни

на фаришталар, на пайғамбарлар, на бошқалар била олади. Аллоҳ таоло Пайғамбарлар саййиди бўлган зотнинг сўзларини Қуръонда шундай баён қилган:

﴿وَلَوْ كُنْتَ أَعْلَمَ الْغَيْبِ لَاسْتَكْمَرْتُمْ مِنَ الْخَيْرِ وَمَا مَسَّنِيَ السُّوءُ﴾

«Агар ғайбни билганимда эди, яхши амалларни кўпайтирган бўлур эдим ва менга бирон зиён етмаган бўлур эди» (Аъроф: 188).

۸۷. **وَالتَّعَمَّقُ و النُّظْرُ فِي ذَلِكَ ذَرِيعَةُ الخِذْلَانِ، وَسَلْمُ الحِزْمَانِ، وَدَرْجَةُ الطُّعْيَانِ.**

87. Бу ҳақда фикрлашга шўнғиш ва мунозарага берилиш муваффақиятсизликка олиб боради, маҳрумликка етказди, туғёнга сабаб бўлади.

Бу жуда катта ва оғир гап. Яъни, қазо ва қадарга ва у ҳақдаги масалаларга чуқур шўнғиш, вақтни, қалб ва нафсни шунга машғул қилиш шак-шубҳалар келтириб чиқаради, амалдан буриб юборади, Аллоҳнинг мададидан узилишга ва муваффақиятсизликка олиб боради.

Аллоҳ бандадан ёрдамини дариф тутса, уни шу каби ишларга машғул қилиб қўяди. Аллоҳ бандани мукаррам қилса, уни Ўзининг тоатига ва вақтидан унумли фойдаланишга муваффақ қилиб қўяди.

Биз учун белгилаб қўйилган чегаралар бор, улардан ўтиб кетолмаймиз. Аллоҳ таоло бизни қазо ва қадар ҳақида баҳс қилишга таклиф этмаган, балки солиҳ амаллар қилишга ва ёмон ишлардан сақланишга таклиф қилган.

۸۸. فَالْحَذَرَ كُلَّ الْحَذَرِ مِنْ ذَلِكَ نَظْرًا وَفِكْرًا وَوَسْوَسَةً.

88. Шунинг учун бу ҳақда мунозара қилиш, фикрга шўнғиш, васвасаланиб қолишдан ҳазир бўлмоқ лозим.

Яъни, бундай қилишдан эҳтиёт ва узоқ бўлиш зарур. Васвасаланиш — шак-шубҳа ва иккиланиш тўрига ўраллашишдир. Бу ишларни тарк қилинг ва бу эшикни бутунлай ёпиб ташланг!

۸۹. فَإِنَّ اللَّهَ طَوَى عِلْمَ الْقَدَرِ عَنْ أَنَامِهِ.

89. Зеро, Аллоҳ Таоло тақдир илмини махлуқотидан беркитди.

Бу ибора юқоридаги «тақдир асида Аллоҳ Таолонинг бандаларидан тутган сиридир» деган сўзларни таъкидлаш учун келтирилди. Аллоҳ таоло ушбу маълумотларни махлуқотларидан яширди, чунки уларни билишдан уларга ҳеч қандай манфаат келмас эди.

۹۰. وَنَهَاہُمْ عَنْ مَرَامِهِ.

90. Уни билишга интилишдан бандаларини қайтарди.

Яъни, у ҳақда баҳс юритишдан қайтарди, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобалари бу ҳақда савол қилишганда ғазабланиб: «Сизлар шунга буюрилганмисизлар?! Шунинг учун яратилганмисизлар?!»⁽¹⁾ деганлар.

(1) Амр ибн Шуайб отасидан, у бобосидан (яъни Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳумодан) ривоят қилади: Бир куни одамлар қадар ҳақида сўзлашиб (тортишиб) туришганда Расулуллоҳ соллаллоҳу

۹۱. كَمَا قَالَ تَعَالَى فِي كِتَابِهِ: ﴿لَا يُسْأَلُ عَمَّا يَفْعَلُ وَهُمْ يُسْأَلُونَ﴾ (الأنبياء: ۲۳).

91. Аллоҳ таоло Ўзининг Китобида айтганидек: «(Аллоҳ) қилаётган иши ҳақида сўралмайди, бандалар эса сўраладилар» (Анбиё: 23).

Сиз Аллоҳ таолодан Унинг ишлари ҳақида, қазо ва қадари ҳақида сўрамайсиз, муноқаша-мунозара қилмайсиз, Аллоҳ таолога нисбатан одоб сақлайсиз. Чунки сиз бандасиз. У зот жалла ва алонинг ишларига аралаша олмайсиз. Аллоҳ таоло Ўзи қиладиган ишлардан сўралмайди. Чунки, У бирон ишни беҳикмат қилмайди. Ҳикмати эса бизга баъзан билинса, баъзан кўринмайди. Биз Аллоҳ таолонинг ҳеч нарсани бекордан бекорга қилмаслигига, албатта бирон ҳикмат учун қилганига ишонамиз. Ҳикмати бизга маълум бўлсин ё бўлмасин, фарқсиз.

Инсон ўзининг амалидан сўралади, Аллоҳ аzza ва жалланинг амалларидан эмас. Шундай экан, сиз қиёмат куни ўзингиздан сўраладиган ишларга эътибор қаратинг, шу сизнинг вазифангиз.

۹۲. فَمَنْ سَأَلَ: لِمَ فَعَلَ؟ فَقَدْ رَدَّ حُكْمَ الْكِتَابِ.

92. «Нима учун бундай қилди?» деб сўраган кимса Қуръоннинг (юқоридаги) ҳукмини рад этган бўлади.

алайҳи ва саллам чиқиб келдилар, юзлари ғазабдан анор доналари каби қизариб кетди, сўнг дедилар: «Сизларга нима бўлдики, Аллоҳнинг китобини (яъни унинг оятларини) бир-бирига урасизлар?! Сизлардан аввалгилар шу билан ҳалок бўлишган!»... (Аҳмад (2/178, 181, 185, 195) ва Ибн Можа (85) ривоятлари, шайх Шокир «Муснад» таҳқиқида саҳиҳ санаган.

Яъни, кимда-ким: «Аллоҳ таоло нима учун бундай қилди? Нима учун фалон-фалон нарсаларни тақдир қилди?», деса, Қуръоннинг ҳукмини рад қилган бўлади. Чунки, Аллоҳ таоло:

﴿ لَا يُسْئَلُ عَمَّا يَفْعَلُ ﴾

«(Аллоҳ) қилаётган иши ҳақида сўралмайди» (Анбиё: 23), деган.

۹۳. وَمَنْ رَدَّ حُكْمَ الْكِتَابِ، كَانَ مِنَ الْكَافِرِينَ.

93. Қуръон ҳукмини рад этган киши эса кофир бўлади.

Ким Китобу Суннат ҳукмини рад қилса ва бунга эътироз билдирса, бу борада ўзининг ақли ва фикрига суянса, ундай одам кофирлардан бўлиб қолади⁽¹⁾. Чунки, Китобу Суннатга иймон келтириш иймоннинг руқнларидан саналади.

۹۴. فَهَذَا جُمْلَةٌ مَا يَحْتَاجُ إِلَيْهِ مَنْ هُوَ مُنَوَّرٌ قَلْبُهُ مِنْ أَوْلِيَاءِ اللَّهِ تَعَالَى.

94. Шуларнинг бари Аллоҳга дўст бўлган, қалби (иймон нури билан) мунаввар зотлар учун керакли маълумотлардир.

(1) Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Аллоҳга энг ёқимсиз одам жанжалкаш, хусуматгўй кимсадир» (Бухорий (2457) ва Муслим (2668) ривоятлари).

Яъни, ундай зотлар қазо ва қадар масаласида бу маълумотларга муҳтож бўладилар. Улар — қадарга ва унинг тўртта даражасига Китобу Суннатда келган тафсилотлари билан иймон келтириш, эътироз ва муноқаша-мунозараларга киришмаслик, балки солиҳ амаллар ва муносиб сабабларни қилишдир.

۹۵. وَهِيَ دَرَجَةُ الرَّاسِخِينَ فِي الْعِلْمِ.

95. Илмда мустаҳкам бўлганлар даражаси ҳам шудир.

Илмда собитқадам бўлган, илмлари пухта, шак-шубҳадан холи бўлган зотлар қазо ва қадарга иймон келтирадилар, солиҳ амалларни қиладилар, ёмон ишлардан сақланадилар, Аллоҳнинг сирларидан бирон сирга аралашмайдилар, Унга эътироз билдирмайдилар, талашиб-тортишмайдилар. Илмда мустаҳкам бўлган кишиларнинг даражалари шудир. Жоҳил кимсалар эса бидъат ва залолатларга аралашиб юрадилар.

۹۶. لِأَنَّ الْعِلْمَ عِلْمَانٍ: عِلْمٌ فِي الْخَلْقِ مَوْجُودٌ، وَعِلْمٌ فِي الْخَلْقِ مَفْقُودٌ.

96. Чунки илм икки хил бўлади: махлуқотлар орасида мавжуд илм ва уларга берилмаган илм.

Илм икки хил:

Биринчиси: Аллоҳ таоло Ўзига хослаган, Ўзидан бошқа ҳеч ким билмайдиган илм бўлиб, у ғайб илмидир.

Иккинчиси: Махлуқотларда мавжуд ва бор бўлган илм бўлиб, Аллоҳ таоло бу илмни уларга билдирган, бунда улар учун манфаатлар бор. Уни билдириши китоблар тушириш ва пайғамбарлар юбориш воситаси ила бўлган:

﴿وَيُعَلِّمُهُمُ الْكِتَابَ وَالْحِكْمَةَ﴾

«Уларга Китоб ва Ҳикматни ўргатадиган... пайғамбар..» (Бақара: 129). Китобдан мурод — Куръон, ҳикматдан мурод — Суннатдир. Баъзилар ҳикматдан мурод — Аллоҳнинг динида фақиҳ бўлиш, дейдилар.

۹۷. فَإِنكَارُ عِلْمِ الْمَوْجُودِ كُفْرٌ، وَإِدْعَاءُ عِلْمِ الْمَفْقُودِ كُفْرٌ.

97. Бор илмни инкор қилиш ҳам, йўқ (яъни имконсиз, бандаларга берилмаган) илмни даъво қилиш ҳам куфрдир.

Шаръий илмни ва унда бўлган буйруғу қайтариқларни, ўтмишу келажак ҳақида берилган хабарларни инкор қилиш куфрдир.

Ғайб илмини даъво қилиш ҳам куфрдир:

﴿قُلْ لَا يَعْلَمُ مَنْ فِي السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ الْغَيْبَ إِلَّا اللَّهُ﴾

«Айтинг: “Осмонлар ва ердаги бирон кимса ғайбни билмас, магар Аллоҳгина (билур)”» (Намл: 65). Махлуқотлар ичида энг комили бўлган зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

﴿وَلَوْ كُنْتُ أَعْلَمُ الْغَيْبَ لَأَسْتَكْبَرْتُ مِنَ الْخَيْرِ وَمَا مَسَّنِيَ السُّوءُ﴾

«Агар ғайбни билганимда эди, яхши амалларни кўпайтирган бўлур эдим ва менга бирон зиён етмаган бўлур эди» (Аъроф: 188), деганлар. Демак, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам ғайбни билмайдилар, фақат Аллоҳ у кишига билдирган нарсанигина биладилар:

﴿وَلَا يُحِيطُونَ بِشَيْءٍ مِّنْ عِلْمِهِ إِلَّا بِمَا شَاءَ﴾

«Ва улар У зотнинг илмидан фақат Ўзи истаган нарсаларнигина биладилар» (Бақара: 255).

۹۸. وَلَا يَثْبُتُ الْإِيمَانُ إِلَّا بِقَبُولِ الْعِلْمِ الْمَوْجُودِ، وَتَرْكِ طَلْبِ الْعِلْمِ الْمَفْقُودِ.

98 . Мавжуд илми қабул қилиш ва йўқ (имконсиз) илми излашдан тийилиш билангина иймон собит бўлади.

Мавжуд илм, яъни Китобу Суннат илмини қабул қилиш ва билиш имконсиз бўлган ғайб илмини Аллоҳга топшириш билан иймон мустаҳкам бўлади.

﴿فَقُلْ إِنَّمَا الْغَيْبُ لِلَّهِ﴾

«Бас, (эй Муҳаммад соллалоҳу алайҳи ва саллам), **айтинг:** «Ғайб (яъни, келажак ва инсон идрокдан махфий бўлган барча нарсалар билими) **фақат Аллоҳникидир**» (Юнус: 20).

۹۹. وَنُؤْمِنُ بِاللُّوحِ وَالْقَلَمِ وَبِجَمِيعِ مَا فِيهِ قَدْ رُفِعَ.

99. Лавҳга, қаламга ва лавҳга битилган барча нарсага иймон келтирамиз.

Бу ҳам юқорида ўтган қазо ва қадар ҳақидаги гапнинг давомидир. Айтиб ўтилдики, қазо ва қадарга бўлган иймоннинг тўртта даражаси бор, улардан бири — Лавҳул маҳфузга битиб қўйилган нарсаларга иймон келтиришдир. Аллоҳ таоло барча нарсанинг илмини лавҳул

махфузга ёзиб қўйган. Ҳадисда келганидек: «Аллоҳ энг биринчи қаламни яратиб, унга: «Ёз!», деди. Қалам: «Эй Раб-бим, нимани ёзай?», деб сўради. «То қиёмат бўлажак барча нарсанинг (тақдирини) ёз!», деди».⁽¹⁾ Шунда қалам то қиёматга қадар юз беражак барча нарсани ёзди.

Лавҳ, яъни Лавҳул маҳфуз ва Қаламнинг қандайлиги фақат Аллоҳнинг Ўзигагина маълум. Бу иккиси Аллоҳ азза ва жалланинг махлуқотидан эканига иймон келтирамиз.

۱۰۰. فَلَوْ اجْتَمَعَ الْخَلْقُ كُلُّهُمْ عَلَى شَيْءٍ كَتَبَهُ اللَّهُ تَعَالَى فِيهِ أَنَّهُ كَائِنٌ، لِيَجْعَلُوهُ غَيْرَ كَائِنٍ - لَمْ يَقْدِرُوا عَلَيْهِ. وَلَوْ اجْتَمَعُوا كُلُّهُمْ عَلَى شَيْءٍ لَمْ يَكْتُبَهُ اللَّهُ تَعَالَى فِيهِ، لِيَجْعَلُوهُ كَائِنًا لَمْ يَقْدِرُوا عَلَيْهِ.

100. Аллоҳ Таоло Лавҳда “бўлади”, деб ёзиб қўйган нарсани бўлдирамаслик учун барча махлуқотлар жамлансалар ҳам, қўлларидан ҳеч нарса келмайди. Аллоҳ Таоло Лавҳга ёзмаган нарсани бўлдириш учун барча халойиқ жамланса ҳам, ҳеч нарсага эришолмайди.

Аллоҳ таоло Лавҳул маҳфузга ёзиб қўйган битикни ўзгартиришга ҳеч ким қодир эмас. Аллоҳ таоло ёзиб қўйган нарсани ўзгартириш учун барча халойиқлар йиғилсалар ҳам, бунга қодир бўлмайдилар. Агар Аллоҳ таоло лавҳга ёзмаган нарсани бўлдириш учун барча халойиқлар йиғилсалар ҳам, бунга қодир бўлмайдилар.

(1) Абу Яъло (2329), Байҳақий «Ас-сунаан ал-кубро»да (3/9) мавқуфан Ибн Аббос розияллоху анҳумодан ривоят қилганлар, Абу Довуд (4700), Термизий (2160) ҳам келтирганлар.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинган ҳадисда келганидек: «Билгинки, барча махлуқотлар сенга бир фойда бермоқ ниятида жамланса ҳам, фақат Аллоҳ таоло сенга ёзиб қўйган фойданигина бера олади. Агар улар сенга бир зарар бермоқ қасдида тўплансалар ҳам, фақат Аллоҳ сенга ёзиб қўйган зарарнигина бера олишди. (Тақдир) қаламлари кўтарилди, (тақдир) битилган саҳифалар қуриди».⁽¹⁾

Демак, Аллоҳ азза ва жалла лавҳул маҳфузга битиб қўйган нарсани ўзгартириш ҳам, алмаштириш ҳам имконсиз иш.

۱۰۱. جَفَّ الْقَلَمُ بِمَا هُوَ كَائِنٌ إِلَى يَوْمِ الْقِيَامَةِ، وَمَا
أَخْطَأَ الْعَبْدَ لَمْ يَكُنْ لِيَصِيئَهُ، وَمَا أَصَابَهُ لَمْ يَكُنْ لِيُخْطِئَهُ.

101. Қиёмат кунига қадар нима бўлиши керак бўлса, ўшани қалам ёзган, сиёҳ қуригандир. Бандага нимаики етмаган бўлса, аслида унга етиши керак эмас эди. Унга етган нарса эса, аслида уни четлаб ўтиши мумкин эмас эди.

Бу, яъни сизга Аллоҳ таоло ёзган нарсадан бошқаси етмаслиги, сизга етган иш ёки кўргулик албатта етиши керак бўлгани учун етгани, сиздан четлаб ўтиб кетган иш ёки кўргулик эса сизга етмаслиги керак бўлгани учунгина етмаган эканига ишониниш қазо ва қадарга иймон келтиришга киради.

Агар сизга бирон ёқимсиз иш ёки мусибат етса, биласизки, бу нарса лавҳул маҳфузда битилган ва албатта

(1) Термизий (2521), Аҳмад (1/293), Ҳоким (3/541) ривоятлари. Термизий «ҳасан саҳиҳ ҳадис» деган.

бўлмасдан иложи йўқ эди. Шу ишонч билан тасалли топасиз, жазавага тушишдан қутуласиз, Аллоҳ азза ва жаллага иймон келтирган бўласиз.

Сизга етмаган нарса (яъни омад ё мусибат, бахт ё бахтсизлик) ҳаргиз етмаган бўларди. Сиз бир нарсани талаб қилиб унинг йўлида ҳар қанча ҳаракат қилманг, пул-мол сарфламанг, агар тақдирда битилмаган бўлса асло у нарсага етишолмайсиз. Сабабини қилсангиз, ҳамма нарсани сарф қилиб ҳам унга эришмасангиз, қазо ва қадарга бўлган ишончингиз туфайли сиз бунга таслим бўласиз, сиқилиб, ғамга ботмайсиз. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: *«Ўзингга фойдали бўлган нарсага интил, Аллоҳдан мадад сўра ва ожиз бўлма! Агар бирон (кўнгилсизлик) етса: «Агар ундай қилганимда бундай бўларди экан» дема, балки: «Аллоҳ шуни тақдир қилибди, У Ўзи истаган ишини қилди», дегин! Чунки «агар» шайтоннинг иши(га йўл) очади»⁽¹⁾.*

Мана шуларни билсангиз, иш сизга осон кўчади, жазавага ҳам тушмайсиз, ҳасратга ҳам ботмайсиз. Барча ишлар Аллоҳнинг қўлида. Тўғри, сиз сабабларни қиласиз, ўзингизга фойдали бўлган ишларга уринаверасиз, лекин натижалар Аллоҳ азза ва жалла тарафидан келади, ўзингиз учун яхшилик нимада эканини сиз билмайсиз. Балки, Аллоҳ азза ва жалла ўша нарсани сизга бермаганининг сабаби — мабодо унга эришган бўлганингизда ундан сизга фойда эмас, аксинча зарар етиши мумкин бўлар эди, Аллоҳ билади, сиз билмайсиз. Шундай экан, Аллоҳнинг қазо ва қадарига рози бўлиш сиз учун энг яхши йўлдир.

Қуръони каримда Аллоҳ таоло Ўз пайғамбари соллаллоҳу алайҳи ва салламга хитобан айтади:

(1) Муслим (2664) ривояти.

﴿قُلْ لَنْ يُصِيبَنَا إِلَّا مَا كَتَبَ اللَّهُ لَنَا هُوَ مَوْلَانَا وَعَلَى اللَّهِ
فَلَيْتَوَكَّلِ الْمُؤْمِنُونَ﴾

«Айтинг: Бизга фақат Аллоҳ биз учун ёзиб қўйган нарсасига етур. У бизнинг ҳоҷамиздир. Бас, иймонли кишилар фақат Аллоҳгагина суянсинлар!» (Тавба: 51).

Кофирларнинг Уҳуд куни ўлдирилган кишилар ҳақида:

﴿لَوْ كَانُوا عِنْدَنَا مَا مَاتُوا وَمَا قُتِلُوا﴾

«Агар биз билан бирга қолганларида ўлмаган ва ўлдирилмаган бўлар эдилар», (Оли Имрон: 156) деб айтган гапларига жавобан Аллоҳ таоло айтди:

﴿قُلْ لَوْ كُنْتُمْ فِي بُيُوتِكُمْ لَبَرَزَ الَّذِينَ كُتِبَ عَلَيْهِمُ الْقَتْلُ إِلَى مَضَاجِعِهِمْ﴾

«Айтинг (эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Агар уйлариңизнинг ичига беркиниб олганиңизда ҳам ўлдирилиши Аллоҳ томонидан ҳукм қилинган кишилар шубҳасиз ҳалокат жойига келган бўлар эдилар» (Оли Имрон: 154).

Инсоннинг тақдирига битилган нарсa жорий бўлмай иложи йўқ. Ҳар қанча эҳтиётини қилмасин, яшириниб ва ўраниб олган бўлмасин, бу нарсалар уни Аллоҳнинг қазо ва қадаридан тўсолмайди. Аллоҳ таоло айтади:

﴿أَيَّمَا تَكُونُوا يُدْرِكَكُمُ الْمَوْتُ وَلَوْ كُنْتُمْ فِي بُرُوجٍ مُّسْتَدِيرٍ﴾

«Қаерда бўлсангиз, ҳатто мустаҳкам қалъалар ичида бўлсангиз ҳам ўлим сизларни топиб олу» (Нисо: 78).

۱۰۲. وَعَلَى الْعَبْدِ أَنْ يَعْلَمَ أَنَّ اللَّهَ قَدْ سَبَقَ عِلْمُهُ فِي كُلِّ
كَائِنٍ مِنْ خَلْقِهِ.

102. Банда яна шуни билиши лозимки, махлуқот тарафидан нимаики содир бўлса, ўшани Аллоҳ Таоло аввалдан билган.

Бу қазо ва қадарга иймон келтириш даражаларининг биринчи даражасидир. Яъни, банда ишонади ва эътиқод қиладики, Аллоҳ таоло бўлган-у бўлмаган нарсаларнинг ҳаммасини Ўзининг азалий илми билан билган, уларнинг ҳаммасини ҳали бўлмасиданоқ Ўзининг ҳамма нарсани ихота қилувчи илми билан билган. Шундай эътиқод қилиш лозим.

۱۰۳. فَقَدَرَ ذَلِكَ تَقْدِيرًا مُحْكَمًا مُبْرَمًا.

103. Ҳамда уни пухта ва ўзгармас қилиб тақдир этган.

Аллоҳ таоло билган ва пухта ўлчаб, тақдир қилган:

﴿وَخَلَقَ كُلَّ شَيْءٍ فَقَدَرَهُ نَقْدِيرًا﴾


«У барча нарсани яратиб, (аниқ) ўлчов билан ўлчаб қўйган зотдир» (Фурқон: 2).

Демак, оламдаги ҳеч бир иш тартиб-интизомсиз эмас, ҳаммаси пухта тартибланган ва Аллоҳнинг қазо ва қадарига бўйсундирилган. Аллоҳ таоло бетартиблик ва беҳуда яратишдан покдир.

۱۰۴. لَيْسَ فِيهِ نَاقِضٌ، وَلَا مُعَقَّبٌ، وَلَا مُزِيلٌ، وَلَا مُغَيِّرٌ، وَلَا نَاقِضٌ وَلَا زَائِدٌ مِنْ خَلْقِهِ فِي سَمَاوَاتِهِ وَأَرْضِهِ.

104. Осмонлару ердаги бирон махлуқ ушбу тақдирни бузишига, текиширишига, йўқотишига, ўзгартиришига, камай-тиришига ёки кўпайтиришига қодир эмас.

Бирон жонзот ўзи билганича тасарруф қилиб, Аллоҳ қазо (ҳукм) қилган ва тақдир қилган нарсани ўзгартиришга қодир эмас. Унинг қазосини қайтарувчи, Унинг ҳукмини текширувчи йўқ.



«Аллоҳ ҳукм қилур — Унинг ҳукмини текширувчи бўлмас» (Раъд: 41). Ҳеч ким Аллоҳнинг қазосидан бирон нарсани камайтиришга ёки унга бирон нарса қўшиб қўйишга қодир эмас. Бу аллақачон ҳал қилинган ишдир.

Мусулмон киши мана шу эътиқодда бўлса, жуда кўп шак-шубҳа ва гумонлардан қутулади. Лекин, бунинг маъноси қазо ва қадарга, лавҳул маҳфуздаги битикка суяниб, амални тарк қилиш дегани эмас⁽¹⁾. Мусулмон киши амал қилишга, ризқ талаб қилишга, сабабларни қилишга

(1) Алий розияллоху анҳудан ривоят қилинади: «Бақеъ ал-Ғарқад (қабристон)да жанозада эдик, Набий соллаллоху алайҳи ва саллам келиб ўтирдилар, биз ҳам у зотнинг атрофига ўтирдик, сўнг дедилар: «*Тирик жон борки, унинг жаннатдан ва дўзахдан бўлган ўрни албатта ёзиб қўйилгандир, унинг бахтсиз ё бахтли бўлиши ҳам албатта ёзиб қўйилгандир*». Шунда бир киши: «Ё Расулуллох, тақдиримиздаги битикка суяниб, амални тарк қилаверсак бўлмайдами? Қайси биримиз саодат аҳлидан бўлсак, барибир саодат аҳлининг амалини қилади, ким шақоват (бахтсизлик) аҳлидан бўлса, шақоват аҳлининг амалини қилади?» деб сўради. У зот: «(Йўқ, амал қилаверинглр.) *Саодат аҳли саодат аҳлининг амалига муяссар қилинади, шақоват аҳли эса шақоват аҳлининг амалига муяссар қилинади*» деб жавоб бердилар, сўнг: «**Ана энди ким** (ўз мол-давлатидаги камбағал-бечораларга берилиши лозим бўлган закот ва бошқа садақотларни) **ато этса ва** (Аллоҳдан) **кўрқса. Ҳамда гўзал оқибатни** (яъни жаннат бор эканини) **тасдиқ этса. Биз уни осон йўлга муяссар қилурмиз. Энди ким** (Аллоҳ йўлида хайр-саховат кўрсатишдан) **бахиллик қилса ва** (ўзини Аллоҳ ҳузуридаги ажр-мукофотлардан) **беҳожат билса. Ҳамда гўзал оқибатни** (яъни Аллоҳ ваъда қилган жаннатни) **ёлғон деса. Биз уни** (дунё ва охиратда бахтсиз бўладиган) **огир йўлга «муяссар» қилурмиз!**» (Вал-лайл: 7-10) оятларини ўқидилар (Бухорий (1362) ва Муслим (2647) ривоятлари.

буюрилган. Аммо, натижалар Аллоҳ азза ва жалланинг кўлидадир.

۱۰۵. **وَذَلِكَ مِنْ عَقْدِ الْإِيمَانِ، وَأَصُولِ الْمَعْرِفَةِ.**

105. (Тақдир ҳақида) ана шундай эътиқодда бўлиш иймон арконларидан ҳамда Аллоҳни тўғри таниш асосларидандир.

Қазо ва қадар ҳақидаги бу ақида Аллоҳ субҳанаҳу ва таолога иймон ақидаси ичига киради. Яъни, қазо ва қадарга иймони бўлмаган одам Аллоҳ азза ва жаллага иймон келтирган бўлмайди. Қазо ва қадарга иймон келтириш иккиламчи ёки жузъий масалалардан эмас, балки у ақиданинг асосларидан ва иймоннинг рукнларидан. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганларидек: «Иймон - Аллоҳга, Унинг фаришталарига, китобларига, Пайғамбарларига ва Охират кунига ишонишинг ҳамда тақдирнинг яхиси-ю ёмонига (барчаси Аллоҳ тарафидан эканига) иймон келтиришингдир»⁽¹⁾.

۱۰۶. **وَالاعْتِرَافِ بِتَوْحِيدِ اللَّهِ تَعَالَى وَرُبُوبِيَّتِهِ، كَمَا قَالَ تَعَالَى فِي كِتَابِهِ: ﴿وَخَلَقَ كُلَّ شَيْءٍ فَقَدَرَهُ تَقْدِيرًا﴾ وَقَالَ تَعَالَى: ﴿وَكَانَ أَمْرُ اللَّهِ قَدْرًا مَقْدُورًا﴾.**

106. Ва бу рубубиятда Унинг ягона зот эканлигини эътироф этиш асосларидандир. Аллоҳ Таоло айтади: «У ҳар бир нарсани яратди ва унинг тақдирини аниқ ўлчаб-белгилаб қўйди» (Фурқон: 2). Яна бир оятда эса:

(1) Бухорий (50) ва Муслим (10) ривоятлари.

«Аллоҳнинг амри-иродаси (албатта содир бўлиши лозим бўлган) тақдири азалий бўлди» (Аҳзоб: 38).

Қазо ва қадарга иймон келтириш рубубият тавҳидига киради. Чунки қазо ва қадар Аллоҳ таолонинг феълларидан, ким уни инкор қилса рубубият тавҳидига иймон келтирган бўлмади.

﴿وَخَلَقَ كُلَّ شَيْءٍ فَقَدَرَهُ نَقْدِيرًا ﴿٢﴾﴾

«У ҳар бир нарсани яратди ва унинг тақдирини аниқ ўлчаб-белгилаб қўйди» (Фурқон: 2).

﴿وَكَانَ أَمْرُ اللَّهِ قَدَرًا مَقْدُورًا ﴿٣٨﴾﴾

«Аллоҳнинг амри-иродаси (албатта содир бўлиши лозим бўлган) тақдири азалий бўлди» (Аҳзоб: 38).

﴿إِنَّا كُلَّ شَيْءٍ خَلَقْنَاهُ بِقَدَرٍ ﴿٤٩﴾﴾

«Албатта Биз ҳар бир нарсани (аниқ) ўлчов билан яратдик» (Қамар: 49).

﴿مَا أَصَابَ مِنْ مُصِيبَةٍ إِلَّا بِإِذْنِ اللَّهِ ﴿١١﴾﴾

«(Бирон кимсага) бирон мусибат етмас, магар Аллоҳнинг изни-иродаси билангина (етур)» (Тағобун: 11).

﴿مَا أَصَابَ مِنْ مُصِيبَةٍ فِي الْأَرْضِ وَلَا فِي أَنْفُسِكُمْ إِلَّا فِي كِتَابٍ مِّن قَبْلٍ ﴿٢٢﴾﴾
﴿أَن نَّبْرَاهَا﴾

«На Ерга ва на ўзларингизга бирон мусибат етмас, магар (етса) Биз уни пайдо қилишимиздан илгари Китобда (Лавҳул-Маҳфузда битилган) бўлур» (Ҳадид: 22).

Бу ва бошқа шу маънодаги оятлар қазо ва қадарга иймон келтиришга далолат қилади.

۱۰۷. فَوَيْلٌ لِّمَنْ صَارَ لِلَّهِ تَعَالَى فِي الْقَدْرِ خَصِيْمًا، وَأَخْضَرَ
لِلنَّظْرِ فِيهِ قَلْبًا سَقِيْمًا.

107. Шундай экан, тақдир борасида касал қалб билан фикр юришиб, ушбу масалада Аллоҳга хусуматчи бўлган кимсага вайл бўлсин.

Қазо ва қадар ишига аралашиб, бу ҳақда шубҳа-гумонлар пайдо қилган одам Аллоҳга хасим (рақиб) бўлган ва У билан талашган бўлади. Қазо ва қадарнинг тўртов даражасига Китобу Суннатда келган равишда иймон келтиришсиз кишининг иймони дуруст саналмайди. Ҳар хил саволлар, шубҳа ва гумонлар гирдобига шўнғиш ярамайди, зеро бундай қилиш Аллоҳ билан талашиб бўлиб қолади. Қазо ва қадар ҳақида чуқур киришган кишилар ҳеч нарсага етиб бормаганлар, балки гангиш ва беқарорлика тушиб қолганлар, ақидалари бузилгани қолган, холос.

Қазо ва қадар каби Аллоҳ таолонинг Ўзига хос бўлган ишларига фикр ва ақл билан етиб бўлмайди. Шундай экан, ақлингизни у ҳеч қачон англаб етолмайдиган ишларга ишлатманг. Ақл чекланган, у ҳамма нарсани идрок қилишга қодир эмас. Уни кучи етмайдиган ишларга ишлатиб овора бўлманг.

۱۰۸. لَقَدْ التَّمَسَ بِوَهْمِهِ فِي فَحْصِ الغَيْبِ سِرًّا كَتِيْمًا.

108. Зеро у ожиз фикри билан ғайбни титкилаб, Аллоҳ бекитган сирни билмоқчи бўлди.

Чунки, қазо ва қадар Аллоҳ азза ва жалланинг бандаларидан сир тутган нарсасидир. Шундай экан, у ҳақда баҳс юритманг. Сиз бунга буюрилмагансиз. Сиз амалга, тоат ва бўйсунишга буюрилгансиз.

۱۰۹. وَعَادَ بِمَا قَالَ فِيهِ أَفَاكًا أَثِيمًا.

109. Ва тақдир тўғрисида гапириб ёлғончи гуноҳкор бўлди.

Яъни, унинг ҳар бир айтган сўзи ва юритган баҳси ёлғон ва бўхтон бўлди. Чунки у буюрилмаган ишга қўл урди, ўзига тегишли бўлмаган ва ақли етмайдиган нарсага аралашди.

۱۱۰. وَالْعَزْشُ وَالْكُزْسِيُّ حَقٌّ.

110. Арш ҳам, Курсий ҳам ҳақдир.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло осмонларни яратди, ерни яратди, Курсийни яратди, Аршни яратди. Буларнинг барчаси Аллоҳ азза ва жалланинг махлуқоти. Осмонлар ернинг устида, осмонлар устида денгиз, денгиз устида курсий, курсий устида арш бўлиб, у махлуқотлар ичида энг олий-юқорисидир. Ҳадисда айтилишича: «*Етти осмон(нинг) курсийга нисбатан (ҳажми) қалқонга ташлаб қўйилган етти танга кабидир*». Яъни, етти осмон ўзининг улканлиги ва ўз ичига олган барча нарсалар билан биргаликда курсийга қиёс қилинса, жангчининг қалқонига ташлаб қўйилган етти тангага ўхшаб қолади.

﴿وَسِعَ كُرْسِيُّهُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضَ﴾

«Унинг курсиси осмонлар ва ердан кенгдир» (Бақара: 255) ояти шуни ифодалайди. Арш курсийдан катта, ҳадисда келганидек, курсий аршга нисбатан олиб қаралганда бепоён саҳрога ташлаб қўйилган битта ҳалқа мисолидадир.

Ушбу махлуқотларнинг нақадар буюк ва улканлиги ёлғиз Аллоҳнинг Ўзигагина маълум.

Арш махлуқотларнинг энг олийси, Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло арши устида, махлуқотларидан юқорида.

Курсий аршнинг остида, ривоятларда айтилишича, у икки қадам-пойнинг ўрни. Курсий махлуқ, ундан мақсад — Ибн Аббос розияллоҳу анҳумога нисбат берилган сўзда айтилганидек илм эмас. У киши «Унинг курсиси осмонлар ва ердан кенгдир» оятидаги курсисидан мурод — илми, деганликлари айтилади. Яъни, Унинг илми осмонлару ердан кенг. Маъно саҳих. Бироқ, оятдан мақсад бу эмас. Курсий махлуқ, илм эса Аллоҳ аза ва жалланнинг сифатларидан бири, у махлуқ эмас. Арш ва курсийга ҳақиқий маъносида иймон келтириш вожиб. Арш ашъарийлар ва уларга ўхшаганлар айтишганидек мулк эмас, улар «Арш мулкдир» дейишади, Аллоҳ таолонинг:

﴿ثُمَّ اسْتَوَىٰ عَلَى الْعَرْشِ﴾


«Ўз аршига кўтарилди» (Аъроф: 54) оятини «мулкни истило қилди (эгаллади)» деб айтишади. Ундай эмас, арш махлуқдир:

﴿وَكَانَ عَرْشُهُ عَلَى الْمَاءِ﴾

«Илгари У зотнинг арши сув устида эди» (Худ: 7). Аршнинг остида курсий бор, курсийнинг остида осмонлар бор, ер эса осмонлар остида. Ҳадисда айтилганки: «Аллоҳдан сўрайдиган бўлсангиз, олий «Фирдавс» жаннатини сўранглар. Чунки у жаннатнинг энг ўртаси ва энг юқорисидир, жаннат

анҳорлари ундан оқиб чиқади, Раҳмон таолонинг Арши унинг устидадир»⁽¹⁾. Демак, Фирдавс жаннатларнинг энг олийси, унинг устида Раҳмон таолонинг арши бор.

Аллоҳнинг арши махлук, унинг бир тоифа малоикалардан иборат кўтариб турувчилари бор:



«Уларнинг устида Парвардигорингизнинг аршини у Кунда саккиз (фаришта) кўтариб турур» (Ал-ҳаққо: 17). Қиёматдан аввал уни тўртта фаришта кўтариб туради, қиёмат бўлганда икки баробар бўлиб, саккизта фаришта кўтаради. Ҳар бир фариштанинг хилқати, буюклиги ва куч-қудрати тасаввурга сиғмас даражададир.⁽²⁾

Арш мулк дейиладиган бўлса, унда, мулкни малоикалар кўтариб туради, деймизми?!

۱۱۱. وَهُوَ مُسْتَعْنٍ عَنِ الْعَرْشِ وَمَا دُونَهُ.

111. Аллоҳ Таоло Аршдан ҳам, ундан қуйи нарсалардан ҳам беҳожатдир.

(1) Бухорий (2790, 7423) ривояти.

(2) Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва саллам хабар берганларидек Аршни кўтариб турувчи фаришталардан бирининг елкасидан қулоғининг юмшоғигача бўлган оралиқ 500 йиллик масофадир. Елкасидан қулоғигача 500 йиллик масофа бўлган буюк махлукни тўлалигича тасаввур қилишни ақл бовар қилмайди. Бизнинг назаримизда жуда улкан кўринган ер шари етти қават осмон ва улардаги барча сайёралар Курсийдан кичик бўлса ёки ҳадисда келганидек қалқонга ташлаб қўйилган етти дирҳамчалик бўлса, бунданда саҳихроқ ҳадисда келганидек еру осмонлар Курсий олдида кенг майдонга ташлаб қўйилган бир халқадек, Курсий ҳам Арш олдида худди шундек бўлса, Аллоҳ субҳонаху ва таоло беҳожат бўлган ҳолда Арш устида бўлса. Бу азамат, бу буюклик инсоннинг қалбига дахшатни солади, Аллоҳнинг буюклигидан қалби титрайди ва унга бўлган иймони кучайиб, тақвosi зиёдалашади. /И.Н./

«Сўнгра Ўз аршига ўрнашди» (Аъроф: 54) оятининг маъноси — Аллоҳ таоло аршга бир махлуқ бошқа бир махлуқнинг устига ўрнашгани каби муҳтож, дегани эмас. Балки Аллоҳ азда ва жалла арш устига кўтарилган, ўрнашган, ваҳоланки У аршдан ҳам, ундан қуйидаги нарсалардан ҳам беҳожат.

Барча махлуқотлар Аллоҳ таолога муҳтож:

﴿إِنَّ اللَّهَ يُمَسِّكُ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضَ أَنْ تَزُولَا وَلَئِن زَالَتَا إِنْ أَمْسَكَهُمَا مِنْ أَحَدٍ مِنْ عِبَادِهِ﴾

«Албатта Аллоҳ осмонлар ва ерни қулаб тушишдан ушлаб-асраб турур. Аниқки агар улар қуласалар, У зотдан сўнг (яъни Аллоҳдан ўзга) бирон кимса уларни тутиб тура олмас» (Фотир: 41). Аршни тутиб турадиган, осмонларни тутиб турадиган, ерни ва махлуқотларни тутиб турадиган ёлғиз Унинг Ўзидир. У Ўзининг қудрати билан уларни ушлаб-асраб туради. Улар ҳаммаси Унга муҳтож, У эса улардан беҳожатдир.

Бир нарса бошқа нарсанинг устида бўлишидан юқоридаги нарса пастдаги нарсага албатта муҳтожлиги келиб чиқмайди. Мана, осмонлар ернинг устида, бироқ улар ерга муҳтож эмас.

۱۱۲. مُحِيطٌ بِكُلِّ شَيْءٍ وَفَوْقَهُ.

112. У ҳамма нарсани (илми ва қудрати билан ўраб) иҳота қилган ва (ҳамма нарсадан) юқоридадир.

У ҳамма нарсани иҳота қилган, «Албатта Аллоҳга на Ердаги ва на кўкдаги бирон нарса махфий эмасдир» (Оли Имрон: 5), иҳота қилиши ўша нарсаларни билишидир. Чунки, аслида, У зот ҳамма нарсадан юқоридадир.

۱۱۳. وَقَدْ أَعْجَزَ عَنِ الْإِحَاطَةِ خَلْقَهُ.

113. Махлуқотларини эса Ўзини ихота қилишдан оғиз қолдиргандир.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло уларнинг олдиларидаги нарсаларни ҳам, орқаларидаги нарсаларни ҳам билади. Улар эса У зотни илм (билиш) билан ихота қила олмайдилар. Аллоҳ таоло айтади:

﴿يَعْلَمُ مَا بَيْنَ أَيْدِيهِمْ وَمَا خَلْفَهُمْ وَلَا يُحِيطُونَ بِشَيْءٍ مِّنْ عِلْمِهِ إِلَّا بِمَا شَاءَ﴾

«У уларнинг (барча одамларнинг) олдиларидаги ва орқаларидаги бор нарсани билади. Ва улар У зотнинг илмидан фақат Ўзи истаган нарсаларнигина биладилар» (Бақара: 255). Аллоҳ ҳамма нарсани Ўз илми билан ихота қилган:

﴿لِنَعْلَمَوا أَنَّ اللَّهَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ وَأَنَّ اللَّهَ قَدْ أَحَاطَ بِكُلِّ شَيْءٍ عِلْمًا﴾

«Токи сизлар Аллоҳнинг барча нарсага қодир эканлигини ва Аллоҳ барча нарсани (Ўз) билими билан ихота қилиб олганини билишларингиз учун (У зот сизларга юқорида зикр қилинган нарсалар ҳақида хабар берди)» (Талок: 12).

۱۱۴. وَنَقُولُ: إِنَّ اللَّهَ اتَّخَذَ إِبْرَاهِيمَ خَلِيلاً، وَكَلَّمَ اللَّهُ مُوسَى تَكْلِيمًا، إِيْمَانًا وَتَضَدِيقًا وَتَسْلِيمًا.

114. Аллоҳ Таоло Иброҳим алайҳис-саломни Ўзига халил (яқин дўст) қилган ва Мусо алайҳис-саломга чинакам тарзда гапирган, деб иймон келтирамиз, (шу тўғрида келган саҳиҳ хабарларни) тасдиқлаймиз ва (кайфиятини Аллоҳга ҳавола этиб) таслим бўламиз.

Пайғамбарлар махлуқотларнинг энг афзаллари эканига ва улар ҳам ўзаро бир-бирларидан афзал бўлишларига ишониш ҳам мусулмонларнинг ақидаларидан саналади. Яна улар, Аллоҳ таоло Иброҳим алайҳис-саломни Ўзига халил қилган, деб эътиқод қиладилар. Унинг Ўзи айтганидек:

﴿وَإِتَّخَذَ اللَّهُ إِبْرَاهِيمَ خَلِيلًا﴾ (125)

«Иброҳимни Аллоҳ Ўзига халил-дўст тутган» (Нисо: 125). Халиллик — дўстлик ва муҳаббатнинг энг олий даражасидир. Аллоҳ жалла ва ало Ўзининг мўмин, тақводор, муҳсин бандаларини яхши кўради, дўст тутади, тавба қилувчиларни ва ўзини пок тутувчиларни яхши кўради, лекин халилликка оламда фақат икки киши — Иброҳим алайҳис-салом ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам эришганлар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: *«Аллоҳ таоло мени худди Иброҳимни халил қилганидек халил қилди»*⁽¹⁾.

﴿وَكَلَّمَ اللَّهُ مُوسَى تَكْلِيمًا﴾ (164)

«Мусо билан Аллоҳнинг Ўзи (бевосита) гаплашди» (Нисо: 164). Аллоҳ таоло пайғамбарларнинг баъзиларини баъзиларидан афзал қилди. Гарчи уларнинг ҳаммаси юксак мартаба эгалари бўлсалар-да, афзалликда ўзаро тафовутлари мавжуд:

(1) Муслим (532) ва Бухорий (466, 467) ривоятлари.

﴿ تِلْكَ الرُّسُلُ فَضَّلْنَا بَعْضَهُمْ عَلَىٰ بَعْضٍ مِّنْهُمْ مَنْ كَلَّمَ اللَّهُ وَرَفَعَ بَعْضَهُمْ
دَرَجَاتٍ ۗ ﴾

«Ўша пайғамбарларнинг айримларини айримларидан афзал қилдик. Уларнинг ораларида Аллоҳ (бево­сита) сўзлаган зотлар бор. Ва (уларнинг) айримлари­ни (Аллоҳ) юксак даражаларга кўтарди» (Бақара: 253). Ҳар бир пайғамбарга Аллоҳ азза ва жалла ўзига хос аф­заллик ато этди. Иброҳим ва Муҳаммад алайҳимас са­лоту вассаломни халиллик билан афзал қилди, Мусо алайҳис-саломни унга бевосита гапириш билан афзал қилди, Мусо У зотнинг каломини эшитди, У субҳанаҳу ва таоло Мусога ҳам баланд овозда нидо қилди, ҳам паст овозда муножот қилди, шуларнинг ҳаммаси Мусо алайҳис-саломга ҳосил бўлди, ушбу фазилат у киши­дан бошқа пайғамбарга насиб бўлмаган. Бироқ, бир пайғамбарда бошқаларида бўлмаган бир афзаллик-им­тиёз бор бўлишидан у бошқа пайғамбарлардан мутлақ афзал экани келиб чиқмайди. Балки у мана шу хислат­дагина бошқа пайғамбарлардан афзал бўлади.

۱۱۵. وَتُؤْمِنُ بِالْمَلَائِكَةِ وَالنَّبِيِّنَ.

115. Фаришталар ва набийларга иймон келтирамиз.

Фаришталарга иймон келтириш иймоннинг иккин­чи рукнидир. Фаришталар Аллоҳ субҳанаҳу ва таолодан бошқа ҳеч ким билмайдиган ғайб олами вакиллари­дир. Аллоҳ таоло уларни нурдан яратди, улар доим Аллоҳнинг ибодатига машғул бўладилар. Аллоҳ таоло уларга мах­луқотлари ичида амалга ошириб турадиган ишларни топширган. Улардан баъзилари ваҳийга вакил қилинган, баъзилари ёмғир ва набототга вакил қилинган, баъзила-

ри жон олишга вакил қилинган, баъзилари сур чалишга вакил қилинган, баъзилари одамзотнинг амалларини ёдлаб, сақлаб олишга вакил қилинган, баъзилари тоғларга вакил қилинган, баъзилари она қорнидаги ҳомилага вакил қилинган. Ибн Масъуд розияллоху анҳудан ривоят қилинган ҳадисда келганидек: «Сўнгра унга бир фаришта юборилади ва унга шу инсон аҳволи-тақдирига тааллуқли бўлган тўрт нарсани: ризқи, ажали, амали ҳамда бахтсиз ёки бахтли эканини ёзиш фармон қилинади»⁽¹⁾.

Фаришталар ўзларига топширилган ишларни Аллоҳ таоло қандай буюрган бўлса ўшандай адо қиладилар:

﴿ لَا يَسْقُونَهُ، بِالْقَوْلِ وَهُمْ بِأَمْرِهِ يَعْمَلُونَ ﴾

«(Фаришталар) У зотдан илгари бирон сўз айтмайдилар (яъни Аллоҳ буюрмаган бирон ишни қилмайдилар), Улар (Аллоҳнинг) амри фармони билангина амал қилурлар» (Анбиё: 27),

﴿ يُسَبِّحُونَ اللَّيْلَ وَالنَّهَارَ لَا يَفْتُرُونَ ﴾

«Улар туну кун сусткашлик қилмасдан (Аллоҳни) поклайдилар» (Анбиё: 20).

Уларнинг хилқатларини Аллоҳ субҳанаху ва таолодан бошқа ҳеч ким билмайди,⁽²⁾ уларнинг кўриниши одамзотнинг хилқатидан тамомила фарқ қилади:

(1) Бухорий (3208) ва Муслим (2643) ривоятлари.

(2) Абу Зар розияллоху анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ солаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Мен сизлар кўрмаган нарсаларни кўраман, сизлар эшитмаган нарсаларни эшитаман. Осмон ингради, инграшга лойиқ ҳам эди. Унда тўрт бармоқ ўрничка жой борки, бир фаришта Аллоҳга сажда қилиб пешонасини қўйгандир...» (Аҳмад (5/173), Термизий (2317), Ибн Можа (4190), Ҳоким «Мустадрак»да (2/510-551) ривоятлари.

﴿الْحَمْدُ لِلَّهِ فَاطِرِ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ جَاعِلِ الْمَلَكِةِ رُسُلًا أُولَىٰ أَجْنَحَةٍ مَّتَنَىٰ
وَتَلَثَّ وَرَبِّعٌ﴾

«**Ҳамду-сано осмонлар ва ерни илк яратувчи ҳамда** (Ўзи билан бандалари ўртасида) **фаришталарни икки, уч, тўрт қанотли элчилар** (воситачилар) **қилувчи Аллоҳ учундир**» (Фотир: 1).

Баъзиларида бундан ҳам кўп (қанотлар мавжуд):

﴿يَزِيدُ فِي الْخَلْقِ مَا يَشَاءُ﴾

«**У зот** (яратган) **маҳлуқотида Ўзи хоҳлаган нарсани зиёда қилур**» (Фотир: 1).

Жибрил алайҳис-саломнинг олти юзта қаноти бўлиб, ҳар битта қаноти уфқларни тўсиб қўйгудек даражада улкан. Фаришталарнинг хилқати ва қандайликларини Аллоҳ таолодан бошқа ҳеч ким билмайди.

Инсонлар фариштани ҳақиқий суратида кўришга қодир эмаслар. Фаришта уларга инсон суратида кўриниши мумкин. Жаброил алайҳис-салом ҳам Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига инсон шаклида келар, у зот билан суҳбатлашиб ўтирар эдилар. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни ҳақиқий фаришта суратида фақат икки марта кўрганлар. Бир марта Макканинг Батҳосида уфқ узра кўрган бўлсалар, иккинчи бор Исро ва Меърож кечаси Сидратул Мунтаҳо олдида кўрганлар. Бошқа пайтлар Жибрил алайҳис-салом Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам олдиларига фақат инсон суратида келардилар, кўпинча Дихятул Калбий розияллоҳу анҳу суратида келардилар.

«...**ва набийларга иймон келтирамиз**». Набий — шариат ваҳий қилинган, лекин уни таблиғ қилиш (етказиш) буюрилмаган пайғамбар, расул эса шариат ваҳий қилиниб, уни таблиғ қилишга буюрилган пайғамбардир.

Набий ва расулларнинг барчасига иймон келтириш вожиб. Ким улардан баъзиларига иймон келтириб, бошқаларини инкор қилса, ҳаммаларини инкор қилган бўлади:

﴿كُلٌّ ءَامَنَ بِاللَّهِ وَمَلَائِكَتِهِ وَكُتُبِهِ وَرُسُلِهِ ۖ لَا نُفَرِّقُ بَيْنَ أَحَدٍ مِّن رُّسُلِهِ ۗ﴾

«Аллоҳга, фаришталарига, китобларига ва пайғамбарларига иймон келтирган ҳар бир киши (айтди): «Унинг пайғамбарларидан бирон кишини ажратиб қўймаймиз» (Бақара: 285).

۱۱۶. وَالْكِتَابِ الْمُنزَلَةِ عَلَى الْمُرْسَلِينَ وَنَشَهِدُ أَنَّهُمْ كَانُوا عَلَى الْحَقِّ الْمُبِينِ.

116. Пайғамбарларга нозил қилинган китобларга иймон келтирамиз ва уларнинг ҳаммалари очиқ-ойдин ҳақиқат устида бўлганлар деб гувоҳлик берамиз.

Аллоҳ таоло пайғамбарларига бандаларнинг ҳидояти учун туширган китобларга иймон келтириш ҳам иймоннинг асос ва рукнларидан саналади. Аллоҳ таоло ушбу китобларни Ўзининг каломи, ваҳйи ва қонун-қоидалари қилиб туширган, уларни умматларга етказишни пайғамбарларига буюрган. Улар ичида Унинг буйруқ ва қайтариқлари ҳамда шариати мужассамдир.

Аллоҳ таоло Ўзининг китобларидан баъзиларининг номини Қуръонда зикр қилган, баъзиларини зикр қилмаган. Биз номи зикр қилинганларига ҳам, зикр қилинмаганларига ҳам бирдек иймон келтирамиз. Улар ичида машҳурлари Мусо алайҳис-саломга нозил қилинган Таврот, Исо алайҳис-саломга нозил қилинган Инжил, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга нозил қилинган

Қуръон, Довуд алайҳис-саломга нозил қилинган Забур, Иброҳим алайҳис-саломга нозил қилинган саҳифалардир. Биз Аллоҳ таолонинг барча китобларига иймон келтирамиз, улар бандаларнинг манфаатлари учун, ҳидоятга йўлланишлари учун ва улар устида ҳужжат барпо бўлиши учун туширилган эканига ишонамиз. Ким улардан баъзиларини тасдиқлаб, баъзиларини инкор қилса, ҳаммасини инкор қилган бўлади. Чунки, ҳаммаси ҳам Аллоҳнинг Қаломи, бирига иймон келтириб бирини инкор қилиш дуруст эмас. Аллоҳ таоло айтади:

﴿أَفَتُؤْمِنُونَ بِبَعْضِ الْكِتَابِ وَتَكْفُرُونَ بِبَعْضٍ ۗ فَمَا جَزَاءُ مَنْ يَفْعَلُ ذَٰلِكَ مِنْكُمْ إِلَّا خِزْيٌ فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا ۖ وَيَوْمَ الْقِيَامَةِ يُرَدُّونَ إِلَىٰ أَشَدِّ الْعَذَابِ ۗ﴾

«Ё китобнинг бир қисмига ишониб, бир қисмини инкор қиласизми? Ораларингдан ким бу ишни қилса, унинг жазоси бу дунёда расво бўлиш, Қиёмат Кунда эса қаттиқ азобга дучор қилинадилар» (Бақара: 85).

Шунингдек Қуръоннинг ҳам ҳаммасига иймон келтиришимиз, ҳаммасига амал қилишимиз фарз. Унинг кўнглимизга ёққанига амал қилиб ёқмаганини ташламаймиз.

Кимда-ким Аллоҳнинг китобларидан бирон китобни инкор қилса, ёки Қуръоннинг бир қисмини ё биронта қалимаси ё ҳарфини инкор қилса, у одам Аллоҳ азза ва жаллага кофир бўлган бўлади.

۱۱۷. وَنُسَبِي أَهْلَ قِبَلَتِنَا مُسْلِمِينَ مُؤْمِنِينَ.

117. Қибладошларимизни мўминлар, мусулмонлар, деб айтамыз.

Кимда-ким икки шаҳодат калимасини айтган бўлса ва шунда барқарор бўлса, уни мусулмон деб айтамыз. Гарчи ундан баъзи маъсиятлар ва ҳатто гуноҳи кабира-лар содир бўлса, лекин гуноҳи ширкка етмаган бўлса, уни исломи ва иймони ноқис ва фосиқ мусулмон деймиз. Гуноҳлари ширк даражасига бормаган бўлса, уни кофир-ликка ҳукм қилмаймиз. Бу аҳли сунна вал-жамоатнинг эътиқодидир. Улар ширкдан паст гуноҳлар сабабли ки-шини кофирликка ҳукм қилмайдилар, балки бу билан иймони ноқис бўлади, гуноҳ соҳиби диндан чиқариб юбормайдиган фисқ билан фосиқ бўлди, дейдилар.

Хаворижлар эса кишини гуноҳи кабира сабабли бу-тунлай кофир санаб, диндан чиқариб юборишади ва дўзахда абадий қолади, дейишади.

Муътазилалар эса гуноҳи кабира соҳибини Исломдан чиқариб юборишади, бироқ куфрга ҳам киритишмайди, уни икки мавқе (Ислом ва куфр) ўртасидаги бир мавқеда, дейишади. Бироқ гуноҳи кабира устида ўлиб кетган ки-шини худди хаворижлар каби улар ҳам абадий дўзахга ҳукм қилишади.

Муржиалар эса бунинг бутунлай аксича, маъсият иймонга зарар етказмайди, ким Аллоҳ азза ва жаллани тасдиқ ва эътироф қилса, у одам нима ишлар қилишидан қатъий назар мўмин бўлади, дейишади. Исломнинг ҳамма рукнларини тарк қилган киши ҳам улар назди-да кофир бўлмайди. Муҳими тасдиқ ва эътиқод бўлса бас, амаллар иймондан эмас, улар иймонни зиёда ҳам қилмайди, камайтирмайди ҳам, иймон келтирган ва тасдиқлаган одам комил иймонли мўмин бўлаверади, дейишади. Бу уч мазҳабнинг ҳаммаси адашган фирқалар жумласидан.

Бир қавм — яъни хаворижлар — ўта қаттиқ йўлни тутдилар, иккинчи бир қавм — муржиалар — эса ўта юмшоқ ва юзаки йўлни ушлаб, гуноҳларнинг ҳеч қандай зарари йўқлигини даъво қилдилар.

Аҳли сунна вал-жамоа эса ўрта йўлни ушлаган, уларнинг мазҳаблари Китобу Суннатдан олинган адолатли йўл бўлиб, унда далиллар ўртасини жамланган. Хавориж ва муътазилалар фақат ваид (огоҳлантирув ва қўрқитув)га оид нас (қатъий далил)ларни олиб, ваъда (афву марҳамат)га оид далилларни тарк қилишди. Муржиалар эса ваъдага оид далилларни олиб, ваъидга оидларини тарк қилишди. Аҳли сунна вал-жамоа ваъдага оид ҳужжатларни ҳам, ваъидга оид ҳужжатларни ҳам олганлар ва улар ўртасини жамлаганлар. Энг тўғри йўл шудир.

﴿وَالرَّاسِخُونَ فِي الْعِلْمِ يَقُولُونَ ءَامَنَّا بِهِ - كُلٌّ مِّنْ عِنْدِ رَبِّنَا﴾

«Илмда собитқадам бўлган кишилар эса: «У Китобга иймон келтирганмиз. Ҳамма оятлари Парвардигоримиз ҳузуридандир»,— дейдилар» (Оли Имрон: 7), залолат аҳлига ўхшаб бир томонни олиб, бошқа томонни тарк қилмайдилар,

﴿فَأَمَّا الَّذِينَ فِي قُلُوبِهِمْ زَيْغٌ فَيَتَّبِعُونَ مَا تَشَبَهَ مِنْهُ ابْتِغَاءَ الْفِتْنَةِ وَابْتِغَاءَ تَأْوِيلِهِ﴾

«Энди дилларида ҳақ йўлдан оғиш бўлган кимсалар одамларни алдаб фитнага солиш ва ўз ҳавойи нафсларига мувофиқ таъвил-тафсир қилиш учун Унинг муташобих оятларига эргашадилар» (Оли Имрон: 7), муташобих оятларни олишади, бироқ ўша оятларни изоҳлаб берувчи муҳкам оятларни тарк қилишади.

Мусаннифнинг: «*мўминлар, мусулмонлар, деб айтамиз*» деган сўзлари комили мутлақ маъносида эмас, чунки улар баъзан ислому иймонда ноқис ҳам бўлиб қоладилар, Аллоҳ таоло томонидан ваидга сазовор ҳам бўладилар.

۱۱۸. مَا دَامُوا بِمَا جَاءَ بِهِ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ
مُعْتَرِفِينَ، وَلَهُ بِكُلِّ مَا قَالَهُ وَأَخْبَرَ مُصَدِّقِينَ.

118. Модомики улар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам олиб келган барча нарсани тан олишар, у зот айтган ҳар бир сўз ва хабарни тасдиқлашар эканлар (биз уларни мўминлар, мусулмонлар, деб айтамыз).

Аммо, агар Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам олиб келган нарсалардан биронтасини инкор қилсалар ёки эътироф этмасалар, ундай кимсаларни кофир деб айтамыз. У зот келтирган нарсалардан баъзисига иймон келтириб, баъзисини инкор қилган кишилар у зот олиб келган нарсанинг ҳаммасига кофир бўлган деб саналади. Демак, хоҳишларимизга мувофиқ келадими, йўқми, уларнинг ҳаммасига иймон келтиришимиз фарз, чунки уларнинг ҳаммаси ҳақ.

Кимда-ким саҳиҳ ҳадислардан биронтасини ёлғон санаса, мисол учун, «Саҳиҳул Бухорий»да бўлган бир саҳиҳ ҳадисни рад қилса ва: «Мен бу ҳадисга ишонмайман, уни тасдиқламайман, чунки у замонавий илм-фанга зид» деса, у одам кофир бўлади. Субҳаналлоҳ! Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сўзлари нотўғри бўлармишу, оддий бир инсоннинг унга қарши гапирган сўзи тўғри бўлармиш! Қолаверса, замонавий илм-фан саҳиҳ ҳадисларга доим ҳам зид келавермайди. Масалан, пашшанинг бир қанотида касаллик, иккинчи қанотида даво бўлиши ҳақида айтилган ҳадисни айримлар инкор қилишса-да, замонавий илм-фан бунинг ҳақлигини тан олади, заҳарни унинг зидди билан муолажа қилинади, деб айтади. Пашшада икки нақийз (бир-бирига қарама-қарши нарса) бор, сувга тушиб кетган пашша даво бор бўлган қанотини кўтариб, заҳар бўлган қанотини сув-

га ботирар экан. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг даво бор бўлган қанотини ҳам сувга ботириб олишни буюрганларки⁽¹⁾, шу билан ўзидаги даво ўз заҳрини кесади. Тиббиёт ҳам буни тан олади ва рад қилмайди. Бироқ, бу ҳадис айрим жоҳилларнинг таъби-га тўғри келмагач, у ҳақда ноўрин гап-сўзлар қилишди, бундай қилиш куфр, Аллоҳ сақласин! Ундай одамлар-нинг Суннатга нисбатан қабих гаплари бор, уни рад қилишади, унда шак-шубҳалар пайдо қилишади, «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Сизлар дунё ишларингизни билувчироқсиз»*⁽²⁾ деганлар, бу эса дунё ишларимиздан», дейишади, уларнинг Суннатга нисбатан тутган ўринлари ана шунақа, ваҳоланки ўзларини исломга чақирувчи даъватчилар деган даъволари бор. Бу гаплари билан улар Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламни жоҳилга чиқаришади.

«... тан олишар, ... тасдиқлашар эканлар». Тан олиш ва тасдиқлашнинг ўзи кифоя қилмайди, муржиалар мазҳабидагина кифоя қилиши мумкин. Балки шу билан бирга у зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам олиб келган нарсаларга амал қилиш ва бунда ихлосли бўлиш ҳам шарт.

۱۱۹. وَلَا نَخُوضُ فِي اللَّهِ، وَلَا نُمارِي فِي دِينِ اللَّهِ.

119. Аллоҳ(нинг зоти) ҳақида чуқур кетмаймиз. Аллоҳнинг динида талашиб баҳслашмаймиз.

(1) Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Агар бирортангизнинг ичимлигига пашша тушиб қолса, уни бир ботириб, сўнг олиб ташласин. Чунки унинг бир қанотида касалик, бошқа қанотида шифо бор» (Бухорий (3320, 5782) ва Муслим (2363) ривоятлари.

(2) Муслим (2363) ривояти.

Аллоҳ таоло ҳақида баҳсга шўнғимаймиз, балки Унга иймон келтираммиз, исм ва сифатларини эътироф этаммиз, уларни таъвил қилмаммиз, зоҳирий маъносидан бошқа маъноларга бурмаммиз, қосир ақлларимизга ва хоҳиш-ҳаволаримизга эргашиб Аллоҳ ва Расули кўзда тутмаган маъноларни бермаммиз. Зеро, бундай қилиш Аллоҳ азза ва жаллага куфр келтириш бўлади.

Шунингдек, Аллоҳнинг дини ҳақида ҳам талашиб тортишмаммиз, «бунисига иймон келтираммиз, бунисига иймон келтиришдан тўхталаммиз», деб айтмаммиз. Нима нарса Китобу Суннатда собит бўлган бўлса, у ҳақда баҳсу мунозарага ўрин қолмади, унга иймон келтираммиз ва таслим бўламмиз. Агар у нарсани идрок қилишга ақлимиз етмаётган бўлса, бу бизнинг ақлларимизнинг қосирлигидан. Агар ақлимиз комил бўлса эди, Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга эҳтиёжимиз қолмас эди, умуман башариятнинг пайғамбарларга эҳтиёжи тушмас эди. Демак, ақлларимиз қосирлиги туфайли ҳақни ҳақ, ботилни ботил деб тушунтирадиган пайғамбарлар юборилишига зарурат бўлди.

۱۲۰. وَلَا تُجَادِلْ فِي الْقُرْآنِ، وَنَشْهَدُ أَنَّهُ كَلَامُ رَبِّ الْعَالَمِينَ.

120. Қуръон хусусида тортишмаммиз. У Аллоҳ роббул оламиннинг каломи эканига гувоҳлик берамиз.

«Қуръон хусусида тортишмаммиз» деган сўз кофирлар айтишадиган «У Аллоҳнинг каломи эмас, балки Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўзи тўқиб олган» деган сўзларни айтмасликни ҳам ўз ичига олади.

Шунингдек, Қуръон маъноларининг тафсирида мунозарага берилишни ҳам ўз ичига олади. Қуръонни ўзимизча тафсир қилмаммиз, Қуръон фақат Аллоҳнинг

Китобида келган нарса билан ёки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларида келган нарса билан ёки саҳобалар айтган сўзлар билан ёки тобиинлар айтган сўзлар билан ёки у нозил бўлган араб тили тақозо қилган маъноларга кўра тафсир қилинади.

У ҳақда ўзимизнинг қосир ақлимиз билан сўз айтмаймиз. Уни нозил қилган Зотнинг Ўзи ёки уни тушунтириб етказиш топширилган пайғамбари соллаллоҳу алайҳи ва саллам ёки Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва саллам қўлларида шогирд бўлган саҳобаи киромлар ёки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шогирдларидан ривоят қилган тобиинлар ёки у нозил бўлган тил тафсир қилиб беради. Зеро, у очиқ-равшан араб тилида нозил бўлган. Аммо уни фалон табиб ё фалон муфаккир ё фалон фалакшуноснинг сўзлари билан тафсир қилиш тўғри бўлмайди. Чунки назариялар ўзгариб туради. Бугун бир назария ғолиб бўлса, эртага бошқа бир назария уни йўққа чиқариб тураверади. Чунки уларнинг ҳаммаси инсон ақли маҳсули. Шундай экан, Аллоҳнинг каломини айримлар қилаётгани ва «Қуръоннинг илмий мўъжизакорлиги» деб аташаётгани каби ўзгариб, алмашиб турувчи бундай нарсалар билан тафсир қилинмайди.

«У Аллоҳ роббул оламиннинг каломи эканига гувоҳлик берамиз». Қуръон Аллоҳнинг каломи, Уни Аллоҳ таоло ҳақиқатан сўзлаган, Жибрил алайҳис-салом уни Аллоҳ таолодан эшитган ва Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга олиб келган, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни умматга етказганлар, уммат эса уни асрлар оша бир-бирига етказиб келмоқда. Биз уни ёзамиз, ўқиймиз, ёдлаймиз. Бироқ, у Аллоҳнинг каломи бўлиб қолаверади, на бизнинг сўзимизга, на Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сўзларига, на Жибрил алайҳис-саломнинг сўзларига айланиб қолмайди.

۱۲۱. نَزَلَ بِهِ الرُّوحُ الْأَمِينُ، فَعَلَّمَهُ سَيِّدَ الْمُرْسَلِينَ مُحَمَّدًا
صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَعَلَى آلِهِ وَسَلَّمَ.

121. Уни (Аллоҳ ҳузуридан) Руҳул Амийн олиб тушиб, элчилар саййиди Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга ўргатган.

Руҳул Амийн — Жибрил алайҳис-саломдир. Бундай (омонатли фаришта) деб номланишига сабаб — у Аллоҳ тарафидан топширилган ваҳий омонатига ўта омонатдор, уни ўзгартириб, бошқача қилиб олиб келмаган, у зот яҳудлар даъво қилгани ва «Жибрил бизнинг душманимиз» дегани каби хиёнатчи эмас ёки шиаларнинг ҳаддан ошган тоифалари «Рисолат Алий розияллоҳу анҳуга эди, Жибрил хиёнат қилиб, уни Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга келтирган» деганларидек эмас. Бундай дейиш Аллоҳни ёлғончи қилиш бўлади, чунки Аллоҳ таоло Жибрилни «Амийн» деб атаган.


Аллоҳ таоло яҳудлар ҳақида қуйидаги оятларни нозил қилган:

﴿قُلْ مَنْ كَانَ عَدُوًّا لِجِبْرِيلَ فَإِنَّهُ نَزَّلَهُ، عَلَى قَلْبِكَ بِإِذْنِ اللَّهِ مُصَدِّقًا لِمَا بَيْنَ يَدَيْهِ وَهُدًى وَبُشْرَىٰ لِلْمُؤْمِنِينَ ﴿١٧﴾ مَنْ كَانَ عَدُوًّا لِلَّهِ وَمَلَائِكَتِهِ وَرُسُلِهِ وَجِبْرِيلَ وَمِيكَالَ فَإِنَّ اللَّهَ عَدُوٌّ لِلْكَافِرِينَ ﴿١٨﴾﴾

«Айтинг (Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам),: «Ким Жаброилга душман бўлса, (У Аллоҳга душмандир). Зеро у (Жаброил) Аллоҳнинг изни билан қалбингизга ўзидан аввалги китобларни тасдиқ этадиган ва мўминларга ҳидоят ва хушхабар бўлган

Қуръонни нозил қилди. Ким Аллоҳга ва унинг фаришталарига, пайғамбарларига, Жаброил ва Мекоилга душман бўлса, бас, албатта Аллоҳ (бундай) кофирларга душмандир» (Бақара: 97, 98).

Ким Жибрилга ёки бошқа бирон фариштага душман бўлса, Аллоҳ унинг душмандир. Худди шунга ўхшаш, ким пайғамбарлардан биронтасига душман бўлса, у одам кофир, ким Аллоҳнинг дўстларидан биронтасига душман бўлса, ҳадисда айтилгани каби у Аллоҳга қарши муҳорабага чиқибди⁽¹⁾. Қуръонни Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга Жибрил алайҳис-салом таълим берган. Аллоҳ таоло айтади:



«Унга (бу ваҳийни) бир кучга тўлган, соҳиби қудрат (яъни Жаброил алайҳис-салом) таълим бермишдир» (Ван-нажм: 5). Жаброил алайҳис-салом Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга Аллоҳ таолонинг амри билан таълим берган.

۱۲۲. وَهُوَ كَلَامُ اللَّهِ تَعَالَى لَا يُسَاوِيهِ شَيْءٌ مِنْ كَلَامِ
الْمَخْلُوقِينَ.

(1) Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Аллоҳ таоло айтади: Кимда-ким Менинг дўстимга душманлик қилса, Мен унга (қарши) уруш эълон қиламан. Бандам Мен унинг зиммасига фарз этган амаллардан кўра суюклироқ нарса билан Менга нисбатан қурбат-яқинлик ҳосил қилмаган. Бандам Менга нафл ибодатлар билан яқинлашаверади ҳатто уни яхши кўриб қоламан. Агар уни яхши кўрсам, Мен унинг эшитадиган қулоғи, кўрадиган кўзи, тутадиган қўли ва юрадиган оёғи бўламан. Агар Мендан сўраса, (сўраган нарсасини) унга бераман. Агар Мендан паноҳ тиласа, уни паноҳимга оламан» (Бухорий (6502) ривояти).

122. Қуръон Аллоҳнинг каломидир. Махлуқлар каломидан бирон нарса унга баробар бўлмайди.

У Аллоҳнинг каломи, Аллоҳ субҳанаху ва таоло уни ҳақиқатан гапирган, Жибрил алайҳис-салом уни Аллоҳ таолодан ҳақиқатан эшитган ва Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга бирон қўшимча ва камчиликсиз етказиб келган.

﴿لَا يَأْتِيهِ الْبَطْلُ مِنْ بَيْنِ يَدَيْهِ وَلَا مِنْ خَلْفِهِ﴾

«Унга олдидан ҳам, ортидан ҳам (ҳеч қандай) ботилноҳақлик келмас (яъни Қуръони Каримнинг ҳеч қайси томонидан бирон китоб ё ҳужжат келиб уни ботил қила олмас)» (Фуссилат: 42).

﴿وَإِنْ كَادُوا لَيَفْتِنُونَكَ عَنِ الَّذِي أَوْحَيْنَا إِلَيْكَ لِئَتَرَىٰ عَلَيْنَا غَيْرَهُ ۖ وَإِذَا لَا تَأْخُذُوكَ خِيَلًا ﴿٧٣﴾ وَلَوْلَا أَنْ ثَبَّتْنَاكَ لَقَدْ كِدْتَ تَرْكَنُ إِلَيْهِمْ شَيْئًا قَلِيلًا ﴿٧٤﴾ إِذَا لَأَذَقْنَاكَ ضِعْفَ الْحَيَاةِ وَضِعْفَ الْمَمَاتِ ثُمَّ لَا تَجِدُكَ عَلَيْنَا نَصِيرًا ﴿٧٥﴾﴾

«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам, мушриклар) сизни Бизнинг шаънимизга, (вахийдан) ўзга нарсаларни тўқиб чиқаришингиз учун — Биз сизга ваҳий қилган оятлардан алдаб-буриб юборишларига оз қолди. У ҳолда, (яъни, уларнинг йўриқларига юрсангиз), сизни дўст қилиб олган бўлур эдилар. Агар Биз сизни (ҳақ йўлда) қилмаганимизда, сиз уларга бир қадар мойил бўлишингизга оз қолди. У ҳолда (яъни, уларга мойил бўлиб қолсангиз эди) албатта Биз сизга дунё (азобини) ҳам, охират (азобини) ҳам икки ҳисса қилиб тотдирган бўлур эдик, сўнгра ўзингиз учун Бизга қарши бирон мададкор топа олмаган бўлур эдингиз» (Исро: 73-75).

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Қуръонни бирон зиёда ва нуқсонсиз ҳолда етказиб берганлар:

﴿وَلَوْ نَقَوْلَ عَلَيْنَا بَعْضَ الْأَقَاوِيلِ ﴿٤٤﴾ لَأَخَذْنَا مِنْهُ بِالْيَمِينِ ﴿٤٥﴾ ثُمَّ لَقَطَعْنَا مِنْهُ الْوَتِينَ ﴿٤٦﴾﴾

«Агар (пайғамбар) Бизнинг шаънимизга (Биз айтмаган) айрим сўзларни тўқиб олганида. Албатта Биз унинг ўнг қўлидан ушлаган, сўнгра албатта унинг шоҳтомирини узиб ташлаган бўлур эдик» (Ал-ҳааққа: 44-46).

У Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг каломи, Аллоҳ ҳузуридан қандай нозил бўлган бўлса ўшандай ҳолда турибди, Аллоҳ таоло уни зиёда ва нуқсонлардан Ўзи асраган:

﴿إِنَّا نَحْنُ نَزَّلْنَا الذِّكْرَ وَإِنَّا لَهُ لَحَافِظُونَ ﴿٩﴾﴾

«Албатта бу эслатмани (яъни Қуръонни) Биз Ўзимиз нозил қилдик ва шубҳасиз, Ўзимиз уни сақловчимиз» (Ҳижр: 9).

۱۲۳. وَلَا نَقُولُ بِخَلْقِهِ، وَلَا نُخَالِفُ جَمَاعَةَ الْمُسْلِمِينَ.

123. Қуръонни махлуқ демаймиз ва мусулмонлар жамоаси (эътиқоди)га муҳолиф бўлмаймиз.

Биз жаҳмияларга ўхшаб Қуръонни махлуқ демаймиз, бундай дейиш куфр ва Аллоҳнинг каломини (яъни калом сифатини) инкор қилиш, Аллоҳни нуқсон билан ва сўзламаслик билан сифатлаш бўлади. Сўзламайдиган зот нуқсонли бўлади ва илоҳ бўлолмайдди.

Шунинг учун Сомирийнинг қавми бузоқнинг шаклини: «Бу сизларнинг илоҳингиз ва Мусонинг илоҳи» дейишганда Аллоҳ жалла ва ало:

﴿ أَفَلَا يَرَوْنَ أَلَّا يَرْجِعُ إِلَيْهِمْ قَوْلًا وَلَا يَمْلِكُ لَهُمْ صَرًّا وَلَا نَفْعًا ﴾ ﴿٨٩﴾

«Ахир унинг ўзларига бирон сўз қайтара олмайганини ва бирон зиён ҳам, фойда ҳам етказишга қодир эмаслигини кўрмайдиларми?!» (Тоҳа: 89), деди. Уларга бирон сўз қайтара олмаслиги унинг гапирмаслигига, бу эса уларнинг унга сиғинишлари ботил эканига далил бўлади.

Бошқа бир оятда айтади:

﴿ أَلَمْ يَرَوْا أَنَّهُ لَا يَكْفِيهِمْ وَلَا يَهْدِيهِمْ سَبِيلًا ﴾

«У (яъни, бузоқнинг шакли) ўзларига сўзламаслигини ва ҳидоят ҳам қила олмаслигини билмадиларми?!» (Аъроф: 148). Сўзлаш комилликка далолат қилувчи сифатлардан, сўзлай олмаслик эса нуқсонли сифатлардан. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло нуқсонли сифатлардан пок, комиллик сифатлари билан сифатланган зотдир.

«Мусулмонлар жамоаси эътиқодига муҳолиф бўлмаймиз». Мусулмонлар жамоаси Қуръоннинг ҳақиқатан нозил қилинган эканига, махлуқ эмаслигига, Ундан бошланиб, Унга қайтишига иймон келтирадилар. Мусулмонларнинг Қуръон ҳақидаги ақидалари шудир.

Шунингдек, мусулмонлар жамоасига улар иттифоқ қилган дин ишларида хилоф қилмаймиз. Аллоҳ таоло айтади:

﴿ وَمَنْ يُشَاقِقِ الرَّسُولَ مِنْ بَعْدِ مَا تَبَيَّنَ لَهُ الْهُدَىٰ وَيَتَّبِعْ غَيْرَ سَبِيلِ الْمُؤْمِنِينَ نُوَلِّهِ مَا تَوَلَّىٰ وَنُصَلِّهِ ۖ جَهَنَّمَ وَسَاءَتْ مَصِيرًا ﴾ ﴿١١٥﴾

«Ким ҳақ йўлни аниқ билганидан кейин пайғамбарга хилоф иш қилса ва мўминларнинг йўлларида бошқа йўлга эргшиб кетса, биз уни кетганича қўйиб берамиз. Сўнгра жаҳаннамга дохил қиламиз. Нақадар ёмон жойдир у!» (Нисо: 115).

(«Ундан бошланиб, Унга қайтишига иймон келтирадилар» бунинг маъноси) Куръоннинг бошланиши Аллоҳдан, залолат аҳли айтганидек уни Жибрил лавҳул маҳфуздан олмаган, балки бевосита Аллоҳдан эшитган.

Охир замонда Куръон Аллоҳ ҳузурига кўтарилиб кетади, у мусхафлардан ҳам, одамларнинг қалбларидан ҳам суғуриб олинади ва ер юзида қолмайди. Бу эса қиёматнинг аломатларидандир.

۱۲۴. وَلَا تُكْفِرُوا أَحَدًا مِنْ أَهْلِ الْقِبْلَةِ بِذَنْبٍ، مَا لَمْ يَسْتَحِلَّهُ.

124. Аҳли қибладан ҳеч бир кишини қилган гуноҳи туфайли — башарти шу гуноҳни қилиши ҳалол деб эътиқод қилмаса — кофир демаймиз.

Юқорида ҳам айтиб ўтганимиздек, қилган гуноҳи диндан чиқарувчи куфр ёки ширк бўлмаса, бу билан мусулмон кишини кофирликка ҳукм қилмаймиз. Балки уни иймони ноқис ва ваъидга (азоб билан огоҳлантирилишга) кўндаланг бўлувчи, Аллоҳнинг хоҳишига ҳавола қилинган мўмин, деб эътиқод қиламиз. Фақат шарти шуки, у ўша гуноҳини ҳалол санаб олмаган бўлсин. Аммо, агар Аллоҳ ҳаром қилган нарсани ҳалол санаса, кофир бўлади. Масалан, судхўрликни ё ароқхўрликни ё ўлимтикни ё тўнғиз гўштини ё зинони ҳалол санаса, бундай одамни кофир дейилади. Шунингдек, бунинг аксини қилган, яъни Аллоҳ ҳалол қилган нарсани ҳаром деган одам ҳам кофир бўлади.

﴿ اتَّخَذُوا أَحْبَابَهُمْ وَرُءُوسَهُمْ أَرْبَابًا مِّن دُونِ اللَّهِ
وَالْمَسِيحَ ابْنَ مَرْيَمَ ﴾

«Улар Аллоҳни қўйиб ўзларининг аҳборларини ва роҳибларини ҳамда Масиҳ ибни Марямни Парвардигор деб билдилар» (Тавба: 31). Оятнинг тафсирида улар аҳбор ва роҳиблари уларга Аллоҳ ҳаром қилган нарсаларни ҳалол ва ҳалол қилган нарсаларни ҳаром қилиб беришганда улар итоат қилишганлари, мана шу уларни парвардигор қилиб олиш экани айтилади⁽¹⁾.

Аммо бир гуноҳни ҳалол санамасдан, ҳаромлигини эътироф этган ҳолда қилса, гарчи гуноҳи кабира бўлса ҳам, куфр ва ширкка етмаган бўлса, у одамни кофир дейилмайди. Иймони ноқис мўмин дейилади ёки гуноҳи сабабли фосиқ, иймони сабабли мўмин дейилади.

«Қилган гуноҳи туфайли кофир демаймиз» деган сўз мутлақ маънода эмас. Намозни қасддан тарк қилувчи киши кофир бўлади,⁽²⁾ бунга Китобу Суннат далолат қилади.

۱۲۵. وَلَا نَقُولُ: لَا يَضُرُّ مَعَ الْإِيمَانِ ذَنْبٌ لِمَنْ عَمِلَهُ.

125. Шунингдек, агар кишида иймон бўлса, қилган гуноҳининг унга зарари бўлмайди, деб ҳам айтмаймиз.

(1) Адий ибн Ҳотим розияллоху анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоху алайҳи ва саллам ҳузурларига бордим, бўйнимда тилладан ясалган салиб (ҳоч) бор эди. *«Эй Адий, бу бутни ташланг!»*, дедилар. У зотнинг «Бароа» сурасидаги **«Улар Аллоҳни қўйиб ўзларининг аҳборларини ва роҳибларини ҳамда Масиҳ ибни Марямни Парвардигор деб билдилар»** (Тавба: 31) оятини ўқиётганларини эшитдим. У зот дедилар: *«Аслида, улар уларга (роҳибларига) сиғинишмас эди, лекин уларга бир нарсани ҳалол қилиб беришса ҳалол санашар, ҳаром қилиб беришса ҳаром санашар эди»* (Термизий (3095) ривояти).

(2) Бурайда ибн Ҳасиб розияллоху анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: *«Биз билан улар (яъни, кофирлар) ўртасидаги аҳд (фарқ) намоздир, қим намозни тарк қилса, кофир бўлади»* (Аҳмад (5/346, 355), Термизий (2621), Насоий (1/231), Ибн Можа (1079) ривоятлари).

Чунки, бу сўз муржиалар сўзидир. Улар эътиқодича, киши қалби билан тасдиқлаган бўлса, у иймони комил мўмин бўлади, амаллари қандай бўлиши эътиборли эмас. Намоз ўқимайдиган, рўза тутмайдиган, ҳаж қилмайдиган, закот бермайдиган, тоат-ибодатлардан биронтасини қилмайдиган одамни ҳам қалбидаги тасдиғи туфайлиги-на мўмин санадилар. Бу катта залолатдир.

Аслида, гуноҳлар ҳар қандай ҳолда ҳам иймонга зарар етказади, айрим гуноҳлар иймонни бутунлай кетказиб қўяди, айримлари кетказмаса ҳам, уни нуқсонли қилади ва соҳибини ваъидга лойиқ қилади.

۱۲۶. وَنَزَجُو لِلْمُحْسِنِينَ مِنَ الْمُؤْمِنِينَ أَنْ يَغْفَوْ عَنْهُمْ
وَيُدْخِلَهُمُ الْجَنَّةَ بِرَحْمَتِهِ، وَلَا نَأْمَنُ عَلَيْهِمْ، وَلَا نَشْهَدُ لَهُمْ
بِالْجَنَّةِ.

126. Аллоҳ Таоло солиҳу тақводор мўминларнинг (хатокамчиликларини) афв этишини ва Ўз раҳмати билан уларни жаннатга киритишини умид қиламиз. Шу билан бирга улар борасида тўла хотиржам ҳам бўлмаймиз ва уларни жаннатий бўлди, деб аниқ айтмаймиз.

Бу муайян бир шахсни жаннат аҳлидан ёки дўзах аҳлидан деб гувоҳлик бериш ҳақидаги баҳсдир. Биз аниқ далилсиз бирон кишини жаннатий ёки дўзахий деб гувоҳлик бермаймиз. Фақат Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жаннат аҳлидан ёки дўзах аҳлидан деб гувоҳлик берган кишилар бундан мустасно, биз ҳам уларга гувоҳлик берамиз. Бу муайян шахслар ҳақидаги гап. Аммо, умумий суратда кофирларни дўзахда, мўминларни жаннатда бўлади, деб эътиқод қиламиз. Хусусий суратда эса бирон кишига далилсиз ҳукм

қилмаймиз, лекин яхши одамга жаннат бўлишини умид қиламиз, ёмон одамга дўзах хавфи бор деймиз. Мусулмонларнинг эътиқоди шудир.

۱۲۷. **وَنَسْتَغْفِرُ لِمَسِيئِهِمْ، وَنَخَافُ عَلَيْهِمْ، وَلَا نَقْنَطُهُمْ.**

127. Ёмон амаллар қилган мўминлар ҳаққига Аллоҳдан мағфират сўраб дуо қиламиз. Улар(нинг оқибати) борасида қўрқиб турамиз ва (айни пайтда) уларни умидсизлантирмаймиз.

Аллоҳдан ёмон амал қилувчи кишининг гуноҳини кечиришини сўраймиз. Чунки у бизнинг биродаримиз, гуноҳ қилаётган бўлса-да унинг ҳаққига мағфират ва тавфиқ сўраб дуо қиламиз. Бу зиммамиздаги иймоний биродарлик ҳаққидир:

﴿وَأَسْتَغْفِرُ لَذُنُوبِكُمْ وَالْمُؤْمِنِينَ وَالْمُؤْمِنَاتِ﴾

«Ўз гуноҳингиз учун ҳамда мўмин-мўминалар(нинг гуноҳлари) учун мағфират сўранг!» (Муҳаммад: 19).

Гуноҳкорни хавориж ва муътазилаларга ўхшаб Аллоҳнинг раҳматидан умидсизлантирмаймиз, балки уни ваъидга (азоб билан огоҳлантирилишга) кўндаланг бўлувчи, Аллоҳнинг хоҳишига ҳавола қилинган, агар тавба қилса Аллоҳ тавбасини қабул қилади, деймиз:

﴿وَلَا تَأْتِسُوا مِنَ رَوْحِ اللَّهِ إِنَّهُ لَا يَأْتِسُ مِنْ رَوْحِ اللَّهِ إِلَّا الْقَوْمُ الْكَافِرُونَ﴾



«Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлманглар. Зеро, Аллоҳнинг раҳматидан фақат кофир қавмгина ноумид бўлур» (Юсуф: 87).

﴿ وَمَنْ يَفْطُ مِنْ رَحْمَةِ رَبِّهِ إِلَّا الضَّالُّونَ ﴾ ﴿٥٦﴾

«Парвардигорининг фазлу раҳматидан фақат гумроҳ кимсаларгина ноумид бўлурлар» (Ҳижр: 56).

﴿ قُلْ يَعْبادِيَ الَّذِينَ أَسْرَفُوا عَلَىٰ أَنْفُسِهِمْ لَا تَقْنَطُوا مِنْ رَحْمَةِ اللَّهِ ﴾

«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), Менинг (турли гуноҳ-маъсиятлар қилиш билан) ўз жонларига жиноят қилган бандаларимга айтинг: «Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлмангиз!» (Зумар: 53).

Хаворижлар ва уларнинг маслакларини тутган кимсалар одамларни Аллоҳнинг раҳматидан умидсизлантирадилар ва гуноҳлари сабабли — гарчи ширқдан паст гуноҳлар бўлса-да — уларни диндан чиқариб юбордилар.

١٢٨. وَالْأَمْنُ وَالْإِيَّاسُ يَنْقُلَانِ عَنِ مِلَّةِ الْإِسْلَامِ.

128. *Зеро, (Аллоҳнинг макри ва азобидан) хотиржам бўлиш ҳам, (Унинг раҳматидан) умидни узиш ҳам кишини диндан чиқаради.*

Аллоҳнинг азобидан қўрқув ва раҳматидан умидворлик — бу иккиси исломий ақиданинг улкан асосларидан. Қўрқув ва умидворлик бир-бирига чамбарчас боғланган бўлиши лозим. Бирини қўйиб, иккинчиси билангина кифояланиш кифоя қилмайди. Аллоҳ таоло пайғамбарлари васфида айтади:

﴿ إِنَّهُمْ كَانُوا يُسْـَٔرِعُونَ فِي الْخَيْرَاتِ وَيَدْعُونَنَا رَغَبًا وَرَهَبًا ﴾

«Дарҳақиқат улар (яъни мазкур пайғамбарлар) яхши ишларни қилишга шовар ва Бизга рағбат ва раҳбат

(қўрқув) билан дуо-илтижо қилар эдилар» (Анбиё: 90). Рағбатдан мурод — умидворлик, раҳбатдан мурод — қўрқувдир.

Аллоҳ таоло айтади:

﴿أُولَئِكَ الَّذِينَ يَدْعُونَ يَبْتَغُونَ إِلَىٰ رَبِّهِمُ الْوَسِيلَةَ أَيُّهُمْ أَقْرَبُ وَيَرْجُونَ رَحْمَتَهُ وَيَخَافُونَ عَذَابَهُ﴾

«Улар (илоҳ деб) илтижо қиладиган ўша кимсаларнинг ўзлари ҳам Парвардигорга қай бирлари яқинроқ бўлиш учун йўл изларлар. У зотнинг раҳматидан умидвор бўлурлар, азобидан қўрқурлар. Парвардигорингизнинг азоби қўрқинчлидир» (Исро: 57). Яъни, улар умидворлик ва қўрқувни ўзларида жамлайдилар.

Аллоҳ таоло айтади:

﴿أَمَّنْ هُوَ قَنْتٌ ءَأَنَاءَ الْآيْلِ سَاجِدًا وَقَائِمًا يَحْذَرُ الْآخِرَةَ وَيَرْجُوا رَحْمَةَ رَبِّهِ﴾

«Ёки кечалари сажда қилган ва қиёмда-тик турган холда тоат-ибодат қилувчи, охиратдан қўрқадиган ва Парвардигорининг раҳматидан умид қиладиган киши (билан куфру исёнга ғарқ бўлган кимса баробар бўлурми)?!» (Зумар: 9).

Умидворлик ва қўрқув билан бирга муҳаббат ҳам бўлиши шарт. Яъни, Аллоҳга муҳаббат, Ундан қўрқув ва Унинг раҳматидан умидворлик бирга бўлиши лозим.

Ким муҳаббатгагина чекланса, у сўфий бўлади. Сўфийлар Аллоҳ аzza ва жаллага муҳаббат билан ибодат қилишади, бироқ Ундан қўрқув ва умидворлик ҳисси уларда бўлмайди. Улардан бири айтганки: «Мен Аллоҳга на Унинг жаннатини умид қилиб ва на дўзахидан қўрқиб

ибодат қиламан, мен Унга фақат муҳаббатим туфайли ибодат қиламан». Бу очиқ залолат, Аллоҳ сақласин!

Ким Аллоҳга фақат қўрқув билан ибодат қилса, у хаворижлардан бўлади. Хаворижлар қўрқитув ва ваъид томонини олишади ва шунинг учун гуноҳлар сабаб кишини кофирга чиқаришади.

Ким Аллоҳга фақат умидворлик билан ибодат қилса, у муржиалардан бўлади. Муржиалар фақат умид томонини олишади ва хавф томонини тарк қилишади.

Тавҳид аҳли эса Аллоҳ таолога ҳар уччала хислатни жамлаган ҳолда, муҳаббат, қўрқув ва умидворлик билан ибодат қиладилар. Улардаги қўрқув умидсизликка олиб келиб қўймайди, Аллоҳнинг раҳматидан умидсизлик куфрга айланиб кетади:

﴿إِنَّهُ لَا يَأْتِسُّ مِنْ رَوْحِ اللَّهِ إِلَّا الْقَوْمُ الْكَافِرُونَ﴾ (87)

«Зеро, Аллоҳнинг раҳматидан фақат кофир қавмгина ноумид бўлур» (Юсуф: 87).

﴿وَمَنْ يَفْطُ مِنْ رَحْمَةِ رَبِّهِ إِلَّا الضَّالُّونَ﴾ (56)

«Парвардигорининг фазлу раҳматидан фақат гумроҳ кимсаларгина ноумид бўлурлар» (Ҳижр: 56).

Шунингдек, умидворлик билан бирга Аллоҳнинг макридан хотиржамлик ва қўрқмаслик бўлса, бу адашган муржиаларнинг мазҳабидир.

﴿أَفَأَمِنُوا مَكْرَ اللَّهِ فَلَا يَأْمَنُ مَكْرَ اللَّهِ إِلَّا الْقَوْمُ الْخَاسِرُونَ﴾ (19)

«Улар Аллоҳнинг «макри»дан хотиржам бўлиб қолдиларми? Бас, Аллоҳнинг «макри»дан фақат зиён кўрувчи қавмгина хотиржам бўлур» (Аъроф: 99). Хавсиз умидворликнинг ўзи куфр, умидворликсиз фақат хавфнинг ўзи ҳам куфрдир. Шунинг учун мусан-

ниф: «хотиржам бўлиш ҳам, умидни узиш ҳам кишини диндан чиқаради», дейдилар.

Шунинг учун салафлардан баъзилари айтганки: Банда кўрқув ва умидворлик ўртасида бўлиши лозим. Бу иккиси қушнинг икки қанотига ўхшайдики, бир қаноти ишламай қолса қуш учолмай қулаб тушади. Худди шунга ўхшаш, банданинг кўрқув ва умидворлиги қушнинг икки қанотидек доим бирга бўлиши керак.

۱۲۹. وَسَبِيلَ الْحَقِّ بَيْنَهُمَا لِأَهْلِ الْقِبْلَةِ.

129. Қибла аҳли учун ҳақ йўл шу икки нарса ўртасидадир.

Ҳақ йўл шу иккиси ўртасида — яъни кўрқув ва умидворлик ўртасидадир. Қибла аҳлидан мурод — мусулмонлардир. Каъбага қараб намоз ўқиганлари учун қибла аҳли деб номландилар. Намозида Каъбага юзланмайдиган одам мусулмон ҳисобланмайди. Чунки, Каъбага юзланишни Аллоҳ буюрган. Аллоҳнинг амрига бўйсунуш фарз. Мўмин киши Аллоҳнинг амру фармонлари доирасидан чиқмайди.

﴿وَمَا جَعَلْنَا الْقِبْلَةَ الَّتِي كُنْتَ عَلَيْهَا إِلَّا لِنَعْلَمَ مَنْ يَتَّبِعُ الرَّسُولَ مِمَّنْ يَنْقَلِبُ عَلَىٰ عَقْبَيْهِ﴾

«Сиз илгари қараган қиблани Биз фақатгина ким пайғамбарга эргашиб, ким орқасига қайтиб кетишини билиш учун қилганмиз, холос» (Бақара: 143).

۱۳۰. وَلَا يَخْرُجُ الْعَبْدُ مِنَ الْإِيمَانِ إِلَّا بِجُحُودٍ مَا أَدْخَلَهُ فِيهِ.

130. Банда ўзини иймонга олиб кирган нарсани инкор қилиш билангина диндан чиқади.

Бу гапга унча қўшилмаймиз. Чунки, диндан чиқаришни фақат инкорнинг ўзига чеклаш муржиаларнинг фикридир. Исломни бузувчи нарсалар кўп. Инкор қилиш ҳам диндан чиқаради, Аллоҳга ширк келтириш ҳам диндан чиқаради, динни ёки диндаги бирон нарсани масхара қилиш ҳам диндан чиқаради, ҳаромни ҳалол санаш ёки ҳалолни ҳаром санаш ҳам диндан чиқаради. Бундан ташқари ҳам кишини диндан чиқарадиган талайгина нарсалар борки, уламолар уларни муртадлик ҳақидаги бобларда зикр қилганлар.

Шайхулислом Муҳаммад ибн Сулаймон уларнинг энг муҳимларидан ўнтасини зикр қилган, аслида улар ундан ҳам кўпроқ. Исломни бузувчи нарсаларни фақат инкорга чеклаш хато. Олимлик даъвосидаги айрим ёзувчилар одамларни динда бўшаштириш мақсадида ҳозирда айни шу фикрни ёйишга уринишмоқда. Инкор қилмадими, бас, улар наздида у одам мусулмон. Бутга сажда қилиб туриб: «Мен инкор қилувчи эмасман, тавҳидни тан оламан» деса, унинг ишини оддий бир гуноҳга ҳисоб қилишади. Аллоҳдан бошқага атаб жонлиқ сўйса ёки Аллоҳни сўкса ёки пайғамбарни сўкса ёки динни сўкса: «Бу одам мусулмон, чунки (мусулмонликни) инкор қилгани йўқ», дейишади. Бу жуда қўпол хато. Бу нарса динни тамоман вайрон қилади. Бундай хатарли сўзлардан ҳазир бўлиш лозим.

۱۳۱. وَالْإِيمَانُ: هُوَ الْإِقْرَارُ بِاللِّسَانِ، وَالتَّضَدِّيقُ بِالْجَنَانِ.

131. Иймон тил билан иқрор бўлиб, қалб билан тасдиқлашдир.

Бу муржиаларнинг таърифи, улар иймонни тил билан иқрор бўлиб, қалб билан тасдиқлашга чеклайдилар.

Тўғри сўз шуки, иймон — тил билан айтиш, дил билан эътиқод қилиш ва аъзолар билан амал қилишдир. Амаллар иймон ҳақиқати ичига дохилдир, иймондан айри нарса эмас. Ким тил билан айтиш ва қалб билан тасдиқлашга чекланиб, амалга беъэтибор қараса, у саҳиҳ иймон аҳлидан бўлмайди.

Демак, иймон — уламолар айтганларидек, тил билан айтиш, дил билан тасдиқлаш ва аъзолар билан амал қилишдир, у тоат билан зиёда бўлади, маъсият билан камаяди.

Аллоҳ таоло айтади:

﴿ إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ الَّذِينَ إِذَا ذُكِرَ اللَّهُ وَجِلَّتْ قُلُوبُهُمْ وَإِذَا تُلِيَتْ عَلَيْهِمْ آيَاتُهُ زَادَتْهُمْ إِيمَانًا وَعَلَىٰ رَبِّهِمْ يَتَوَكَّلُونَ ﴾

«Фақат Аллоҳ (номи) зикр қилинганида қалбларига Қўрқинч тушадиган, Унинг оятлари тиловат қилинганида иймонлари зиёда бўладиган ва Парвардигорларигагина суянадиган кишилар (ҳақиқий) мўминдилар» (Анфол: 2).

﴿ فَأَمَّا الَّذِينَ ءَامَنُوا فزَادَتْهُمْ إِيمَانًا ﴾

«Бас, у (сура) иймон келтирган зотларнинг иймонларини албатта зиёда қилур» (Тавба: 124).

﴿ وَبَزَادَ الَّذِينَ ءَامَنُوا إِيمَانًا ﴾

«Токи.. иймон келтирган зотларнинг иймонлари эса янада зиёда бўлгай» (Муддассир: 31).

Ушбу оятлар иймоннинг зиёдаланиши ва камайишига далил бўлади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Сизлардан ким бир мункарни кўрса, уни қўли билан ўзгартирсин. Агар қодир бўлмаса тили билан (ўзгартирсин), унга ҳам қодир бўлмаса қалби билан (ёмон кўрсин), мана шу иймоннинг энг заифидир»⁽¹⁾. Бу ҳам иймоннинг камайишига далилдир.

Бир ривоятда: «Бундан кейин хардал уруғичалик ҳам иймон йўқ!».⁽²⁾ Бу иймон камайиб бориб, ҳатто хардал (хантал, горчица) уруғи вазнича бўлиб қолишига далилдир.

Саҳиҳ ҳадисда келадики: «Жаннат аҳли жаннатга, дўзах аҳли дўзахга киради, сўнгра Аллоҳ таоло: «Кимнинг қалбида хантал уруғи мисқолича иймон бўлса, уни (дўзахдан) чиқаринглар!» деб амр этади»⁽³⁾.

Демак, иймон — тил билан айтиш, дил билан эътиқод қилиш ва аъзолар билан амал қилишдир, у тоат билан зиёда бўлади, маъсият билан камаяди. Бу унинг Китобу Суннатдан олинган саҳиҳ таърифидир.

У ҳанафийлар айтганидек, фақат тил билан айтиш ва қалб билан тасдиқлаш эмас.

Карромиялар айтганидек, фақат тил билан айтиб қўйиш ҳам эмас.

Ашъарийлар айтганидек, қалб билан тасдиқлаб қўйишигина ҳам эмас.

Жаҳмиялар айтганидек, кўнгилда билиб қўйишигина ҳам эмас.

Муржиалар тўрт тоифа бўлиб, улар ичида ҳақдан энг узоғи жаҳмиялардир. Улар сўзича Фиръавн ҳам мўмин бўлади, чунки у қалби билан таниган, иблис ҳам мўмин бўлади, чунки у ҳам қалби билан Раббини таниган.

Ашъарийларнинг иймон қалб билан тасдиқлаш, деган сўзларига кўра, Абу Лаҳаб, Абу Толиб, Абу Жаҳл ва

(1) Муслим (49) ривояти

(2) Муслим (50) ривояти.

(3) Бухорий (7510) ва Муслим (192) ривоятлари.

бошқа мушриклар ҳаммаси мўмин бўлади. Чунки, улар кўнгилларида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳақлигига ишонишар ва тасдиқлашар эди. Лекин кибрлари ва ҳасадлари ҳақни тан олишларига ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашишларига йўл қўймаган эди.

Яҳудлар дилларида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни Аллоҳнинг элчиси эканларини эътироф этишарди, лекин ҳасад ва кибр уларни ҳаққа эргашишдан ман қилди:

﴿الَّذِينَ آتَيْنَاهُمُ الْكِتَابَ يَعْرِفُونَهُ، كَمَا يَعْرِفُونَ آبَاءَهُمْ وَإِنَّ فَرِيقًا مِّنْهُمْ لَيَكْفُرُونَ بِالْحَقِّ وَهُمْ يَعْلَمُونَ﴾ (16)

«Биз китоб ато этган кимсалар (яхудий ва насронийлар) уни (Муҳаммад пайғамбарни) ўз фарзандларини таниган каби танийдилар. (Яъни ўзларининг илоҳий китобларида у ҳақда ўқиганлар). Ва албатта улардан бир гуруҳи билганлари ҳолда ҳақиқатни беркитадилар» (Бақара: 146).

﴿قَدْ نَعْلَمُ إِنَّهُ لَيَحْزَنُكَ الَّذِي يَقُولُونَ فَإِنَّهُمْ لَا يُكَذِّبُونَكَ وَلَٰكِنَّ الظَّالِمِينَ بَيَّاتٍ اللَّهُ يَجْحَدُونَ﴾ (33)

«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), уларнинг гаплари шак-шубҳасиз сизни маҳзун қилишини билурмиз. Зотан, улар сизни ёлғончи қилмайдилар, балки бу золимлар Аллоҳнинг оятларини инкор қиладилар» (Анъом: 33). «Сизни ёлғончи қилмайдилар» дегани «сизни тасдиқлайдилар» деганидир.

Абу Толиб айтган эди (шеър мазмуни):

«Муҳаммаднинг дини барча динлардан яхшироқ экани менга маълум, агар маломат ва ҳақоратдан

қўрқмасайдим, аниқки, ўзимни унга қучоқ очган кўрардим».

۱۳۲. وَجَمِيعُ مَا صَحَّ عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ
مِنَ الشَّرْعِ وَالْبَيَانِ كُلُّهُ حَقٌّ.

132. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан шариат ва унинг баёни ҳақида нақл қилинган саҳиҳ ҳадисларнинг барчаси ҳақдир.

Шундай, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилинган саҳиҳ ҳадисларнинг барчаси ҳақ деймиз. Баъзилар Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилинган саҳиҳ ҳадисларни мутавотир ва оҳодга ажратиб, фақат мутавотирларини олишади ва: «Оҳод ҳадислар зонни ифода қилади, илмни ифода қилмайди», дейишади. Бу ботил, нотўғри гап. Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилинган саҳиҳ ҳадисларнинг мутавотири ҳам, оҳоди ҳам илмни ифода қилади ва ақида учун асос бўлишга ярайди. Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَمَا آتَاكُمْ الرَّسُولُ فَخُذُوهُ وَمَا نَهَاكُمْ عَنْهُ فَانْتَهُوا﴾

«Пайғамбар сизларга нимани олиб келса, уни олинглар, у зот сизларни қайтарган нарсадан қайтинглар» (Ҳашр: 7).

Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан нақл қилинган саҳиҳ ҳадисга ҳамма нарсада амал қилинаверади, шарти шуки, у зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам томонидан саҳиҳ йўл билан ривоят қилинган бўлсин. Баъзи тоифалар борки, суннат ҳақида шубҳа-гумонлар пайдо қилишади. Улардан баъзилари: «Суннатга мутлақо амал

қилмаслик керак, Қуръонга амал қилиш кифоя», дейишади⁽¹⁾. Айримлари борки: «Фақат мутавотир ҳадислар олинади», дейишади. Ҳар икки гап ботилдир.

Мусулмон киши Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилинган ҳар бир саҳиҳ ҳадисни ҳақ деб эътиқод қилиши вожиб. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам кўп ҳолларда хабари воҳид (оҳод, яъни бир кишининг хабари) билан амал қилганлар. Ой кўриш масаласида ҳам шундай бўлган. Ибн Умар розияллоҳу анҳу келиб, ҳилолни кўрганини айтганида одамларни рўза тутишга буюрганлар. Бир аъробий келиб, ҳилолни кўрганини айтганида унга: «Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадун расулulloҳ» деб гувоҳлик берасанми?», деганлар. У: «Ҳа», дегач, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам одамларни рўза тутишга буюрганлар⁽²⁾. Ҳолбуки, у бир кишининг хабари эди.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам битта-битта шахсларни элчи қилиб юборардилар, бир жамоа одамни юбормасдилар. Ҳамма Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг элчиси олиб келган хабарга амал қилаверар эди⁽³⁾.

(1) Микдом ибн Маъдий Кариб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Огоҳ бўлингларки, менга Қуръон ва яна ўшанча нарса берилди. Огоҳ бўлингларки, менга Қуръон ва яна ўшанча нарса берилди. Огоҳ бўлингларки, бир киши жойида қорнини қаппайтириб, ёнбошлаб олиб: «Қуръонни маҳкам ушланглар. Унда нимани ҳалол деб топсангиз ҳалол сананглар, нимани ҳаром деб топсангиз ҳаром сананглар...» дейди»* (Аҳмад (4/130), Абу Довуд (3804, 4604) ривоятлари.

(2) Термизий (691), Абу Довуд (2340), Ибн Можа (1652), Ибн Хузайма (1923), Ибн Ҳиббон (870), Ҳоким (1/424) ривоятлари.

(3) Муоз розияллоҳу анҳуни Яманга юборганларида уларга аввало ақидани етказишни агар қабул қилсалар, аҳкомларни етказишни буюрганлар, бу ҳадис машҳур. /И.Н./

133. Иймон (барча учун) бир нарсадир ва мўминлар иймоннинг аслида баробардирлар.

Бу фикр тўғри эмас. Чунки, иймон битта нарса эмас, иймон аҳли баробар ҳам эмас. Балки, иймон тафовутни қабул қилади, зиёдалашади ва камаяди. Фақат муржиалар ундай ҳисобламайди.

Қалб билан тасдиқлашда ҳамма одам баробар эмас. Абу Бакр Сиддиқнинг иймони қайсидир бир фосиқ мусулмоннинг иймони билан бир хил эмас. Чунки, фосиқ мусулмоннинг иймони жуда заиф бўлади, Абу Бакр Сиддиқнинг иймони эса бутун умматнинг иймонига тенг келади⁽¹⁾. Демак, одамлар иймоннинг аслида баробар эмаслар.

Шунингдек, амал жиҳатидан ҳам одамлар ҳаммаси бир хилда тенг эмас. Улар ичида Аллоҳ таоло айтгани каби кишилар бор:

(1) Абдуллоҳ ибн Умар розияллоху анҳумодан ривоят қилинади: «Биз Набий соллаллоху алайҳи ва саллам замонларида одамларнинг энг яхшиси деб Абу Бакрни, сўнг Умар ибн Хаттобни, сўнг Усмон ибн Аффонни кўрардик» (Бухорий (3655) ривояти. Бир лафзда: «Биз Набий соллаллоху алайҳи ва саллам замонларида Абу Бакрга ҳеч кимни тенг кўрмасдик, сўнг Умарга, сўнг Усмонга (бировни тенг кўрмасдик, улардан) сўнг бошқа саҳобаларни бир-биридан афзал санамасдик» (3698).

Муҳаммад ибн Ҳанафиядан ривоят қилинади: «Мен отамдан (ҳазрат Алий розияллоху анҳудан): «Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва салламдан кейин одамларнинг энг яхшиси ким?» деб сўрадим. «Абу Бакр», дедилар. «Ундан кейинчи?», деб сўрадим. «Умар», дедилар. Кейин Усмон дейишидан кўрқиб: «Кейин сизми?», деб сўрадим. «Мен мусулмонлардан оддий бир кишиман, холос», дедилар (Бухорий (3671) ривояти).

﴿ ثُمَّ أَوْرَثْنَا الْكِتَابَ الَّذِينَ اصْطَفَيْنَا مِنْ عِبَادِنَا فَمِنْهُمْ ظَالِمٌ لِنَفْسِهِ ۗ وَمِنْهُمْ مُّقْتَصِدٌ وَمِنْهُمْ سَابِقٌ بِالْخَيْرَاتِ يُأْتِنَ اللَّهُ ﴾

«Сўнгра Биз бу Китобга бандаларимиздан Ўзимиз танлаган зотларни (яъни сизнинг умматингизни) во-рис қилдик. Бас уларнинг орасида ўз жонига жабр қилувчи ҳам бор, уларнинг орасида ўртача амал қилувчи ҳам бор ва уларнинг орасида Аллоҳнинг изну иродаси билан мудом яхшиликларга шошилувчи ҳам бордир» (Фотир: 32).

Яъни, гуноҳи ширкка етиб бормаган осий ўз жонига жабр қилувчидир. Чунки, у ўзини хатарга йўлиқтирувчидир. Фарзларга амал қилиб, ҳаромлардан сақланувчилар ўртача амал қилувчилардир. Аллоҳнинг изну иродаси билан мудом яхшиликларга шошилувчилар фарзлардан ташқари мустаҳаб амалларни ҳам қилувчи, ҳаром ва макруҳлардан тийилувчи, эҳтиёт юзасидан баъзи мубоҳлардан ҳам сақланувчи кишилардир. Демак, умматнинг ҳаммаси баробар эмас, улар уч тоифага: ўз жонига жабр қилувчилар, ўртача амал қилувчилар, яхшиликларга шошилувчиларга бўлинади. Бу эса иймоннинг тафовутли бўлишига далил бўлади.

۱۳۴. *والتَّفَاضُلُ بَيْنَهُمْ بِالْخَشْيَةِ وَالتَّقَى، وَمُخَالَفَةِ الْهَوَى، وَمُلَازِمَةِ الْأُولَى.*

134. Улар бир-бирларидан фақат (Аллоҳдан) қўрқиш, тақво қилиш, ҳавоий нафсига эргашмаслик ҳамда авлороқ (яъни тақво эгаларига лойиқ бўлган) йўлни туттиш билан афзал бўлишлари мумкин.

Бунинг ўзи кифоя қилмайди. Чунки, бунинг маъноси — амалларни иймон жумласидан чиқариш, қалби

билан тасдиқлаб, тили билан айтган киши комил мўминдир, одамлар бу борада бир-биридан афзал бўлмайди, демакдир. Бу эса тўғри эмас. Чунки, одамлар ўртасидаги афзаллик мусанниф зикр қилган нарсалар билан ва солиҳ амаллар билан ҳосил бўлади.

۱۳۵. وَالْمُؤْمِنُونَ كُلُّهُمْ أَوْلِيَاءُ الرَّحْمَنِ وَأَكْرَمُهُمْ عِنْدَ اللَّهِ
أَطْوَعُهُمْ وَأَتْبَعُهُمْ لِلْقُرْآنِ.

135. Барча мўминлар Раҳмон Таолонинг дўстларидир. Аллоҳ ҳузурида мўминларнинг энг мукаррами кўпроқ тоат қилувчи ва Қуръонга кўпроқ эргашувчи мўминдир.

Мусанниф бу сўзларида ҳақ. Мўминларнинг ҳаммаси Аллоҳ таолонинг дўстлари, яъни яхши кўрган кишиларидир. Аллоҳ таоло мўминларни яхши кўради, тақводорларни яхши кўради, муҳсинларни яхши кўради, тавба қилувчиларни яхши кўради, ўзларини пок тутувчиларни яхши кўради, У кофирларни ёмон кўради, фосиқларни ёмон кўради. Демак, Аллоҳ таоло амалларга қараб яхши кўради ва ёмон кўради.

Ҳар бир мўмин Аллоҳнинг дўсти бўлиши мумкин, дўстликда бир-бирларидан фарқли ҳам бўладилар, баъзилари баъзиларидан афзал ҳам бўладилар. Аллоҳ таоло айтади:

﴿أَلَا إِنَّ أَوْلِيَاءَ اللَّهِ لَا خَوْفَ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ ﴿١٢﴾ الَّذِينَ
آمَنُوا وَكَانُوا يَتَّقُونَ ﴿١٣﴾﴾

«Огоҳ бўлингизким, албатта Аллоҳнинг дўстларига (охиратда) бирон хавф-хатар йўқдир ва улар ғамгин бўлмайдилар. Улар иймон келтирган ва (Аллоҳдан)

қўрқувчи бўлган зотлардир» (Юнус: 62, 63). Баъзиларнинг Аллоҳ билан дўстлиги комил суратда бўлади, баъзиларнинг Аллоҳ билан дўстлиги ноқис бўлади, айримлар эса Аллоҳдан узоқ ва Аллоҳнинг душмани ҳам бўлади.

Иймон ва тақво соҳиби бўлган ҳар бир киши Аллоҳнинг дўсти бўлади. Лекин, дўстлик амалларга қараб тафовутли бўлади. Кимнингдир дўстлиги комил бўлади. Кимнингдир дўстлиги бир тарафлама бўлади, яъни у фосиқ мўмин бўлади-да, тоати билан Аллоҳга дўст, маъсияти билан Аллоҳнинг душмани бўлади.

Кофир ва мушриклар эса Аллоҳга бутунлай душман бўлади.

Кимда-ким — қабрапарастлар айтаётгани каби — фақат кабрига сағана ёки гумбаз ўрнатилган кишиларгина Аллоҳнинг валийлари бўлади, улардан бошқалар валий бўлолмайди, деса, бекор айтибди.

۱۳۶. وَالْإِيمَانُ: هُوَ الْإِيمَانُ بِاللَّهِ، وَمَلَائِكَتِهِ، وَكُتُبِهِ وَرُسُلِهِ، وَالْيَوْمِ الْآخِرِ، وَالْقَدَرِ: خَيْرِهِ وَشَرِّهِ، وَحُلُوهِ وَمُرِّهِ، مِنَ اللَّهِ تَعَالَى.

136. Иймон Аллоҳга, Унинг фаришталарига, китобларига, элчиларига, Охират кунига ва тақдирнинг яхшию ёмони, ширину аччиғи Аллоҳ Таоло тарафидан эканлигига ишонмоқдир.

Иймоннинг таърифи, юқорида ўтганидек, тил билан айтиш, қалб билан тасдиқлаш ва аъзолар билан амал қилишдир, у тоат билан зиёда бўлади, маъсият билан камаяди. Аммо мусаннифнинг ушбу сўзлари иймоннинг рукнлари бўлиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Жибрил алайҳис-саломнинг саволига жавобан ана шундай деган эдилар. «Менга иймон ҳақида хабар беринг», деди. «Иймон — Аллоҳга, Унинг фаришталарига,

китобларига, Пайғамбарларига ва Охират кунига ишонишинг ҳамда тақдирнинг яхшиси-ю ёмонига (барчаси Аллоҳ тарафидан эканига) *иймон келтиришинг*»⁽¹⁾, дедилар.

Унинг кўп тармоқлари бор. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «*Иймон етмишдан ортиқ бўлакдир — ёки олтмишдан ортиқ бўлакдир — афзали «Ла илаҳа иллаллоҳ» дейиши, энг қуйи бўлаги йўлдан озорни четлатишдир*»⁽²⁾. Лекин мазкур олти рукн у барпо бўладиган асослардир.

Юқорида Аллоҳга иймон келтириш, малоикаларга иймон келтириш, пайғамбарларга иймон келтириш, китобларга иймон келтириш ҳақида сўз ўтди.

۱۳۷. وَنَحْنُ مُؤْمِنُونَ بِذَلِكَ كُلِّهِ.

137. Биз шуларнинг барчасига иймон келтирамыз.

Зотан, буларнинг барчасига иймон келтириш фарз. Ким бу арконлардан бирортасини инкор қилса, мўмин саналмайди. Чунки, у иймон рукнларидан бир рукнни камайтирган бўлади.

۱۳۸. لَا تَفْرُقْ بَيْنَ أَحَدٍ مِنْ رُسُلِهِ، وَنُصِدِّقُهُمْ كُلَّهُمْ عَلَى مَا جَاءُوا بِهِ.

138. Аллоҳнинг элчиларидан ҳеч бирларини ажратмай-миз ва (Аллоҳ ҳузуридан) олиб келган барча хабарларида уларга ишонамыз.

(1) Бухорий (50) ва Муслим (10) ривоятлари.

(2) Бухорий (9) ва Муслим (35) ривоятлари.

Юқорида ҳам ўтдики, пайғамбарларнинг аввалидан охиригача, Қуръонда номлари келганига-ю келмаганига, барчасига иймон келтириш фарздир. Биз Аллоҳ таоло томонидан бандаларига юборилган ҳамма пайғамбарларга иймон келтирамиз. Ким улардан баъзиларига иймон келтириб, бошқаларини инкор қилса, ҳаммасини инкор қилган бўлади. Биргина пайғамбарни инкор қилган киши ҳам ҳамма пайғамбарларни инкор қилган бўлади:

﴿ إِنَّ الَّذِينَ يَكْفُرُونَ بِاللَّهِ وَرُسُلِهِ وَيُرِيدُونَ أَنْ يُفَرِّقُوا بَيْنَ اللَّهِ وَرُسُلِهِ وَيَقُولُوا نُؤْمِنُ بِبَعْضٍ وَنَكْفُرُ بِبَعْضٍ وَيُرِيدُونَ أَنْ يَتَّخِذُوا بَيْنَ ذَلِكَ سَبِيلًا ﴿١٥٠﴾ أُولَٰئِكَ هُمُ الْكَافِرُونَ حَقًّا ﴾

«Албатта, Аллоҳ ва пайғамбарига ишонмайдиган, Аллоҳ билан пайғамбарларининг ораларини ажратишни истайдиган (яъни Аллоҳга ишониб, пайғамбарларини инкор қиладиган) ва «айрим пайғамбарларга ишонамиз, айримларига ишонмаймиз», дейдиган ҳамда ора йўлни тутишни истайдиган кимсалар — ана ўшалар ҳақиқий кофирдирлар» (Нисо: 150, 151).

Яҳудлар кофирлардир. Чунки, улар икки улуғ пайғамбарни — Исо алайҳис-салом ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни инкор қилишди. Насоролар ҳам кофирлардир. Чунки, улар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг пайғамбарликларини инкор қилишди. Ҳозирги даврда: «Яҳуд ва насоролар ҳам мўмин-мусулмон, улар ҳам самовий дин аҳллари, динлар ўртасини яқинлаштириш ва улар ўртасида сўзлашувлар олиб бориш лозим» деб айтилаётган гаплар залолатдир, ҳақ билан ботил орасини, иймон билан куфр ўртасини аралаштиришдир. Чунки, Муҳаммад

соллаллоҳу алайҳи ва саллам пайғамбар қилиб юборилганларидан кейин оламда Исломдан бошқа саҳиҳ дин йўқдир:

﴿ وَمَنْ يَتَّبِعْ غَيْرَ الْإِسْلَامِ دِينًا فَلَنْ يُقْبَلَ مِنْهُ وَهُوَ فِي الْآخِرَةِ مِنَ الْخَسِرِينَ ﴾

«Кимда-ким Исломдан ўзга дин истаса, бас (унинг «дини» Аллоҳ ҳузурида) ҳаргиз қабул қилинмайди ва у охиратда зиён кўрувчилардандир» (Оли Имрон: 85).

Ислом ўзидан олдинги динларнинг ҳаммасини мансух-бекор қилди, инсу-жин, яҳуду насоро, арабу-ажам, ҳамма-ҳаммаси Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашишга буюрилдилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашмаган одамнинг иймони эътиборга олинмайди.

۱۳۹. وَأَهْلُ الْكِبَائِرِ مِنْ أُمَّةٍ مُحَمَّدٍ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي النَّارِ لَا يَخْلُدُونَ، إِذَا مَاتُوا وَهُمْ مُؤَخَّدُونَ.

139. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам умматларидан кабира гуноҳларни қилганлар модомики тавҳид ақидасида жон берган бўлсалар, дўзахда абадий қолмайдилар.

Гуноҳи кабиралар ширкдан паст ва сағира гуноҳлардан юқори бўлган гуноҳлардир. Гуноҳи кабирга шундай таъриф бериш мумкин: У — қилувчисига жазо тайин қилинган ёки Аллоҳнинг ғазаби ё лаънати ё дўзахига олиб бориши айtilган ёки Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни қилувчидан ўзларини пок санаган гуноҳдир. Масалан, «Бизга хиёнат қилган

одам биздан эмас»⁽¹⁾, «Бизга қарши қурол кўтарган одам биздан эмас»⁽²⁾ деганлари каби.

Унинг эгаси иймондан чиқиб кетмайди, балки иймони ноқис мўмин бўлади ёки фосиқ дейилади. Бу аҳли сунна вал-жамоа мазҳабидир. Улар ширкка етиб бормаган кабира гуноҳлар сабабли кофир санамайдилар, шу билан бирга гуноҳи кабира соҳибига мутлақ мўминлик номини ҳам бермайдилар, балки унинг иймонини чеклаб: «иймони сабабли мўмин, гуноҳи кабираси сабабли фосиқ» дейдилар.

Уни муржиалар айтганидек комил иймонли ҳам дейилмайди, хавориж ва муътазилалар айишганидек Исломдан бутунлай чиққан ҳам дейилмайди.

Демак, ширкдан паст бўлган гуноҳи кабира соҳиби хусусида одамлар уч тоифага бўлинишади:

1) Хавориж ва муътазилалар уни Исломдан чиқариб юборишади. Лекин фарқи шуки, хаворижлар уни куфрга киритишади, муътазилалар эса Исломдан чиқаришгани билан куфрга киритишмайди, балки уни икки манзил ўртасидаги бир манзилда, дейишади.

2) Муржиалар уни модомики қалбида иймонни эътиқод қилса — баъзиларининг наздида эса тилида айтса — иймони комил мўмин, дейишади ва маъсиятлар — гарчи гуноҳи кабира бўлса-да — унинг иймонини камайтирмайди, деб даъво қилишади.

3) Аҳли сунна вал-жамоанинг фикри шуки: ширкдан паст бўлган кабира гуноҳнинг соҳиби кофир эмас, мўмин, бироқ иймони ноқис.

Буни яхши англаш ва зеҳнга жойлаб олиш зарур. Ҳозирги замонда ёмонлик аҳлининг ёмонлиги ортган, иржоя (муржиалик) мазҳабини ёйиш ва ривожлантиришга

(1) Муслим (101) ривояти.

(2) Бухорий (6874) ва Муслим (98, 100, 101) ривоятлари.

ва бу билан ўзларининг залолатларини ниқоблашга ури-
нувчилар кўпайган.

Булар бугунги кунда толиби илмлар билиши энг зару-
рий бўлган вазифалардан.

۱۴۰. وَإِنْ لَمْ يَكُونُوا تَائِبِينَ، بَعْدَ أَنْ لَقُوا اللَّهَ عَارِفِينَ
(مؤمنين)، وَهُمْ فِي مَشِيَّتِهِ وَحُكْمِهِ، إِنْ شَاءَ غَفَرَ لَهُمْ وَعَفَا
عَنْهُمْ بِفَضْلِهِ، كَمَا ذَكَرَ عَزَّ وَجَلَّ فِي كِتَابِهِ: ﴿وَيَغْفِرُ مَا دُونَ
ذَلِكَ لِمَنْ يَشَاءُ﴾ (النساء: ۱۱۶، ۴۸) وَإِنْ شَاءَ عَذَّبَهُمْ فِي
النَّارِ بِعَذَابِهِ.

*140. Аллоҳни таниган, (иймон келтирган) ҳолларида
Унга йўлиқсалар, гарчи гуноҳларидан тавба қилмаган
бўлсалар ҳам, Улар Аллоҳнинг иродаси ва ҳукмига
ҳавола бўладилар. «Ширкдан бўлак гуноҳларни уста-
ган бандасидан кечиради» (Нисо: 48, 116) деб марҳамат
қилганидек, агар Аллоҳ хоҳласа, уларни фазли-карами
ила кечиради. Хоҳласа адли билан уларни дўзахда азоб-
лайди.*

Ҳа, тўғри гап шу: Ширкка етиб бормаган гуноҳи ка-
бира эгалари кофир бўлиб қолмайдилар, агар улар ушбу
гуноҳларидан тавба қилмаган ҳолатда дунёдан ўтиб,
Аллоҳ ҳузурига борсалар, Аллоҳ таолонинг хоши-
иродасига ҳавола бўладилар. Хоҳласа, уларни гуноҳлари
миқдорича азоблайди, сўнг иймон ва тавҳидлари сабабли
дўзахдан чиқариб, жаннатга киритади, улар дўзахда аба-
дий қолишмайди. Бунга далил Аллоҳ таолонинг сўзики:

﴿إِنَّ اللَّهَ لَا يَغْفِرُ أَنْ يُشْرَكَ بِهِ، وَيَغْفِرُ مَا دُونَ ذَلِكَ لِمَنْ يَشَاءُ﴾

«Аллоҳ Ўзига ширк келтирилишини кечирмайди ва ширкдан бўлак гуноҳларни истаган бандасидан кечиради» (Нисо: 48, 116).

Лекин, «Аллоҳни таниган, (иймон келтирган) ҳолларида» деган сўзи изоҳталабдир, агар аввал айтгани каби «тавҳид устида бўлган ҳолларида» деганда яхшироқ бўларди.

Агар хоҳласа, улар устида Ўз ваъидини амалга оширади, лекин улар дўзахда абадий қолмайдилар.

Бу аҳли сунна вал-жамоанинг сўзидир ва тўғри сўз ҳам шудир. Хаворижлар айтганидек, улар ҳар қандай ҳолда ҳам дўзахга тушиб, унда абадий қолмайдилар. Хаворижлар наздида дўзахга тушган одам ундан қайтиб чиқмайди. Муржиалар айтганидек, улар дўзахга умуман кирмайдилар ҳам эмас. Биз уларнинг дўзахдан қутулиб қолишларига кафолат бермаймиз, улар Аллоҳнинг хоҳиши остида бўлади, деймиз.

Истаса, Ўз фазли билан уларни афв қилади, истаса адли билан уларни азоблайди. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло уларга зулм қилмайди, балки уларни амаллари Аллоҳнинг азобига дучор этади. Зотан, Аллоҳ таоло гуноҳсиз одамни азобламайди, гуноҳкор билан гуноҳсиз мўминни тенг қилиб қўймайди:

﴿أَفَنَجْعَلُ الْمُسْلِمِينَ كَالْمُجْرِمِينَ ﴿٣٥﴾ مَا لَكُمْ كَيْفَ تَحْكُمُونَ ﴿٣٦﴾﴾

«Ахир Биз мусулмонларни жиноятчи-кофир кимсаларга баробар қилурмизми?! Сизларга нима бўлди? Қандай ҳукм чиқармоқдасизлар?!» (Қалам: 35, 36).

﴿أَمْ نَجْعَلُ الَّذِينَ ءَامَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ كَالْمُفْسِدِينَ فِي الْأَرْضِ أَمْ نَجْعَلُ الْمُتَّقِينَ كَالْفُجَّارِ ﴿٢٨﴾﴾

«Ёки Биз иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотларни ерда бузғунчилик қилиб юрган кимсалар каби қилиб қўюрмизми?! Ёки Биз тақводор зотларни фисқу-фужур қилиб юрган кимсалар каби қилиб қўюрмизми?! (Йўқ! Асло ундоқ бўлмас!)» (Сод: 28).

﴿ أَمْ حَسِبَ الَّذِينَ اجْتَرَحُوا السَّيِّئَاتِ أَنْ نَجْعَلَهُمْ كَالَّذِينَ ءَامَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ سَوَاءً مَحْيَاهُمْ وَمَمَاتُهُمْ سَاءَ مَا يَحْكُمُونَ ﴾ ﴿١١﴾

«Балки ёмонлик-гуноҳлар касб этган кимсалар Биз уларни ҳам иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотлар каби қилишимизни ва ҳаётлари ҳам, мамотлари ҳам (яъни дунёлари ҳам, охиратлари ҳам мўминлар билан) баробар бўлишини ўйлагандирлар?! Нақадар ёмон (нотўғри) ҳукм қилурлар-а?!» (Жосия: 21).

١٤١. ثُمَّ يُخْرِجُهُمْ مِنْهَا بِرَحْمَتِهِ وَشَفَاعَةِ السَّافِعِينَ مِنْ أَهْلِ طَاعَتِهِ.

141. Сўнгра Ўз раҳмати билан ва итоатгўй-солиҳ бандалари орасидаги шафоат қилувчилар шафоати билан уларни дўзахдан чиқаради.

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилинган саҳиҳ хабарларда айтилишича, гуноҳкор муваҳҳидлар (тавҳид аҳли) ё Аллоҳнинг фазлу марҳамати билан ё эса Аллоҳнинг изни билан шафоат қилувчи кишиларнинг шафоатлари сабабли дўзахдан чиқариладилар. Шафоат ҳақ, бироқ у фақат Аллоҳнинг изни билан бўлади ва шафоат қилинувчи киши тавҳид аҳлидан бўлиши, кофир, мушрик ва мунофиқлардан бўлмаслиги шарт қилинади.

۱۴۲. ثُمَّ يَبْعَثُهُمْ إِلَىٰ جَنَّتِهِ.

142. Сўнгра уларни жаннатига киритади.

Уларни дўзахдан чиқарганидан кейин жаннатига киритади. Ҳадисда айтилишича, улар дўзахдан куйиб кўмирга айланган ҳолда чиқадилар, сўнг «оби ҳаёт» деб номланган анҳорга ташланадилар. Шунда уларнинг бадан ва этлари униб чиқади. Покланиб, тозаланганларидан сўнг уларга жаннатга киришга изн берилади ва улар жаннатга кирадилар.⁽¹⁾

۱۴۳. وَذَلِكَ بِأَنَّ اللَّهَ تَعَالَىٰ تَوَلَّىٰ أَهْلَ مَعْرِفَتِهِ، وَلَمْ يَجْعَلْهُمْ فِي الدَّارَيْنِ كَأَهْلِ نَكَرَتِهِ الَّذِينَ خَابُوا مِنْ هِدَايَتِهِ، وَلَمْ يَنَالُوا مِنْ وِلَايَتِهِ.

143. Чунки Аллоҳ Таоло Ўзини (ҳаққи-рост) таниган (яъни иймон келтирган) бандаларининг дўстидир. Аллоҳни танимаган, Унинг ҳидоятидан ва Унга дўст бўлиш шарафидан насибадор бўлмаган кимсалар билан Ўз дўстларини Аллоҳ Таоло икки дунёда ҳам баробар қилмайди.

(1) Абу Саид ал-Худрий розияллоху анхудан ривоят қилинади, Набий соллаллоху алайҳи ва саллам дедилар: «Жаннат аҳли жаннатга, дўзах аҳли дўзахга киради, сўнгра Аллоҳ таоло: «Кимнинг қалбида хантал (горчица) уруғи мисқолича иймон бўлса, уни (дўзахдан) чиқаринглар!» деб амр этади. Қорайиб кетган ҳолатда дўзахдан чиқарилиб, ҳаёт дарёсига ташланадилар, сўнг селдан кейин униб чиққан дон каби униб чиқадилар. Кўрганмисиз, у сарғайиб, эгрибугри бўлиб чиқиб келади» (Бухорий (5060) ва Муслим (184, 185) ривоятлари).

Аллоҳ таоло айтади:

﴿ أَمْ حَسِبَ الَّذِينَ اجْتَرَحُوا السَّيِّئَاتِ أَنْ نَجْعَلَهُمْ كَالَّذِينَ ءَامَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ سَوَاءً مَحْيَاهُمْ وَمَمَاتُهُمْ سَاءَ مَا يَحْكُمُونَ ﴾ ﴿٢١﴾

«Балки ёмонлик-гуноҳлар касб этган кимсалар Биз уларни ҳам иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотлар каби қилишимизни ва ҳаётлари ҳам, мамотлари ҳам (яъни дунёлари ҳам, охиратлари ҳам мўминлар билан) баробар бўлишини ўйлагандирлар?! Нақадар ёмон (нотуғри) ҳукм қилурлар-а?!» (Жосия: 21).

﴿ أَمْ نَجْعَلُ الَّذِينَ ءَامَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ كَالْمُفْسِدِينَ فِي الْأَرْضِ أَمْ نَجْعَلُ الْمُتَّقِينَ كَالْفُجَّارِ ﴾ ﴿٢٨﴾

«Ёки Биз иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотларни ерда бузғунчилик қилиб юрган кимсалар каби қилиб қўюрмизми?! Ёки Биз тақводор зотларни фисқу-фужур қилиб юрган кимсалар каби қилиб қўюрмизми?! (Йўқ! Асло ундоқ бўлмас!)» (Сод: 28).

Бу ва шу мазмундаги бошқа оятлар далолат қиладики, Аллоҳ таоло тоат аҳли билан маъсият аҳлини, иймон аҳли билан куфр аҳлини баробар қилиб қўймайди, балки ҳар бирларига ўз амалларига яраша жазо ва мукофотларини беради. Аллоҳни танимаган, Унинг ҳидоятидан ва Унга дўст бўлиш шарафидан насибадор бўлмаган кимсалар билан Ўз дўстларини Аллоҳ Таоло икки дунёда ҳам баробар қилмайди, балки улар ўртасини дунёда ҳам, охиратда ҳам ажратиб, тоат аҳлини маъсият аҳлидан, иймон аҳлини куфр аҳлидан афзал ва имтиёзли қилади. Дунёда уларни сифатлар, хулқ-атвор ва феъл-амалларида фарқли қилади. Тоат аҳли бўлмиш Аллоҳнинг дўстларининг иш-

амаллари Аллоҳнинг душманларининг иш-амалларига, сўз ва тасарруфларига ўхшамайди. Одамларнинг ҳатти-ҳаракатларини, гап-сўзларини кузатсангиз, тақводор мўминларнинг гапларию ишлари билан фосиқу осийларнинг, кофир динсизларнинг гап-сўзу ишлари орасидаги фарқлар яққол кўзга ташланиб туради. Бу шу дунёнинг ўзидаги фарқларидир.

Охиратда ҳам Аллоҳ таоло улар ўртасини фарқли қилади, бирларини жаннати билан иззат-икром қилса, иккинчиларини дўзахи билан азоблайди. Зеро, Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло ҳикмат соҳиби бўлган Зот, ҳеч бир ишини ноўрин қилмайди. У Ўз раҳматини унга сазовор бўлган кишиларга туширади, азобини ҳам фақат унга лойиқ бўлганлар устига туширади.

Мусаннифнинг «*уни таниган бандаларининг*» деган сўзи изоҳталаб, бундан Аллоҳни танишнинг ўзи иймонга кифоя қилади, деган маъно тушуниб қолиниши мумкин. Бу эса муржиаларнинг ғулув кетган тоифаларининг сўзидир. Бунинг ўрнига «тоат аҳлининг» деса яхшироқ бўларди.

١٤٤ . اللَّهُمَّ يَا وَلِيَّ الْإِسْلَامِ وَأَهْلِيهِ، تَبِّئْنَا عَلَى الْإِسْلَامِ حَتَّى نَلْقَاكَ بِهِ.

144. Эй Аллоҳ, эй Ислому ва мусулмонлар дўсти бўлган Зот! Ўзингга йўлиққунимизга қадар, бизни Исломда собит қилгин!

Бу мусанниф раҳимаҳуллоҳнинг энг гўзал сўзларидан!

Ғоят улкан ва аҳамиятли масалалар ҳақида сўз юритгач, Аллоҳ таолодан ҳақда собитқадам қилишини ва юқорида айтиб ўтилган залолат аҳли билан бирга ва залолат сўзларнинг эгаларидан қилиб қўймаслигини сўрадилар. Бу эса илму ва ҳикматдан далолатдир. Зеро,

инсон илми билан мағрурланмаслиги, «мен тавҳидни биламан, ақидани биламан, бас, энди менга хатар йўқ», демаслиги, аксинча, ҳар доим ёмон оқибат ва залолатдан хавфланиб, залолат аҳлига алданиб қолишдан қўрқиб туриши лозим. Қанча мўътадил одамлар бўладики, фитналар кучайган пайтда йўлдан чиқиб кетиб қолади, ҳадисда айтилганидек, эрталаб мусулмон бўлиб, кечга бориб кофир бўлиб қолади ёки кечқурун мусулмон бўлган киши кофир бўлиб тонг оттиради, динини дунё матосига алмаштириб юборади.⁽¹⁾


Фитналар вақтида инсон Парвардигоридан саботни сўраши, «Мен ориф (билувчи)ман, намоз ўқийман, менга ҳеч қандай хатар йўқ» демаслиги лозим⁽²⁾. Тўғри, сиз

(1) Абу Хурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Зулматли тун бўлаклари каби фитналар келишидан олдин амал қилиб қолишга шошиллинглар. Унда инсон мўмин ҳолда тонг оттириб, кофир ҳолда кунни кеч қилади. Ё эса кечқурун мўмин ҳолда бўла туриб, кофир ҳолда тонг оттиради. Динини дунё матосига сотади»* (Муслим (118) ривояти).

(2) Жобир розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Эй қалбларни айлантириб қўювчи зот! Қалбимни динингда мустаҳкам қилгин»* деб дуо қилардилар. Биз: *«Ё Расулуллоҳ, биздан (қалбларимиз ўзгариб қолишидан) хавф қиласизми, ахир биз сиз келтирган динга иймон келтирган бўлсак?!»* деб сўрадик. *«Ҳа, қалблар Аллоҳ таолонинг бармоқларидан икки бармоқ ўртасидадир, уларни Ўзи истаган томонга айлантириб қўя олади»*, дедилар (Термизий (2145), Ибн Можа (3834), Ҳоким (1/525, 526, 4/321) ривоятлари, Заҳабий Ҳокимга мувофиқ бўлган, Термизий: «ҳасан ҳадис» деган).

Муслим Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос розияллоҳу анхумодан ривоят қилиб келтирган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Одам фарзандлари қалбларининг бари Раҳмон азза ва жалланинг икки бармоғи ўртасида худди бир дона қалб мисолидир. Уни хоҳлаган тарафга буриб қўюр. Эй қалбларни хоҳлаган тарафга буриб қўювчи зот, қалбларимизни Ўзингга тоат-ибодат қилиш тарафига бургин!»* (Муслим (2654) ривояти).

ориф, намозхон бўлишингиз мумкин, бироқ бу дегани сиз энди барча хатардан холисиз дегани эмас. Ёки сиз Иброҳим алайҳис-саломдан ҳам афзалмисиз?! У зот Парвардигорига:



«Мени ва болаларимни бутларга ибодат қилишдан йироқ қилгин» (Иброҳим: 35), деб илтижо қилган эдилар. Иброҳим алайҳис-саломдек зот бутларга ибодат қилиб кетишдан кўрқиб паноҳ тиладилар, ваҳоланки у киши бутларни ўз қўллари билан синдириб, вайрон қила олган, бу йўлда азоб ва хўрликларга дучор бўлган зот эдилар. Ана шундай зот ҳам хотиржам бўлмадилар, «мен энди қутулдим» демадилар, балки Аллоҳдан ўзларига ва фарзандларига бутпарастликдан паноҳ сўрадилар. Демак, инсон доимо Парвардигори азза ва жалладан хавфда бўлиши лозим. Қанчадан-қанча ҳидоятда бўлган кишилар адашиб кетиб қолишган, қанчадан-қанча тўғри юрган одамлар йўлдан чиқиб кетишган, қанчадан-қанча мўминлар кофир ва муртад бўлиб кетишган ва аксинча қанчадан-қанча адашган одамлар борки, Аллоҳ уларни ҳидоятлаб қўйган, қанчадан-қанча кофирлар борки, Исомни қабул қилишган. Ҳа, иш Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг қўлидадир.

۱۴۵. وَنَرَى الصَّلَاةَ خَلْفَ كُلِّ بَرٍّ وَفَاجِرٍ مِنْ أَهْلِ الْقِبْلَةِ
وَعَلَى مَنْ مَاتَ مِنْهُمْ.

145. Қибла аҳлидан бўлган ҳар қандай солиҳ ёки фожир кимса орқасида (яъни унга иқтидо қилиб) намоз ўқишни ҳамда улардан вафот этганларига жаноза ўқишни жоиз, деб биламиз.

Бунда иккита масала бор:

Биринчи масала: Намоз амал ва яхшиликдир. Одамлар, хусусан ҳокимлар уни адо қилсалар, маъруф ва яхшилик қилган бўладилар. Улар ортида намоз ўқишни тарк қилишда бирдамликнинг йўқолиши, жамоатнинг парчаланиши, қон тўкилиши каби ёмон оқибатлар келиб чиқади. Бу эса олди олиниши шарт бўлган катта хатардир. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: ««Ла илаҳа иллаллоҳ» деган кишининг ортида ва «Ла илаҳа иллаллоҳ» деган кишига намоз ўқинглар!». Бу умумий айтилган гап. Шундай экан, қандай қилиб энди уларга муҳолиф бўлиш ва қарши чиқиш мусулмонларнинг бирдамлигига путур етказадиган ва мусулмонлар учун ёмон оқибатлар келтирадиган ҳокимлар ортида намоз ўқимаслик керак?!

Бу аҳли сунна вал-жамоа мазҳабидир. Улар жамоат бўлиб намоз ўқийдилар, солиҳ ёки фожир бўлсин, модомики мусулмонликдан чиқиб кетмаган бўлса, ҳар қандай амир билан Аллоҳ йўлида жиҳодга чиқадилар.

Бу саҳобалар давридан тортиб аҳли сунна вал-жамоанинг асл-асосларидандир, аҳли сунна вал-жамоа бўлган мусулмонларнинг ижмоъ-иттифоқлари шунгадир.

Иккинчи масала: Мусулмон кишига, гарчи у фосиқ бўлса-да, Исломдан чиқиб кетмаган бўлса, жаноза намози ўқиш. Бундай одам мусулмондир, мусулмонларга қандай муомала қилинса унга ҳам шундай муомала қилинади. Аммо агар Исломдан чиққан бўлса, унга жаноза ўқилмайди. Лекин тўғри келган одам одамларни муртадликка ҳукм қилишга ҳаққи йўқ. Фақат аҳли илмлар аҳли сунна вал-жамоанинг қоидаларига мурожаат қилиш орқали бу тўғрида ҳукм чиқаришлари мумкин. Нияти ҳар қанча яхши, мақсади ҳар қанча тоза бўлмасин, ҳар ким бунга ҳукм қилишга ҳақли эмас, ҳукм фақат чуқур илм эгаси бўлган аҳли илмлар томонидан чиқарилади.

146. Қибла аҳлидан ҳеч кимни жаннат ёки дўзахда, деб айтмаймиз.

Биз бирон кишига — ҳар қанча тақволи ва солиҳ бўлмасин — жаннати деб гувоҳлик бермаймиз. Чунки, ғайбни билмаймиз. Шунингдек, мусулмонлардан бирон кишига — ҳар қанча кўп гуноҳлар қилган бўлмасин — дўзахи деб ҳам гувоҳлик бермаймиз. Чунки, оқибати нима билан хотима топгани ва қандай ҳолатда вафот этгани биз учун қоронғи⁽¹⁾. Бу муайян бир шахс ҳақидаги гап. Биз фақат зоҳирини биламиз.

Аммо, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жаннати ёки дўзахи деб гувоҳлик берган кишилар бундан мустасно, биз ҳам уларга худди шундай гувоҳлик берамиз. Чунончи, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўн кишига жаннат билан хушхабар берганлар. Улар — тўртта хулафои рошидин, Саъд ибн Аби Ваққос, Саид ибн Зайд ибн Амр ибн Нуфайл, Абдурраҳмон ибн Авф, Зубайр ибн Аввом, Абу Убайда Омир ибн Жарроҳ ва Талҳа ибн Убайдуллоҳ розияллоҳу анҳум ажмаъийн.⁽²⁾

(1) Саҳл ибн Саъд ас-Соъидий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Амаллар фақат хотимасига қараб (баҳоланади)...» (Бухорий (6493) ривояти.

(2) Саид ибн Зайд розияллоҳу анху бир неча кишиларга ҳадис сўзлаб айтдилар: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Ўн киши жаннатдадир: Абу Бакр жаннатда, Умар жаннатда, Усмон, Алий, Зубайр, Талҳа, Абдурраҳмон, Абу Убайда, Саъд ибн Аби Ваққос..» деб (Саид ибн Зайд) ўнинчисини айтишдан тўхталдилар. Шунда қавм: «Эй Абул-Аъвар, Аллоҳни ўртага қўйиб сўраймиз, ўнинчиси ким?», деб сўрашди. «Аллоҳни ўртага қўйиб сўрадингизлар, (шунинг учун айтаман,) Абул-Аъвар жаннатда», дедилар. (Термизий (3757) ривоят қилган ва: «Абул-Аъвар — Саид ибн Зайд ибн Амр ибн Нуфайлдир», деган).

Шунингдек, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Собит ибн Қайс ибн Шаммос розияллоҳу анҳуга жаннат билан хушxabар берганлар. Ансорлардан бир кишига ҳам жаннат билан гувоҳлик берганлар. «Хузурингизга жаннат аҳлидан бўлган бир киши киради» деганларида бир киши соқолидан таҳорат суви томчилаганича кириб келди, чап қўлида оёқ кийими бор эди, сўнг ҳалқага келиб ўтирди. Иккинчи куни, учинчи куни ҳам Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айни шу сўзни айтдилар, яна ўша киши кириб келди. Бу эса таъкид юзасидан эди, холос. Аслида, бир марта берган гувоҳликлари ҳам ўзи кифоя эди. Шундан сўнг Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳумо у одамнинг жаннат башорати берилишига сабаб бўлган амалини билишга қизиқиб, ортидан унга эргашди. Бироқ, унда деярли ортиқча ибодат топмади, у фарзларга риоя қилар, кечаси туриб намоз ўқирди. Тунда уйғонганида Аллоҳни зикр қилиб, тасбеҳ ва таҳлил айтарди. Абдуллоҳ унинг уйдан кетиш олдидан: «Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай-шундай деганларини эшитиб, сизнинг амалингизни текширишга келган эдим», деди. Ҳалиги киши: «Менинг шу кўриб турганингиздан бошқа амалим йўқ», деди. Бурилиб кетаётганида чақириб: «Аммо, мен дилимда бирон мусулмонга нисбатан ғил-ғашлик сақламайман», деди. Шунда Абдуллоҳ: «Биз эплай олмайдиган иш мана шу», деди.⁽¹⁾

Хулоса шуки, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бирон кишига жаннат билан гувоҳлик берган бўлсалар, биз ҳам унга жаннат билан гувоҳлик берамиз. Аммо, бошқа бировга қатъий бирон нарса дейишдан тийиламиз, лекин унга яхшилик умидида бўламиз. Шунингдек, муайян бир

(1) Аҳмад «Муснад»да (3/166), Абдурраззоқ «Мусаннаф»да (20559), Бағавий «Шарҳус-сунна»да (3535), Насоий «Амалул-явми вал-лайла»да (863), Байҳақий «Шуъабул-иймон»да (6605) ривоятлари.

кофир кимсага дўзахи деб ҳукм қилишдан тийиламиз. Чунки, мумкинки у тавба қилар ва тавбаси устида вафот этар ва хотимаси яхшилик билан тугар. Лекин, унинг ҳақида хавфда бўламиз. Бу муайян шахс хусусидаги гапдир.

Аммо умумий суратда мусулмонлар жаннатда бўлади, кофирлар дўзахда бўлади, деб қатъий айтаверамиз.

۱۴۷. وَلَا نَشْهَدُ عَلَيْهِمْ بِكُفْرٍ وَلَا بِشِرْكِ وَلَا بِبِنْفَاقٍ، مَا لَمْ يَظْهَرُ مِنْهُمْ شَيْءٌ مِنْ ذَلِكَ.

147. Модомики, куфр, ширк ва нифоқ аломатини изҳор қилмаган бўлсалар, ундай кишиларни кофир, муширик ёки мунофиқ деб гувоҳлик бермаймиз.

Мусулмон киши аслида адолатли ҳисобланади. Ушбу улкан қоида бўйича, биз у тўғрисида ёмон гумон қилмаймиз, унинг қаршисига жосуслик қилмаймиз, ортидан пойлаб юрмаймиз, ўзи нимани изҳор қилган бўлса, шу бўйича ҳукм қиламиз. Агар у тарафидан бизга бирон нарса зоҳир бўлмаса, ёмон гумон қилмаймиз. Чунки биз одамларни синчиклаб текшириб юришга ва улар ҳақида ҳукм чиқаришга буюрилмаганмиз, Аллоҳ таоло бизни бунга таклиф қилмаган.⁽¹⁾

(1) Абдуллоҳ ибн Умар розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам минбарга кўтарилиб баланд овозда нидо қилдилар: «Эй тилида мусулмон бўлиб, қалби иймонга тўлмаган кимсалар! Мусулмонларга озор берманглар, уялтирманглар, камчиликларини қидирманглар! Кимда-ким мусулмон биродарининг камчилигини қидирса, Аллоҳ ҳам унинг камчилигини қидиради. Аллоҳ кимнинг камчилигини қидирса, уни кўч-кўрони ичида бўлса ҳам шарманда қилади». Ибн Умар розияллоху анхумо бир куни Каъбага юзланиб дедилар: «Сен нақадар буюксан! Сенинг ҳурматинг нақадар улуғ! Мўмин кишининг ҳурмати эса Аллоҳ наздида сенинг ҳурматингдан ҳам улуғроқ» (Термизий (2037) ривоят қилган ва: «ҳасан, ғариб ҳадис» деган).

۱۴۸. وَنَذَرُ سَرَائِرَهُمْ إِلَى اللَّهِ تَعَالَى .

148. Дилларидаги сирни эса Аллоҳ Таолога ҳавола қиламиз.

Улар ҳақида яхши гумонда бўламиз, дилларини эса Аллоҳ таолога топшираамиз. Биз одамларнинг ички аҳволларини суриштириш ва баҳс қилишга буюрилмаганмиз. Мусулмон кишининг айбини яшириш ва у ҳақда чиройли гумонда бўлиш, мусулмонлар ўртасида ўзаро биродарлик руҳи ҳукм суриши лозим⁽¹⁾: «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз оға-инилардир» (Хужурот: 10).

۱۴۹. وَلَا تَرَى السَّيْفَ عَلَى أَحَدٍ مِنْ أُمَّةٍ مُحَمَّدٍ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِلَّا مَنْ وَجَبَ عَلَيْهِ السَّيْفُ .

149. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам умматларидан ҳеч кимга қарши қилич кўтаришни жоиз демаймиз. Фақат қилич билан жазоланиши вожиб бўлган кимсалар бундан мустасно.

Мусулмонни ўлдириш, унинг қонини ҳалол санаш мумкин эмас. Чунки Ислом сабабли Аллоҳ таоло унинг

(1) Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анхумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, душманига топшириб қўймайди. Ким биродарининг ҳожатини чиқариш йўлида бўлса, Аллоҳ унинг ҳожатини чиқариш йўлида бўлади. Ким мусулмон кишидан битта ғам-ташвишини аритса, Аллоҳ ундан Қиёмат кунининг ғамларидан бир ғамни аритади. Ким бир мусулмоннинг айбини яширса, Аллоҳ унинг айбини Қиёмат кунини яширади» (Бухорий (2442) ва Муслим (2580) ривоятлари).

қонини сақлаган. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: *«Мен одамлар билан то улар «Аллоҳдан бошқа ҳақ илоҳ йўқ, Муҳаммад Унинг расулидир» деб гувоҳлик бермагунларича ва намозни барпо қилиб, закотни адо этмагунларича жанг қилишга буюрилдим. Агар шу (айтилган ишлар)ни қилсалар, мендан қонлари ва молларини сақлаб қоладилар — Исломнинг ҳаққи бундан мустасно — ва уларнинг ҳисоб-китоблари Аллоҳга ҳавола».*⁽¹⁾ Ким Исломни изҳор қилса, икки шаҳодат калимасини айтган бўлса ва Исломни бузувчи ишлардан биронтаси ундан зоҳир бўлмаса, унинг қони ҳаромдир. Унга тажовуз қилиш ва қонини тўқиш жоиз бўлмайди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қурбонлик куни Минода қилган хутбаларида: *«Албатта қонларингиз, молларингиз, обрўларингиз ораларингизда худди ушбу шахрингизнинг, шу ойингизнинг ва шу кунингизнинг ҳаромлиги каби ҳаромдир»,* деганлар.⁽²⁾

Бундан ҳам қаттиқроқ гап бўлиши мумкинми?! Мўминнинг ҳурмати Аллоҳ наздида Каъбанинг ҳурматидан улуғ. Чунки, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам Каъбага юзланиб туриб: *«Сенинг ҳурматинг нақадар улуғ! Мусулмоннинг ҳурмати Аллоҳ наздида сенинг ҳурматингдан ҳам улуғ»,* деганлар ёки шу мазмунда сўз айтганлар.⁽³⁾

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: *«Аллоҳдан ўзга барҳақ илоҳ йўқ ва Мени Аллоҳнинг Расули деб гувоҳлик берган мусулмон кишининг қони фақат қуйидаги уч ҳолатдагина ҳалол бўлади: турмуш кўрган зинокор, жонга жон (яъни шаръий қасос) ва мусулмон*

(1) Бухорий (25, 392, 2946) ва Муслим (21, 22) ривоятлари.

(2) Бухорий (67) ва Муслим (1679) ривоятлари.

(3) Бу гап Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан собит бўлган ва у кишига мавқуфдир. Термизий (2037) ривоят қилиб: «ҳасан, ғариб ҳадис», деган.

жамоадан ажралиб, диндан чиққан кимса (муртаднинг қони ҳалол бўлади)»⁽¹⁾.

Биринчи: Турмуш кўрган зинокор; яъни саҳиҳ никоҳдан ўтиб, жуфтиҳалоли билан бир марта бўлсада жинсий алоқа қилган, ҳар иккиси оқил, болиғ, озод бўлган ҳолда зино қилган эркак ва аёл ўлгунларича тошбўрон қилинади.

Иккинчи: Бир мусулмон бошқа бир мусулмонга зулм билан тажовуз қилиб ўлдирса ва ўлдирилганнинг эгалари қасос талаб қилишса, уни ҳам ўлдирилади:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا كُذِّبَ عَلَيْكُمُ الْقِصَاصُ فِي الْقَتْلِ﴾

«(Эй мўминлар,) сизларга ўлдирилган кишилар учун... қасос олиш фарз қилинди» (Бақара: 178),

﴿وَكُنْتُمْ عَلَيْهَا فِيهَا أَنْ تَنْفَسَ بِالنَّفْسِ﴾

Унда (яъни Тавротда) уларга жонга жон... қасос олинади, деб ёзиб қўйди» (Моида: 45).

Учинчи: Муртад бўлган кишининг жазоси ўлим бўлади.

Шу уч ўриндан бошқасида мусулмоннинг қони қаттиқ харомдир.

Шунингдек, мусулмонларга тажовуз қилган кишилар — боғийлар гарчи мусулмон бўлсалар ҳам, уларга қарши уруш қилинади. Чунки, улар мусулмонларнинг бирдамликларини парчалашга ва уларнинг имомларига қарши чиқишга уринган бўладилар.

﴿وَلِنْ طَائِفَتَانِ مِنَ الْمُؤْمِنِينَ اقْتَتَلُوا فَأَصْلَحُوا بَيْنَهُمَا فَإِنْ بَغَت إِحْدَاهُمَا عَلَى الْأُخْرَى فَقَتِلُوا الَّتِي تَبَغَى حَتَّى تَفِيءَ إِلَى أَمْرِ اللَّهِ﴾

(1) Бухорий (6878) ва Муслим (1676) ривоятлари.

«(Эй мўминлар), агар мўминлардан бўлган икки тоифа (бир-бирлари билан) урушиб қолсалар дарҳол уларнинг ўртасини ўнглаб қўйинглар! Энди агар улардан бирови иккинчисининг устига тажовуз қилса, бас то (тажовузкор тоифа) Аллоҳнинг амрига қайтгунича сизлар тажовуз қилган (тоифа) билан урушинглар!» (Хужурот: 9). Уларни тажовуздан тийиб қўйиш ва мусулмонларнинг бирлигини сақлаб қолиш учун уларнинг қонлари ҳалол бўлади.

Шунингдек, йўлтўсар — қароқчиларнинг қонлари ҳам ҳалол қилинган:

﴿ إِنَّمَا جَزَاءُ الَّذِينَ يُحَارِبُونَ اللَّهَ وَرَسُولَهُ وَيَسْعَوْنَ فِي الْأَرْضِ فَسَادًا أَنْ يُقَتَّلُوا أَوْ يُصَلَّبُوا أَوْ تُقَطَّعَ أَيْدِيهِمْ وَأَرْجُلُهُمْ مِنْ خَلْفٍ أَوْ يُنْفَوْا مِنَ الْأَرْضِ ﴾

«Албатта, Аллоҳ ва пайғамбарига қарши урушадиган ва ерда бузғунчилик қилиш ҳаракатида юрадиган кимсаларнинг жазоси — ўлдирилиш ё дорга осилиш, ёки оёқ-қўллари тескарисига (яъни ўнг қўл ва чап оёқ ёки чап қўл билан ўнг оёқ) кесилиши, ёхуд ўз ерларидан сургун қилинишларидир» (Моида: 33).

Аллоҳ таоло мана шу айтиб ўтилганларни уларнинг ёмонлик ва тажовузларини даф қилиш учун ўлдиришга рухсат берган.

١٥٠. وَلَا تَرَى الْخُرُوجَ عَلَىٰ أُمَّتِنَا وَوَلَا أُمُورِنَا.

150. Халифа-имомларимизга, бошлиқларимизга қарши чиқишни жоиз демаймиз.

Бу улкан масаладир. Аҳли сунна вал-жамоанинг усулларидан бири — улар мусулмонларнинг раҳбарларига қарши чиқишни жоиз санамайдилар:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا أَطِيعُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا الرَّسُولَ وَأُولِي الْأَمْرِ مِنْكُمْ﴾

«Эй мўминлар, Аллоҳга итоат қилингиз, ва пайғамбарга ҳамда ўзларингиздан бўлган (яъни мусулмон) ҳокимларга бўйсунингиз!» (Нисо: 59). Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: *«Ким амирга итоат қилса, менга итоат қилибди. Ким амирга осий бўлса, менга осий бўлибди».*⁽¹⁾ Гарчи фосиқ бўлсалар ҳам, уларга қарши чиқиш жоиз эмас. Чунки, уларга байъат берилиб, бошлиқ деб тан олинган бўлади. Энди фосиқ бўлсалар ҳам, уларга қарши чиқишдан бирдамликнинг йўқолиши, жамоатнинг парчаланиши, тинчлик ва хавфсизликка путур етиши, кофирларнинг мусулмонлар устига ҳукмрон бўлиб олиши каби ёмон оқибатлар келиб чиқади.

Шайхулислом раҳимаҳуллоҳ айтганидек, қайси бир қавм имомига қарши чиққан бўлса, уларнинг шундан кейинги ҳолатлари қарши чиқишдан олдинги ҳолатларидан ёмонроқ бўлган.

Ҳатто, кофирларда ҳам аҳвол шундай бўлади. Агар бошлиқларига қарши бош кўтаришса, хавфсизликларига халал етиб, жангу-жадал ва қон тўкилишлар ичида қолиб кетишади. Бу нарсани тарихлар мобайнида бўлиб ўтган қўзғолонлар мисолида кўриш мумкин. Шундай экан, мусулмон имомларга қарши чиқиш қандай дуруст бўлсин?! Ҳарчанд фосиқ бўлмасинлар, модомики диндан чиқиб кетган бўлмасалар, уларга қарши бош кўтариш жоиз эмас. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва

(1) Бухорий (2957) ва Муслим (1835) ривоятлари.

саллам айтганлар: «Қулоқ солингиз ва итоат қилингиз! Фақат сизларда Аллоҳ тарафидан далил-ҳужжат бўлган очиқ куфрни кўрсангизлар (уларга итоат қилмаслик мумкин)».⁽¹⁾ Фисқ ва маъсиятлари уларга қарши чиқишни вожиб қилмайди. Хавориж ва муътазилалар даъвосича, агар бошлиқлардан фисқ ва маъсият содир бўлса, уларга қарши чиқиш лозим, бу улар наздида амри маъруф ва наҳий мункар саналади.

Муътазилаларнинг диндаги усули бешта:

1. Тавҳид. Унинг маъноси — Аллоҳ таолодан сифатларни рад қилиш бўлиб, сифатларни исбот қиладиганлар улар наздида мушрик деб кўрилади.

2. Адл. Унинг маъноси — қадарни рад қилиш бўлиб, қадарни исбот қилиш улар наздида Аллоҳга жабр ва зулмни нисбатлашдир, Аллоҳга адолат вожиб дейишади.

3. Амру маъруф ва наҳий мункар. Бу билан улар муслмонларнинг имом-бошлиқларидан куфрга етиб бормаган маъсиятлар содир бўлса, уларга қарши чиқишни тушунишади. Аслида шу ўзи мункардир, бунда ҳеч қандай маъруф йўқ.

4. Икки мартаба ўртасидаги маратаба. Яъни, гуноҳи кабира қилган одамлар Исломдан чиқади, бироқ куфрга кирмайди, дейишади. Хаворижлар эса гуноҳи кабира эгаларини куфрга ҳукм қилишади.

5. Ваъдидни (яъни азоб ҳақида айтилган ухравий жазони) ижро қилиш. Бунинг маъноси — ким ширкдан паст бўлган гуноҳи кабира устида ўлса, у одам дўзахда абадул-абад қолади. Бундай одамнинг оқибати ҳақида булар билан хаворижларнинг фикри бир хил. Хаворижлардан фарқлари — булар икки мартаба ўртасидаги маратабага эътиқод қилишади.

(1) Бухорий (7056) ва Муслим (1709) ривоятлари.

Бу ҳақда уларнинг имомларидан Қози Абдулжаббор «Шарҳул-усулил-хамса» (беш усул шарҳи) деган китоб ёзган.

۱۵۱. وَإِنْ جَاؤَا.

151. Гарчи бизга зулм қилсалар ҳам (уларга қарши чиқишни жоиз санамаймиз).

Яъни, одамларнинг молларини тортиб олиб, ўзларини калтакласалар ёки мусулмон кишини ўлдирсалар ҳам, уларга қарши бош кўтариб чиқишни жоиз санамаймиз. Чунки, Хузайфа ибнул-Ямон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам: «Гарчи орқанга саваланса ҳам, молингни тортиб олинса ҳам қулоқ солиб итоат этасан. Амирингга итоат эт!», деганлар.⁽¹⁾ Зулмларига сабр қилиш уларга қарши чиқишдан кўра энгилроқ. Чунки, уларга қарши бош кўтариш ортидан кўп фасодлар келиб чиқади. Бу эса икки зарардан энгилроғини танлаш қоидасига биноан бўлиб, аҳли сунна вал-жамоа шу қоидани ихтиёр қилади. Набий соллalloҳу алайҳи ва саллам ҳокимлар жабрига — гарчи жабру зулм қилишса ва фосиқ бўлишса ҳам — сабр қилишга буюрганлар.

۱۵۲. وَلَا تَدْعُوا عَلَيْهِمْ.

152. Уларни дуоибад қилмаймиз.

Халифа ва бошлиқларни дуоибад қилиш жоиз эмас. Чунки, бу уларга қурол билан қарши чиқишга ўхшаш,

(1) Муслим (1847) ривояти.

маънавий қарши чиқишдир. Уларни дуоибад қилиш дегани волийликларини тан олмаслик демақдир. Аслида, уларга дуоибад эмас, ҳидоят ва салоҳият сўраб дуо қилиш даркор. Бу аҳли сунна вал-жамоанинг қоидаларидан биридир. Кимда-ким мусулмон бошлиқларни дуоибад қилаётган бўлса, билингки, унинг ақидаси бузук, салаф йўлида эмас. Баъзилар буни Аллоҳ учун ғазабланиш ва ғаюрлик қилиш бобидан деб кўришади, лекин бу аслида ўринсиз ғазаб ва ғаюрлик бўлади. Чунки, бунинг оқибати ёмонликка олиб боради.

Имом Фузайл ибн Йёз раҳимаҳуллоҳ Имом Аҳмад раҳимаҳуллоҳдан нақл қилади: «Агар менинг биргина дуойим ижобат қилинишини билсам, ўшани ҳам султон ҳаққида қилган бўлардим».

Ваҳоланки, Имом Аҳмад ҳокимлар тарафидан кўп бало-имтиҳонларга дучор этилган, бироқ у кишининг уларга қарши дуо қилгани ёки улар зарарига гапиргани собит бўлмаган. Аҳли сунна вал-жамоанинг йўли шудир.

Мусулмон раҳбарларни дуоибад қиладиганлар аҳли сунна вал-жамоа мазҳабида эмас. Шунингдек, уларга ҳидоят ва салоҳият тилаб дуо қилмайдиганлар ҳам бу ишлари билан аҳли сунна вал-жамоа ақидасидан бурилган саналадилар.

Баъзилар жума хутбасида мусулмон бошлиқлар ҳаққида дуо қилишни нотўғри санашади ва буни уларга хушомад, тилғламачилик ва нифоқ деб кўришади. Субҳаналлоҳ! Мусулмон волийлар ҳаққида дуо қилиш аҳли сунна вал-жамоа мазҳаби, балки бу суннатдир. Чунки, волийлар тузалса, одамлар тузалади. Сиз уларга салоҳият (тузалиш), ҳидоят ва хайр-яхшилик тилаб дуо қиласиз. Модомики мусулмон бўлсалар уларда яхшилик бўлади. Модомики шарият билан ҳукм қилсалар, ҳадларни (яъни шаръий жазоларни) қўлласалар, тинчликни сақласалар, мусулмонларни

тажовуздан ва ташқи душмандан ҳимоя қилсалар, шунинг ўзи ҳам жуда катта яхшилик. Шунинг ўзи учун ҳам улар ҳаққига дуои хайр қилинса арзийди. Қилаётган фисқ ва маъсиятларининг гуноҳи ўзларига, бироқ яхшиликларидан ҳам кўз юммаслик ва тўғрилик ва салоҳият тилаб дуо қилишдан юз ўгирмаслик лозим. Аҳли сунна вал-жамоанинг йўли шу. Аммо, заллат ва жаҳолат аҳлининг мазҳаби бўйича, бу хушомад ва тилёғламачилик деб кўрилади ва уларга дуои хайр ўрнига дуоибад қилинади.

Ғаюрлик уларни дуоибад қилиш билан бўлмайди. Агар яхшилик истасанг, уларга салоҳият ва яхшилик тилаб дуо қил! Аллоҳ уларни ҳидоят қилишга ва ҳаққа қайтаришга қодир. Нима, сен уларнинг ҳидоятларидан умидни уздингми?! Бундай қилиш Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлиш дегани-ку! Қолаверса, улар ҳаққига дуо қилиш уларга нисбатан холислик саналади. Тамим ад-Дорий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «*Дин - насиҳат (холислик)дир*». «Ким учун, ё Расулуллоҳ?», деб сўрадик биз. «*Аллоҳ учун, Унинг китоби ва Расули учун, му-сулмонларнинг раҳбарлари ва оммалари учун*», деб жавоб бердилар.⁽¹⁾

۱۵۳. وَلَا تَنْزِعْ يَدًا مِنْ طَاعَتِهِمْ.

153. Итоатларидан бўйин товламаймиз.

Бу юқоридаги гапни таъкидлаш учун келтирилди. Ҳатто, улар тарафидан жабру зулм, ширк ё куфр даражасига етиб бормаган гуноҳу маъсиятлар содир бўлса-да,

(1) Муслим (55) ривояти.

уларга итоат қилишдан бош тортмаймиз, уларга қарши бош кўтариб чиқмаймиз:

﴿يَأْتِيهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا أَطِيعُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا الرَّسُولَ وَأُولِي الْأَمْرِ مِنْكُمْ﴾

«Эй мўминлар, Аллоҳга итоат қилингиз, ва пайғамбарга ҳамда ўзларингиздан бўлган (яъни мусулмон) ҳоқимларга бўйсунингиз!» (Нисо: 59). Балки, мусулмонларнинг бирдамлигини асраб-авайлаш мақсадида улар билан бирга жиҳод қиламиз, жумъа ва жамоат намозларида, ийд байрамларда улар билан бирга бўлаемиз.

۱۵۴. وَنَرَى طَاعَتَهُمْ مِنْ طَاعَةِ اللَّهِ عَزَّ وَجَلَّ فَرِيضَةً، مَالِمَ يَأْمُرُوا بِمَعْصِيَةٍ.

154. Модомики, маъсиятга буюрмасалар, уларга итоат қилишни Аллоҳ азза ва жаллага итоат қилиш жумласидан бўлган фарз, деб эътиқод қиламиз.

Аллоҳ таоло айтади:

﴿يَأْتِيهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا أَطِيعُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا الرَّسُولَ وَأُولِي الْأَمْرِ مِنْكُمْ﴾

«Эй мўминлар, Аллоҳга итоат қилингиз, ва пайғамбарга ҳамда ўзларингиздан бўлган (яъни мусулмон) ҳоқимларга бўйсунингиз!» (Нисо: 59). Демак, Аллоҳ таоло мусулмон амирларга бўйсунингизга буюрди. Аммо мусулмонлар кофирга итоат қилишлари дуруст эмас:

﴿وَلَنْ يَجْعَلَ اللَّهُ لِلْكَافِرِينَ عَلَى الْمُؤْمِنِينَ سَبِيلًا﴾

«Аллоҳ ҳаргиз кофирлар учун мўминлар устига йўл бермагай» (Нисо: 141). «Ўзларингиздан бўлган» дегани

муслумонлардан бўлган ҳоким деганидир. Уларга итоат қилиш лозим. Аммо агар маъсиятга буюрсалар, Аллоҳга маъсият бўладиган ўринда махлуққа-бандага итоат қилинмайди. Сиз ўша маъсиятда унга итоат қилманг. Бу дегани унга итоат қилишдан бутунлай бош тортинг, дегани эмас, балки айни ўша маъсиятда унга итоат қилманг, маъсият бўлмаган бошқа ишларда итоат қилаверинг. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «*Итоат фақат маъруф-яхши ишдадир*».⁽¹⁾

۱۵۵. وَنَدْعُو لَهُمْ بِالصَّلَاحِ وَالْمَعَاوَةِ.

155. Уларга салоҳият ва офият сўраб дуо қиламиз.

Аллоҳ таолодан уларни ҳаққа қайтаришини ва хатоларини тузатишини сўраб дуо қиламиз, уларга салоҳият-тузалиш тилаймиз. Чунки, уларнинг тузалишлари мусулмонларнинг тузалишидир, уларнинг ҳидоятга йўлланишлари мусулмонларнинг ҳидоятларидир. Уларга етган фойда бошқаларга ҳам албатта ўтади. Улар ҳаққига дуо қилсангиз мусулмонлар ҳаққига дуо қилган бўласиз.

۱۵۶. وَتَتَّبِعُ السُّنَّةَ وَالْجَمَاعَةَ، وَتَجْتَنِبُ الشُّذُودَ وَالْخِلَافَ وَالْفِرْقَةَ.

156. Суннатга ва жамоатга эргашамиз. Жамоадан ажралиб чиқишдан, ихтилофлашишдан ва бўлиниб кетишдан четланамиз.

(1) Бухорий (4340, 7145) ва Муслим (1840) ривоятлари.

Бу — яъни Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларига эргашиш аҳли сунна вал-жамоанинг улкан қоидаларидан биридир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: *«Мендан кейин яшаганларингиз тез орада кўп ихтилофларни кўради. Бас, менинг суннатимни ҳамда ҳидоят ва тўғри йўл устидаги халифаларнинг суннатларини лозим тутинглар, уларни маҳкам ушланглар ва тишларингиз билан (яъни, қаттиқ) ёпишинглар. Динда янги пайдо қилинган ишлардан сақланинглар. Зеро, ҳар бир янги пайдо қилинган иш бидъат ва ҳар бир бидъат залолатдир»*.⁽¹⁾

Яъни, у зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам суннатларига эргашишга буюриб, бидъатдан қайтардилар. Бидъат деб диндан бўлмаган нарсани янги пайдо қилишга айтилади. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Ким бизнинг ишимиздан бўлмаган бир ишни қилса, у рад қилинади»*, деганлар.⁽²⁾ Аллоҳга қурбат-яқинлик ҳосил қилиш мақсадида қилинадиган ҳар бир ибодат ва амалга агар Китобу Суннатдан далил бўлмаса, у бидъат саналади. Агар бидъатни қилган одамнинг мақсади шу билан Аллоҳга яқинлик ҳосил қилиш бўлса, у фақат уни Аллоҳдан узоқлаштиради, савоб олиш у ёқда турсин, азобга мустаҳиқ бўлади.

Бидъатлар жуда кўп. Бироқ, ҳар қанча кўп бўлмасин ва ким томонидан пайдо қилинган бўлмасин, уларга иқроп бўлинмайди ва амал ҳам қилинмайди. Мисол тариқасида олсак, мавлидун-набий муносабати билан ўтказиладиган йиғилишлар ҳам бидъат. Бунга Китобдан ҳам, Суннатдан ҳам, хулафои рошидиндан ҳам, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам яхши деб гувоҳлик берган афзал даврлар

(1) Абу Довуд (4607), Термизий (2681), Ибн Можа (42) ривоятлари.

(2) Муслим (1718) ривояти, Бухорий: *«Ким бизнинг бу ишимизда (яъни динимизда) ундан бўлмаган нарсани пайдо қилса, у рад қилинади»* деган лафз билан ривоят қилган (2697).

аҳлидан ҳам бирон далил йўқ. Бу бидъат мазкур даврлардан кейин, жаҳолат ёйилган даврларда пайдо бўлган, уни биринчи бор фотимий шийъалар пайдо қилишган. Сўнг ўзларини аҳли суннага нисбат берган жоҳил кишилар уни яхши ният билан қабул қилишган. Буни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга муҳаббат деб даъво қилишади. Аслида муҳаббат бўйсунуш-эргашиш билан амалга ошади, бидъат чиқариш билан эмас:

(Шеър мазмуни:)

«Аллоҳга осий бўлатуриб яна Унинг муҳаббатини даъво қиласан. Қасамки, бу қабиҳ ўлчовдир. Агар муҳаббатинг рост бўлса эди, Унга итоат қилган бўлардинг. Зеро, ошиқ маъшуқи (истаклари)га бўйин эгади».

Чин муҳаббатнинг белгиси — тобелиқдир. Бидъат чиқариш эса ёмон кўриш белгисидир. Чунки, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бидъатдан огоҳлантирганлар, сиз эса уни пайдо қилиб, ҳаёт бахш этияпсиз. Бунинг маъноси — сиз суннатни ёмон кўрасиз. Суннатни ёмон кўриш дегани Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни ёмон кўриш дегани. Агар яхшилик истасангиз, тавба қилинг, бидъатдан тийилинг. Қайсарлик билан қаттиқ туравериш ўзингизга зиён келтиради.

“Жамоадан ажралиб чиқишдан, ихтилофлашишдан ва бўлиниб кетишдан четланамиз”. Мусулмонлар жамоасининг сўз ва амалларига хилоф бўлган ишлардан четланамиз. Чунки, бу бирдамликни парчалаб, ўзаро адоватни пайдо қилади. Мусулмонлар модомики Қуръон ва Суннат йўлида юрарканлар, ихтилофли сўзлар туфайли уларнинг йўлларини тарк қилмаймиз. Ихтилофлар келтириб чиқариш жоиз эмас. Аллоҳга ҳамдалар бўлсинки, мусулмонлар ҳақни талаб қилдилар. Уларнинг ижмоълари ҳақ: *«Аллоҳ таоло умматимни залолат устида жамламайди»*.⁽¹⁾

(1) Термизий (2172) ривояти.

Бу каби ишларда мустаҳкам туриш, унутилаёзган гап-сўз ва ишларни ковлаштирмаслик, бу ҳақда китоблар ёзиб, одамларни динларида беқарор қилмаслик лозим.

Шузуз — яъни мусулмонлар жамоасига хилоф бўлган ишларда баҳс юритиш умматни адашган ва жоҳил санаш бўлади. Ёки сизнинг илмингиз бутун уммат уламолари илмидан ортиқми, илмда улар етиб бормаган даражаларга етганмисиз?! Жаҳолат кенг ёйилган кейинги асрларда бу каби ишлар кўпинча ўзини олим санаган, аслида олим эмас, саҳиҳ ақида ва фикҳдан дарс олмаган, ўзича ўқиб-ўрганган кишилардан содир бўлмоқда. Ундайлар Аллоҳнинг динига аслида ундан бўлмаган нарсаларни қўшиб юборишади. Бу мусибатдир. Илм ўзбошимчалик дегани эмас, унинг ўзига яраша қонун-қоидалари бор.

۱۵۷. **وَنُحِبُّ أَهْلَ الْعَدْلِ وَالْأَمَانَةِ، وَنُبْغِضُ أَهْلَ الْجَوْرِ
وَالْخِيَانَةِ.**

157. Адолатли ва омонатдор (мўмин)ларни яхши кўрамиз, золим ва хиёнаткорларни ёмон кўрамиз.

Муҳаббат — яъни яхши кўриш қалб амали бўлиб, у икки қисмга бўлинади:

Биринчиси: Табиий муҳаббат. Инсоннинг ўз оиласи, аёли ва болаларига, ёру-дўстларига муҳаббати, шунингдек, ейиш-ичишга бўлган муҳаббати каби. Бу муҳаббат ибодатга доир ишлар ичига кирмайди.

Иккинчиси: Диний муҳаббат. Бу икки хил бўлади:

1) Аллоҳ субҳанаҳу ва таолога бўлган муҳаббат.

Бу — ибодат турларининг энг улуғидир. Бошқа бировни Аллоҳни севганча севиш жоиз эмас. Аллоҳ таоло айтади:

﴿ وَمِنَ النَّاسِ مَن يَتَّخِذُ مِن دُونِ اللَّهِ أَنَدَادًا يُحِبُّوهُمْ كَحُبِّ اللَّهِ ﴾

«Одамлар орасида шундай кимсалар борки, улар ўзгаларни Аллоҳга тенг билиб, уларни Аллоҳни севгандек севадилар» (Бақара: 165). Бу ибодат турларининг энг улуғидан бўлган муҳаббатда ширк келтиришдир. Шунинг учун оят давомида:

﴿ وَالَّذِينَ ءَامَنُوا أَشَدُّ حُبًّا لِلَّهِ ﴾

«Иймонли кишиларнинг Аллоҳга бўлган муҳаббатлари қаттиқроқдир» (Бақара: 165) дейди. Мўминлар фақат Аллоҳни севадилар. Уларнинг Аллоҳга бўлган муҳаббатлари бутпарастларнинг ўз бут-санамларига бўлган муҳаббатларидан кучлидир. Зеро, Аллоҳ муҳаббати дунё тугаши билан тугамасдан, охиратда ҳам давом этади. Бут-санамлар муҳаббати шу дунёнинг ўзида тамом бўлади, охиратда сиғинувчилар билан сиғинилувчилар ўртасида адоват зоҳир бўлади:

﴿ وَإِذَا حُشِرَ النَّاسُ كَانُوا لَهُمْ أَعْدَاءً وَكَانُوا بِعِبَادَتِهِمْ كَافِرِينَ ﴾


«(Қиёмат Кунисида) инсонлар (ҳисоб-китоб учун) тўпланган вақтида ўша (бутлар) уларга (мушрикларга) душман бўлурлар ва уларнинг (Аллоҳни қўйиб, ўзларига) ибодат қилганларини ҳам инкор этурлар» (Ахқоф: 6).

﴿ وَقَالَ إِنَّمَا اتَّخَذْتُم مِّن دُونِ اللَّهِ أَوْثَانًا مَّوَدَّةَ بَيْنِكُمْ فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا ثُمَّ يَوْمَ الْقِيَامَةِ يَكْفُرُ بَعْضُكُم بِبَعْضٍ وَيَلْعَنُ بَعْضُكُم بَعْضًا وَمَأْوَاكُمُ النَّارُ وَمَا لَكُم مِّن نَّاصِرِينَ ﴾


«Иброҳим айтди: «Сизлар фақат ҳаёти дунёдаги ўзаро ошна-оғайнигарчилигингизни кўзлаб, Аллоҳни қўйиб, бутларни ушладинглар. Ҳали қиёмат кунда айримларингиз (яъни пешволарингиз) айримларингиздан (эргашувчилардан) тонади, айримларингиз айримларингизни лаънатлайди. Сизларнинг борар жойингиз дўзахдир. (У жойда) сизлар учун ёрдамчилар йўқдир» (Анкабут: 25).

2) Аллоҳ йўлида ва Аллоҳ учун севиш, муҳаббат қўйиш.

Бу эса Аллоҳ таоло яхши кўрадиган амалларни ва Аллоҳ таоло яхши кўрадиган кишиларни яхши кўриш билан, иймон ва тақво аҳлига муҳаббат қўйиш билан хосил бўлади:



«Албатта Аллоҳ тавба қилувчиларни ва ўзларини мудом пок тутувчиларни севади» (Бақара: 222).



«Албатта Аллоҳ яхшилик қилувчиларни севади» (Бақара: 195).

Сиз ҳам уларни Аллоҳ яхши кўргани учун яхши кўрасиз. Уларнинг энг олдинги сафида малоикалар, пайғамбарлар, авлиёлар, солиҳлар, сўнг барча мўминлар туради.

Бу Аллоҳ йўлидаги муҳаббат бўлиб, иймоннинг энг мустаҳкам халқаларидандир. Ҳадисда келганидек: «Иймоннинг энг мустаҳкам халқаси — Аллоҳ йўлида дўстлашиш ва Аллоҳ йўлида душманлашиш, Аллоҳ йўлида яхши кўриш ва Аллоҳ йўлида ёмон кўришидир»⁽¹⁾.

(1) Табароний «Ал-муъжамул-кабир»да (11537) ривоят қилган.

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «*Ким-да учта нарса бўлса, у иймоннинг ҳаловатини топади: Аллоҳ ва Расули бошқа барча нарсадан кўра суюкли бўлиши, бир кишини яхши кўрса фақат Аллоҳ учун яхши кўриши, куфрга қайтишни ўтга ташланишни ёмон кўргандек ёмон кўриши*»⁽¹⁾.

Сиз Аллоҳнинг дўстларини яхши кўрасиз, чунки уларни Аллоҳ яхши кўради. Аллоҳнинг душманларини ёмон кўрасиз, чунки Аллоҳ уларни ёмон кўради. Демак, сизнинг яхши кўришингиз ва ёмон кўришингиз Аллоҳ учун бўлди, дунё умидида эмас. Банда то Аллоҳ йўлида яхши кўриб, Аллоҳ йўлида ёмон кўрмагунича, Аллоҳ йўлида дўстлашиб, Аллоҳ йўлида душманлашмагунича иймоннинг ҳаловатини топа олмайди.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо айтганлар: «Одамларнинг биродарчиликлари асосан дунё иши устида бўлиб қолди. Бу уларга ҳеч қандай фойда келтирмайди».

Аллоҳ йўлидаги муҳаббат дунё-ю охиратда сақланиб қолади, дунё йўлидаги муҳаббат эса дунёдан ўтиш билан тугаб, охиратда адоватга айланади:

﴿ الأَخْلَاءُ يَوْمَئِذٍ بَعْضُهُمْ لِبَعْضٍ عَدُوٌّ إِلَّا الْمُتَّقِينَ ﴾

«У Кунда дўстлар бир-бирларига душмандир, магар (Аллоҳ йўлида дўстлашган) **тақводор зотларгина** (мангу дўстдирлар)» (Зухруф: 67).

Сиз бир шахсни Аллоҳ учун ёмон кўрасиз, сизга бирон ёмоник қилгани учун эмас, Аллоҳнинг душмани бўлгани учун ёмон кўрасиз. Зотан, Аллоҳ учун яхши кўриб, Аллоҳ учун ёмон кўриш Иброҳим алайҳис-салом миллати-диниدير:

(1) Бухорий (16) ва Муслим (43) ривоятлари.

﴿قَدْ كَانَتْ لَكُمْ أُسْوَةٌ حَسَنَةٌ فِي إِبْرَاهِيمَ وَالَّذِينَ مَعَهُ إِذْ قَالُوا لِقَوْمِهِمْ إِنَّا بُرَءُؤُا مِنْكُمْ وَمِمَّا تَعْبُدُونَ مِنْ دُونِ اللَّهِ كَفَرْنَا بِكُمْ وَبَدَا بَيْنَنَا وَبَيْنَكُمْ الْعَدَاوَةُ وَالْبَغْضَاءُ أَبَدًا حَتَّى تُؤْمِنُوا بِاللَّهِ وَحَدَهُ﴾

«Сизлар учун Иброҳим ва у билан бирга бўлган кишиларда (уларнинг кофирларга қилган муносабатларида) гўзал намуна бордир. Эслангиз, улар ўз қавмларига: «Дарҳақиқат, бизлар сизлардан ва сизлар Аллоҳни қўйиб ибодат қилаётган бутларингиздан безор-миз. Бизлар сизлар (ишониб, ибодат қилаётган бут-санамлар)ни инкор этдик. Токи сизлар ёлғиз Аллоҳга иймон келтиргунларингизча сизлар билан бизнинг ўртамизда адоват ва ёмон кўриш зоҳирдир», дедилар» (Мумтаҳана: 4).

Аллоҳ таоло Ўзининг соясидан ўзга соя бўлмаган кунда Ўз соясида соялантирадиган етти киши ичида «Аллоҳ йўлида дўстлашган, шу йўлда бирлашиб, шу йўлда ажрашадиган икки дўст»⁽¹⁾ ҳам борлигини эсга олинг. Аллоҳ йўлида яхши кўриб, Аллоҳ йўлида ёмон кўриш жуда катта иш. Чунки у ҳақ билан ботил ўртасини ажратишдир:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا إِن تَتَّقُوا اللَّهَ يَجْعَلْ لَكُمْ فُرْقَانًا﴾

«Эй мўминлар, агар Аллоҳдан қўрқсангизлар, сизлар учун ҳақ билан ноҳақни ажратадиган ҳидоят ато қилур» (Анфол: 29). Мўмин кишида ҳақ билан ноҳақни ажратадиган ҳидоят ҳосил бўлади.

Олимлар муҳаббат борасида одамларни уч қисмга ажратадилар:

Биринчи қисм: Ёмон кўришдан асар ҳам бўлмаган соф муҳаббат билан севилиши лозим бўлган кишилар.

(1) Бухорий (660) ва Муслим (1031) ривоятлари.

Улар фаришталар, пайғамбарлар, саҳобалар каби соф иймонли кишилардир.

﴿رَبَّنَا اغْفِرْ لَنَا وَلِإِخْوَانِنَا الَّذِينَ سَبَقُونَا بِالْإِيمَانِ وَلَا تَجْعَلْ فِي قُلُوبِنَا غِلًّا لِلَّذِينَ آمَنُوا﴾

«Парвардигоро, Ўзинг бизларни ва бизлардан илгари иймон билан ўтган зотларни мағфират қилгин ва қалбларимизда иймон келтирган зотлар учун бирон ғилли-ғаш қилмагин». (Ҳашр: 10) Шунингдек, салафи солиҳлар, аҳли сунна вал-жамоа ҳам Аллоҳ ва Расулига итоатлари туфайли ҳақ устида ва соф ақидада бўлганлари боис шу қисмга кирадилар.

Иккинчи қисм: Заррача муҳаббат аралашмаган тўла нафрат билан ёмон кўрилиши лозим бўлган кишилар. Улар Аллоҳнинг душманлари бўлган кофирлардир.

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تَتَّخِذُوا عَدُوِّي وَعَدُوَّكُمْ أَوْلِيَاءَ﴾

«Эй мўминлар, Менинг душманим ва сизларнинг душманларингиз (бўлган мушриклар)ни дўст тутманглар!» (Мумтаҳана: 1). Яъни, уларни севиладиган, ёрдам бериладиган, дўст тутиладиган дўстлар қилиб олманглар! Чунки, улар Аллоҳнинг душманларидир.

﴿لَا تَتَّخِذْ قَوْمًا يُمُونُوكَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ يُوَادُّونَ مَنْ حَادَّ اللَّهَ وَرَسُولَهُ، وَلَوْ كَانُوا آبَاءَهُمْ أَوْ أَبْنَاءَهُمْ أَوْ إِخْوَانَهُمْ أَوْ عَشِيرَتَهُمْ أُولَئِكَ كَتَبَ فِي قُلُوبِهِمُ الْإِيمَانَ وَأَيَّدَهُمْ بِرُوحٍ مِّنْهُ وَيُدْخِلُهُمْ جَنَّاتٍ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ خَالِدِينَ فِيهَا﴾

«Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирадиган қавмнинг Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига мухо-

лифлик қилган кимсалар билан — гарчи улар ўзларининг оталари, ёки ўғиллари, ёки оға-инилари, ёки қариндош-уруғлари бўлсалар-да — дўстлашаётганларини топмасиз. Ана ўшаларнинг дилларига (Аллоҳ) иймонни битиб қўйгандир ва уларни Ўз томонидан бўлган руҳ билан қувватлантиргандир. У зот уларни остидан дарёлар оқиб турадиган, улар мангу қоладиган жаннатларга киритур» (Мужодала: 22). Бу ердаги руҳдан мурад — иймон қувватиدير.

Учинчи қисм: Ҳам яхши кўриладиган, ҳам ёмон кўриладиган кишилар. Улар осий мўминлар бўлиб, бир тарафлама яхши кўриладилар, бир тарафлама ёмон кўриладилар. Уларни тоат-ибодат ва яхшиликлари бўлгани учун яхши кўрасиз, гуноҳу маъсият ва фисқу фужурлари учун ёмон кўрасиз.

Муҳаббат мавзуси огоҳланиш ва яхши билиш лозим бўлган катта мавзу. Чунки, бунинг ақида ва дин ишларида катта таъсири бор. Инсон деган кимни яхши кўришни ва кимни ёмон кўришни билмайдиган ланж бўлмаслиги, балки муҳаббат ва нафратни Аллоҳнинг дўстлари билан шайтоннинг дўстларини ажратадиган тарози қилиб олиши лозим. Дунёвий манфаат ва ҳавойи нафсни тарози қилмасинки, у ҳолда хоҳишига мувофиқ келган ва дунёвий жиҳатдан фойдаси теккан одамни — у ҳар қанча фосиқ ва кофир бўлмасин — яхши кўрадиган, дунёвий манфаати тегмайдиган одамни — ҳар қанча яхши одам бўлмасин — ёмон кўрадиган бўлиб қолади. Бундай қилиш асло ярамайди.

۱۵۸. وَنَقُولُ: اللَّهُ أَعْلَمُ، فِيمَا اشْتَبَهَ عَلَيْنَا عِلْمُهُ.

158. Тушунолмаётган қолган нарсаларимиз ечимини (Аллоҳга ҳавола қилиб) Аллоҳ билувчироқ деймиз.

Бу — яъни илм масаласи ҳам катта масалалардан. Инсон ўзи билмаган нарсани гапирмаслиги, билса гапириб, билмаса сукут сақлаши, хусусан дин ва ибодат ишларида илмсиз гапирмаслиги, билмаган нарсаси ҳақида «Аллоҳ билувчироқ» дейиши лозим.

Бир одам Дорул-ҳижранинг имоми бўлмиш Имом Молик раҳимаҳуллоҳ ҳузурларига Ироқдан йўл босиб келди ва у зотдан 40та масала сўради. Шулардан фақат 4 та масалага жавоб айтиб, қолганларига билмайман, деб узр айтдилар. Ҳалиги одам: «Мен узоқ йўл юриб фалон ердан сизнинг ҳузурингизга келсам-у, сиз «билмайман», дейсиз» деди. Шунда имом Молик раҳимаҳуллоҳ айтдилар: «Туянгни миниб юртингга бор ва одамларга: «Молик ибн Анаснинг илми йўқ экан, билмайман деди» деб айтгин».

Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан бирон нарсаси ҳақида сўралса-ю, у ҳақда ваҳий тушмаган бўлса, то ваҳий келгунича кутиб турардилар. Шунга ўхшаш, саҳобалар ҳам агар Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам улардан билмайдиган нарсалари ҳақида сўрасалар: «Аллоҳ ва Расули билувчироқ» деб жавоб беришар, таҳмин билан жавоб айтишмас эди. Аллоҳ азза ва жалла Унинг шаънида илмсиз гап айтишни Ўзига ширк келтиришдан ҳам юқори даражага қўйган:

﴿ قُلْ إِنَّمَا حَرَّمَ رَبِّيَ الْفَوَاحِشَ مَا ظَهَرَ مِنْهَا وَمَا بَطَّنَ ۖ وَالْإِثْمَ ۖ وَالْبَغْيَ ۖ بَٰغِيٍّ ۖ الْحَقِّ ۖ وَإِن تَشْرِكُوا بِإِلَٰهِ مَا لَمْ يُنَزِّلْ بِهِ سُلْطٰنًا ۖ وَإِن تَقُولُوا عَلَىٰ ٱللَّهِ مَا لَا تَعْمٰوُنَ ۖ﴾



«Айтинг: Парвардигорим фақатгина ошкор ва яширин бузуқликларни, (барча) гуноҳ ишларни, ноҳақ зулм қилишни ва Аллоҳга (шерик эканлигига) ҳеч қандай ҳужжат туширмаган нарсаларни Унга шерик

қилиб олишингизни ҳамда Аллоҳ шаънига билмайдиган нарсаларни гапиришингизни ҳаром қилган» (Аъроф: 33),

﴿وَلَا تَقْفُ مَا لَيْسَ لَكَ بِهِ عِلْمٌ إِنَّ السَّمْعَ وَالْبَصَرَ وَالْفُؤَادَ كُلُّ أُولَٰئِكَ كَانَ عَنْهُ مَسْئُولًا﴾
﴿ ۳۶ ﴾

«(Эй инсон), ўзинг аниқ билмаган нарсага эргашма! Чунки қулоқ, кўз, дил — буларнинг барчаси тўғрисида (ҳар бир инсон) масъул бўлур (яъни, эшитган, кўрган ишонган ҳар бир нарсаси учун киши Қиёмат кунида жавоб беради)» (Исро: 36).

Шундай экан, билмаган нарсангизни билмайман деб айтишдан хижолат бўлманг, шариат аҳкомлари хусусида тахминларингизни четга қўйинг. Билмаган нарсангизни билмайман дейишингиз сиз учун нуқсон эмас, аксинча, фазилат ҳисобланади. Чунки, бу парҳез ва тақвонинг белгисидир. Одамлар бунинг учун сизни мақташади.

Олимликка нисбати бериладиган кўп кишилар — хусусан, фақиҳ олимлар камайиб, қорилар кўпайган ҳозирги замонда — оммавий ахборот воситаларида шариат аҳкомлари тўғрисида билимсизлик билан фатволар бериб, ҳукмлар чиқаришади. Бироқ, Аллоҳнинг фазли билан одамларга уларнинг жоҳилликлари очилиб ҳам қолди, Аллоҳ таолонинг Ўзи уларни шарманда қилди. Агар ўшалар ўзларини тортиб, билмаган нарсалари ҳақида гапиришдан тийилишганда ва парҳез қилишганда эди, бу улар учун Аллоҳ олдида ҳам, одамлар олдида ҳам яхшироқ бўлган бўларди.

١٥٩. وَنَرَى الْمَسْحَ عَلَى الْخُفَيْنِ، فِي السَّفَرِ وَالْحَضَرِ، كَمَا
جَاءَ فِي الْأَثَرِ.

159. Ривоятларда келганидек, сафарда ҳам, муқимликда ҳам маҳсига масҳ тортишни жоиз, деймиз.

Нега бу масала фикҳий масала бўлгани ҳолда ақида масалалари ичида келди?

Чунки, бу бидъатчилар инкор қилган ва аҳли сунна вал-жамоа исбот қилган масаладир. Маҳсига масҳ тортиш ҳақида Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан мутавотир ҳадислар келган.

Маҳсига масҳ тортишни инкор қилувчи тоифаларнинг энг машҳури рофизийлар (шиалар)дир. Улар бу борада аҳли сунна вал-жамоага ва саҳиҳ ҳадисларга мухолиф бўладилар. Масҳ тортиш муқимга бир кеча-кундуз, мусофирга эса уч кеча-кундуз қилиб белгиланган бўлиб, бу Аллоҳ таоло тарафидан бандаларига берилган енгиллик ва рухсатдир.

Рофизийлар маҳсига масҳ тортишни инкор қилиб, яланғоч оёқнинг ўзига масҳ тортилади, дейишади. Бу жиддий хато, оёқнинг ўзига масҳ тортилади, деган гап йўқ. Ким ҳақни тарк қилса Аллоҳ таоло уни ботилга мубтало қилиб қўяди.

Рофизийлар бу даъволарига Аллоҳ таолонинг:

﴿وَأَمْسَحُوا بِرُءُوسِكُمْ وَأَرْجُلِكُمْ إِلَى الْكَعْبَيْنِ﴾

«Бошларингизга масҳ тортингиз ва оёқларингизни ошиқларигача ювингиз» (Моида: 6) оятидаги «أَرْجُلِكُمْ» калимасининг «лом»ини касралик қилиб (яъни, «и» билан) «أَرْجُلِكُمْ» деб қироат қилишни далил қилишади ва «бошларингизга ва оёқларингизга масҳ тортингиз» деб маъно беришади. Улар «каъб» деб қадамнинг товонга қўшилган жойини айтишади.

Аҳли сунна вал-жамоа фикрича, «каъб»дан мурод — болдирнинг қуйи қисмида, болдирнинг қадамга қўшилган еридаги туртиб чиққан иккита суяқдир. Оёқнинг ўзига

масҳ тортиш нотўғри. Чунки, машҳур қироат «*أَزْجَلِكُمْ*» деб фатҳа (яъни «а») билан ўқишдир ва бунда оёқларни таҳоратда ювиладиган аъзолар бўлмиш қўл ва юзга атф қилиниб (боғланиб) уларни ҳам ювишга буюрилганлиги келиб чиқади. Фақат таҳоратнинг тартиби юзасидан ўртага бошга масҳ тортишга буюриш кириб қолган. Агар шундай бўлмаганда, яъни ювиладиган аъзоларни биринкетин келтириб, сўнг бошни зикр қилинганда, оёқларни ювгандан кейин бошга масҳ тортилади, деб тушунилиб қолиши мумкин эди.

Аслида, «*أَزْجَلِكُمْ*» деб «лом»ни касралаи ўқиш қироати ҳам саҳиҳ. Лекин, бунга тўртта жавоб айтилган.

1) Бундаги касралаи ўқиш мужовара (яъни, ёнидаги га ҳамоҳанг қилиш) турига киради. Бу араб тилида бор бўлган қоидалардан бўлиб, тилга енгил ўқилиши учун ёнидаги калимага ҳамоҳанг ҳаракат берилади.

2) «Масҳ»ни ювиш маъносида ҳам ишлатилади. Ювинганликни ифодалаш учун «сув билан масҳ қилдим» ҳам дейилади.

3) Икки қироатдан машҳурроғи фатҳали ўқилишидир.

4) Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг таҳоратлари ҳақида ривоят қилинган саҳиҳ ҳадисларда у киши оёқларини ювганликлари зикр қилинган. Биронта ҳадисда — заиф ҳадис бўлса ҳам — у зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам яланғоч оёқларига масҳ тортганликлари ривоят қилинмаган. Бу у зотнинг асҳобларидан ҳам собит бўлмаган. Аксинча, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир кишининг оёғида озгина сув тегмай қолган жойни кўриб, уни қайта таҳорат қилишга буюрганлар, бепарволик сабабли оёқларини чала-чулпа ювган кишиларга хитобан: «(сув тегмаган) *тўпиқ орқаларига дўзахнинг ўти бўлсин*», деганлар.⁽¹⁾

(1) Бухорий (60, 96, 163) ва Муслим (241) ривоятлари.

١٦٠. وَالْحَجُّ وَالْجِهَادُ مَاضِيَانِ مَعَ أَوْلِي الْأَمْرِ مِنَ الْمُسْلِمِينَ:
بَرَّهْمَ وَفَاجِرِهِمْ، إِلَى قِيَامِ السَّاعَةِ، لَا يُبْطَلُهُمَا شَيْءٌ وَلَا
يُنْقِضُهُمَا.

160. Ҳаж ва жиҳод мусулмонлардан бўлган солиҳу фожир раҳбарлар бошчилигида то қиёматга қадар давом этади. Бу икки ибодатни ҳеч қандай сабаб бекор қилолмайди.

Имомлар — яъни амирлар ва бошлиқлар яхши бўладими, ёмон бўладими, улар орқасида намоз ўқиш ҳақида юқорида айтиб ўтилди. Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг буйруқларига бўйсуниб, уларнинг орқаларида намоз ўқиймиз, чунки у зот уларга итоат қилишга ва муҳолиф бўлмаслика буюрганлар. Саҳобалар розияллоҳу анҳум Ҳажжож ва шу каби амирлар ортида — гарчи улар айрим гуноҳи кабираларни қилсалар ҳам — намоз ўқирдилар. Сабаб — мусулмонларнинг бирлигини сақлаб қолиш бўлиб, бу хавориж ва муътазилаларга хилоф ўлароқ аҳли сунна вал-жамоанинг мазҳабидир.

Йилда бир бор умумий суратда ҳаж ибодатини адо қилиш мусулмонлар зиммасида фарздир. Аммо якка шахслар учун умрда бир бор ҳаж қилиш кифоя, ортиқчаси нафл — ихтиёрий. Мусулмонларнинг имоми — амири ҳажни бошқаради. У арафа кунини эълон қилади, Арафотда ҳожилар билан туради, Муздалифага тушади ва ҳоказо барча маросимларда унга эргашадилар, хоҳ ўзи қатнашсин, хоҳ бир кишини вакил қилган бўлсин, фарқсиз. Ҳамма иш тартиб билан амалга ошади.

Аҳли сунна вал-жамоа имом-бошлиқлари билан бирга ҳаж қиладилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва

саллам айтганлар: «Рўза — одамлар рўза тутган кун, қурбонлик — одамлар қурбонлик қилган кундир».⁽¹⁾

Яъни, ой кўринганига иттифоқ бўлса Ислом уммати ҳамма бир кунда рўза тутади, ҳаммаси бирга ҳаж қилади, ийдни бир кунда ўқийди. Жамланиш аҳли суннанинг белгиларидан, бўлиниш эса бидъат ва залолат аҳлининг белгиларидан.

Жиҳоддан мурод — кофирларга, боғий-тажовузкор мусулмонларга, хаворижларга қарши жанг қилишдир. Мусулмонларнинг халифаси-раҳбари билан бирга жангга чиқамиз, боғийларга тажовузлари сабабли жанг қиламиз, куйфрлари сабабли эмас:

﴿وَأِنْ طَآئِفَتَانِ مِنَ الْمُؤْمِنِينَ فَاصِلَوْا فَأَصْلِحُوا بَيْنَهُمَا فَإِنْ بَغَت إِحْدَاهُمَا عَلَى الْآخَرَى فَقْتَلُوا الَّتِي تَبَغَى حَتَّى تَفِىءَ إِلَى أَمْرِ اللَّهِ﴾

«(Эй мўминлар), агар мўминлардан бўлган икки тоифа (бир-бирлари билан) урушиб қолсалар дарҳол уларнинг ўртасини ўнглаб қўйинглар! Энди агар улардан бирови иккинчисининг устига тажовуз қилса, бас то (тажовузкор тоифа) Аллоҳнинг амрига қайтгунича сизлар тажовуз қилган (тоифа) билан урушинглар!» (Ҳужурот: 9).

Кофирларга қарши уруш тавҳидни ёйиш ва ширкни йўқотиш учун бўлади.

Кофирларга қарши жанг икки турлидир:

Биринчи тур: мудофаа жанги. Бу мусулмонлар заиф бўлган ҳолатга хос бўлиб, душман уларнинг диёрига бостириб кирганида унга қарши жангга чиқиш вожиб бўлади, қурол кўтаришга кучи етганки мусулмон душ-

(1) Термизий (696), Абу Довуд шунга яқин лафз билан (2324), Ибн Можа (1660) ривоятлари, Термизий: «ҳасан, ғариб ҳадис» деган.

манни ўз еридан қувиб чиқариш учун жангга отланиши шарт бўлади.

Иккинчи тур: талаб жанги. Бу мусулмонлар куч-қудратга эга бўлган ҳолатдаги жангдир. Унда улар душман диёрига бориб, уларни Аллоҳга даъват қиладилар. Даъват йўлига тўғаноқ бўлганларга қарши, Аллоҳнинг калимасини олий қилиш мақсадида жанг қиладилар:

﴿ وَقَاتِلُوهُمْ حَتَّى لَا تَكُونَ فِتْنَةٌ وَيَكُونَ الدِّينُ كَلَهُ لِلَّهِ ﴾

«То (дунёда) ширк (Аллоҳнинг йўлидан тўсиш) қолмай, бутун дин фақат Аллоҳ учун бўлгунга қадар улар билан жанг қилинглар!» (Анфол: 39).

Ибнул Қаййим раҳимаҳуллоҳ жиҳод бир неча босқични босиб ўтганини зикр қилади:

Биринчи босқич: Жиҳоддан қайтарилган босқич. Бу босқичда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва мусулмонлар Маккада бўлишиб, жиҳоддан тийилишга, намозни барпо қилиб, закотни ўташга буюрилган эдилар:

﴿ أَلَمْ تَرَ إِلَى الَّذِينَ قِيلَ لَهُمْ كُفُّوا أَيْدِيَكُمْ وَأَقِيمُوا الصَّلَاةَ وَآتُوا الزَّكَاةَ ﴾

«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), мана бу кимсаларни кўрмадингизмики, уларга (илгари Маккада турган пайтларида кофирларга қарши жанг қилишга талабгор бўлганларида) “Ўзингизни босинг ва намозингизни ўқиб, закотингизни адо этиб туринглар”, дейилган эди» (Нисо: 77). Чунки, у пайтда мусулмонларнинг жанг қилишга имкон берадиган куч-қудратлари ҳам, давлатлари ҳам бўлмаган эди. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло пайғамбарини кофирларнинг озорларига сабр қилишга, кечиришга ва қулай фурсатлар келишини кутишга буюрган эди. Кимда-ким ўша босқичда жанг қилса, Аллоҳ ва Расулига осий бўлган бўларди.

Чунки ўша ҳолатда жангга кириш мусулмонларга ва даъватга зарар етказар, кофирларнинг мусулмонлар устидан тўла ҳукмрон бўлишларига олиб келар эди.

Иккинчи босқич: Набий соллалоҳу алайҳи ва саллам Мадинага ҳижрат қилиб, Ислому давлати барпо бўлгач, у кишига жанг қилишга изн берилди, бироқ жангга буюрилмадилар:

﴿أَذِنَ لِلَّذِينَ يُقْتَلُونَ بِأَنَّهُمْ ظَلَمُوا وَإِنَّ اللَّهَ عَلَىٰ نَصْرِهِمْ لَقَدِيرٌ ﴿٣٩﴾
 الَّذِينَ أُخْرِجُوا مِنْ دِيَارِهِمْ بِغَيْرِ حَقٍّ إِلَّا أَنْ يَقُولُوا رَبُّنَا اللَّهُ وَلَوْلَا دَفْعُ
 اللَّهِ النَّاسَ بَعْضَهُمْ بِبَعْضٍ هَادَمَتْ صَوَامِعُ وَبِيَعٌ وَصَلَوَاتٌ وَمَسَاجِدٌ يُذَكَّرُ
 فِيهَا أَسْمُ اللَّهِ كَثِيرًا وَلَيَنْصُرَنَّ اللَّهُ مَنْ يَنْصُرُهُ ۗ إِنَّ اللَّهَ لَقَوِيٌّ
 عَزِيزٌ ﴿٤٠﴾﴾

«Хужумга учраётган зотларга мазлум бўлганлари сабабли (жанг қилиш) изни берилди. Албатта Аллоҳ уларни ғолиб қилишга қодирдир. Улар ўз диёрларидан фақатгина «Бизнинг Парвардигоримиз (ягона) Аллоҳдир», деганлари учун қувилган зотлардир. Агар Аллоҳ одамларнинг айримларини айримлари билан дафъ қилиб турмас экан, шубҳасиз Аллоҳ номи кўп зикр қилинадиган (роҳибларнинг) узлатгоҳлари, (насронийларнинг) черковлари, (яхудийларнинг) ибодатхоналари ва (мусулмонларнинг) масжидлари вайрон қилинган бўлур эди. Албатта Аллоҳ Ўзига (яъни динига) ёрдам берадиган зотларни ғолиб қилур. Шубҳасиз Аллоҳ кучли, қудратлидир» (Ҳаж: 39, 40). Уларга буйруқсиз, фақат изн берилди. Бу уларни (келгуси босқичга) ҳозирлаш босқичи эди. Зеро, Аллоҳ таоло машаққатли ишларни қалбларга оғирлик қилмаслиги учун аста-секинлик билан машруъ қилар эди.

Учинчи босқич: Мусулмонлар ўзларига уруш очган кишиларга қарши жанг қилишга, урушга кирмаган кишилардан тийилишга буюрилдилар:

﴿ وَفَتِلُوا فِي سَبِيلِ اللَّهِ الَّذِينَ يُقْتَلُونَكُمْ وَلَا تَعْتَدُوا إِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ الْمُعْتَدِينَ ﴾ (110)

«Сизларга қарши урушувчилар билан Аллоҳ йўлида жанг қилингиз ва тажовузкор бўлмангиз! Шубҳасиз, Аллоҳ тажовузкорларни севмайди» (Бақара: 190). Буни мудофаа жанги дейилади.

Тўртинчи босқич: Мусулмонлар куч-қудратга ва шон-шавкатга эга бўлгач ва уларнинг давлатлари пайдо бўлгач, мутлақ жанг қилишга буюрилдилар:

﴿ فَإِذَا أَسْلَخَ الْأَشْهُرَ الْحُرْمَ فَاقْتُلُوا الْمُشْرِكِينَ حَيْثُ وَجَدْتُمُوهُمْ وَخُذُوهُمْ وَأَحْضُرُوهُمْ وَأَقْعُدُوا لَهُمْ كُلَّ مَرْصَدٍ ﴾

«Бас, қачон уруш ҳаром қилинган ойлар чиқса, мушрикларни топган жойингизда ўлдирингиз, (асир) олингиз, қамал қилингиз ва барча йўлларда уларни кузатиб турингиз!» (Тавба: 5),

﴿ وَقَاتِلُوهُمْ حَتَّى لَا تَكُونَ فِتْنَةٌ وَيَكُونَ الدِّينُ كُلَّهُ لِلَّهِ ﴾

«То (дунёда) бирон фитна-ширк қолмай, бутун дин фақат Аллоҳ учун бўлгунга қадар улар билан жанг қилинглар!» (Анфол: 39).

Мусулмонлар кучга тўлиб, жангга ҳозирликлари етилгач, Аллоҳ таоло уларни мутлақ жангга, жиҳод қилишга амр этди. Шундан сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жангга кира бошладилар, Бадр, Уҳуд, Хандақ ва бошқа ғазотлар бўлиб ўтди. Макка фатҳ қилинган,

одамлар Аллоҳнинг динига гуруҳ-гуруҳ бўлиб кирдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам вафот этганларидан сўнг диндан қайтиш — муртадлик зоҳир бўлганда Абу Бакр розияллоҳу анҳу муртадларга қарши жанг қилдилар. Улардан фориг бўлгач, кофирларга қарши урушлар олиб бордилар. Форс ва Рум империяларига қарши уруш олиб бориш учун лашкарлар юбордилар. Сўнг Умар розияллоҳу анҳунинг халифалик даврида фатҳлар бир-бирига уланиб кетди, у киши Кисро ва Қайсарнинг давлатларига узил-кесил барҳам бердилар. Дин ёйилиб, мусулмонлар машириқу мағрибга ҳукмрон бўлдилар. Исломдаги жиҳод шудир.

Жиҳодга ким сафарбар этади ва уни ким бошқаради, деган саволга албатта, халифа-рахбар, деб жавоб берамиз. Биз имомга эргашамиз, у буюрса ғазотга чиқамиз. Имомнинг изнисиз жанг қилмаймиз, бундай қилиш жоиз эмас. Чунки, бу имомнинг салоҳият доирасига киради:

﴿يَأْتِيهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا مَا لَكُمْ إِذَا قِيلَ لَكُمْ أَنْفِرُوا فِي سَبِيلِ اللَّهِ أَنَا قَاتِلُهُ إِلَى الْأَرْضِ ۗ﴾

«Эй мўминлар, сизларга нима бўлдики, Аллоҳ йўлида (жиҳодга) **чиқинглар, дейилса, ўз ерингизга** (яъни, юртингизга) **ёпишиб олдингиз?!**» (Тавба: 38).

Имом агар одамларни урушга сафарбар қилса, қурол кўтаришга кучи етган ҳар бир кишига жангга чиқиш вожиб бўлади. Ҳаж ва жиҳодни амалга ошираётган имом учун гуноҳдан холи бўлиш шарт қилинмайди. Эҳтимол, у айрим маъсиятларга гирифтор бўлган чиқар, бироқ модомики Исломдан чиқиб кетмаган бўлса, у билан бирга жиҳод ва ҳажни адо қилиш фарз бўлади. Унинг яхшилиги ва куч-қудрати мусулмонлар фойдасига, гуноҳи ва бузуқлиги ўзига, унинг қўл остида қилинган жиҳод ва

ҳаж албатта мусулмонларнинг фойдасидир. Намоз ҳам худди шундай. Агар тўғри ўқиса у билан биргамиз, хато ўқиса гуноҳи бизга тегмайди. Лекин унинг итоатидан чиқиб кетмаймиз. Аҳли сунна вал-жамоанинг мазҳаби шудир. Мусулмонларнинг манфаатлари шунга барпо бўлади.

Бидъат ва залолат аҳли бўлмиш хаворижлар эса волий-рахбарларга қарши бош кўтариш керак, дейишади. Биз бундай йўллардан покмиз.

۱۶۱. وَنُؤْمِنُ بِالْكَرَامِ الْكَاتِبِينَ، فَإِنَّ اللَّهَ قَدْ جَعَلَهُمْ عَلَيْنَا حَافِظِينَ.

161. (Амалларимизни) ёзувчи улуғ фаришталарга иймон келтирамиз. Аллоҳ Таоло уларни бизга амалларимизни ёзиб сақлаб турувчи қилиб қўйгандир.

Фаришталарга иймон келтириш иймон рукнларидан биридир. Улар ҳақида Қуръонда айтилади:

﴿لَيْسَ الْبِرَّ أَنْ تُولُوا وُجُوهَكُمْ قِبَلَ الْمَشْرِقِ وَالْمَغْرِبِ وَلَكِنَّ الْبِرَّ مَنْ ءَامَنَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ وَالْمَلَائِكَةِ وَالْكِتَابِ وَالنَّبِيِّنَ وَءَاتَى الْمَالَ عَلَى حُبِّهِ ذَوِي الْقُرْبَىٰ وَأَيْتَمَىٰ وَالْمَسْكِينِ وَابْنَ السَّبِيلِ وَالسَّائِلِينَ وَفِي الرِّقَابِ وَأَقَامَ الصَّلَاةَ وَءَاتَى الزَّكَاةَ وَالْمُؤْتُونَ بِعَهْدِهِمْ إِذَا عَاهَدُوا وَالصَّابِرِينَ فِي الْبَأْسَاءِ وَالضَّرَّاءِ وَحِينَ الْبَأْسِ أُولَئِكَ الَّذِينَ صَدَقُوا وَأُولَئِكَ هُمُ الْمُتَّقُونَ﴾

«Юзларингизни Машриқ ва Мағриб томонларига бураверишингиз яхшилик эмас, балки Аллоҳга, охират

қунига, фаришталарга, китобларга, пайғамбарларга иймон келтирган... кишилар яхши (лик қилган) кишилардир» (Бақара: 177).

﴿ءَامَنَ الرَّسُولُ بِمَا أُنزِلَ إِلَيْهِ مِنْ رَبِّهِ ۚ وَالْمُؤْمِنُونَ كُلٌّ ءَامَنَ بِاللَّهِ وَمَلَائِكَتِهِ
وَكُتُبِهِ ۖ وَرُسُلِهِ ۚ لَا نُفَرِّقُ بَيْنَ أَحَدٍ مِنْ رُسُلِهِ ۗ﴾

«Пайғамбар ўзига Парвардигоридан нозил қилинган нарсага иймон келтирди ва мўминлар (ҳам иймон келтирдилар). Аллоҳга, фаришталарига, китобларига ва пайғамбарларига иймон келтирган ҳар бир киши (айтди): Унинг пайғамбарларидан бирон кишини ажратиб қўймаймиз» (Бақара: 285).

Биз фаришталарнинг борлигига, улар Аллоҳнинг мавжудотларидан бир тури эканига, улар ғайб оламидан эканига иймон келтирамиз. Биз уларни кўрмаймиз, Аллоҳ уларни нурдан яратган⁽¹⁾ ва ўзларига хос ишларга вакил қилган. Улар ўзларига топширилган ишни сидқидилдан адо этадилар, шу билан бирга улар Аллоҳ таолога узлуксиз ибодатда бўладилар:

﴿يَسْبَحُونَ اللَّيْلَ وَالنَّهَارَ لَا يَفْتُرُونَ﴾

«Улар туну кун сусткашлик қилмасдан (Аллоҳга) тасбех айтадилар» (Анбиё: 20),

﴿بَلْ عِبَادٌ مُكْرَمُونَ ﴿٢٦﴾ لَا يَسْفُقُونَهُ بِالْقَوْلِ وَهُمْ بِأَمْرِهِ
يَعْمَلُونَ ﴿٢٧﴾﴾

(1) Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Фаришталар нурдан яратилган, жин-иблис эса аланга-оловдан яратилган, Одам эса сизларга васф қилинган нарсдан яратилган» (Муслим (2996) ривояти).

«(Фаришталар) улуғ бандалардир. Улар У зотдан илгари бирон сўз айтмайдилар (яъни Аллоҳ буюрмаган бирон ишни қилмайдилар), Улар (Аллоҳнинг) амри фармони билангина амал қилурлар» (Анбиё: 26, 27).

Улар вазифаларига кўра бир неча турга бўлинадилар. Жумладан, улар ичида одамзотнинг амалларини ёзиб туриш ва уларни асраш вазифаси топширилган фаришталар бор бўлиб, ҳар бир банда билан бирга тўртта фаришта кечаю кундуз бирга бўлади ва уни сақлаб-ҳимоя қилиб юради. Улардан иккитаси амалларни ёзувчи фаришталардир. Биттаси ўнг томонида туриб, яхши амалларини ёзиб туради, иккинчиси чап томонида туриб, ёмон амалларини ёзиб туради:

﴿ مَا يَلْفِظُ مِنْ قَوْلٍ إِلَّا لَدَيْهِ رَقِيبٌ عَتِيدٌ ﴾

«У бирон сўзни талаффуз қилмас, магар (талаффуз қилса) унинг олдида ҳозиру нозир бўлган бир кузатувчи (фаришта у сўзни ёзиб олур)» (Қоф: 18). Яна икки фаришта то у тирик экан, бири олдидан, иккинчиси орқасидан уни ҳимоя қилиб юрадилар:

﴿ لَهُ مُعَقَّبَاتٌ مِنْ بَيْنِ يَدَيْهِ وَمِنْ خَلْفِهِ يَحْفَظُونَهُ مِنْ أَمْرِ اللَّهِ ﴾

«Унинг (яъни ҳар инсоннинг) олдида ҳам, ортида ҳам таъқиб қилувчи (фаришталар) бўлиб, улар Аллоҳнинг амри билан уни сақлаб-муҳофаза қилиб турурлар» (Раъд: 11). У икки фаришта уни ҳар хил тажовуз ва хавфхатарлардан асраб юрадилар, ажали етгач ундан ажраладилар, сўнг унга Аллоҳ битган нарса етади. Биз бунга иймон келтирамиз ва шу иймонимиз боис ёмон гап-сўзлар ва ярамас ишлар қилишдан ўша фаришталардан ҳаё қиламиз.

١٦٢. وَتُؤْمِنُ بِمَلِكِ الْمَوْتِ الْمُوَكَّلِ بِقَبْضِ أَرْوَاحِ الْعَالَمِينَ.

162. Барча жонзотларнинг жонини олишга вакил қилинган Малакул-мавт (ўлим фариштаси)га иймон келтирамиз.

Аллоҳ таоло айтади:

﴿ وَهُوَ الْقَاهِرُ فَوْقَ عِبَادِهِ ۗ وَيُرْسِلُ عَلَيْكُمْ حَفَظَةً حَتَّىٰ إِذَا جَاءَ أَحَدَكُمُ الْمَوْتُ تَوَفَّتْهُ رُسُلُنَا وَهُمْ لَا يُفِرُّونَ ۗ ﴾ ﴿١١﴾

«У бандалари устида ғалиб бўлган зотдир. Устингизга (қилган амалларингизни) ёдлаб олувчи фаришталарни элчи қилиб юборур. Қачонки бировингизга ўлим келса, элчиларимиз сусткашлик қилмаган ҳолларида унинг жонини олурлар» (Анъом: 61). Яъни, фаришталардан бўлган элчилари унинг жонини оладилар. Элчилар гоҳо фаришталардан, гоҳо инсонлардан бўлади:

﴿ اللَّهُ يَصْطَفِي مِنَ الْمَلَائِكَةِ رُسُلًا وَمِنَ النَّاسِ ۗ ﴾

«Аллоҳ фаришталардан ҳам элчилар танлар, инсонлардан ҳам» (Ҳаж: 75),

﴿ وَلَوْ تَرَىٰ إِذْ يَتَوَفَّى الَّذِينَ كَفَرُوا الْمَلَائِكَةُ يَضْرِبُونَ وُجُوهَهُمْ وَأَدْبَرَهُمْ وَذُوقُوا عَذَابَ الْحَرِيقِ ۗ ﴾ ﴿٥٠﴾

«Агар фаришталар кофир кимсаларнинг юз ва кетларига уриб жонларини олаётган ва: «Дўзах азобини тотингиз! Бунга сабаб ўзларингиз қилган амалларингиздир, зеро Аллоҳ ҳаргиз бандаларига зулм қилувчи эмасдир», деяётган пайтини кўрсангиз эди» (Анфол: 50), бошқа бир оятда:

﴿ قُلْ يَتُوفَّكُم مَّلَكُ الْمَوْتِ الَّذِي نُكِّلَ بِكُمْ ثُمَّ إِلَىٰ رَبِّكُمْ تُرْجَعُونَ ۗ ﴾ ﴿١١﴾

«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), **айтинг: Сизларга вакил қилинган ўлим фариштаси жонларингизни олур, сўнгра Парвардигорингизга қайтарилурсизлар**» (Сажда: 11).

Баъзи оятларда жон олишни фаришталарга, баъзи оятларда эса битта фариштага нисбат берилади. Бу эса жон олғувчи фаришталарнинг Малакул-мавт номли бошлиқлари борлигига далолат қилади.

Ўлимнинг ҳақлиги масаласида ҳеч ким тортишмайди. Аммо, ўлим фариштаси ва унинг ёрдамчилари борлигини айримлар инкор қилишади. Фаришталарга иймон келтириш ислом ва иймоннинг Китобу Суннат билан собит бўлган асосларидандир. Ким умуман фаришталарни инкор қилса ёки хоссатан қайсидир бир фариштани инкор қилса, кофир бўлади, чунки у иймоннинг бир рукнини инкор қилган бўлади.

۱۶۳. **وَبِعَذَابِ الْقَبْرِ لِمَنْ كَانَ لَهُ أَهْلًا، وَسُؤَالِ مُنْكَرٍ وَنَكِيرٍ فِي قَبْرِهِ عَنِ رَبِّهِ وَدِينِهِ وَنَبِيِّهِ، عَلَى مَا جَاءَتْ بِهِ الْأَخْبَارُ عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، وَعَنِ الصَّحَابَةِ رِضْوَانُ اللَّهِ عَلَيْهِمُ.**


163. Қабр азобига лойиқ бандалар учун қабрда азоб борлигига ҳамда ҳар бир киши қабрида Мункар ва Накир исмли фаришталар тарафидан Рабби, дини ва пайғамбари ҳақида сўроқ қилинишига Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва саҳобаи киромлардан ривоят қилинган хабарлар асосида иймон келтирамиз.

Шайхулислом «Ал-ақидатул-восития» китобида айтишларича, ўлимдан кейинги ҳар бир иш, яъни қабрдаги азоб ёки роҳат, қайта тирилиш, дунёда қилинган амалларни кўрсатилиши, ҳисоб-китоб, мезон, амаллар

саҳифаларининг берилиши, жаннат ва дўзах, буларнинг ҳаммаси охират кунига бўлган иймон ичига кириб кетади. Ким булардан биронтасини инкор қилса, охират кунига иймон келтирган бўлмайди.

Охират куни ва унда бўлиб ўтувчи ишлар ғайб ишларидан бўлиб, биз бунга ақл ва фикрларимиз билан киришмаймиз, фақат Китобу Суннатда келган хабарларга суянамиз, булар ҳақида далилсиз бирон гап айтмаймиз.

Қабр дунё билан охират ўртасидаги барзах — тўсиқдир:




«Уларнинг ортида то қайта тириладиган кунларигача (дунёга қайтишларидан тўсиб турадиган) бир тўсиқ бўлур» (Мўминун: 100).

Қабр — кутиш бекатидир, у ердан одамлар қайта тирилиш ва ҳисоб-китоб сари йўл оладилар. Ибнул Қаййим раҳимахуллоҳ айтади: Ҳовлилар учтадир:

Биринчи: Дунё ҳовлиси. У амал қилиш, яхшилик ё ёмонликлар касб қилиш ўрнидир.

Иккинчи: Барзах ҳовлиси. У вақтинчалик жой бўлиб, уни сўнгги манзил дейдиганлар хато қилади.

Учинчи: Абадий қарор топиш ҳовлиси. У ё жаннат, ё дўзах бўлади:



«Албатта охиратгина (мангу) қароргоҳ бўлган диёрдир» (Ғофир: 39).

Ҳадисда айтилганидек, маййит қабрига қўйилиб дафн қилинганда, одамлар ортига қайтаётганларида, ҳали уларнинг оёқ товушлари тинмай туриб, унинг руҳи жасадига қайтарилади. Бу Аллоҳдан ўзга ҳеч ким билмайдиган барзахдаги ҳаётдир, Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло ҳар ишга қодир Зот! Руҳи жасадига қайтарилган ва қайта ҳаёт

бахш этилгач, унинг ҳузурига иккита фаришта кириб келиб, ундан учта савол сўрайди: «Роббинг ким? Дининг нима? Пайғамбаринг ким?»⁽¹⁾ агар тўғри жавоб беролса, нажот топади ва қабри жаннат боғларидан бир боғчага айланади, сўнгра қиёмат куни жаннат аҳлидан бўлади. Агар жавоб беролмаса, унинг қабри дўзах чоҳларидан бир чоҳга айланади, қабри уни қаттиқ қисади, ҳатто қовурғалари бир-бирига киришиб кетади. Унисининг қабри эса кўзи етган жойгача кенгайтириб қўйилади, унга жаннатдан дарича очиб қўйилади, ундан жаннатнинг салқин шабада ва ифорлари келиб туради. Бунисининг қабрини қовурғалари киришиб кетадиган даражада торайтириб қўйилади, сўнг унга дўзахдан дарича очилиб, унинг иссиғи ва заҳарли ҳавоси келиб туради. Аллоҳ асрасин!

Аллоҳ таоло мўминларни у билан собитқадам қиладиган тўғри жавоб: «Роббим Аллоҳ, диним Ислom, пайғамбарим Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам» демоқликдир:


﴿يُشِيتُ اللَّهُ الَّذِينَ ءَامَنُوا بِالْقَوْلِ الثَّابِتِ فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَفِي
الْآخِرَةِ﴾

«Аллоҳ иймон келтирган кишиларни ҳаёти дунёда ҳам, охиратда ҳам устивор Сўз (иймон калимаси) билан собитқадам қилур» (Иброҳим: 27).

Бу (яъни, Аллоҳ таоло иймон калимаси билан собитқадам қилиши) эса Аллоҳ ва Расулига бўлган иймон сабабли ҳосил бўлади, ёдлаб олиш ёки билиб олишнинг ўзи кифоя қилмайди. Кимда иймон бўлмаса, унинг тили жавобдан тутилади. Дунёдалик пайтида тилида иймон, дилида эса куфрни яширган мунофиқ ҳам жавобга қодир

(1) Аҳмад (4/287, 295), Абу Довуд (4753), Ҳоким (1/37-40) ривоятлари.

бўлмади ва: «Ҳаах, ҳаах, билмайман, одамлар бир нарса дейишаётганини эшитиб, мен ҳам шуни айтганман», дейди. Шунда уни темир гурзи билан шундай уриладики, дод-фарёдини инсондан бошқа барча жонзот эшитади. Агар инсон эшитса, беҳуш бўлиб қоларди:



«Золимларни эса Аллоҳ (ҳақ) йўлдан оздирур. Аллоҳ Ўзи хоҳлаган ишни қилур» (Иброҳим: 27).

١٦٤. وَالْقَبْرِ رَوْضَةٌ مِنْ رِيَاضِ الْجَنَّةِ، أَوْ حُفْرَةٌ مِنْ حُفْرِ
التَّيْرَانِ.

164. Қабр жаннат боғларидан бир боғ ёки дўзах чоҳларидан бир чоҳдир.

Кимдир айтиши мумкинки, майит тупроққа айланиб кетса, тупроқ қандай қилиб азоб чекиши мумкин?

Биз унга айтамизки, Аллоҳ таоло уни тупроқ ҳолида ҳам азоблашга қодир, У тупроқни у учун чўғга айлантириб қўйишга қодир.

Яна кимдир айтиши мумкинки, ҳамма одам ҳам дафн қилинмайди-ку, айримлар денгизга ташлаб юборилади, айримларни йиртқичлар еб кетган бўлади, унга қандай азоб етади? Айтамизки: Ҳа, унга қаерда бўлмасин азоб етади, иккала фаришта албатта унга келади. Бунга иймон келтириш ғайбга бўлган иймоннинг бир қисмидир, Аллоҳ ва Расулининг хабарига иймон келтиришдир. Ким бунга иймон келтирмаса, ақли ва фикрига суянса, қаттиқ адашади.

Қабрда азоб ё роҳат бўлишига Китобу Суннатдан далиллар бор. Уламолар айтишадики, бу ҳақда Расулulloҳ

соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилинган ҳадислар мутавотирлик даражасига етган. Ким мутавотир хабар билан келган ишни ёлғон санаса, кофир бўлади.

Муътазилалар ва ҳозирги асрда уларнинг йўлини тутган айрим тоифалар қабрда бўладиган ишларга иймон келтиришмайди, чунки улар ақлоний (яъни ақлни нақдан устун қўювчилар) бўлиб, ишларга ақл тарозисига кўра баҳо беришади. Улар шаръий далилларини зонний (гумонли) санашади, ақлий далил эса улар наздида яқиний (ишончли) саналади.

Қабр азобига далиллардан бири Аллоҳ азза ва жалланинг Фиръавн қавми ҳақидаги оятидир:

﴿التَّارُ يُعْرَضُونَ عَلَيْهَا غُدُوًّا وَعَشِيًّا وَيَوْمَ تَقُومُ السَّاعَةُ أَدْخِلُوا آلَ فِرْعَوْنَ أَشَدَّ الْعَذَابِ﴾

«(У азоб бир) оловдирки, улар эртаю кеч ўшанга кўндаланг қилиниб (куйдирилурлар). (Қиёмат) қойим бўладиган Кунда эса (дўзах фаришталарига): «Фиръавн хонадонини энг қаттиқ азобга киритинглар», (дейилур)» (Ғофир: 46). Яъни, уларга эртаю кеч кўндаланг қилинадиган бу азоб қабрда бўлади.

﴿وَإِنَّ لِلَّذِينَ ظَلَمُوا عَذَابًا دُونَ ذَلِكَ وَلَٰكِنَّ أَكْثَرَهُمْ لَا يَعْلَمُونَ﴾

«Албатта золим-кофир бўлган кимсалар учун бундан (Қиёмат Кунидан) илгари ҳам азоб-уқубат(лар) бордир, лекин уларнинг кўплари (буни) билмаслар!» (Ват-тур: 47). Муфассирлар «Бундан илгари ҳам азоб бордир» деган азобдан мурод қабр азобидир, деганлар. Баъзилар: «Бундан мурод дунёда бўладиган ўлдирилиш, асир олиниш, жизя (ўлпон) тўлаш каби азоблар» дейишган. Оят ҳар икки маънони ўз ичига олади.

﴿وَلَنذِيقَنَّهُمْ مِنَ الْعَذَابِ الْأَدْنَىٰ دُونَ الْعَذَابِ الْأَكْبَرِ﴾

«Албатта Биз улар ўз (куфру исёнларидан) қайтишлари учун уларга улуғ азобдан илгари яқин азобни тотдирурмиз» (Сажда: 21). Яқин азоб — қабр азоби, улуғ азоб эса қиёмат кунисидаги азобдир.

Қабр азобини исбот қилувчи ҳадислар мутавотир даражасига етган. Жумладан: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Макка ёки Мадина деворларидан бир девор ёнидан ўтаётиб қабрларида азобланаётган икки кишининг овозини эшитдилар ва: *«Бу иккиси азобланаётган ва (лекин одамлар наздида) катта гуноҳ (саналадиган иш) туфайли азобланишаётгани йўқ»* дедилар. Кейин: *«Йўқ, (уларнинг қилган ишлари катта гуноҳдир) улардан бири бавлидан (сийдигидан) сақланмас эди, иккинчиси чақимчилик қилиб юрарди»* дедилар».⁽¹⁾

Шунингдек, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам тўрт нарсдан паноҳ тилашга буюрган ҳадисларида айтганлар: *«Парвардигоро! Мен Сендан дўзах азобидан, қабр азобидан, тириклик ва ўлим фитнасидадан ҳамда масиҳи Дажжол фитнасидадан паноҳ беришингни сўрайман»*.⁽²⁾

Бундан бошқа далиллар ҳам кўп.

Баъзи одамлар ибрат ва насихатланишга сабаб бўладиган қабр азобидан баъзи бир нарсаларга шоҳид бўлган ҳоллари ҳам бўлади.

Ҳофиз Ибн Ражаб «Аҳвалул-қубур ва аҳвалу аҳлиҳа ила явмин-нушур» (Қабрдаги даҳшатлар ва қабр эгаларининг қайта тирилиш кунигача аҳволлари) номли китобида кўп ажойиб ҳолатларни баён қилган, Ибнул Қаййим «Рух» китобида қизиқарли воқеаларни зикр қилган.

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва саҳобаи киромлардан ривоят қилинган хабарлар асосида иймон

(1) Бухорий (218) ва Муслим (292) ривоятлари.

(2) Термизий (3613) ривоят қилиб, «ҳасан, саҳиҳ ҳадис» деган.

келтирамиз» дейилди. Чунки, қабрда бўладиган роҳат ёки азоб ҳолатлари ғайб ишлари жумласидан бўлиб, бундай нарсаларни фақат далил билан исботлаймиз ва далилларни инкор қилмаймиз. Аҳли сунна вал-жамоа мазҳаби шудир.

١٦٥. وَتُؤْمِنُ بِالْبَعْثِ وَجَزَاءِ الْأَعْمَالِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ، وَالْعَرْضِ وَالْحِسَابِ، وَقِرَاءَةِ الْكِتَابِ، وَالثَّوَابِ وَالْعِقَابِ، وَالصِّرَاطِ وَالْمِيزَانِ.

165. Қиёмат кунда қайта тирилиш, амаллар учун мукофот берилиши, рўпара қилиниш, (амалларнинг) ҳисоб-китоб қилиниши, номаи-ағмолларнинг ўқилиши, савоб ва жазо (берилиши), (жаҳаннам устига тортилган кўприк бўлмиш) Сирот, (бандаларнинг яхши ва ёмон амаллари тортиладиган) тарози — барчаси ҳақ эканлигига иймон келтирамиз.

Барзах ҳаётидан сўнг одамлар қабрларидан тирилиб чиқадилар. Қабрлар жасадларни ўзи бағрида сақлаб турган бўлади. Қайта тирилиш куни Аллоҳ таоло бу жисмларни аввалда қандай яратган бўлса шундай, бирон нуқсонсиз, қайта яратади:

﴿كَمَا بَدَأْنَا أَوَّلَ خَلْقٍ نُعِيدُهُ، وَعَدَّا عَلَيْهَا إِنَّا كُنَّا فَاعِلِينَ﴾

«..биринчи марта қандай яратган бўлсак, (ўша ҳолга) қайтарурмиз. (Бу) Бизнинг зиммамиздаги ваъдадир. Албатта Биз (шундай) қилувчидирмиз» (Анбиё: 104).

У аввал қандай бўлган бўлса худди ўша ҳолига қайтади, яъни кимдир биров ўзи таниган бир кишининг ёнидан ўтса: «бу фалончи-ку», дейдиган даражада

бўлади. Сўнг Аллоҳ таоло Исрофил алайҳис-саломга буюради, у сурни иккинчи бор чалади, шунда руҳлар жасадларга қараб учади.

Маҳшар — халойиқлар йиғиладиган жой бўлиб, Аллоҳ таоло аввалгилару охиргиларни қайта тирилгач, бир жойга йиғади. Аллоҳ таоло ҳар ишга қодир. Қайта тирилишга иймон келтириш, ҳадисда келганидек, иймоннинг олтита рукнидан биридир.

Мушрик ва худосизлар ўз ақлларига суяниб, қайта тирилишни инкор қилишди,

﴿أَيُّدَا مِتْنَا وَكُنَّا تُرَابًا وَعِظْمًا ۖ إِنَّا لَمَبْعُوثُونَ ﴿٤٧﴾ أَوَّابًا ۖ وَأَنَا الْآوَّلُونَ ﴿٤٨﴾﴾

«Бизлар ўлиб, тупроқ ва суякларга айлангач, ростдан ҳам қайта тирилувчимизми, аввалги ота-боболаримиз ҳам-а?!» (Воқеа: 47, 48) дейишди. Аллоҳ таоло уларнинг бундай инкорларини Қуръоннинг бир неча жойида келтирган, масалан,

﴿وَضَرَبَ لَنَا مَثَلًا وَنَسِيَ خَلْقَهُ. قَالَ مَنْ يُحْيِي الْعِظْمَ وَهِيَ رَمِيمٌ ﴿٧٨﴾﴾

«У Бизга «Чириб битган суякларни ким ҳам тирилтира олур?» деб, мисол келтирди» (Ёсин: 78).

Аллоҳ таоло қайта тирилишнинг ҳақлигига ақлий далилларни ҳам зикр қилган:

﴿وَهُوَ الَّذِي يَبْدَأُ الْخَلْقَ ثُمَّ يُعِيدُهُ وَهُوَ أَهْوَبُ عَلَيْهِ ﴿٢٧﴾﴾

«У аввал бошда Ўзи яратиб, сўнгра (қиёмат кунида) Ўзи яна қайта яратадиган зотдир. (Қайта яратиш — тирилтириш) У зотга жуда осондир» (Рум: 27).

Буни фақат мисол тариқасида келтирган, холос. Аслида, арзимас бир томчи сувдан яратган зот уларни тупроқдан яна қайта яратишга ва аввал қандай бўлган бўлсалар ўша ҳолга қайтаришга қодир бўлмайдимиз?!

﴿أَيَحْسَبُ الْإِنْسَانُ أَنْ يُتْرَكَ سُدًى ﴿٣٦﴾ أَلَمْ يَكُ نُطْفَةً مِنْ مَنِيٍّ يُمْنَى ﴿٣٧﴾ ثُمَّ كَانَ عَلَقَةً فَخَلَقَ فَسَوَّى ﴿٣٨﴾ جَعَلَ مِنْهُ الزَّوْجَيْنِ الذَّكَرَ وَالْأُنثَى ﴿٣٩﴾ أَلَيْسَ ذَلِكَ بِقَدْرِ عَلَى أَنْ يُحْجَى ﴿٤٠﴾﴾

«Инсон ўзини (бу дунёда дину иймонга буюрилмасдан, охиратда эса қайта тирилиб ҳисоб-китоб қилинмасдан) бекор ташлаб қўйилишини ўйларми (тамаъ қилурми)?! Ахир у (бачадонга) тўкиладиган манийдан бир (ҳақир) нутфа эмасмиди?! Сўнгра лахта қон бўлди. Бас, (Аллоҳ уни) яратиб, расо (инсон) қилди. Сўнг ундан эркак ва аёл жуфтларини (пайдо) қилди. Ана шу (Аллоҳ) ўликларни тирилтиришга қодир эмасми?! (Албатта Аллоҳ бунга қодирдир)!» (Қиёмат: 36-40).

Қайта тирилишга далиллардан яна бири — сувсизликдан қақраган, биронта гиёҳ унмай ётган дашт ердирки, Аллоҳ таоло унга ёмғир ёғдиргач, санокли кунлар ичида у кўкаламзор ерга айланади.

Ўлик ерни тирилтира олган зот инсонни қайта тирилтиришга қодир бўлмайдимиз?! Бу ақлга ҳам тўғри келади-ган, кўз билан кўриб турилган нарсадир:

﴿وَأَيُّهُمُ الَّذِي أُخْرِجْنَا مِنْهَا حَبًا ﴿٣٣﴾﴾

«Ўлик-қуруқ ер улар учун (қайта тирилиш ҳақ эканига) бир оят-аломатдир — Биз уни (сув билан) тирилтирдик» ва ундан (турли) дон-дунни ундириб чиқардик» (Ёсин: 33).

﴿وَتَرَى الْأَرْضَ هَامِدَةً فَإِذَا أَنْزَلْنَا عَلَيْهَا الْمَاءَ اهْتَزَّتْ وَرَبَتْ وَأَنْبَتَتْ ﴿٥٠﴾﴾

«(Қайта тирилиш ҳақ эканлигининг яна бир далили уш-будир) — сиз(лар) бу ерни қуруқ-ўлик ҳолида кўрурсиз.

Энди қачонки Биз унинг устидан ёмғир ёғдирсак, у ҳаракатга келиб кўпчир ва турли-туман гўзал (наботот) жуфтларини ундирур» (Ҳаж: 5).

Қайта тирилишга яна бир далил — агар Аллоҳ таоло одамларни қайта тирилтирмаса ва жазо ва мукофотларини бермаса эди, уларни абас ва беҳуда яратган бўлиб қоларди. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло бирон ишни беҳуда қилишдан пок зотдир:

﴿ أَفَحَسِبْتُمْ أَنَّمَا خَلَقْنَاكُمْ عَبَثًا وَأَنَّكُمْ إِلَيْنَا لَا تُرْجَعُونَ ﴿١١٥﴾ فَتَعَلَىٰ
اللَّهُ الْمَلِكِ الْحَقُّ ﴾

«Ёки сизларнинг гумонингизча, Биз сизларни беҳуда (яъни дунёда сизларга бирон вазифа бермайдиган, охи-ратда ҳисоб-китоб қилмайдиган ҳолда) яратдигу, сизлар Бизнинг ҳузуримизга қайтарилмайсизларми?! (Ундоқ эмас)! Зотан Ҳақ Подшоҳ — Аллоҳ (бирон ишни беҳуда қилишдан) юксақдир» (Муъминун: 115, 116).

Ҳаёти дунёда умрини тоат-ибодатда ўтказган киши ўлса-ю, қайта тирилмаса?! Бир умр ерда бузғунчилик ва фахш ишлар билан умргузаронлик қилган кофир ким-са ҳам ўлса-ю, қайта тирилмаса?! Ахир бу Аллоҳнинг ҳикматига тўғри келмайди-ку!

﴿ أَمْ حَسِبَ الَّذِينَ اجْتَرَحُوا السَّيِّئَاتِ أَن نَّجْعَلَهُم كَالَّذِينَ ءَامَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ سَوَاءً مَّحْيَاهُمْ وَمَمَاتُهُمْ سَاءَ مَا يَحْكُمُونَ ﴿١١﴾ ﴾

«Балки ёмонлик-гуноҳлар касб этган кимсалар Биз уларни ҳам иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотлар каби қилишимизни ва ҳаётлари ҳам, мамотлари ҳам (яъни дунёлари ҳам, охираглари ҳам мўминлар билан) баробар бўлишини ўйлагандирлар?! Нақадар ёмон (нотўғри) ҳукм қилурлар-а?!» (Жосия: 21).

﴿أَفَجَعَلَ الْمُسْلِمِينَ كَالْمُجْرِمِينَ ﴿٣٥﴾ مَا لَكُمْ كَيْفَ تَحْكُمُونَ ﴿٣٦﴾﴾

«Ахир Биз мусулмонларни жиноятчи-кофир кимсаларга баробар қилурмизми?! (Эй мушриклар), сизларга нима бўлди? Қандай ҳукм чиқармоқдасизлар?»
(Қалам: 35, 36).

﴿وَمَا خَلَقْنَا السَّمَاءَ وَالْأَرْضَ وَمَا بَيْنَهُمَا بَطْلًا ۚ ذَٰلِكَ ظَنُّ الَّذِينَ كَفَرُوا ۖ فَوَيْلٌ لِلَّذِينَ كَفَرُوا مِنَ النَّارِ ﴿٢٧﴾ أَمْ يَجْعَلُ الَّذِينَ ءَامَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ كَالْمُفْسِدِينَ فِي الْأَرْضِ ۚ أَمْ يَجْعَلُ الْمُتَّقِينَ كَالْفُجَّارِ ﴿٢٨﴾﴾

«Биз осмон ва ерни ҳамда уларнинг ўртасидаги бор нарсаларни беҳуда яратган эмасмиз. Бу (яъни улар беҳуда-бемақсад яратилган деган гумон) кофир бўлган кимсаларнинг гумонидир. Бас кофир бўлган кимсалар учун дўзахдан иборат ҳалокат бўлгай! Биз иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотларни ерда бузғунчилик қилиб юрган кимсалар каби қилиб қўямизми?! Ёки Биз тақводор зотларни фисқу-фужур қилиб юрган кимсалар каби қилиб қўямизми?! (Йўқ! Асло ундоқ бўлмас!)» (Сод: 27, 28).

Баъзан мўмин киши дунёда роҳат кўрмай, фақат меҳнат-машаққат ичида ўтади. У ҳам амалининг мукофотини кўрмаса?! Кофир эса роҳат-фароғатда яшаб, бузғунчиликлар билан ҳаёт кечириб, у ҳам амалига яраша жазо кўрмаса?! Бу Аллоҳ таолонинг ҳикматига муносиб иш бўлмайди.

Амалларнинг жазо ва мукофотига бу дунёда эришилмайди, балки охират диёрида етилади.

«**Рўпара қилиниш**»дан мақсад — Аллоҳ таолога рўпара қилинишдир:

﴿يَوْمَئِذٍ تُعْرَضُونَ﴾

«Ўша Кунда сизлар (ҳисоб-китоб учун Аллоҳга) кўндаланг қилинурсизлар» (Ал-ҳаққа: 18),

﴿وَعَرِّضُوا عَلَىٰ رَبِّكَ صَفًّا لَقَدْ جِئْتُمُونَا كَمَا خَلَقْتُمْ أَوَّلَ مَرَّةٍ﴾

«Улар саф тортган ҳолларида Парвардигорингизга рўбарў қилиндилар (ва Биз уларга айтдик): «Мана, сизларни аввал-бошда қандай яратган бўлсак, шундай ҳолда (яъни, мол-дунё, бола-чақаларингизни тарк қилиб, яланғоч ҳолингизда) ҳузуримизга келдингиз» (Каҳф: 48). Яъни, улар Аллоҳ азза ва жаллага ялангоёк, яланғоч, хатна қилинмаган ҳолларида рўпара қилинадилар.

Амалларнинг ҳисоб қилиниши — мўминларга нисбатан уларни яхши ва ёмон амалларига иқрор қилдириш маъносида бўлади. Кофирларнинг яхши ва ёмон амалларини ўлчаш деган нарса бўлмайди, уларга нисбатан ҳисоб-китоб фақат ёмонлик ва гуноҳларига иқрор қилдириш маъносида бўлади, чунки уларда савобли амалнинг ўзи бўлмайди.

Мўминлардан баъзилари ҳисоб-китобсиз жаннатга кирадилар, баъзилари осон-енгил ҳисоб билан ҳисоб қилинади, баъзиларга эса ҳисоб тўла қилинади. Ҳадисда айтилади: «*Ким тўла-тўқис ҳисобга тортилса, азобга дучор бўлади*». ⁽¹⁾

Номаи аъмоллар — дунёда қилинган амаллар ёзилган саҳифалар бўлиб, қиёмат куни ҳар бир кишига амаллари саҳифаси берилади, унда ҳамма ишлари ёзилган бўлади:

﴿وَوُضِعَ الْكِتَابُ فَتَرَى الْمُجْرِمِينَ مُشْفِقِينَ مِمَّا فِيهِ وَيَقُولُونَ يُوَيْلِنَا مَا لِي هَذَا الْكِتَابِ لَا يَغَادِرُ صَغِيرَةً وَلَا كَبِيرَةً إِلَّا أَحْصَاهَا وَوَجَدُوا مَا عَمِلُوا حَاضِرًا وَلَا يَظْلِمُ رَبُّكَ أَحَدًا﴾

(1) Бухорий (6536) ва Муслим (2876) ривоятлари.

«(Сўнг ҳар бир кишининг) номаи аъмоли ўртага қўйилур. Бас, гуноҳкорларнинг унда (битилган) нарсалардан даҳшатга тушиб: «Бизларга ҳалокат бўлгай, бу қандоқ китобки, на кичик ва на катта (гуноҳни) қолдирмай, барчасини ҳисоблаб-битиб қўйибди», дейишларини кўрурсиз. Улар қилиб ўтган барча амалларини ҳозир у нозир ҳолда топурақлар. Парвардигорингиз ҳеч кимга зулм қилмас» (Каҳф: 49).

﴿ وَكُلُّ إِنْسَانٍ أَلْزَمْنَاهُ طَبْعَهُ فِي عُنُقِهِ وَنُخْرِجُ لَهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ كِتَابًا يَلْقَاهُ مَشُورًا ﴿١٣﴾ أَقْرَأَ كِتَابِكَ كَفَىٰ بِنَفْسِكَ الْيَوْمَ عَلَيْكَ حَسِيبًا ﴿١٤﴾ ﴾

«Биз ҳар бир инсоннинг амалини бўйнига илиб қўйгандирмиз (яъни, унинг қилган ҳар бир амали икки дунёда унга ажралмас ҳамроҳ бўлур). Биз Қиёмат куни унга очиқ ҳолда рўбарў бўладиган бир китобни (яъни, номаи аъмолини) чиқариб кўрсатурмиз. (Ва унга дейилур:) «Номаи аъмолингизни ўқи! Бугун ўз нафсинг ўзингга қарши етарли ҳисобчидир» (Исро: 13, 14).

﴿ فَأَمَّا مَنْ أُوْتِيَ كِتَابَهُ بِيَمِينِهِ ۖ فَقُولُ هَٰؤُلَاءِ أَقْرَأُوا وَكُنِيَّةٌ ﴿١٩﴾ إِنِّي ظَنَنْتُ أَنِّي مُلْتَقٍ حَسَابِيَّةٍ ﴿٢٠﴾ فَهُوَ فِي عِيشَةٍ رَّاضِيَةٍ ﴿٢١﴾ فِي جَنَّةٍ عَالِيَةٍ ﴿٢٢﴾ قُطُوفُهَا دَانِيَةٌ ﴿٢٣﴾ ﴾

«Бас, энди ўз китоби — номаи аъмоли ўнг қўлидан берилган кишига келсак, бас, у: «Мана менинг китобимни ўқинглар. Дарҳақиқат мен ҳисоб-китобимга (яъни охираатдаги ажр-мукофотга) рўбарў бўлишимни билган эдим», дер. Сўнг у кўнгилли ҳаётда, мевалари (аҳли жаннат учун) яқин бўлган юксак жаннатда бўлур» (Ал-ҳаққа: 19-23).

﴿وَأَمَّا مَنْ أُوْتِيَ كِتَابَهُ بِشِمَالِهِ فَيَقُولُ يَلْبِئَنِي لِمَ أُوتِيَ كِتَابِي هَذَا ﴿٢٥﴾ وَلَمْ أَدْرِ مَا حِسَابِي هَذَا ﴿٢٦﴾ يَلْبِئَهَا كَانَتِ الْقَاضِيَةَ ﴿٢٧﴾ مَا أَغْنَىٰ عَنِّي مَالِي هَذَا ﴿٢٨﴾ هَلَكَ عَنِّي سُلْطَانِي هَذَا ﴿٢٩﴾﴾

«Энди ўз китоби чап қўлидан берилган кимсага кел-
сак, у дер: «Эҳ, қанийди, менга китобим берилмаса
эди! Ва мен ҳисоб-китобим (яъни оладиган жазойим)
нима эканлигини билмасам эди! Эҳ қанийди, ўша
(биринчи ўлим барча нарсани) тугатувчи-узувчи бўлса
(ва Қиёматдаги мана бу қайта тирилиш бўлмаса) эди!
Менга (не машаққатлар билан топган) мол-дунёйим
асқотмади-я! Мулку салтанатим ҳам ҳалок бўлиб
кетди-я!» (Ал-ҳаққа: 25-29).

Бу саҳифаларнинг ўнгдан ё чапдан берилишидир.

Савоб ва жазо — яхшиликларга бериладиган ажру мукофотлар ва ёмонликларга бериладиган азоб-уқу-батлардир.

Сирот — жаҳаннам устига тикилган кўприк бўлиб, қиличдан ўткир, қилдан ингичка, чўғдан иссиқдир. Одам-лар унинг устидан ҳар ким амалига қараб ўтади. Кимдир яшиндек, кимдир шамолдек елиб, кимдир учқур отдек чопиб, кимдир туядек лўкиллаб, кимдир югуриб, кимдир юриб, кимдир судралиб ўтади, баъзиларни эса кўприкнинг икки чеккасидаги чангақлар тутиб қолиб, жаҳаннамга улоқтиради. Бу ғайб ишларидан бўлиб, унга инсоннинг ақли етмайди. Ҳамма шу кўприк устидан ўтади:

﴿وَأَن مِّنكُمْ إِلَّا وَارِدُهَا كَانَ عَلَىٰ رَبِّكَ حَتْمًا مَّقْضِيًّا ﴿٧١﴾ ثُمَّ نُنَجِّي الَّذِينَ اتَّقَوْا وَنَذَرُ الظَّالِمِينَ فِيهَا جِثًّا ﴿٧٢﴾﴾

«Сизлардан ҳар бирингиз унга тушувчидирсиз. (Бу) Парвардигорингиз (амрига биноан) вожиб бўлган хукмдир. Сўнг тақводор бўлган зотларни (ундан)

қутқарурмиз ва золим кимсаларни тиз чўккан ҳолларида (жаҳаннамда) қолдирурмиз» (Марям: 71, 72).

Амаллар тарозида тортилади. Кимнинг яхшиликлари оғир келса, нажот топади. Ёмонликлари яхшиликлари-дан оғир келган одам зиёнкорга айланади:

﴿ وَالْوَزْنُ يَوْمَئِذٍ الْحَقُّ فَمَنْ ثَقُلَتْ مَوَازِينُهُ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الْمُفْلِحُونَ ﴿٨﴾
وَمَنْ خَفَّتْ مَوَازِينُهُ فَأُولَٰئِكَ الَّذِينَ خَسِرُوا أَنفُسَهُمْ بِمَا كَانُوا بِعِبَائِنَا يُطْلَمُونَ ﴿٩﴾

«(Амалларни) тўғри тортиш ўша Куни бўлур. Бас, кимнинг тортилган (яхши амаллари) оғир келса, ана ўшалар нажот топувчилардир. Кимнинг тортилган (яхши амаллари) енгил бўлса, бас, улар (Бизнинг оятларимизни инкор қилиш билан) зулм қилиб ўтганлари сабабли ўзларига зиён қилган кимсалардир» (Аъроф: 8, 9).

Амалларнинг тортилиши ва тарози бир неча оятларда зикр қилинган. Бу Аллоҳ азда ва жалланинг адолатидан бўлиб, У ҳеч кимга зулм қилмайди. Тарози ҳақиқий бўлиб, унинг икки палласи бўлади. Яхшиликлар бир палласига, ёмонликлар иккинчи палласига қўйилади. Кимнинг яхшиликлари оғир келса, нажот топади, кимнинг ёмонликлари оғир келса, зиёнкор бўлади:


﴿ وَنَضَعُ الْمَوَازِينَ الْقِسْطَ لِيَوْمِ الْقِيَامَةِ فَلَا تُظْلَمُ نَفْسٌ شَيْئًا وَإِنْ كَانَ مِثْقَالَ حَبَّةٍ مِنْ خَرْدَلٍ أَتَيْنَا بِهَا وَكَفَىٰ بِنَا حَسِيبِينَ ﴿٤٧﴾

«Биз қиёмат куни учун адолатли мезон-тарозилар қўюрмиз, бас, бирон жонга заррача зулм қилинмас. Агар хардал (ўсимлигининг) уруғидек (яхши ёки ёмон амал қилинган) бўлса, ўшани-да келтирурмиз! Биз Ўзимиз етарли ҳисоб-китоб қилувчидирмиз» (Анбиё: 47).


۱۶۶. الْجَنَّةُ وَالنَّارُ مَخْلُوقَتَانِ، لَا تَفْنِيَانِ أَبَدًا وَ لَا تَبِيدَانِ.

166. Жаннат билан дўзах яратиб қўйилган ва асло йўқ бўлиб кетмайди.

Жаннат тақводорлар ҳовлиси, дўзах эса жиноятчилар ҳовлисидир. Аллоҳ таоло жаннат ҳақида:



«тақводорлар учун тайёрлаб қўйилган» (Оли Имрон: 133), дўзах ҳақида:



«кофирлар учун тайёрлаб қўйилган» (Бақара: 24) деб зикр қилган. Иккаласи ҳам абадийлик ҳовлиси, сўнгги манзил ва қарорланиш ўрнидир.

Жаннат ва дўзаъ яратиб қўйилган ва ҳозирда мавжуд. Бу аҳли сунна вал-жамоанинг мазҳабидир. Аллоҳ таоло: **«тақводорлар учун тайёрлаб қўйилган»** (Оли Имрон: 133), **«кофирлар учун тайёрлаб қўйилган»** (Бақара: 24) деб ўтган замон феъли шаклида зикр қилди.

Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади: Биз Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг ҳузурларида эдик, тўсатдан гумбурлаган товуш эшитилди. Шунда Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва саллам: «Биласизларми, бу нима?», дедилар. Биз: «Аллоҳ ва Расули билувчироқ», дедик. «Бу — бундан етмиш йил олдин дўзахга ташланган тош эди. У ҳозиргача дўзахга тушиб борарди, энди тубига етди», дедилар.⁽¹⁾ Бу ҳам дўзахнинг яратиб қўйилган эканига далил бўлади.

(1) Бухорий (538) ва Муслим (616) ривоятлари

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Жаҳаннамнинг икки нафаси бўлади. Қишдаги нафаси сизлар билган энг қаттиқ совуқдир, ёздаги нафаси сизлар билган энг қаттиқ иссиқдир», деганлар.⁽¹⁾

У зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам яна айтганлар: «Ҳарорат кучайганида намозни (яъни пешинни) салқинлатиб ўқинглар, чунки ҳароратнинг кучайиши жаҳаннамнинг нафасидандир».⁽²⁾

Шунингдек, мўминнинг қабрига жаннатдан дари-ча очиб қўйилади, кофирнинг қабрига дўзахдан дари-ча очиб қўйилади. Бу ҳам жаннат ва дўзахнинг бор эканига далил бўлади. Адашган тоифалар буни инкор қилишади ва «жаннат ва дўзах қиёмат куни яратилади» дейишади.

۱۶۷. فَإِنَّ اللَّهَ تَعَالَى خَلَقَ الْجَنَّةَ وَالنَّارَ قَبْلَ الْخَلْقِ، وَخَلَقَ لَهُمَا أَهْلًا.

167. Аллоҳ Таоло жаннат билан дўзахни бошқа махлуқотларидан олдин яратди ва ҳар иккиси учун (муносиб) бандаларни ҳам яратди.

Аллоҳ таоло жаннатга ҳам ўзига муносиб кишиларни яратиб қўйган, дўзахга ҳам ўзига лойиқ кишиларни яратиб қўйган. Ҳар ким амалига яраша жазо ва мукофотга эришади.


۱۶۸. فَمَنْ شَاءَ مِنْهُمْ إِلَى الْجَنَّةِ فَضْلًا مِنْهُ، وَ مَنْ شَاءَ مِنْهُمْ إِلَى النَّارِ عَذْلًا مِنْهُ.

(1) Бухорий (537) ва Муслим (617) ривоятлари

(2) Бухорий (538) ва Муслим (616) ривоятлари

168. Бандаларидан кимни Аллоҳ жаннатий бўлишини ирода қилган бўлса, бу Унинг фазли-карами туфайлидир. Кимнинг дўзахий бўлишини истаган бўлса, бу Унинг адли тақозосидир.

Жаннатга амал билан эришиб бўлмайди. Амал бир сабаб холос. Аслида жаннатга фақат Аллоҳнинг фазли билангина эришилади. Одамзот ҳарчанд кўп ва хўп солиҳ амаллар қилган бўлмасин, бу жаннат муқобилида тўлов бўлишга арзимайди. Солиҳ амаллар жаннатга киришга сабабдир:



«(Фаришталар уларга:) қилиб ўтган амалларингиз сабабли жаннатга қирингиз», дерлар» (Наҳл: 32).

Дўзахга тушиш ҳам куфр сабаблидир. Бу ҳам Аллоҳнинг адолати тақозоси бўлиб, У зот бировни зулм билан эмас, амали сабабли дўзахга туширади.

۱۶۹. وَكُلٌّ يَعْمَلُ لِمَا قَدْ فُرِغَ لَهُ، وَ صَائِرٌ إِلَىٰ مَا خُلِقَ لَهُ.

169. Ҳар бир инсон ўзи учун азалдан ҳал этиб қўйилган нарса (жаннат ёки дўзах) учун амал қилади ва нима учун яратилган бўлса, ўша сари боради.

Саодат аҳлидан бўлса, саодат аҳлининг амалини қилади, шақоват (бадбахтлик) аҳлидан бўлса, шақоват аҳлининг амалини қилади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Амал қилаверинглар! Зеро, ҳар бир киши нима учун яратилган бўлса, шунгагина муяссар этиб қўйилади», деганлар.⁽¹⁾

(1) Бухорий (1362) ва Муслим (2647) ривоятлари

Аллоҳ таоло айтади:

﴿إِنَّ سَعْيَكُمْ لَشَتَّىٰ ﴿٤﴾ فَأَمَّا مَنْ أَعْطَىٰ وَانْفَىٰ ﴿٥﴾ وَصَدَقَ بِالْحَسَنَىٰ ﴿٦﴾ فَسَنِيْرُهُ
لِلْبَيْرَىٰ ﴿٧﴾ وَأَمَّا مَنْ بَخِلَ وَاسْتَغْنَىٰ ﴿٨﴾ وَكَذَّبَ بِالْحَسَنَىٰ ﴿٩﴾ فَسَنِيْرُهُ لِّلْعَسْرَىٰ
﴿١٠﴾﴾

«Шак-шубҳасиз сизларнинг саъйу ҳаракатларингиз ҳилма-ҳилдир. Ана энди ким (ўз мол-давлатидаги камбағал-бечораларга берилиши лозим бўлган закот ва бошқа садақотларни) адо этса ва (Аллоҳдан) қўрқса. Ҳамда гўзал оқибатни (яъни жаннат бор эканини) тасдиқ этса. Биз уни осон йўлга муяссар қилурмиз. Энди ким (Аллоҳ йўлида ҳайр-саҳоват кўрсатишдан) бахиллик қилса ва (ўзини Аллоҳ ҳузуридаги ажр-мукофотлардан) беҳожат билса. Ҳамда гўзал оқибатни (яъни Аллоҳ ваъда қилган жаннатни) ёлғон деса. Биз уни (дунё ва охиратда бахтсиз бўладиган) оғир йўлга «муяссар» қилурмиз!» (Вал-лайл: 4-10).

Демак, амалларингиз сизга ҳакам бўлади. Агар яхши бўлса, сиз осон йўлга муяссар қилинасиз, ёмон бўлса, оғир йўлга йўлланасиз.

۱۷۰. وَالْخَيْرُ وَالشَّرُّ مُقَدَّرَانِ عَلَى الْعِبَادِ.

170. Яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам бандаларга (азалдан) тақдир қилингандир.

Бу ҳақдаги баҳс қадарга иймон келтириш бобида ўтди. Қадарга иймон келтириш иймоннинг олти рукнидан биридир. Ҳадисда келганидек: «Иймон - Аллоҳга, Унинг фаришталарига, китобларига, Пайғамбарларига ва Охират кунига ишонишинг ҳамда тақдирнинг яхшиси-ю

ёмонига (барчаси Аллоҳ тарафидан эканига) *иймон келтиришинг*»⁽¹⁾.

Муаллиф бу иборани ҳадис маъносидан олганлар.

Яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам Аллоҳ азза ва жалланинг тақдири биландир. Борлиқда бирон нарса У зотнинг қазо ва қадарисиз амалга ошмайди. Бунга иймон келтириш шартдир.

Аллоҳ азза ва жалла яхшилик ва ёмонликни ҳикмат учун яратган:

﴿وَنَبَلُوكُم بِالْأَشْرِّ وَالْخَيْرِ فَتَنَّا وَاللَّيْنَا تَرْجِعُونَ﴾

«**Биз сизларни** (сабр-тоқатларингизни синаш учун) **ёмонлик билан ҳам,** (шукр қилишингизни билиш учун) **яхшилик билан ҳам имтиҳон қилурмиз.** (Кейин) **фақат Бизгагина қайтарилурсизлар»** (Анбиё: 35). Бу билан иймон, тавҳид, Аллоҳга бўйсунуш аҳли билан куфр, ширк ва бединлик аҳли ўртаси ажралади. Агар яхшилик бўлмаса эди, ажралиш ҳам бўлмас эди.

Аллоҳ таоло яхшиликни яхши кўради, уни яратади ва тақдир қилади. Ёмонликни эса ёмон кўради, бироқ уни ҳам ҳикмат учун, синов ва имтиҳон учун яратади. Агар ёмонлик бўлмасайди, куфр ҳам, пайғамбарларга адоват ҳам бўлмасди. Агар яхшилик бўлмасайди, жиҳод, амру маъруф, наҳий мункар, дўстлашиш ва душманлашиш бўлмасди, одамлар ўртасида тафовут ҳам бўлмасди.

Эътироз бўлиши мумкинки: «Аллоҳ таоло ширкни ва куфрни ёмон кўради-ку, қандай қилиб уни тақдир қилади?» Айтамикки: Уни ҳикмат учун, одамлар ўртасидаги тафовут зоҳир бўлиши учун яратган:

﴿مَا كَانَ اللَّهُ لِيَذَرَ الْمُؤْمِنِينَ عَلَىٰ مَا أَنْتُمْ عَلَيْهِ حَتَّىٰ يَمِيزَ الْخَبِيثَ مِنَ الطَّيِّبِ
وَمَا كَانَ اللَّهُ لِيُطْلِعَكُمْ عَلَى الْغَيْبِ﴾

(1) Бухорий (50) ва Муслим (10) ривоятлари.

«Аллоҳ мўминларни сизлар бўлган мана шу ҳолатда (яъни ким мўмин-у, ким мунофиқлиги маълум бўлмаган ҳолатда) ташлаб қўювчи эмас. У нопокни покдан ажратади. Аллоҳ сизларни ғайб илмидан хабардор қилмади» (Оли Имрон: 179). Биз тоат-ибодатли кишининг осий кимсадан фарқини фақат амаллари орқали биламиз, амаллар саодат аҳли билан шақоват аҳли ўртасини ажратиб туради.

١٧١. وَالْإِسْتِطَاعَةُ الَّتِي يَجِبُ بِهَا الْفِعْلُ، مِنْ نَحْوِ التَّوْفِيقِ الَّذِي [لَا يَجُوزُ أَنْ] يُوصَفَ الْمَخْلُوقُ بِهِ - [تَكُونُ] مَعَ الْفِعْلِ، وَأَمَّا الْإِسْتِطَاعَةُ مِنْ جِهَةِ الصِّحَّةِ وَالْوُسْعِ، وَالتَّمَكُّنِ وَسَلَامَةِ الْأَلَاتِ - فَهِيَ قَبْلَ الْفِعْلِ، وَبِهَا يَتَعَلَّقُ الْخِطَابُ، وَهُوَ كَمَا قَالَ تَعَالَى: ﴿ لَا يُكَلِّفُ اللَّهُ نَفْسًا إِلَّا وُسْعَهَا ﴾ (البقرة: ٢٨٦).

171. Бирор ишнинг амалга оширилиши учун зарур бўлган (ҳақиқий) қодирлик — масалан, Аллоҳнинг бандани бир ишни амалга оширишга муваффақ қилиб қўйиши ўша иш амалга ошаётган пайтда вужудга келади (ва банда бундан масъул эмасдир). Аммо соғлиқ, тоқат-имконият, асбоб-ускуналар каби банда тарафидан бўладиган қодирлик эса ўша амалдан олдин мавжуд бўлади. Шариатнинг хитоблари ана шу иккинчи қудратга тааллуқли бўлади. Аллоҳ таоло айтганидек: «Аллоҳ бирон кимсага унинг тоқатидан ортиқ бўлган нарсани юкламайди» (Бақара: 286).

Инсон тарафидан бўладиган қодирлик икки қисм бўлади:

Биринчиси: диний мажбурият, буйруқ ва қайтарик унга тааллуқли бўладиган қодирлик.

Иккинчиси: Инсон у билан бир иш-феълни қила олишга тайёрлиги.

Биринчи қодирликнинг маъноси — куч-қувват, яъни инсонда бир ишни қилишга куч ва имконият бўлишидир. Диний мажбуриятлар мана шу қодирликка тааллуқлидир. Имконият ва қудрати бўлмаган инсонга шаръий мажбуриятлар юкланмайди. Масалан, мажнун ва гўдак болага буйруқ ва қайтариқ йўқдир. Лекин ёш бола етти ёшга етганида унда қодирлик пайдо бўлади, шу боис тарбия, ибодатга ўрганиш ва чиниқиш юзасидан уни намозга буюрилади. Балоғатга етганидан кейингина мукаллафга айланади. Бу қодирлик ишни қилишдан олдин мавжуд бўлиши шарт бўлган туридир.

Иккинчи қодирлик — у билан бир амални ижро қилиш ва бажариш ҳосил бўладиган қодирликдир. Бу қодирлик феъл билан бирга, ўша иш амалга ошаётган пайтда бўлади. Масалан, ҳажда ҳар икки қодирлик бор. Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَلِلّٰهِ عَلَى النَّاسِ حُجُّ الْبَيْتِ مَنِ اسْتَطَاعَ اِلَيْهِ سَبِيْلًا﴾

«Йўлга қодир бўлган кишилар зиммасида Аллоҳ учун мана шу уйни ҳаж-зиёрат қилиш бурчи бордир» (Оли Имрон: 97). Бу — имкониятга эга бўлиш қодирлигидир. Ҳаж йўлига қодир бўлган одамга, яъни йўл озуқаси ва улови бўлган кишига фарз бўлади. Шу нарсаларга эга бўлган одамга ҳаж фарз бўлади, чунки унда имконият вужудга келган бўлади. Бу — ишни бажаришдан олдин бўлиши шарт қилинган қодирликдир. Иш билан бирга ҳосил бўладиган қодирлик — яъни ҳажни адо этиш — оғир касал ёки ўта қари одамда бу қудрат бўлмаслиги мумкин. Бундай одам ижро этиш ва адо қилиш қодирлигига эга бўлмайди, лекин мукаллаф

бўлиш қодирлигига эгадир. Шу боис унинг зиммасида хаж фарзлиги қолаверади.

Яна масалан, намоз вақти кириши мукаллафга намозни вожиб қилади, адо этиш эса унинг имкониятига қараб бўлади. Бемор одам тик туриб намоз ўқийди, қодир бўлмаса ўтириб ўқийди, унга ҳам қодир бўлмаса, ёнбошлаб ўқийди. Намоз ҳар қандай ҳолда ҳам фарз, чунки у одамда мана шу қодирлик мавжуд. Бу — феълдан олдинги қодирликдир. Аммо феъл билан бирга бўладиган қодирлик баъзан мутлақо бўлмаслиги, баъзан бор бўлса-да, тўла бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолларда унга имконияти даражасида фарз бўлади. Аллоҳ таоло айтади:

﴿فَاتَّقُوا اللَّهَ مَا اسْتَطَعْتُمْ﴾

«Бас, кучларингиз етганича Аллоҳдан қўрқинглар» (Тағобун: 16),

﴿لَا يُكَلِّفُ اللَّهُ نَفْسًا إِلَّا وُسْعَهَا﴾

«Аллоҳ ҳеч бир жонни тоқатидан ташқари нарсага тақлиф қилмайди» (Бақара: 286).

Демак, икки қодирлик ўртасидаги фарқ шуки, биринчисига хитоб (шаръий мажбуриятлар) тааллуқ топади, иккинчисига ижро ва адо қилиш тааллуқ топади.

١٧٢. وَأَفْعَالُ الْعِبَادِ [هِيَ] خَلْقُ اللَّهِ، وَكَسَبٌ مِنَ الْعِبَادِ.

172. Бандаларнинг амалларини Аллоҳ яратади, бандалар эса (ўша амалларни) касб қиладилар.

Бу масала атрофида тортишувлар, адашиш ва тойилишлар содир бўлган. Яъни, бандаларнинг иш-амалларини

Аллоҳ яратадими ёки уларни бандаларнинг ўзлари яратадиларми?

Бир тоифа, яъни жабрийлар ва жаҳмиялар айтишларича, банда мажбур, содир бўлаётган амалларга унинг дахли, яъни инон-ихтиёри йўқ. Уларни фақат Аллоҳ азза ва жалланинг ўзи яратади. Масалан, адо этаётган намозани ҳам ўз ихтиёрисиз адо этади, у бунга мажбур. Бу тоифалар Аллоҳнинг қудратини исботлашда ғулув кетдилар. Уларнинг бу сўзлари очиқ залолат бўлиб, унинг маъноси шуки, Аллоҳ таоло бандаларига зулм қилади ва уларни ўз ихтиёрларисиз бажарган амаллари учун азоблайди. Бандага бошқа биров қилган иш учун азоб беради, бошқа биров қилган иш учун савоб беради.

Иккинчи тоифа, яъни муътазилаларнинг сўзлари тамоман бунинг акси бўлиб, улар: иш-амаллар банданинг мутлақ иродаси ва истак-хоҳиши самарасидир, уларга Аллоҳ аралашмайди, банда ўз феълини ўзи яратади, дейишади. Бу тоифа банданинг қудратини исбот қилишда ғулув кетди. Уларнинг бу гапларидан, Аллоҳ таоло ожиз, яратиш ва пайдо қилишда бошқалар Унга шерик бўлади, деган гап келиб чиқади. Бу эса айни мажусийларнинг сўзидир. Шунинг учун муътазилалар «бу умматнинг мажусийлари» деб ном олишган.⁽¹⁾ Мажусийлар: «Борлиқнинг иккита яратувчиси бор, бири яхшиликларни яратувчиси, иккинчиси ёмонликларни яратувчиси» дейишади. Муътазилалар уларга қўшимча қилиб: «Ҳар ким ўзининг феълини ўзи яратади» дейишди.

Аҳли сунна вал-жамоа Китоб ва Суннат ёруғлигидаги ўрта йўлни ушлаганлар. Улар айтадилар: Бандаларнинг

(1) Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Қадариялар бу умматнинг мажусийларидир, улар касал бўлсалар кўргани борманглар, ўлсалар жанозаларида иштирок этманглар» Абу Довуд (4691) ривояти.

феъллари уларнинг истак-иродалари билан бўлади ва уларни Аллоҳ азза ва жалла яратади:

﴿ وَاللَّهُ خَلَقَكُمْ وَمَا تَعْمَلُونَ ﴿٩٦﴾ ﴾

«Сизларни ҳам, қилаётган нарсаларингизни ҳам Аллоҳ яратган» (Соффат: 96),

﴿ اللَّهُ خَلَقَ كُلَّ شَيْءٍ وَهُوَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ وَكِيلٌ ﴿٦٢﴾ ﴾

«Аллоҳ барча нарсанинг Яратувчисидир. У барча нарсанинг устида вакил-ҳомийдир» (Зумар: 62),

﴿ هَلْ مِنْ خَلْقٍ غَيْرِ اللَّهِ يَرْزُقُكُمْ مِنَ السَّمَاءِ وَالْأَرْضِ ﴿٣﴾ ﴾

«Сизларга осмону заминдан ризқу-рўз берадиган Аллоҳдан ўзга биронта яратувчи борми?!» (Фотир: 3). Аллоҳ таоло танҳо Ўзи яратади ва тақдир қилади. Банданинг ҳам истак-хоҳиши, иродаси бор, у феълани ўзи бажаради. Масжидга ҳам ўз ихтиёри билан боради, кино-театрга ҳам ўз ихтиёри билан боради, чунки бунинг учун унда қудрат бор. Аллоҳ таоло кимга куч-қудрат бермаган бўлса, уни Ўзи маъзур санаган. Масалан, мажнун ёки мажбурланган одамда инон-ихтиёр ҳам, қасд ҳам бўлмайди. Кимнинг инон-ихтиёри ва қасди ўзида бўлса, у иш-амалини ўзига ўзи ихтиёр қилади. Жазо ёки мукофотни ҳам ўзининг амалига биноан олади, Аллоҳ азза ва жалла қилган иш учун эмас.

Аллоҳ таоло:

﴿ إِنَّ الَّذِينَ ءَامَنُوا ﴾

«Иймон келтирган кишилар» (Бақара: 62, Нисо: 59),

﴿ إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا ﴾

«**Кофир бўлган кимсалар**» (Оли Имрон: 116) деб, иймон ва куфр келтиришни инсонларнинг ўзларига нисбат берди,

﴿أَطِيعُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا الرَّسُولَ وَأُولِيَ الْأَمْرِ مِنْكُمْ﴾

«**Аллоҳга итоат қилингиз, ва пайғамбарга ҳамда ўзларингиздан бўлган (яъни мусулмон) ҳокимларга бўйсунингиз!**» (Нисо: 59),

﴿وَمَنْ يُطِيعِ اللَّهَ وَرَسُولَهُ﴾

«**Ким Аллоҳга ва Унинг пайғамбарига итоат қилса**» (Нур: 52) деб, феълларни бандаларнинг ўзларига нисбатлади.

Банданинг ўз истак-иродаси ва қасди бўлишига Аллоҳ таолонинг қуйидаги ояти ҳам далил бўлади:

﴿وَمَا تَشَاءُونَ إِلَّا أَنْ يَشَاءَ اللَّهُ﴾

«(Эй инсонлар), **сизлар фақат Аллоҳ хоҳлаган вақтдагина хоҳларсизлар** (яъни, бирон иш Аллоҳнинг хоҳиш-иродасисиз бўлмас)» (Инсон: 30). Ушбу оятда Аллоҳ таоло Ўзининг истак-хоҳиши борлигини, бандасининг ҳам истак-хоҳиши борлигини исботлади ва банданинг истак-хоҳишини Ўзининг истак-хоҳиши остига киритди.

«**Тўғри йўлда бўлмоқни хоҳлаган кишилар учун**» (Таквир: 28) оятида жабрияларга раддия бор, «**фақат Аллоҳ хоҳлаган вақтдагина**» (Инсон: 30) оятида қадарияларга раддия бор.

۱۷۳. وَلَمْ يَكَلِّفَهُمُ اللَّهُ تَعَالَى إِلَّا مَا يُطِيقُونَ.

173 . Аллоҳ Таоло бандаларга тоқатлари етадиган нарсаларнигина буюргандир.

Аллоҳ таоло айтади:

﴿ لَا يُكَلِّفُ اللَّهُ نَفْسًا إِلَّا وُسْعَهَا ﴾

«Аллоҳ ҳеч бир жонни тоқатидан ташқари нарсага таклиф қилмайди» (Бақара: 286).

﴿ رَبَّنَا وَلَا تَحْمِلْنَا مَا لَا طَاقَةَ لَنَا بِهِ ﴾

«Парвардигоро, бизларни тоқатимиз етмайдиган нарсага зўрлама!» (Бақара: 286).

﴿ يُرِيدُ اللَّهُ بِكُمُ الْيُسْرَ وَلَا يُرِيدُ بِكُمُ الْعُسْرَ ﴾

«Аллоҳ сизларга енгилликни истайди, сизларга оғир бўлишини истамайди» (Бақара: 185).

Аллоҳ таоло бандаларига уларнинг тоқатлари етмайдиган нарсаларни юкламайди. Фақат айрим ҳолларда жазо ва уқубат учунгина юклаши мумкин, Бану Исроилга золимликлари ва саркашликлари сабабли юклагани каби:

﴿ فَيُظَلِّمِ مَنْ الَّذِينَ هَادُوا حَرَمْنَا عَلَيْهِمْ طَيْبَاتٍ أُحِلَّتْ لَهُمْ وَبِصَدِّهِمْ
عَنْ سَبِيلِ اللَّهِ كَثِيرًا ﴾ وَأَخَذَهُمُ الرَّبُّوا وَقَدْ نُهُوا عَنْهُ وَأَكَلِهِمْ أَمْوَالَ
النَّاسِ بِالْبَاطِلِ ﴿١٦٠﴾

«Яхудий бўлган кимсаларнинг золимликлари ва кўп кишиларни Аллоҳ йўлидан-тўсганлари сабабли, яна ман этилган бўлсалар-да, судхўрлик қилганлари ва одамларнинг молларини ноҳақ еганлари сабаб-

ли уларга олдин ҳалол қилинган нарсаларни ҳаром қилиб қўйдик» (Нисо: 160, 161). Аллоҳ таоло уларга жазо сифатида зиммаларига тоқатларидан ташқари нарсаларни юклади. Шунинг учун дуода келадики:

﴿ رَبَّنَا وَلَا تَحْمِلْ عَلَيْنَا إِصْرًا كَمَا حَمَلْتَهُ عَلَى الَّذِينَ مِن قَبْلِنَا ﴾

«Парвардигоро, бизларнинг зиммамизга биздан илгари ўтганларнинг буйинларига қўйган юкингни юклама!» (Бақара: 286).

Аллоҳ таоло фазлу марҳамати ва меҳрибонлиги туфайли бандаларига уларнинг тоқатлари етмайдиган нарсаларни юкламайди:

﴿ إِنِ اللّٰهُ بِالنَّاسِ لَرءُوفٌ رَّحِيمٌ ﴾

«Албатта, Аллоҳ одамларга меҳрибон ва раҳмлидир» (Бақара: 143).

۱۷۴. وَلَا يُطِيقُونَ إِلَّا مَا كَلَّفَهُمْ.

174. Улар ҳам Аллоҳ буюрганидан ортиғига қодир бўлмайдилар.

Аслида, улар Аллоҳ таоло буюрганидан ортиғига ҳам қодир бўладилар, бироқ Аллоҳ таоло уларга енгиллик бўлишини истайди, оғирлик бўлишини истамайди. Шу боис улардан машаққатни кетказди ва енгил динни машруъ қилиб, ўртачадан ортиқча амаллардан қайтарди. Инсон учун туни бўйи намоз ўқиш жоиз эмас, бир умр турмуш қурмай ўтиш мумкин эмас. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Мен намоз ҳам ўқийман, ухлайман ҳам. Рўза тутаман, тутмасдан ҳам юраман. Аёлларга уйланаман. Кимда-ким суннатимдан

юз ўғирса, мендан эмас».⁽¹⁾ Аллоҳ таоло уларга оғир келадиган ишларни юкламайди. Агар юклаганида, унга қодир бўлган бўлишарди. Бироқ, У уларга қийинчилик ва машаққатни хоҳламайди.

۱۷۵. وَهُوَ تَفْسِيرٌ: لَا حَوْلَ وَلَا قُوَّةَ إِلَّا بِاللَّهِ، نَقُولُ: لَا حِيلَةَ لِأَحَدٍ، [وَلَا تَحْوُلَ لِأَحَدٍ] وَلَا حَرَكَةَ لِأَحَدٍ عَنِ مَعْصِيَةِ اللَّهِ إِلَّا بِمَعُونَةِ اللَّهِ، وَلَا قُوَّةَ لِأَحَدٍ عَلَى إِقَامَةِ طَاعَةِ اللَّهِ وَالثَّبَاتِ عَلَيْهَا إِلَّا بِتَوْفِيقِ اللَّهِ.

175. «Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳ» калимасининг маъноси шудир. Биз бу ҳақда шундай деймиз: Аллоҳга маъсият қилишдан ҳеч ким ўзича на ҳийла билан, на бирор ҳаракат билан қутула олади. Фақат Аллоҳ ёрдами билангина бунга эришиш мумкин. Шунингдек, Аллоҳга итоат этиш ва тоат-ибодатда бардавом бўлиш учун ҳам Аллоҳ Таоло тавфиқидан бошқа қувват йўқдир.

«Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳ» — яъни, бир ҳолдан бошқасига айланишингиз фақат Аллоҳнинг мадади билан бўлади, сизда бор бўлган қувват фақат Аллоҳнинг қувватидан, яъни У зот ато этган қувватдир. Ушбу калималарда куч-қувват Аллоҳдан эканига таслим бўлиш ва банданинг куч-қудратдан мосуво эканига иқрор бўлиш бордир. Бундай эътиқод эгаси ўзининг куч-қудрати билан мақтанмайди, балки уни Аллоҳ тарафидан деб билади, Аллоҳдан ёрдам ва мадад тилайди. Аллоҳ таоло унга тоат-ибодатида, маъсиятдан тоат томон, куфрдан Ислом сари эврилишида ёрдам беради. Барча нарса Аллоҳнинг

(1) Бухорий (5063) ва Муслим (1401) ривоятлари.

куч-қудрати билан ҳосил бўлади. Агар у сизни ўз куч-қувватингизга топшириб қўйса, сиз ҳеч нарсага қодир бўлмас эдингиз. Тирикчилик, пул-мол топиш илинжида ҳаракат қилиш ҳам худди шундай, сиздан ҳаракат, тавфиқ ва баракат эса Аллоҳ азза ва жалла томонидан бўлади.

۱۷۶. **وَكُلُّ شَيْءٍ يَجْرِي بِمَشِيئَةِ اللَّهِ تَعَالَى وَعِلْمِهِ وَقَضَائِهِ وَقَدْرِهِ.**

176. Ҳар бир нарса Аллоҳ Таолонинг хоҳиши, илми, қазо ва қадари билан амалга ошади.

Унинг мулкида ҳеч нарса Унинг илми ва тақдирисиз содир бўлмайди:

﴿ وَمَا تَشَاءُونَ إِلَّا أَنْ يَشَاءَ اللَّهُ رَبُّ الْعَالَمِينَ ﴾ (29)

«Сизлар фақат бутун оламлар Парвардигори бўлмиш Аллоҳ хоҳласагина хоҳларсизлар» (Таквир: 29). Аллоҳ ҳукм қилган, тақдир қилган, лавҳул-маҳфузга ёзиб қўйган нарсагина бўлади, борликда юз бераётган барча ҳодисалар фақат Аллоҳ таолонинг қазоси ва қадари билан бўлади.

۱۷۷. **غَلَبَتْ مَشِيئَتُهُ الْمَشِيئَاتِ كُلَّهَا.**

177. Аллоҳнинг хоҳиши барча хоҳишлардан устундир.

Аллоҳ таоло айтади:

﴿ وَمَا تَشَاءُونَ إِلَّا أَنْ يَشَاءَ اللَّهُ رَبُّ الْعَالَمِينَ ﴾ (29)

«Сизлар фақат бутун оламлар Парвардигори бўлмиш Аллоҳ хоҳласагина хоҳларсизлар» (Таквир: 29). Бандада ҳам хоҳиш бўлади, бироқ у Аллоҳнинг хоҳиши остига дохилдир, банда Аллоҳнинг хоҳишисиз бирон нарсани хоҳлашга қодир бўлмайди.

۱۷۸. وَعَلَبَ فِضَاؤُهُ الْحَيْلَ كُلَّهَا .

178. Унинг қазо ва қадари эса ҳамма ҳийла-тадбирлар устидан ғолибдир.

Аллоҳ таоло агар бир ишни тақдир қилмаган бўлса, сиз ҳар қанча сабабларини қилманг, сабаблар фойда бермайди ва ўша иш амалга ошмайди. Аллоҳ сизга фойдани тақдир қилмаган бўлса, ҳарчанд кўп ишларни қилманг, улардан заррача фойда етмайди. Шундай экан, сиз сабабларни қилишга таклиф этилгансиз, тавфиқ эса Аллоҳ таолодандир.

۱۷۹. يَفْعَلُ مَا يَشَاءُ وَهُوَ غَيْرُ ظَالِمٍ أَبَدًا،
تَقَدَّسَ عَنِ كُلِّ سُوءٍ وَحَيْنٍ، وَتَنَزَّاهُ عَنِ كُلِّ عَيْبٍ
وَشَيْنٍ.

179. У (ҳеч кимга) асло зулм қилмаган ҳолида Ўзи хоҳлаган ишини қилади. У ҳар қандай ёмонлик ва ҳалокатдан олийдир, барча айбу-нуқсонлардан покдир.

Аллоҳ таоло Ўзи хоҳлаган ишни, у хоҳ яхши иш, хоҳ ёмон иш бўлсин, хоҳ неъмат, хоҳ азоб бўлсин, бандаларига зулм қилмаган ҳолда қилади. Чунки, у ҳамма

нарсани ўз ўрнига қўяди. Зулм қилмаган ҳолда неъмат ва тавфиқни унга лойиқ бўлган кишиларга беради, нолайиқ бўлган кишини тоат-ибодат ва тавфиқдан махрум қилади. Тоатли, солиҳ бандасига азоб бермайди, осий кимсага ажру савоб бермайди.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло зотида комил, исму сифатларида комил, феъллари ва яратишида комилдир.

۱۸۰. ﴿لَا يُسْأَلُ عَمَّا يَفْعَلُ وَهُمْ يُسْأَلُونَ﴾ (الأنبياء: ۲۳).

180. «У қилаётган иши ҳақида сўралмайди, бандалар эса сўраладилар» (Анбиё: 23).

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло қиладиган иши ҳақида ҳеч ким олдида масъул эмас, У барча нарсани ҳикмат билан қилади ва ўз ўринга қўяди. Бандалар эса қиладиган ишларидан сўраладилар, чунки улар хатога йўл қўядилар ва ишларни ўз ўрнидан бошқа ўринга ҳам қўядилар. Бу борада холиқ билан махлуқ ўртасида фарқ бор. Аллоҳ таолонинг иш-феълларида бирон халаллик содир бўлмайди. Бандада эса зулм, ҳасад, кибр бор, унинг ўз тасарруфларида хатога йўл қўйишига олиб келадиган ишлари бўлади.

۱۸۱. وَفِي دُعَاءِ الْأَحْيَاءِ وَصَدَقَاتِهِمْ مَنَّعَةٌ لِلْأَمْوَاتِ.

181. Тирикларнинг дуо ва садақаларида майитлар учун фойда бордир.

Аслида бу фикҳий масала бўлса-да, унинг ақидага ҳам тааллуқи бор.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Инсон вафот этгач, барча амаллари ундан узилади:

фақат учта амали(дан савоб келиб туради): садақаи жориядан, фойдаланиб туриладиган илмдан ва ҳаққига дуо қилиб турадиган солиҳ фарзанддан».⁽¹⁾

Демак, банданинг вафоти билан унинг амаллари тўхтайди. Фақат садақаи жория, яъни масжид, мактаб-мадраса каби мусулмонларга фойдаси етиб турадиган бирон нарса қуриб кетган бўлса, то фойдаланиб туриларкан, ажри ҳам давомий бориб туради.

Ёки фикҳ, ақида каби илмлардан дарс берган, шо-гирдлар чиқарган бўлса, ўша таълимининг ажри бориб туради. Одамларга фойдаси тегадиган китоблар ёзган бўлса, унинг ҳам ажри бориб туради. Чунки, бу ҳам илмидан фойдалантириш жумласига киради.

Ёки ўзини пок тутиш учун ва солиҳ фарзанд талабида уйланган бўлса, солиҳ фарзанд бунёдга келган бўлса, бу ҳам унинг касби натижаси саналади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «*Кишининг энг покиза емиши касби ортидан топган (ризқ)идир. Фарзанди ҳам кишининг касбидандир*».⁽²⁾ Солиҳ фарзанди вафотидан кейин унинг ҳаққига дуо қилади ва бу дуо унга етиб туради.

Мана шу масаладан бошқаси ихтилофли саналади. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло айтади:

﴿ وَأَنْ لَيْسَ لِلْإِنْسَانِ إِلَّا مَا سَعَى ﴾

«Инсон учун фақат ўзи қилган ҳаракатигина бўлур (яъни ўзгаларнинг қилган яхши амалларидан унга бирон фойда етмас)» (Нажм: 39). Оят мазмунига кўра, бировнинг амалининг бошқа бировга фойдаси тегмайди, фақат унинг ўзи сабаб бўлган амал бундан мустасно. Бир тоифа

(1) Муслим (1631) ривояти).

(2) Абу Довуд (3528), Термизий (1362) ривоятлари, Термизий: «ҳасан, саҳиҳ ҳадис» деган.

уламолар мана шу оятдан келиб чиқиб: «Инсонга ўз амалидан бошқа нарса мутлақо фойда бермайди» дейишади. Лекин, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам маййитга бошқаларнинг дуо, истиғфор каби амалларидан ҳам фойда етиб туришини айтганлар.

﴿رَبَّنَا اغْفِرْ لَنَا وَلِإِخْوَانِنَا الَّذِينَ سَبَقُونَا بِالْإِيمَانِ وَلَا تَجْعَلْ فِي قُلُوبِنَا غِلًّا لِلَّذِينَ آمَنُوا﴾

«Парвардигоро, Ўзинг бизларни ва бизлардан илгари иймон билан ўтган зотларни мағфират қилгин ва қалбларимизда иймон келтирган зотлар учун бирон филли-ғаш қилмагин» (Ҳашр: 10),

﴿وَأَسْتَغْفِرُ لَذُنُوبِكُمْ وَالْمُؤْمِنِينَ وَالْمُؤْمِنَاتِ﴾

«Ўз гуноҳингиз учун ҳамда мўмин-мўминалар(нинг гуноҳлари) учун мағфират сўранг!» (Мухаммад: 19) оятлари маййитлар ҳаққига мағфират сўраб дуо қилишни ҳам ўзи ичига олади.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мусулмонларга агар улар бирон биродарларини дафн қилсалар, қабри устида туриб, унга истиғфор айтишга ва сабот сўраб дуо қилишга буюрганлар.⁽¹⁾

Қилинган садақанинг ҳам маййитга фойдаси етади. Бир киши Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб, онаси вафот этганини, агар сўзлаган

(1) Усмон розияллоху анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Биродарингизга истиғфор айтингиз ва унга сабот сўраб дуо қилингиз, чунки у ҳозир сўроқ-саволга тугилади» (Абу Довуд (3221), Ҳоким (1/370) ривоятлари, Ҳоким: «Бу ҳадис иснод шартига кўра саҳиҳ, лекин икковлари (яъни, Бухорий ва Муслим) келтирмаганлар», деган.

бўлганида садақага буюрган бўлишини айтиб: «Унинг номидан садақа қилсам бўладими?» деб сўраганида: «Ҳа», деб жавоб берганлар.⁽¹⁾

Шунингдек, ҳажнинг ҳам бошқаларга манфаати етади. Бу ҳақда далиллар бор. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир кишининг «Шубрума номидан» деб эҳром боғлаётганини эшитиб, «Шубрума ким?» деб сўрадилар. У акаси ё бир яқини эканини айтганида: «Ўзинг ҳаж қилганмисан?», дедилар. «Йўқ», деди. «Авал ўзингга ҳаж қил, кейин Шубрумага қиласан», дедилар.⁽²⁾ Шунингдек, бир аёл Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан онаси номидан ҳаж қилиш ҳақида сўраб: «Онам бўйнида ҳаж фарзлиги бўлган ҳолда вафот этди, мен унинг номидан ҳаж қилсам бўладими?» деб сўраганида: «Ҳа, онанг номидан ҳаж қилавер» деганлар.⁽³⁾ Демак, бу ишлар — дуо, истиғфор, садақа, ҳаж ва умра бошқалар тарафидан қилинганда маййитга манфаати етади ва **«Инсон учун фақат ўзи қилган ҳаракатигина бўлур** (яъни ўзгаларнинг қилган яхши амалларидан унга бирон фойда етмас)» (Нажм: 39) ояти-ни бу хослаб қўяди.

Бир тоифа бу ҳақда ғулув кетиб: «Маййитга тирикларнинг ҳамма амалидан манфаат етади» дейди ва қорилар ёллаб, маййит учун хатми қуръонлар қилдиришади. Бундай ишларнинг ўликка ҳам, тирикка ҳам фойдаси тегмайди. Қори қироати учун ҳақ олса, унга савоб бўлмайди. Иккинчи тарафдан, бу иш бидъат, унга ҳеч қандай далил йўқ. Субҳаналлоҳ! Агар қорига бериладиган пулни садақа қилиб чиқарганида суннатга эргашган бўлар ва маййитга фойда етказган бўларди. Аммо, энди

(1) Бухорий (2760) ва Муслим (1004) ривоятлари.

(2) Абу Довуд (1811), Ибн Можа (2903), Ибн Хузайма (3039) ривоятлари.

(3) Бухорий (1852) ривояти.

бидъат қилгани учун ўликка ҳам, тирикка ҳам манфаати етмайди ва бу суннатни тарк қилиши оқибатидир.

۱۸۲. وَاللّٰهُ تَعَالٰى يَسْتَجِيبُ الدَّعَوَاتِ، وَيَقْضِي الْحَاجَاتِ.

182. Аллоҳ таоло дуоларни ижобат қилади, ҳожатларни раво қилади.

Аллоҳ таолонинг сифатларидан бири — у дуо қилган кишининг дуосини ижобат қилади. Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَإِذَا سَأَلَكَ عِبَادِي عَنِّي فَإِنِّي قَرِيبٌ أُجِيبُ دَعْوَةَ الدَّاعِ إِذَا دَعَانِ﴾

«Бандаларим Сиздан (Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), Мен ҳақимда сўрасалар. Мен уларга яқинман. Менга дуо қилган пайтларида дуо-гўйларнинг дуосини ижобат қиламан» (Бақара: 186).

Аллоҳ таоло Ўзига дуо қилишга буюриб, деди:

﴿وَقَالَ رَبُّكُمْ ادْعُونِي أَسْتَجِبْ لَكُمْ إِنَّ الَّذِينَ يَسْتَكْبِرُونَ عَن عِبَادَتِي سَيَدْخُلُونَ جَهَنَّمَ دَاخِرِينَ﴾

«Парвардигорларингиз: «Менга дуо-илтижо қилинглр. Мен сизларга (қилган дуоларингизни) мустажоб қилурман», деди. Албатта Менга ибодат қилишдан кибр-ҳаво қилган кимсалар яқинда бўйинларини эгган ҳолларда жаҳаннамга кирурлар» (Ғофир: 60).

Аллоҳ таоло яна айтади:


﴿أَمَّن يُجِيبُ الْمُضْطَرَّ إِذَا دَعَاهُ وَيَكْشِفُ السُّوءَ وَيَجْعَلُكُمْ خُلَفَاءَ الْأَرْضِ ۗ أَلَا لَهُ مَعَ اللَّهِ قَلِيلًا مَّا تَذَكَّرُونَ﴾

«(Аллоҳга олиҳаларни шерик қилиб ибодат қилишингиз яхшироқми?) **ёки музтар-ночор одам дуо-илтижо қилган вақтида (дуосини) ижобат қиладиган ва (унинг) мушкулини осон қиладиган ҳамда сизларни ернинг халифа-эгалари қиладиган зотми?! Аллоҳ билан бирга яна бирон илоҳ борми?! Камдан-кам эслатма-ибрат олурсизлар!» (Намл: 62).**

Бу ва шу каби оятларда Аллоҳ таоло Ўзига дуо қилишга буюриб, дуоларни ижобат қилишини хабар берган. Бу Унинг фазлу карами, саховати ва эҳсонкорлигиданки, бандаларини дуо қилишга буюриб, Ўзи уларга ижобат қилишини айтади. Ҳолбуки, Унинг бандаларнинг дуоларига ҳеч қандай эҳтиёжи йўқ. Уларнинг дуога эҳтиёжлари борлигини билиб, Ўзига дуо қилишларига буюрди. Ҳадисда келадик: «*Ким Аллоҳдан сўрамаса, У зот унга ғазаб қилади*». ⁽¹⁾

Дуо энг катта ибодат турларидан ҳисобланади: «*Дуо — айни ибодатдир*». ⁽²⁾

Ўзига дуо қилишга буюриш билан бир қаторда Ўзидан бошқага дуо қилишдан ва дуода бошқа бировни Унга шерик қилишдан қайтарди:



«Албатта (барча) масжидлар Аллоҳникидир. Бас, (масжидларда) Аллоҳ билан бирга яна бирон кимсага дуо-илтижо қилманглар!» (Жин: 18).



(1) Аҳмад (2/477), Термизий (3370), Ибн Можа (3827), Ҳоким (1/491) ривоятлари.

(2) Абу Довуд (1479), Термизий (3369), Ибн Можа (3828) ривоятлари, Термизий: «ҳасан, саҳиҳ» деган.

«Айтинг: Мен ёлғиз Парвардигоримгагина дуо-илтижо қилурман ва У зотга бирон кимсани шерик қилмасман» (Жин: 20).

﴿ وَمَنْ يَدْعُ مَعَ اللَّهِ إِلَهًا آخَرَ لَا بُرْهَانَ لَهُ بِهِ فَإِنَّمَا حِسَابُهُ عِنْدَ رَبِّهِ إِنَّهُ لَا يُفْلِحُ الْكَافِرُونَ ﴾

«Ким ўзи учун ҳеч қандай ҳужжат бўлмаган ҳолда Аллоҳ билан бирга бошқа бирон илоҳга илтижо қилса, бас унинг ҳисоб-китоби Парвардигорининг ҳузурида бўлур. Албатта кофир бўлган кимсалар нажот топмаслар» (Мўминун: 117).

Аллоҳдан бошқага дуо қилиш жоиз эмас. Ким Аллоҳдан бошқага дуо қилса, мушрик бўлади. Дуо қилинувчи фаришта бўладими, пайғамбар бўладими, авлиё бўладими, фарқсиз, буларга дуо қилган одам диндан чиқарувчи катта ширк амалини қилган бўлади:

﴿ وَمَنْ أَضَلُّ مِمَّن يَدْعُوا مِنْ دُونِ اللَّهِ مَنْ لَا يَسْتَجِيبُ لَهُ إِلَى يَوْمِ الْقِيَامَةِ وَهُمْ عَن دُعَائِهِمْ غَفِلُونَ ﴾

«Аллоҳни қўйиб, Қиёмат Кунигача ҳам (дуони) муштажоб қила олмайдиган бутларга дуо-илтижо қиладиган кимсадан ҳам йўлдан озганроқ ким бор?! Ҳолбуки у (жонсиз бут)лар ўша (мушрик)ларнинг дуоларидан ғофилдирлар!» (Ахкоф: 5).

﴿ إِنْ تَدْعُوهُمْ لَا يَسْمَعُوا دَعَاءَكُمْ وَلَوْ سَمِعُوا مَا اسْتَجَابُوا لَكُمْ وَيَوْمَ الْقِيَامَةِ يَكْفُرُونَ بِشِرْكِكُمْ ﴾

«Агар сизлар уларни чорласангизлар, дуоларингизни эшитмаслар. Агар эшитсалар-да, сизларга жавоб қила олмаслар ва қиёмат кунда уларни (Аллоҳга)

шерик қилиб олганларингизни инкор қилурлар»
(Фотир: 14).

﴿ قُلْ أَدْعُوا الَّذِينَ زَعَمْتُمْ مِنْ دُونِ اللَّهِ لَا يَمْلِكُونَ مِثْقَالَ ذَرَّةٍ فِي
السَّمَوَاتِ وَلَا فِي الْأَرْضِ وَمَا لَهُمْ فِيهِمَا مِنْ شَرْكٍَ وَمَا لَهُ مِنْهُمْ مِنْ ظَهِيرٍ ﴿٢٢﴾
وَلَا تَنْفَعُ الشَّفَعَةُ عِنْدَهُ إِلَّا لِمَنْ أَذِنَ لَهُ ﴾

«(Эй Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва саллам, мушрикларга) айтинг: «Сизлар Аллоҳдан ўзга (илоҳлар) деб гумон қилган бутларингизга дуо-илтижо қилаверингларчи, (улар сизларга ижобат қила олармиканлар)! Улар на осмонларда ва на ерда бир зарра вазнича (нарс)га эга эмасдирлар ва улар учун (осмонлар ва ерда Аллоҳга) шериклик ҳам йўқдир ҳамда (Аллоҳ) учун улардан бирон ёрдамчи ҳам йўқдир. (Аллоҳ) ҳузурида фақат Унинг Ўзи изн берган кишиларгагина шафоат-оқлов фойда берур (яъни ана ўша зотларгина шафоатга эришурлар, ё ўзгаларни шафоат қила олурлар)» (Сабаъ: 22, 23).

Дуо икки қисмдир:

Биринчиси: Ибодат дуоси. У Аллоҳ азза ва жаллага Унинг исмлари, сифатлари, феъллари билан сано-мақтов айтишдир. У зотга тасбех, такбир, ҳамду сано айтган киши Унга ибодат дуоси билан дуо қилган бўлади.

Иккинчиси: Сўров ва тилак дуоси. У Аллоҳ азза ва жалладан ҳожатларни раво қилишини сўраб дуо қилишдир. «Фотиҳа» сураси ҳар икки дуони ўз ичига олган, суранинг аввалги қисми то «ийяка наъбуду» (яъни, Сенгагина ибодат қиламиз)гача ибодат дуоси, қолгани то охиригача сўров ва тилак дуосидир.

Уламолар айтишларича, ибодат дуоси сўров дуосини лозим тутувчи, сўров дуоси эса ибодат дуосини ўз ичига олувчидир.

Аллоҳ азза ва жалла Ўзига дуо қилган кишининг дуосини ижобат қилишини ваъда қилган. Баъзи бировлар:

«Дуо қилдим, ижобатини кўрмадим» деганини эшитиб қоласиз. Уларга айтиш керакки: «Дуойингизни ижобат бўлишидан тўсувчи моненьни ўзингиздан қидиринг. Дуо бир сабаб, холос, натижа эса моненьлар бўлмагандагина кўринади. Эҳтимол, сиз ғофил қалб билан, тил бошқа, дил бошқа ҳолда дуо қилаётгандирсиз?! Ғофил қалб билан қилинган дуо қандай ижобат қилинсин?! Ёки ҳаромдан еб-ичиб, ҳаромдан кийиниб дуо қилаётгандирсиз?! Узоқ йўл босиб, чангга беланган, қўлларини кўкка чўзиб: «Эй Парвардигорим, эй Парвардигорим!», деб дуо қилаётган, бироқ егани, ичгани, кийгани ҳаром бўлган ва ҳаром билан озиқланган киши ҳақида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «*Унинг дуоси қандай ижобат бўлсин?!*», деганлар.⁽¹⁾ Ёки гуноҳларга ботиб, қариндошлар билан алоқаларни узган ҳолда дуо қилаётгандирсиз?! Бундай одамнинг ҳам дуоси ижобат қилинмайди! Бу бир томондан.

Иккинчи томондан, Аллоҳ аzza ва жалла сизга нима манфаатли бўлишини яхшироқ билувчидир. У тилаган тилагингизни ўша вақтнинг ўзида бериши ҳам мумкин, кейинроққа олиб қўйиши ҳам мумкин. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «*Ер юзида қай бир мусулмон гуноҳга қўл урмаган, яқинлари билан алоқасини узмаган ҳолатда Аллоҳга дуо қилар экан, Аллоҳ унга учта нарсадан бирини беради: ё сўраган нарсасини ато этади ё уни кейинроққа олиб қўяди ёки шунинг мислича ёмонликни ундан даф этади*».⁽²⁾

Залолат аҳлининг даъвосича, дуо қилишга ҳожат йўқ, чунки бир иш агар тақдир қилинган бўлса, унинг дуога эҳтиёжи қолмайди. Тақдир қилинган иш дуо қилмасангиз ҳам албатта бўлади. Агар тақдир қилинмаган бўлса, ҳар

(1) Муслим (1015) ривояти.

(2) Термизий (3390) ривояти.

қанча дуо қилманг, барибир ҳосил бўлмайди. Бу гап за-
лолат ва бу Аллоҳнинг каломига зиддир.

Бунга жавоб шуки, дуо билан қазо ва қадар ўртасида
қарама-қаршилик йўқ. Тақдир қилган зот ҳам Ўзи, дуо
қилишга буюрган ҳам Ўзи. Дуо бир сабаб, ато қилувчи
Аллоҳ таолонинг Ўзи. Баъзи нарсалар бўладики, сабабларга
боғлиқ қилиб тақдир қилинган. Агар сабабини қилсангиз,
ўша ишга эришасиз. Дуо ҳам сабаблардан биридир.

۱۸۳. وَيَمْلِكُ كُلَّ شَيْءٍ، وَلَا يَمْلِكُهُ شَيْءٌ.

**183. У ҳамма нарсанинг эгасидир. Унга эса ҳеч ким эга-
лик қилолмайди.**

Аллоҳ аза ва жалланинг сифатларидан яна бири —
У ҳамма нарсанинг эгасидир, борлиқдаги ҳамма нарса
Унинг мулкидир:

﴿بَبَرَكَ الَّذِي بِيَدِهِ الْمُلْكُ وَهُوَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ﴾

«(Барча оламлар) подшоҳлиги Ўз қўлида бўлган зот —
Аллоҳ баракотли-буюқдир. У барча нарсага қодирдир»
(Мулк: 1),

﴿لَهُ الْمُلْكُ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ﴾

«Осмонлар ва Ер Унинг мулкидир» (Ҳадид: 2).

Ҳеч нарса Унинг мулкидан ташқарида эмас, одамлар
ва уларнинг қўлларидаги бор мол-мулклари Аллоҳ таоло-
нинг мулкидир:

﴿قُلِ اللَّهُمَّ مَالِكِ الْمُلْكِ تُؤْتِي الْمُلْكَ مَن تَشَاءُ وَتَنْزِعُ الْمُلْكَ مِمَّن تَشَاءُ
وَعُزُّهُ مَن تَشَاءُ وَتُذِلُّ مَن تَشَاءُ بِيَدِكَ الْخَيْرُ إِنَّكَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ﴾

«Айтинг: Эй мулку давлат эгаси бўлган Аллоҳим, сен истаган кишингга мулк ато қилурсан ва истаган кишингдан бу мулкни тортиб олурсан, истаган кишингни азиз қилурсан ва истаган кишингни хор қилурсан. Бор яхшилик ёлғиз Сенинг қўлингдасир. Албатта Сен барча нарсага қодирсан» (Оли Имрон: 26).

Ҳеч ким Аллоҳга босим ўтказишга ва Уни бирон ишга мажбурлашга қодир эмас. Чунки, ҳамма Унинг бандаси ва Унга муҳтож:

﴿وَرَبُّكَ يَخْلُقُ مَا يَشَاءُ وَيَخْتَارُ﴾

«Парвардигорингиз Ўзи хоҳлаган нарсани яратур ва (Ўзи хоҳлаган ишни) ихтиёр қилур» (Қасас: 68),

﴿إِنَّ اللَّهَ يَفْعَلُ مَا يَشَاءُ﴾

«Албатта Аллоҳ Ўзи хоҳлаган нарсани қилур» (Ҳаж: 18).

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло барча ишларни ёлғиз Ўзи тадбир қилади ва Ўзининг ҳикматига биноан жорий қилади.

۱۸۴. وَلَا غِنَىٰ عَنِ اللَّهِ تَعَالَىٰ طَرْفَةَ عَيْنٍ.

184. Ҳеч ким бирор лаҳза ҳам Аллоҳдан беҳожат бўлмайди.

Аллоҳ таоло беҳожат ва мақтовли зотдир. Халойиқлар ҳаммаси Аллоҳга муҳтож ва ҳеч ким Аллоҳдан беҳожат бўлиш имконига эга эмас.

Аллоҳ таоло айтади:

﴿يَأَيُّهَا النَّاسُ أَنْتُمُ الْفُقَرَاءُ إِلَى اللَّهِ وَاللَّهُ هُوَ الْغَنِيُّ الْحَمِيدُ﴾

«Эй инсонлар, сизлар Аллоҳга муҳтождирсизлар. Аллоҳнинг Ўзигина (барча одамлардан) беҳожат ва (барча) мақтовга лойиқ зотдир» (Фотир: 15).

Ҳеч ким, ҳатто бутун дунё мулки қўлида бўлган киши ҳам Аллоҳ таолодан беҳожат бўлолмайди. Подшоҳлар ҳам Аллоҳга муҳтож, бойлар ҳам Аллоҳга муҳтож. Ҳеч ким, ҳатто муқарраб фаришталар ҳам Аллоҳдан беҳожат эмасдир.

۱۸۵. وَمَنْ اسْتَعْنَىٰ عَنِ اللَّهِ طَرْفَةً عَيْنٍ، فَقَدْ كَفَرَ وَصَارَ مِنْ
أَهْلِ الْحَيْنِ.

185. Кимки бир лаҳзага бўлса ҳам Аллоҳдан беҳожат бўламан деса, кофир бўлади ва ҳалокат аҳлига айланади.

Ким Аллоҳдан беҳожатман, Унга эҳтиёжим йўқ, деб даъво қилса, кофир бўлиб, диндан чиқади. Банда доим Аллоҳга ўзининг заифлигини изҳор қилиб туриши, ўзида бўлган куч-қувват, соғлиқ-саломатлик ва бойликлар билан фахрланмаслиги лозим. Чунки, барча ишлар Аллоҳ азза ва жалланинг қўлида, Аллоҳ азза ва жаллдан беҳожат бўлиш имконсиз.

۱۸۶. وَاللَّهُ يَغْضَبُ وَيُزْضِي، لَا كَأَحَدٍ مِنَ الْوَرَى.

186. Аллоҳ Таоло ғазабланади ва рози бўлади, бироқ бу сифатлар бандаларники каби эмасдир.

Аллоҳ таоло ғазабланади, рози бўлади. Бу Унинг феълий сифатларидан. Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَالسَّيْفُوتِ الْأَوْلُونَ مِنَ الْمُهَاجِرِينَ وَالْأَنْصَارِ وَالَّذِينَ اتَّبَعُوهُمْ
بِإِحْسَانٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمْ وَرَضُوا عَنْهُ﴾

«Муҳожир ва ансорларнинг биринчи пешқадамлари ва уларга чиройли амаллар билан эргашган зотлар — Аллоҳ улардан рози бўлди ва улар ҳам Ундан рози бўлдилар» (Тавба: 100).

Аллоҳ таоло бандаларидан рози бўлади, «Аллоҳнинг розилиги эса ҳамма нарсадан улуғроқдир» (Тавба: 72). «(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), дарҳақиқат Аллоҳ мўминлардан — улар дарахт остида сизга байъат қилаётган вақтларида — рози бўлди» (Фатҳ: 18).

У зот субҳанаҳу ва таоло шунингдек, ғазаб ҳам қилади:

﴿قُلْ هَلْ أُنَبِّئُكُمْ بِشَرِّ مِّنْ ذَلِكَ مَثُوبَةً عِنْدَ اللَّهِ مَن لَّعَنَهُ اللَّهُ وَغَضِبَ
عَلَيْهِ﴾

«Айтинг: Сизларга Аллоҳнинг ҳузурда бундан кўра ёмонроқ савоб (жазо оладиган кимсалар) ҳақида хабар берайми? Улар Аллоҳнинг лаънатига дучор бўлган, ғазабига гирифтор бўлган... кимсалардир» (Моида: 60).

Аллоҳ таоло Ўзига осий бўлган кишиларга ғазаб қилади:

﴿وَمَن يَقْتُلْ مُؤْمِنًا مُّتَعَمِّدًا فَجَزَاؤُهُ جَهَنَّمُ خَالِدًا فِيهَا
وَعَضِبَ اللَّهُ عَلَيْهِ وَلَعَنَهُ وَأَعَدَّ لَهُ عَذَابًا عَظِيمًا﴾

«Ким қасддан бир мўминни ўлдирса, унинг жазо-си жаҳаннам бўлиб, ўша жойда абадий қолажак. Ва у Аллоҳнинг ғазаби ва лаънатига дучор бўлган, Аллоҳ унинг учун улуғ азобни тайёрлаб қўйгандир» (Нисо: 93).

Махлуқ-банда ҳам ғазабланади, рози бўлади. Бироқ, махлуқнинг ғазаби ва розилиги билан холиқнинг ғазаби ва розилиги ўртасида фарқ бор. Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг розилиги ва ғазаби Унинг Ўзига лойиқ бўлган кўринишда, махлуқнинг розилиги ва ғазаби эса унинг ўзига лойиқ кўринишда бўлади:

﴿لَيْسَ كَمِثْلِهِ شَيْءٌ وَهُوَ السَّمِيعُ الْبَصِيرُ﴾ (Шуро: 11)

«Бирон нарса У зотга ўхшаш эмасдир. У ҳамма нарсани эшитувчи ва ҳамма нарсани кўрувчи зотдир» (Шуро: 11). Зотида ҳам, исмларида ҳам, сифатларида ҳам Унга ҳеч ким ўхшаёлмайди.

Бу аҳли сунна вал-жамоанинг мазҳабидир. Улар Аллоҳ таолонинг бошқа сифатлари қаторида Унинг ғазабланиш ва рози бўлиш сифатларига ҳам иқроп бўладилар. Гарчи, айни сифатлар махлуқларда ҳам топилса-да, ўртадаги фарқ жуда катта:

﴿لَيْسَ كَمِثْلِهِ شَيْءٌ وَهُوَ السَّمِيعُ الْبَصِيرُ﴾ (Шуро: 11)

«Бирон нарса У зотга ўхшаш эмасдир. У ҳамма нарсани эшитувчи ва ҳамма нарсани кўрувчи зотдир» (Шуро: 11). Махлуқлар ҳам кўрувчи ва эшитувчидирлар, Аллоҳ таоло ҳам Ўзини эшитувчи ва кўрувчи деб сифатлади ва оятнинг бошида: **«Бирон нарса У зотга ўхшаш эмасдир»** дедики, бу холиқнинг сифатлари билан махлуқнинг сифатлари ўртасида фарқ борлигига далолат қилади. Бу Аллоҳнинг Китоби, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Суннатларидан маълум бўлган иш ва аҳли сунна вал-жамоанинг эътиқодидир. Таъвил ва залолат аҳли эса Аллоҳ таолодан исм ва сифатларни рад қилишди, бунга сабаб қилиб ўша сифатларнинг бандаларда ҳам борлигини, агар уларни Аллоҳ таолода бор дейилса, бундан бандалар билан Аллоҳ ўртасида

Ўхшашлик келиб чиқишини даъво қилдилар. Аслида эса, бу ҳеч қандай ўхшашликни тақозо қилмайди.

Улар ўзларининг ноқис фаҳмлари билан ғазабни интиқом олиш деб, розиликни эса инъом қилиш деб таъвил қилишди. Аслида эса, Аллоҳ ва Расулига ва улардан собит бўлган нарсаларга таслим бўлиш, бу каби сафсата ва таъвилларни тарк қилиш лозим эди.

Шунинг учун Имом Молик раҳимахуллоҳдан Аллоҳ таолонинг Ўз арши узра истивоси-ўрнашиши қандайлиги ҳақида сўралганда у киши Аллоҳдан ҳаё қилиб ва қўрқиб, бошларини эгиб олдилар, сўнг бошларини кўтариб: «Истиво (нинг маъноси) маълум, қандайлиги номаълум, унга иймон келтириш вожиб, у ҳақда сўраш бидъат», дедилар.

۱۸۷. **وُنِحِبُ أَصْحَابِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ.**

187. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламнинг асҳобларини яхши кўрамиз.

Асҳоб ва саҳоба — саҳобий сўзининг кўплик шаклидир. Саҳобий деб Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам билан кўришган, у зотга иймон келтириб, иймонда вафот этган кишига айтилади. Иймон келтирган, гарчи замондош бўлган эса-да, у зот билан кўришиш на-сиб бўлмаган кишини саҳобий дейилмайди. Нажоший бунга мисол бўлади. Саҳобий бўлиш учун у зотга иймон келтиришнинг ўзи кифоя қилмайди, балки иймонда вафот этган бўлиши ҳам шарт қилинади. Муртад бўлиш ва шу ҳолда ўлишнинг ўзиёқ саҳобийликни ҳам, бошқа амалларни ҳам ботил ва бекор қилади. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламнинг саҳобалари расуллар ва набийлардан сўнг барча умматлар ичида энг афзал ва энг яхши кишилардир. Чунки, улар Муҳаммад мустафо

соллаллоҳу алайҳи ва салламни кўриш бахтига мушарраф бўлган, у зотга иймон келтирган, бирга жиҳод қилган, у зотнинг шахсан ўзларидан илм олишга муяссар бўлган, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларни яхши кўрган, Аллоҳ таоло уларни Ўзининг пайғамбарига саҳоба қилиб танлаган зотлардир.

Аллоҳ таоло айтади:

﴿ لَقَدْ رَضِيَ اللَّهُ عَنِ الْمُؤْمِنِينَ إِذْ يُبَايِعُونَكَ تَحْتَ الشَّجَرَةِ فَعَلِمَ مَا فِي قُلُوبِهِمْ فَأَنْزَلَ السَّكِينَةَ عَلَيْهِمْ وَأَثَبَهُمْ فَتْحًا قَرِيبًا ﴿١٨﴾ وَمَعَانِمَ كَثِيرَةً يَأْخُذُونَهَا وَكَانَ اللَّهُ عَزِيزًا حَكِيمًا ﴿١٩﴾ ﴾

«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), дарҳақиқат Аллоҳ мўминлардан — улар дарахт остида сизга байъат қилаётган вақтларида — рози бўлди. Бас, У зот уларнинг дилларидаги нарса (садоқат ва вафо)ни билиб, уларга сакинат-ором туширди ва уларни яқин ғалаба ва ўзлари(гина) оладиган кўпдан-кўп ўлжалар билан мукофотлади. Аллоҳ қудрат ва ҳикмат соҳиби бўлган зотдир» (Фатҳ: 18, 19).

﴿ مُحَمَّدٌ رَسُولُ اللَّهِ وَالَّذِينَ مَعَهُ أَشِدَّاءُ عَلَى الْكُفَّارِ رُحَمَاءُ بَيْنَهُمْ تَرَاهُمْ رُكَّعًا سُجَّدًا يَبْتَغُونَ فَضْلًا مِنَ اللَّهِ وَرِضْوَانًا سِيمَاهُمْ فِي وُجُوهِهِمْ مِنْ أَثَرِ السُّجُودِ ذَلِكَ مَثَلُهُمْ فِي التَّوْرَةِ وَمَثَلُهُمْ فِي الْإِنْجِيلِ كَرزِعٍ أَخْرَجَ شَطْعَهُ فَتَازَهُ. فَاَسْتَغْلَظَ فَاسْتَوَىٰ عَلَىٰ سَوْفِهِ يَعْجِبُ الزَّرَّاعَ لِيغِيظَ بِهِمُ الْكُفَّارَ وَعَدَّ اللَّهُ الَّذِينَ ءَامَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ مِنْهُمْ مَغْفِرَةً وَأَجْرًا عَظِيمًا ﴿٢١﴾ ﴾

«Муҳаммад Аллоҳнинг пайғамбаридир. У билан бирга бўлган (мўмин)лар кофирларга қахрли, ўз ораларида (мўминлар билан) эса раҳм-шафқатлидирлар. Уларни (мудом) Аллоҳдан фазл-марҳамат ва ризолик

тилаб рукуъ, сужуд қилаётган ҳолларида кўрурсиз. Уларнинг юзларида сажда изидан (қолган) белги-аломатлари бордир. Мана шу (яъни кофирларга қахрли бўлиш, мўминларга меҳрибонлик ва кўп намоз ўқиб, рукуъ-сажда қилиш) уларнинг Тавротдаги мисолларидир. (Яъни Тавротда ҳам Аллоҳ таоло мўминларни мана шундай сифатлар билан сифатлагандир). Уларнинг Инжилдаги мисоллари эса худди бир шоҳлар чиқариб, қувватга киргач, йўғонлашиб, ўз новдасида тик турган, деҳқонларни лол қолдирадиган ўсимликка ўхшайди. (Мўминларнинг аввал-бошда заиф-озчилик бўлишиб, кейин аста-секин кўпайиб, кучга тўлиб кетишлари Инжилда юқорида зикр қилинганидек ўсимликка ўхшатилиши) улар сабабли кофирларни хафа қилиш учундир. Аллоҳ (мўминлардан) иймон келтириб, яхши амаллар қилган зотларга мағфират ва улуғ ажр-мукофот ваъда қилгандир» (Фатх: 29).

Саҳобалар энг афзал аср-замон аҳллари дир. Зеро, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Одамларнинг энг яхшиси менинг асрим аҳли, сўнг улардан кейин келувчилар, сўнг улардан кейин келувчилар», деганлар.⁽¹⁾ Улар Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга саҳобаликлари фазли билан энг афзал аср кишилари дир. Уларни яхши кўриш иймон аломати, ёмон кўриш эса мунофиқлик белгисидир. Аллоҳ таоло айтади:

﴿لِيَغِيظَ بِهِمُ الْكُفَّارَ﴾

«... улар сабабли кофирларни хафа қилиш учундир» (Фатх: 29).

Саҳобаларнинг ҳаммасини яхши кўриш мусулмонларга вожиб, чунки уларни Аллоҳ аzza ва жалла яхши

(1) Бухорий ва Муслим ривояти.

кўрган, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам яхши кўрганлар, улар Аллоҳ йўлида жиҳод қилганлар, Исломни ернинг машириқу мағрибларига тарқатганлар, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни қўллаб-қувватлаганлар, у зотга иймон келтириб, у зот билан нозил қилинган Нурга эргашганлар. Аҳли сунна вал-жамоа эътиқоди шудир.

Аллоҳ таоло «Ҳашр» сурасида муҳожир ва ансорларни шундай зикр қилади:

﴿لِلْفُقَرَاءِ الْمُهَاجِرِينَ الَّذِينَ أُخْرِجُوا مِنْ دِيَارِهِمْ وَأَمْوَالِهِمْ يَبْتَغُونَ فَضْلًا مِنَ اللَّهِ وَرِضْوَانًا وَيَنْصُرُونَ اللَّهَ وَرَسُولَهُ أُولَئِكَ هُمُ الصَّادِقُونَ ﴿٨﴾ وَالَّذِينَ تَبَوَّءُوا الدَّارَ وَالْإِيمَانَ مِنْ قَبْلِهِمْ يُحِبُّونَ مَنْ هَاجَرَ إِلَيْهِمْ وَلَا يَجِدُونَ فِي صُدُورِهِمْ حَاجَةً مِمَّا أُوتُوا وَيُؤْثِرُونَ عَلَىٰ أَنْفُسِهِمْ وَلَوْ كَانَ بِهِمْ خَصَاصَةٌ وَمَنْ يُوقِ شَحْنَ نَفْسِهِ فَأُولَئِكَ هُمُ الْمُفْلِحُونَ ﴿٩﴾ وَالَّذِينَ جَاءُوا مِنْ بَعْدِهِمْ يَقُولُونَ رَبَّنَا اغْفِرْ لَنَا وَلِإِخْوَانِنَا الَّذِينَ سَبَقُونَا بِالْإِيمَانِ وَلَا تَجْعَلْ فِي قُلُوبِنَا غِلًّا لِلَّذِينَ ءَامَنُوا رَبَّنَا إِنَّكَ رَءُوفٌ رَحِيمٌ ﴿١٠﴾﴾

«(У ўлжалар яна) ўз диёрларидан ва мол-мулкларидан ҳайдаб чиқарилган зотлар — камбағал муҳожирларникидирки, улар Аллоҳдан фазл-марҳамат ва ризолик истарлар ҳамда Аллоҳ ва Унинг пайгамбарига ёрдам берурлар. Ана ўшалар (иймонларида) содиқ зотлардир. Улардан (муҳожирлардан) илгари (Мадина) диёрига ўрнашган ва иймон-эътиқодни (маҳкам ушлаган) зотлар (ансорлар) эса ўзлари(нинг ёнлари)га ҳижрат қилиб келган кишиларни суюрлар ва дилларида уларга (муҳожирларга) берилган нарса-ўлжалар сабабли бирон ҳасад туймаслар ҳамда гарчи ўзларида эҳтиёж бўлса-да, ўзларини қўйиб (ўзгаларни) ийсор-ихтиёр қилурлар.

Кимки ўз нафсининг бахиллигидан сақлана олса, бас, ана ўшалар нажот топувчи зотлардир. Улардан кейин (дунёга) келган зотлар айтурлар: Парвардигоро, Ўзинг бизларни ва бизлардан илгари иймон билан ўтган зотларни мағфират қилгин ва қалбларимизда иймон келтирган зотлар учун бирон ғилли-ғаш қилмагин. Парвардигоро, албатта Сен меҳрибон ва раҳмлидирсан» (Ҳашр: 8-10).

Мусулмонларнинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларига нисбатан тутган ўринлари ана шундай, улар шаънига истиғфор айтадилар, Аллоҳ таолодан қалбларида саҳобаларга нисбатан бирон буғзу-нафрат қилмаслигини сўрайдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг аҳли байтлари хусусида ҳам гап шу, уларда қариндошлик ҳаққи ва иймон ҳаққи бордир. Аҳли сунна вал-жамоа Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам аҳли байтларини дўст тутадилар.

Носибалар саҳобаларни дўст тутадилар, лекин Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг аҳли байтини ёмон кўрадилар. Шунинг учун ҳам, яъни Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг аҳли байтига адоват ўрнатишгани учун ҳам улар нособа — яъни, (адоват) ўрнатувчилар, деб ном олишган.

Рофизалар эса, аксинча, ўз даъволарича, Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг аҳли байтини дўст тутиб, саҳобаларни ёмон кўришади, уларни лаънатлашади, кофир санашади, айблашади.

Саҳобалар ҳам фазилатда ўзаро тафовутлидирлар. Уларнинг энг афзаллари — тўртта рошид (ҳақ йўл устидаги) халифалар: Абу Бакр, Умар, Усмон, Алий розияллоҳу анҳумдирлар. Улар ҳақларида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: *«Менинг суннатимни ҳамда ҳидоят ва тўғри йўл устидаги халифаларнинг суннатларини лозим тутинглар, уларни маҳкам ушланглар*

ва тишларингиз билан (яъни, қаттиқ) ёпишинглар».⁽¹⁾ Сўнг жаннат билан хушхабар берилган ўнта саҳобанинг мазкур тўрт халифадан кейин яна олтитаси: Абу Убайда Омир ибн Жарроҳ, Саъд ибн Аби Ваққос, Саид ибн Зайд, Зубайр ибн Аввом, Талха ибн Убайдуллоҳ, Абдурахмон ибн Авф розияллоху анҳум ажмаъийндирлар.

Сўнг Бадр жанггида иштирок этган саҳобалар, сўнг «Байъатур-ризвон» аҳлидир. Аллоҳ таоло айтади:

﴿ لَقَدْ رَضِيَ اللَّهُ عَنِ الْمُؤْمِنِينَ إِذْ يُبَايِعُونَكَ تَحْتَ الشَّجَرَةِ فَعَلِمَ مَا فِي قُلُوبِهِمْ فَأَنْزَلَ السَّكِينَةَ عَلَيْهِمْ وَأَثَبَهُمْ فَتْحًا قَرِيبًا ﴾

«(Эй Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва саллам), дарҳақиқат Аллоҳ мўминлардан — улар дарахт остида сизга байъат қилаётган вақтларида — рози бўлди. У зот уларнинг дилларидаги нарса (садоқат ва вафо)ни билиб, уларга сакинат-ором туширди ва уларни яқин ғалаба ва ўзлари(гина) оладиган кўпдан-кўп ўлжалар билан мукофотлади» (Фатҳ: 18).

Сўнг Макка фатҳидан олдин иймон келтирган ва жиҳод қилган кишилар бўлиб, улар фатҳдан кейин иймон келтирган ва жиҳод қилган кишилардан афзалдирлар. Аллоҳ таоло айтади:

﴿ وَمَا لَكُمْ أَلَّا تُنْفِقُوا فِي سَبِيلِ اللَّهِ وَلِلَّهِ مِيرَاثُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ لَا يَسْتَوِي مِنْكُمْ مَنْ أَنْفَقَ مِنْ قَبْلِ الْفَتْحِ وَقَتْلَ أَوْلِيَّتِكَ أَعْظَمَ دَرَجَةً مِّنَ الَّذِينَ أَنْفَقُوا مِنْ بَعْدُ وَقَتْلُوا وَكَلَّا وَعَدَّ اللَّهُ الْحُسْنَىٰ وَاللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ خَبِيرٌ ﴾

«Сизлардан (Макка) фатҳ бўлишидан илгари инфоқ-эҳсон қилган ва (расулulloҳ билан бирга кофирлар-

(1) Абу Довуд (607), Термизий (2678), Ибн Можа (42) ривоятлари, Термизий: «ҳасан, саҳиҳ ҳадис» деган.

га қарши) урушган кишилар (Макка фатҳидан кейин инфоқ-эҳсон қилган ва урушган кишилар билан) баробар бўлмас. Улар кейин инфоқ-эҳсон қилган ва урушган кишилардан улуғроқ мартабададирлар. Барчаларига Аллоҳ гўзал (оқибат — жаннат) ваъда қилгандир. Аллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардордир» (Хадид: 10).

Сўнгра умуман муҳожирлар, кейин ансорлардир. Чунки, Аллоҳ таоло Қуръонда муҳожирларни ансорлардан муқаддам ўринга қўйган:

﴿وَالسَّيْفُوتِ الْأَوْلُونَ مِنَ الْمُهَاجِرِينَ وَالْأَنْصَارِ وَالَّذِينَ اتَّبَعُوهُمْ بِإِحْسَانٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمْ وَرَضُوا عَنْهُ﴾

«Муҳожир ва ансорларнинг биринчи пешқадамлари ва уларга чиройли амаллар билан эргашган зотлар — Аллоҳ улардан рози бўлди ва улар ҳам Ундан рози бўлдилар» (Тавба: 100).

﴿لِلْفُقَرَاءِ الْمُهَاجِرِينَ الَّذِينَ أُخْرِجُوا مِنْ دِيَارِهِمْ وَأَمْوَالِهِمْ يَبْتَغُونَ فَضْلًا مِنَ اللَّهِ وَرِضْوَانًا وَيَنْصُرُونَ اللَّهَ وَرَسُولَهُ أُولَئِكَ هُمُ الصَّادِقُونَ﴾

«(У ўлжалар яна) ўз диёрларидан ва мол-мулкларидан ҳайдаб чиқарилган зотлар — камбағал муҳожирларникидирки, улар Аллоҳдан фазл-марҳамат ва ризолик истарлар ҳамда Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига ёрдам берурлар. Ана ўшалар (иймонларида) содиқ зотлардир» (Ҳашр: 8).

Сўнгра Аллоҳ таоло ансорлар ҳақида айтади:

﴿وَالَّذِينَ تَبَوَّءُوا الدَّارَ وَالْإِيمَانَ مِنْ قَبْلِهِمْ يُحِبُّونَ مَنْ هَاجَرَ إِلَيْهِمْ وَلَا يَجِدُونَ فِي صُدُورِهِمْ حَاجَةً مِمَّا أُوتُوا وَيُؤْثِرُونَ عَلَىٰ أَنْفُسِهِمْ وَلَوْ كَانَ بِهِمْ خَصَاصَةٌ وَمَنْ يُوقِ شَحْنًا نَفْسِهِ فَأُولَئِكَ هُمُ الْمُفْلِحُونَ﴾

«Улардан (муҳожирлардан) илгари (Мадина) диёрига ўрнашган ва иймон-эътиқодни (маҳкам ушлаган) зотлар (ансорлар) эса ўзлари(нинг ёнлари)га ҳижрат қилиб келган кишиларни суюрлар ва дилларида уларга (муҳожирларга) берилган нарса (ўлжалар) сабабли бирон ҳасад туймаслар ҳамда гарчи ўзларида эҳтиёж бўлса-да, ўзларини қўйиб (ўзгаларни) ийсорихтиёр қилурлар. Кимки ўз нафсининг бахиллигидан сақлана олса, бас, ана ўшалар нажот топувчи зотлардир» (Хашр: 9).

Аллоҳ таоло муҳожирларни ва уларнинг амалларини ансорлардан ва уларнинг амалларидан муқаддам қўйишлиги муҳожирларнинг афзал эканликларини билдиради. Чунки, улар ватанларини, мол-мулкларини ташлаб, Аллоҳ йўлида ҳижрат қилганлар. Бу уларнинг содиқ-чин иймонларига далолат қилади. Умумий суратда барча саҳобаларни яхши кўришимиз ва дўст тутишимиз, улар ўртасида бўлиб ўтган урушлар ҳақида ноҳўя сўзлар айтишдан тийилишимиз лозим. Улар ўртасида нима ишлар бўлиб ўтган бўлса, уларнинг ижтиҳодлари бўйича бўлган. Улар мужтаҳидлардир. Қай бирлари тўғри қилган бўлсалар, иккита ажрга эга бўлганлар, хато қилганлари эса битта ажрга эга бўлганлар. Ундан ташқари, уларнинг айримларидан содир бўлган хато-ларга каффорат бўлиб кетувчи буюк яхшиликлари ва улкан фазилатлари бор, деймиз.

Мусулмонлар уларга Аллоҳнинг розилигини сўрашлари, улар учун узр баён қилишлари, уларни ҳимоя қилишлари лозим. Аҳли сунна вал-жамоа мазҳаби шуки, улар саҳобаларнинг фазилатлари ва динда тутган ўринлари сабабли улар ўртасида бўлиб ўтган можароларга аралашмайдилар. Зеро, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: *«Асҳобларимни сўкманглар! Жоним Қўлида бўлган Зотга қасамки, сизлардан бирингиз Уҳуд тоғича тилла садақа қилса ҳам, улар-*

дан бирларининг бир муд ёки ярим муд садақасига ета олмайди».⁽¹⁾ Кимда-ким саҳобалар ўртасида бўлиб ўтган воқеаларга аралашиб, дилида баъзиларига нисбатан адоват ё нафрат тугса, у одам зиндиқ — диндан чиққан бўлади. Саҳобалар ўртасида бўлиб ўтган ишларга фақат баҳс юритиш — унинг ҳақиқатини ўрганиш учун киришамиз, деган гап ҳам хатарли, жоиз эмас. Шунинг учун Умар ибн Абдулазиз раҳимахуллоҳдан саҳобалар ўртасида бўлиб ўтган ишлар ҳақида сўралганда: «Аллоҳ таоло қўлларимизни уларнинг қонларини тўкишдан поклади, энди тилларимизни уларнинг обрўларини тўкишдан покламоғимиз лозим» деб жавоб берганлар.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Асҳобларимни тинч қўясизларми, йўқми?!» деганлар.⁽²⁾ Хулоса шуки, биз саҳобалар ўртасида бўлиб ўтган ишларга аралашмаймиз. Бу иймонимиз тақозоси, Аллоҳ учун, Унинг Расули учун, Китоби учун, мусулмонларнинг ому-хослари учун насиҳатимиз — холислигимиз тақозосидир.

۱۸۸. وَلَا تُفْرِطُ فِي حُبِّ أَحَدٍ مِنْهُمْ.

188. Улардан биронталарига бўлган муҳаббатимизда ҳаддан ҳам ошмаймиз.

Саҳобалардан биронталарига бўлган муҳаббатда ҳаддан ошмаймиз. Яъни, худди рофизалар ўз даъволарича, Алий розияллоҳу анҳуга бўлган муҳаббатда ғулув кетганларидек, аслида улар у кишини ҳам, бошқа мусулмонларни ҳам яхши кўрмайдилар. У киши ҳақларида ғулув кетиб, айримлари ҳатто: «Алий худодир» дейишгача борган.

(1) Бухорий (3673) ва Муслим (2541) ривоятлари.

(2) Бухорий шунга яқин лафз билан келтирган (3661).

Бу ҳазрат Алийнинг ўзлари ҳаётлик пайтларида бўлган эди. Шунда у киши бундай даъво билан чиққанларни туттириб, чоҳга ташлаб, устларидан ўт қўйиб юборган эдилар. Ғулув — яъни муҳаббат ва улуғлашда ҳаддан ошиш саҳобалар ҳаққида ҳам, бошқалар ҳаққида ҳам мукиин эмас. Аллоҳ таоло айтади:

﴿قُلْ يَا أَهْلَ الْكِتَابِ لَا تَغْلُوا فِي دِينِكُمْ﴾

«Айтинг: Эй аҳли китоб, динингизда ноҳақ ғулув-тажовуз қилманг» (Моида: 77). Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Ғулувдан эҳтиёт бўлинглар! Чунки, сизлардан олдингиларни ғулув ҳалок қилган».⁽¹⁾

Биз Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг асҳобларини яхши кўрамиз, лекин улардан биронталарига бўлган муҳаббатда ғулув кетиб, Аллоҳга шерик қилиб қўймаймиз ва Аллоҳни қўйиб, унга дуо қилиб кетмаймиз. Рофизалар ва қубурийлар шундай қилишади. Саҳобаларни яхши кўриш бу билан бўлмайди, балки уларнинг йўлларини тутиш, уларга эргashiш ва уларга Аллоҳнинг розилигини сўраб дуо қилиш билан бўлади.

۱۸۹. وَلَا تَنْبِرُوا مِنْ أَحَدٍ مِنْهُمْ.

189. Уларнинг ҳеч бирларидан воз ҳам кечмаймиз.

Бу иборада саҳобалардан, хусусан Абу Бакр, Умар, Усмон розияллоҳу анҳумдан воз кечган, кўплаб саҳобаларни кофирга чиқарган рофизаларга ишора бор. Бундай қилиш уларга бўлган муҳаббатда тафрит (яъни бутунлай эътибордан соқит қилиш) бўлади.

(1) Аҳмад «Муснад»да (1/215, 347), Ибн Можа (3029) ривоятлари.

۱۹۰. وَنُبْغِضُ مَنْ يُبْغِضُهُمْ وَبِغْيَرِ الْخَيْرِ يَذْكُرُهُمْ.

190. Уларни ёмон кўрган ва номақбул сўзлар билан эсланларни ёмон кўрамиз.

Саҳобаларни ёмон кўрган одам динни ёмон кўрган бўлади, чунки улар Исломни чор атрофга етказувчилар ва Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шогирдларидирлар. Ким уларни ёмон кўрса, Исломни ёмон кўрган бўлади. Бу эса ундай кишиларнинг қалбларида иймон йўқлигига ва улар Исломни ёқтирмасликларига далил бўлади.

۱۹۱. وَلَا نَذْكُرُهُمْ إِلَّا بِخَيْرٍ.

191. Ўзимиз уларни фақат яхшилик билан ёдга оламиз.

Юқорида айтиб ўтилганидек, улар ўрталарида юз берган можаролар ҳақида баҳс юритишдан тийилиш, уларни фақат яхшилик билан тилга олиш лозим.

۱۹۲. وَحُبُّهُمْ دِينَ وَإِيمَانٌ وَإِحْسَانٌ، وَبُغْضُهُمْ كُفْرٌ وَنِفَاقٌ وَطُغْيَانٌ.

192. Уларни яхши кўриш дин, иймон ва эҳсондир, уларни ёмон кўриш эса куфр, нифоқ, ҳаддан ошишдир.

Бу — ақиданинг мусулмонлар билиши лозим бўлган катта асосларидан биридир. Яъни, саҳобаларни севиш, уларнинг қадрларини билиш лозим. Чунки, бу иймондан

саналади. Уларни ёмон кўриш ёки улардан биронталарини бўлса ҳам ёмон кўриш куфр ва мунофиқлик белгисидир. Зотан, уларга бўлган муҳаббат Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга бўлган муҳаббатдан келиб чиқади, уларни ёмон кўриш Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламни ёмон кўришдан келиб чиқади.

۱۹۳. وَتُنْبِئُ الْخِلَافَةَ بَعْدَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: أَوْلَىٰ لِأَبِي بَكْرٍ الصِّدِّيقِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، تَفْضِيلًا لَهُ وَتَقْدِيمًا عَلَىٰ جَمِيعِ الْأُمَّةِ، ثُمَّ لِعُمَرَ بْنِ الْخَطَّابِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، ثُمَّ لِعُثْمَانَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، ثُمَّ لِعَلِيٍّ بْنِ أَبِي طَالِبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، وَهُمْ الْخُلَفَاءُ الرَّاشِدُونَ وَالْأئِمَّةُ الْمُهْتَدُونَ.

193. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан сўнг халифаликни умматнинг энг афзал ва муқаддам вакили Абу Бакр Сиддиққа, сўнгра Умар ибн Хаттобга, сўнгра Усмонга, сўнгра Али ибн Абу Толибга исбот қиламиз (Аллоҳ барчаларидан рози бўлсин). Шу зотлар рошид (ҳақ йўл устида бўлган) халифалар ва ҳидоятли раҳбарлардир.

Саҳобалар ҳаққида мусулмонлар зиммасига вожиб бўлган муҳаббат ва дўст тутиш, уларни ёмон кўрмаслик, уларни ёмон кўрганларни ёмон кўриш, улар ўртасида бўлиб ўтган можароларга киришмаслик каби ишларни айтиб ўтгач, муаллиф энди Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан кейинги халифалик масаласига тўхталади. Халифалик ушбу матнда санаб ўтилган кўринишдадир. Чунки, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам умрларининг охири кунларида Абу Бакр розияллоҳу

анҳуни намозга имом қилиб ўтказганлар. Бу эса у кишининг халифа бўлишларига ишора эди. Шунинг учун саҳобалар у кишига байъат берарканлар: «Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам сизни динимиз учун танлаган эдилар, биз дунёимиз учун нега танламайлик?!», дедилар. Абу Бакр розияллоҳу анҳунинг ҳижратдан олдин ҳам, кейин ҳам Исломига улкан хизматлари сингган. У зот Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламдан кейин халифаликка энг муносиб киши эдилар. Абу Бакр розияллоҳу анҳудан кейин у кишининг аҳду қарорлари билан Умар розияллоҳу анҳу халифа бўлдилар. Сўнг Умар розияллоҳу анҳу вафотларидан олдин тайин қилган жаннат билан хушхабарланган ўн кишидан иборат шуро (маслаҳат, кенгаш) эгалари ихтиёри билан Усмон розияллоҳу анҳу халифа қилиндилар. Усмон розияллоҳу анҳу қатл қилинганларидан сўнг Алий розияллоҳу анҳу халифа бўлдилар. Халифалик тартиби шудир. Кимда-ким Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламдан кейин халифалик Алий розияллоҳу анҳу ҳақлари эди, деса у одам адашган ва Набий соллalloҳу алайҳи ва салламга ва мусулмонлар ижмоъсига хилоф чиққан бўлади.

Шиъалар халифалик Алий розияллоҳу анҳунинг ҳаққи эди деб даъво қилишади ва у кишини умматга васий (яъни Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам тарафларидан халифаликка васият қилинган) деб номлашади. Бундан асли ғаразлари уммат ўртасида фитна оловини ёқишдан бошқа нарса эмас. Улар саҳобалардан кўра фикрда тўғрироқ одамлар эмас. Шиъалар саҳобаларни золимлар деб аташади ва Қуръонда келган ҳар қандай айбли сифат эгалари улар наздида саҳобалар бўлиб, улар саҳобаларни золимлар, кофирлар, адашганлар деб сифатлашади. Шу боис ҳам уламолар ҳеч бир киши уларнинг даъволаридан таъсирланиб қолмаслиги учун халифалик тартиби ҳақидаги гапларни ақида китобларига

киритадиган бўлганлар. Халифаларнинг мазкур тартиби аҳли сунна вал-жамоа эътиқодида ҳақдир. Чунки, буни саҳобалар тартиблаганлар ва унга ижмоъ-иттифок қилганлар.

۱۹۴. وَأَنَّ الْعَشْرَةَ الَّذِينَ سَمَّاهُمْ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَبَشَّرَهُمْ بِالْجَنَّةِ، عَلَى مَا شَهِدَ لَهُمْ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، وَقَوْلُهُ الْحَقُّ، وَهُمْ: أَبُو بَكْرٍ، وَعُمَرُ، وَعُثْمَانُ، وَعَلِيٌّ، وَطَلْحَةُ، وَالزُّبَيْرُ، وَسَعْدٌ، وَسَعِيدٌ، وَعَبْدُ الرَّحْمَنِ بْنِ عَوْفٍ، وَ أَبُو عُبَيْدَةَ بْنُ الْجَرَّاحِ وَ هُوَ أَمِينُ هَذِهِ الْأُمَّةِ، رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمْ أَجْمَعِينَ.

194. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам номларини айтиб, жаннат башоратини берган ўн кишининг жаннатий эканларига биз ҳам гувоҳмиз. Зеро, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам сўзлари айни ҳақиқатдир. Улар: Абу Бакр, Умар, Усмон, Али, Талҳа, Зубайр, Саъд, Саид, Абдурраҳмон ибн Авф ва умматнинг энг омонатдор кишиси Абу Убайда ибн Жарроҳдир. Аллоҳ барчаларидан рози бўлсин.

Мазкур ўн киши жаннатий эканига гувоҳлик берилган кишилардир. Абу Убайда розияллоҳу анҳуни бу умматнинг энг омонатдор кишиси деб сифатланишига сабаб шуки, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Нажрон аҳли билан шартнома тузиб, уларга жизя (тўлов)ни фарз қилганларида улар у зотдан бирон омонатли кишини улар ҳузурига юборишларини сўрадилар. Шунда у зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мен сизларга ҳақиқий

омонатдор кишини юбораман», дедилар ва Абу Убайдани танлаб, юбордилар.⁽¹⁾

۱۹۵. وَمَنْ أَحْسَنَ الْقَوْلَ فِي أَصْحَابِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، وَأَزْوَاجِهِ الطَّاهِرَاتِ مِنْ كُلِّ دَنَسٍ، وَذُرِّيَّاتِهِ الْمُقَدَّسِينَ مِنْ كُلِّ رَجْسٍ، فَقَدْ بَرِيَ مِنَ النَّفَاقِ.

195. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам асҳоблари, покиза аҳли-аёллари ва ҳар қандай ёмонликдан пок зурриётларини фақат одоб билан тилга олган киши ўзини нифоқдан сақлаган бўлади.

Саҳобалар ҳақларида уммат зиммасига вожиб бўлган нарсаларни айтиб ўтилгач, энди Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг аҳли байтлари — яъни хонадон аҳллари ҳақида сўз юритилади. Аҳли байтнинг энг биринчи аъзолари Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг аёлларидир. Зеро, Аллоҳ таоло уларга хитобан айтганки:

﴿إِنَّمَا يُرِيدُ اللَّهُ لِيُذْهِبَ عَنْكُمُ الرِّجْسَ أَهْلَ الْبَيْتِ وَيُطَهِّرَكُمْ تَطْهِيرًا﴾



«(Эй пайғамбар) хонадонининг аҳли, Аллоҳ сизлардан гуноҳни кетказишни ва сизларни бутунлай поклашни истайди холос» (Аҳзоб: 33).

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қариндошлари, яъни Аббос хонадони, Абу Толиб хонадони, Ҳорис ибн Абдулмутталиб хонадони ҳам аҳли байтдан саналади.

(1) Бухорий (3745) ва Муслим (2420) ривоятлари.

Рофизалар Оиша розияллоху анҳо ҳақларида бўхтон сўзлар айтиб, у зотни Аллоҳнинг Ўзи ундан поклигини эълон қилган айб билан сифатлашади. Бу эса Аллоҳ таолони ёлғончи қилиш ва Аллоҳ таолони Ўзининг пайғамбарига нолайиқ бўлган аёлни жуфти ҳалол қилиб танлаган, деб сифатлаш бўлади. Бу эса Аллоҳга кофир бўлиш саналади. Зеро, Аллоҳ таоло:

﴿الْحَيْثُ لِحَيْثِيْنَ وَالْحَيْثُوتُ لِلْحَيْثُوتِ وَالطَّيِّبَاتُ لِلطَّيِّبِيْنَ وَالطَّيِّبُونَ لِلطَّيِّبَاتِ﴾

«Нопок аёллар нопок эрлар учундир (яъни лойиқдир), нопок эрлар нопок аёллар учундир. Покиза аёллар покиза эрлар учундир, покиза эрлар покиза аёллар учундир» (Нур: 26) деган. Набий соллаллоху алайҳи ва саллам покизадирлар, у зотга Аллоҳ таоло фақат покиза жуфти ҳалол танлагандир.

Расулдуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг зурриётлари — у зотнинг фарзандлари ҳамда қизлари Фотима розияллоху анҳонинг авлодлари, яъни Ҳасан, Ҳусайн ва бу иккисининг авлодларидир.

۱۹۶. وَعُلَمَاءُ السَّلْفِ مِنَ السَّابِقِينَ، وَمِنْ بَعْدِهِمْ مِنَ التَّابِعِينَ - أَهْلُ الْخَيْرِ وَالْأَثَرِ، وَأَهْلُ الْفَقْهِ وَالنَّظَرِ - لَا يُذَكَّرُونَ إِلَّا بِالْجَمِيلِ، وَمَنْ ذَكَرَهُمْ بِسُوءٍ فَهُوَ عَلَى غَيْرِ السَّبِيلِ.

196. Саҳоба ва тобеинлардан ҳамда улардан кейин ўтган салаф уламолари — хайр ва асар, фикҳ ва назар олимлари (яъни ҳадис уламолари) - фақат яхши ном билан тилга олинислари лозим. Уларни ёмон сўз билан тилга олган кимса ҳақ йўлда эмасдир.

Муаллиф раҳимаҳуллоҳ саҳобалар ва аҳли байтнинг мусулмонлар зиммасидаги ҳақ-ҳуқуқларини, уларга нисбатан муҳаббат ва дўст тутиш, ҳеч бирларини камситиш билан тилга олмаслик лозимлиги тўғрисида айтиб ўтгач, фазилатда улардан кейинги ўринда турувчи уламолар ҳақида сўз юритадилар.

Бу уммат уламолари даража ва фазлда саҳобалардан кейинги ўринда турадилар. Чунки, улар пайғамбарларнинг ворисларидир. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Олимлар пайғамбарларнинг меросхўрларидир», деганлар.⁽¹⁾ Олимлардан мурод — аҳли сунна вал-жамоа уламоларидир. Асар, фикҳ ва назар илми олимларидан мурод — ҳадис илми уламоларидир.

Уламолар икки қисмдирлар:

Биринчи қисм: Асар уламолари, яъни, Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларини (ҳадисларини) тўплаш, асраш ва ҳимоя қилишга бел боғлаган, уларни умматга соф ҳолда, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қандай айтган бўлсалар ўшандай ҳолда етказиб берган, ҳар қандай ёлғон ва тўқима сўзларни фош қилиб, уларни саҳиҳ ҳадислардан четлатган муҳаддис уламолар бўлиб, уларни ривоят уламолари ҳам дейилади.

Иккинчи қисм: Фуқаҳолар, яъни фикҳ имли уламолари бўлиб, улар далиллардан ҳукмлар чиқарган, уларнинг фикҳини баён қилиб, шарҳлаган, одамларга тушунтириб берган олимлардир. Уларни дириоят уламолари ҳам дейилади.

Уламолар ичида ҳар икки илми ўзида жамлаган зотлар ҳам бор бўлиб, уларни муҳаддисларнинг фақиҳлари дейилади, Имом Аҳмад, Имом Молик, Имом Бухорий каби.

(1) Бухорий «Китобул-илм»да, Абу Довуд (463), Ибн Можа (223), Термизий (2687) ривоятлари.

Барча уламоларнинг фазилатларини тан оламиз. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Менинг сўзимни эшитиб, уқиб олган ва уни қандай эшитган бўлса, шундай ҳолда ўзгаларга етказган кишини Аллоҳ кўркам-чиройли қилсин»*⁽¹⁾, деб дуо қилганлар, уларни мақтаганлар.

Уламолар Аллоҳ таоло уларнинг зиммаларига юклаган дин ва ақидани ҳимоя қилиш вазифасини чиройли ўтадилар, аҳкомларни, мерос тақсимотларини, ҳалол ва ҳаромни баён қилиб бердилар, Китобу Суннатни тушунтириб берувчи китоблар ёздилар, умматга уларнинг муаммоларини ҳал қилиб берувчи улкан мерос қолдирдилар.

Фикҳ икки қисмдир:

Биринчи қисм: Катта фикҳ, яъни ақида фикҳидир.

Иккинчи қисм: Амалий фикҳ, яъни амалий ҳукмларни англаш-ўрганиш бўлиб, у аҳамият жиҳатидан катта фикҳдан кам эмас.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам удамоларнинг фазилатлари ҳақида шундай марҳамат қилганлар: *«Олимнинг обиддан афзаллиги худди тўлин ойнинг бошқа юлдузлардан афзаллиги кабидир»*.⁽²⁾ Чунки, олимнинг манфаати ўзигагина чекланмасдан, бошқаларга ҳам ўтади. Бир ривоятда: *«Олимнинг обиддан афзаллиги худди менинг энг қуйида бўлганларингиздан афзаллигим кабидир»*⁽³⁾ деганлар.

Уламолар айрича ҳурмат-эҳтиромга сазовордирлар. Уларни камситиш ва таън етказиш асло жоиз эмас. Ҳатто, баъзиларидан ижтиҳодий хатолар содир бўлган бўлса ҳам, бу уларни айблашга важ бўлолмайди. Чунки, улар ҳақни топиш учун ижтиҳод қилиб, хатога йўл қўйган бўладилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: *«Агар ҳукм қилувчи ижтиҳод қилиб, тўғри топса, унга икки ажр,*

(1) Ибн Можа (230, 231, 232, 3056) ривояти.

(2) Термизий (2687) ривояти.

(3) Термизий (2690) ривояти.

агар ижтиҳод қилиб, хатога йўл қўйса, унга битта ажр бор», деганлар.⁽¹⁾ Бу — уламолар ҳақидаги гап, ўзини олим санаганлар ҳақида эмас. Чунки, ундайлар ўзлари яхши билмаган нарсаларга аралашишга ҳақли эмаслар.

١٩٧. وَلَا نُفْضِلُ أَحَدًا مِنَ الْأَوْلِيَاءِ عَلَى أَحَدٍ مِنَ الْأَنْبِيَاءِ عَلَيْهِمُ السَّلَامُ، وَنَقُولُ: نَبِيٌّ وَاحِدٌ أَفْضَلُ مِنْ جَمِيعِ الْأَوْلِيَاءِ.

197. Ҳеч бир авлиёни бирор пайғамбардан устун санамаймиз, балки биргина пайғамбар жамики авлиёлардан афзал деймиз.

Авлиё — валийнинг кўплиги бўлиб, валийлик яқинлик ва муҳаббат маъносидадир. Валийлар ёки авлиёлар Аллоҳ таолога яқин ва муҳаббатли зотлардир. Улар Аллоҳга яқинликлари сабабли ва Аллоҳ таоло уларни яхши кўргани учун валий деб номланганлар. Аллоҳ таоло айтади:

﴿إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ التَّوَّابِينَ وَيُحِبُّ الْمُتَطَهِّرِينَ﴾

«Албатта Аллоҳ тавба қилувчиларни ва ўзларини мудом пок тутувчиларни севади» (Бақара: 222),

﴿إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الْمُحْسِنِينَ﴾

«Албатта Аллоҳ яхшилик қилувчиларни севади» (Бақара: 195).

Аллоҳ таоло валийлар — яъни Ўзининг дўстлари кимлигини баён қилиб айтади:

(1) Бухорий (7352) ва Муслим (1716) ривоятлари

﴿الْآيَاتِ أَوْلِيَاءَ اللَّهُ لَا خَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ ﴿٦٢﴾ الَّذِينَ
ءَامَنُوا وَكَانُوا يَتَّقُونَ ﴿٦٣﴾﴾

«Огоҳ бўлингизким, албатта Аллоҳнинг дўстларига (охиратда) бирон хавф-хатар йўқдир ва улар ғамгин бўлмайдилар. Улар иймон келтирган ва (Аллоҳдан) тақво қилувчи бўлган зотлардир» (Юнус: 62, 63).

Демак, валийда иккита сифат — иймон ва тақво жамланган бўлиши лозим.

Одамлар муҳаббат ё нафратга сазовор бўлиш жиҳатидан уч қисмга бўлинадилар:

Биринчи қисм: Аллоҳнинг чин дўстлари — фаришталар, пайғамбарлар, сиддиқлар, шаҳидлар ва солих мўминлар.

Иккинчи қисм: Аллоҳнинг ҳақиқий душманлари — мушрик, кофир ва (катта нифоқ билан) мунофик бўлган кимсалар. Аллоҳ таоло айтади:

﴿يَأَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا تَتَّخِذُوا عَدُوِّي وَعَدُوَّكُمْ أَوْلِيَاءَ تُلْفُونَ إِلَيْهِمْ بِالْمَوَدَّةِ
وَقَدْ كَفَرُوا بِمَا جَاءَكُمْ مِنَ الْحَقِّ ﴿٦٤﴾﴾

«Эй мўминлар, Менинг душманим ва сизларнинг душманларингиз (бўлган мушриклар)ни дўст тутманглар! Сизлар уларга дўстлик (ҳақида хат-хабар) юборурсизлар, ҳолбуки улар сизларга келган ҳақ (дин ва Қуръон)га кофир бўлгандирлар!» (Мумтаҳана: 1).

﴿لَا تَتَّخِذْ قَوْمًا يُمُونُكَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ يُوَادُّونَ مَنْ حَادَّ اللَّهَ
وَرَسُولَهُ، وَلَوْ كَانُوا ءَابَاءَهُمْ أَوْ أَبْنَاءَهُمْ أَوْ إِخْوَانَهُمْ أَوْ عَشِيرَتَهُمْ ﴿٦٥﴾﴾

«Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирадиган қавмнинг Аллоҳ ва Унинг пайғамбари чизган чиққандан чиққан кимсалар билан — гарчи улар ўзла-

рининг оталари, ёки ўғиллари, ёки оға-инилари, ёки қариндош-уруғлари бўлсалар-да — дўстлашаётганларини топмассиз» (Мужодала: 22).

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا تَتَّخِذُوا الْيَهُودَ وَالنَّصْرَىٰ أَوْلِيَاءَ بَعْضُهُمْ أَوْلِيَاءُ بَعْضٍ ۗ وَمَنْ يَتَوَلَّهُمْ مِنْكُمْ فَإِنَّهُ مِنْهُمْ إِنَّ اللَّهَ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الظَّالِمِينَ ﴿٥١﴾﴾

«Эй мўминлар, яҳудийлар ва насронийларни дўст тутмангиз! Уларнинг баъзилари баъзиларига дўстдирлар Сизлардан ким уларга дўст бўлса, бас, у ўшалардандир. Албатта, Аллоҳ золим қавмни ҳидоят қилмас» (Моида: 51).

Учинчи қисм: Бир жиҳатдан яхши кўриладиган, иккинчи жиҳатдан ёмон кўриладиган одам — маъсиятга берилган мусулмон киши. Уни тоат-ибодати миқдорича яхши кўрилади, маъсияти миқдорича ёмон кўрилади. Ҳар бир мусулмон киши ўзида бўлган иймони миқдорига қараб Аллоҳга дўст бўлади.

Ким иймон ва тақвosi бўлмаган ҳолда валийликни даъво қилса ёки унга валийлик нисбати берилса, у ёлғончи ва дажжолдир.

Баъзан сеҳргарлар, фолбинлар, кўзбўямачилар ва башоратчилар авлиёлик даъво қилишади. Шайхулислом «Раҳмоннинг дўстлари ва шайтоннинг дўстлари ўртасидаги фарқ» деб номланган китоб ёзган ва унда валийлик даъво қилиб, одамларга «каромат» кўрсатадиган кимсаларнинг шайтоний ишларини баён қилган.

Аллоҳнинг валийлари — дўстларини дўст тутиш, севиш, уларга эргашиш ва яқинлашиш лозим бўлади.

«Ҳеч бир авлиёни бирор пайғамбардан устун санамай-миз» деган иборада сўфийларга раддия бор. Сўфийлар авлиёлар борасида ғулув кетиб қолишган, улар наздида авлиёлар пайғамбарлардан афзал саналади. Уларнинг

шоири айтганидек: (шеър мазмуни) «Набийлик мақоми расулдан юқорироқ ва валийдан пастроқ ўриндир». Бу очик куфрдир. Чунки, энг афзал зотлар расуллар, сўнг набийлар, сўнг валийлардир. Сўфийлар валийни набийдан муқаддам қўйишларига сабаб — уларнинг даъвосича — валий Аллоҳдан бевосита қабул қилади, набий эса билвосита қабул қилади.

«Биргина пайғамбар жамики авлиёлардан афзал деймиз». Албатта, шундай. Одамзот яратилганидан тортиб то қиёматгача барча авлиёлар биттагина пайғамбарга тенг келмайдилар. Бу аҳли сунна вал-жамоанинг ақидасидир.

۱۹۸ . وَتُؤْمِنُ بِمَا جَاءَ مِنْ كَرَامَاتِهِمْ، وَصَحَّ عَنِ الثَّقَاتِ مِنْ رِوَايَاتِهِمْ .

198. Уларнинг (яъни авлиёларнинг) кароматлари тўғрисида ишончли кишилар орқали етиб келган саҳиҳ ривоятларни тасдиқлаймиз.

Бу — яъни, кароматлар мавзуси катта баҳс ўрнидир. Каромат — одатдан ташқари, ғайриоддий иш бўлиб, у агар пайғамбардан содир бўлса, мўъжиза дейилади, Қуръон мўъжизаси каби. Зеро, инсу жиндан ҳеч бири Қуръонга тенг келувчи нарсани олиб келишга қодир бўлмаган. У энг катта мўъжиза. Ёки бўлмаса, Мусо алайҳис-саломга берилган асо ва тўққиз аломат мўъжизаси, Ийсо алайҳис-саломга ато этилган ўликларни тирилтириш мўъжизаси ҳам шу турга киради.

Агар ғайриоддий иш солиҳ мўмин кишининг қўлида содир бўлса, у унинг ўзи томонидан бўлмай, балки Аллоҳ томонидан унга берилган кароматдир. Ғор эгалари билан ёки Марям билан юз берган ҳодиса каби.

﴿كَلِمًا دَخَلَ عَلَيْهَا زَكَرِيَّا الْمِحْرَابَ وَجَدَ عِنْدَهَا رِزْقًا﴾

«Хар қачон Закариё (Марямнинг) олдига — хужрага кирганида унинг хузурида бир ризқ-насиба кўрди» (Оли Имрон: 37). Марям алайҳас-салом ибодатхонасида Аллоҳга ибодат билан машғул экан, унга ризқ ўзи келарди. Шунингдек, бу умматнинг солиҳ зотларида ҳам кўплаб кароматлар содир бўлган. Бу ҳақда шайхулислом юқорида номи ўтган китобда баён қилган.

Аммо ғайриоддий иш агар фолбин ё сеҳргарда содир бўлса, бу шайтоний иш бўлиб, имтиҳон ва синов юзасидан унга берилган бўлади. Баъзан ҳавода учиши, сув устида юриши ёки шу каби одатий, бўлмаган ишларни қилиб кўрсатиши мумкин. Буни шайтоний амаллардан деб кўрилади.

Кароматни бошқа нарсадан ажратиш йўли шуки, агар ғайриоддий иш Исломга мувофиқ бўлиб, солиҳ мўмин кишидан содир бўлса, каромат бўлади, акс ҳолда у шайтонлар ёрдамида амалга оширилган шайтоний амал бўлади.

Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَيَوْمَ يُحْشُرُهُمْ جَمِيعًا يَلْمَعُشَرُ الْجِنَّ فَدِ اسْتَكْتَرْتُمْ مِنَ الْإِنْسِ وَقَالَ أَوْلِيَاؤُهُمْ مِنَ الْإِنْسِ رَبَّنَا اسْتَمْتَعَ بَعْضُنَا بِبَعْضٍ وَبَلَّغْنَا آجَلَنَا الَّذِي أَجَلْتَ لَنَا﴾

«(Эй Муҳаммад, эсланг: Аллоҳ) уларнинг барчаларини тўплайдиган Кунда: «Эй жинлар жамоаси, инсонлардан жуда кўпини (адаштирдингиз), дер». Шунда у жинларнинг инсонлардан бўлган дўстлари: «Парвардигоро, бизлар бир биримиздан фойдаландик ва ўзинг биз учун белгилаб қўйган ажалимизга етиб келдик», дейишади» (Анъом: 128). Яъни, жин одамзотдан

уни ўзига итоат қилдириш ва бўйсундириш билан фойдаланди, инсон эса жиндан ўзи истаган баъзи хабарларни олиш ва уни ўзига хизмат қилдириш учун фойдаланди.

﴿قَالَ النَّارُ مَثَوْنَكُمْ خَلِيدِينَ فِيهَا إِلَّا مَا شَاءَ اللَّهُ إِنَّ رَبَّكَ حَكِيمٌ عَلِيمٌ﴾
﴿وَكَذَلِكَ نُؤْتِي بَعْضَ الظَّالِمِينَ بَعْضًا﴾

«Аллоҳ айтур: «Жойингиз дўзахдир! Унда абадий қолурсиз, магар Аллоҳнинг хоҳиши билангина (чиқишингиз мумкин)». Албатта, Парвардигорингиз ҳикмат ва билим соҳибидир. Шунингдек, қилиб юрган гуноҳлари сабабли золим кимсаларни бир-бирларига дўст қилиб қўюрмиз» (Анъом: 128, 129).

Шайтоний ғайриоддий ишлар билан қаромат ўртасидаги фарқ шу, яъни иймон ва амали солиҳ. Аҳли сунна вал-жамоанинг фикри шудир.

Бошқа тоифаларда бундай ғайриоддий ишларни тушунишда кўп янглишишлар бўлди. Муътазилалар ва уларга ўхшаган ақлонийлар (яъни, ақлни нақлдан устун кўрувчилар) ҳозирги пайтгача ҳам қароматларни инкор қилишади, уларнинг баъзи ҳаддан ошганлари ҳатто айрим мўъжизаларни ҳам инкор қилишади ва уларнинг ақлга тўғри келмаслигини рўқач қилишади.

Иккинчи бир тоифа — қубурийлар ва сўфийлар эса қароматларни исботлашда ғулув кетиб, ҳатто уларни шайтоннинг дўстлари учун ҳам исботлашди. Улар ҳатто намоз ўқимайдиган, рўза тутмайдиган кимса тарафидан ғайриоддий иш — шайтоний амал содир бўлса, шуни ҳам қаромат сифатида талқин қилишади. Айрим қубурийлар валийлар хусусида ғулув кетиб, ҳатто уларни Аллоҳга шерик ҳам қилиб қўйишади. Шаъронийнинг «Табақотулавлиё» деб номланган китобида ажойибу ғаройиб гаплар ва ботил ҳикояларни кўриш мумкин. Валий улар наздида

шаръий таклифотлардан хориж ва ибодатга эҳтиёжи йўқ, деб тасвирланади.

Ҳар қанча солиҳ ва обид бўлмасин, ҳеч ким ҳеч қачон бандалиқдан чиқиб кетолмайди, фаришталар ҳам, пайғамбарлар ҳам, авлиёлар ҳам бундан мустасно эмас. Ҳатто пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аллоҳга қасамки, мен сизларнинг Аллоҳни энг танувчироғингиз ва Ундан энг тақво қилувчироғингиз бўлишни умид қиламан», деганлар. Ваҳоланки, у зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам башариятнинг саййиди, бутун ер юзида то қиёмат яшаб ўтувчи кишиларнинг энг яхшиси эдилар. Шундай зотга Аллоҳ таоло:

﴿ وَأَعْبُدْ رَبَّكَ حَتَّىٰ يَأْتِيَكَ الْيَقِينُ ﴿٩٩﴾ ﴾

«То сизга аниқ-нарсa (яъни, ўлим соати) келгунича Парвардигорингизга ибодат қилинг!» (Ҳижр: 99) деб буюрди. Бирон киши Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам етган даражага етган эмас. Ана шундай зот ҳам Аллоҳга бандалиқдан хориж бўлмаганлар. Аллоҳ таоло Йисо Масих алайҳис-салом ҳақида айтади:

﴿ لَن يَسْتَنكِفَ الْمَسِيحُ أَنْ يَكُونَ عَبْدًا لِلَّهِ وَلَا الْمَلَائِكَةُ الْمُقَرَّبُونَ
وَمَنْ يَسْتَنكِفَ عَنْ عِبَادَتِي وَيَسْتَكْبِرْ فَسَيَحْشُرُهُمْ إِلَيَّ جَمِيعًا ﴿١٧٣﴾
فَأَمَّا الَّذِينَ ءَامَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ فَيُوَفِّيهِمْ أُجُورَهُمْ وَيَزِيدُهُم مِّنْ
فَضْلِي ۗ وَأَمَّا الَّذِينَ اسْتَنكَفُوا وَاسْتَكْبَرُوا فَيَعَذِّبُهُمْ عَذَابًا
أَلِيمًا وَلَا يَجِدُونَ لَهُم مِّن دُونِ اللَّهِ وَلِيًّا وَلَا نَصِيرًا ﴿١٧٣﴾ ﴾

«Масих ҳам, Аллоҳга яқин қилинган фаришталар ҳам Аллоҳга банда бўлишдан зинҳор ор қилмайдилар. Кимки Унга бандалиқ қилишдан ор қилса ва кибру ҳаво қилса, бас, уларнинг барчасини Ўз ҳузурига жам

қилажак. Ана ўшанда иймон келтириб, яхши амаллар қилган кишиларнинг мукофотларини комил қилиб бериб, яна Ўз фазлу карамидан қўшимча ҳам қилур. Аммо ор қилган, кибру ҳаво қилган кимсаларни эса аламли азоб билан азоблайди ва улар ўзлари учун Аллоҳдан ўзга на бир дўст ва на бир мададкор тополмаслар» (Нисо: 172, 173).

Бу ҳам яхши билиб олиш лозим бўлган катта мавзулардан биридир.

۱۹۹. وَتُؤْمِنُ بِأَشْرَاطِ السَّاعَةِ: مِنْ خُرُوجِ الدَّجَالِ.

199. Қиёмат аломатларидан бўлган Дажжолнинг чиқишига иймон келтирамиз.

Қиёмат аломатларидан мурод — қиёматнинг яқинлашиб қолганига далолат қилувчи аломат-белгилардир. Аллоҳ таоло айтади:

﴿ فَهَلْ يَنْظُرُونَ إِلَّا السَّاعَةَ أَنْ تَأْتِيَهُمْ بَغْتَةً فَقَدْ جَاءَ أَشْرَاطُهَا ﴾

«Улар энди фақат тўсатдан (Қиёмат) Соати келиб қолишинигина кутмоқдалар. Дарвоқе унинг аломатлари келди» (Мухаммад: 18). Яъни, қиёмат соати тўсатдан келадики, унинг аниқ вақтини Аллоҳдан ўзга ҳеч ким билмайди. Аллоҳ таоло айтади:

﴿ يَسْأَلُونَكَ عَنِ السَّاعَةِ أَيَّانَ مُرْسَاهَا قُلْ إِنَّمَا عِلْمُهَا عِنْدَ رَبِّي لَا يُجِيبُهَا لَوْفَهَا إِلَّا هُوَ ثَقُلَتْ فِي السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ لَا تَأْتِيكُمُ إِلَّا بَغْتَةً يَسْأَلُونَكَ كَأَنَّكَ حَفِيٌّ عَنْهَا قُلْ إِنَّمَا عِلْمُهَا عِنْدَ اللَّهِ وَلَكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ ﴾

«(Эй Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), сиздан Соат (яъни Қиёмат) қачон воқе бўлади, деб сўрайдилар.

Айтинг: «Унинг билими фақатгина Парвардигорим даргоҳидадир. Вақти-соати келганида ҳам фақат Ўзи ошкор қилур. У (яъни Қиёмат) Самовот ва Ер учун жуда оғир (дахшатли) бир ишдир. У сизларга фақат тўсатдан — кутилмаганда келур». Гўё сиз у ҳақда яхши биладигандек сўрайдилар. **Айтинг:** «Унинг билими фақатгина Аллоҳ даргоҳидадир. Лекин жуда кўп одамлар уни билмайдилар» (Аъроф: 187).

Жибрил алайҳис-салом Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга: «Менга Соат (Қиёмат куни) ҳақида хабар беринг» деганларида у зот: «У ҳақда сўралаётган киши сўровчидан кўпроқ билувчи эмас», деганлар. «Унинг аломатлари ҳақида айтиб беринг», деганларида «(Унинг белгилари шуки) *чўри ўзининг ҳўжайинини туғади ва ўзлари ялангоёқ, яланғоч, камбағал бўлган қўйбоқарлар фахр ва риё учун бино қураётганини кўрасиз*», деб жавоб берганлар.⁽¹⁾

Уламолар қиёмат аломатларини уч қисмга бўладилар.

Биринчи қисм: Кичик аломатлар. Улар бўлиб ўтди.

Иккинчи қисм: Ўртача аломатлар. Улар ҳозирги даврларда ҳам кўришиб келаётган аломатлардир. Саноат ва алоқа (коммуникация)нинг ривожланиши, ердаги хази-на ва конларнинг чиқариб олиниши, шаҳарларнинг бири-бирига яқинлашуви ва дунёнинг улкан бир шаҳарга ўхшаб қолаётгани, яҳудларнинг Дажжол чиқишини кутиб Фаластинда тўпланишлари, у ерда юз беражак улкан жангга кўрилаётган тайёргарликлар шулар жумласидан.

Учинчи қисм: Катта аломатлар. Дажжолнинг чиқиши, Ийсо алайҳис-саломнинг тушиши, Яъжуж ва Маъжужнинг чиқиши, куннинг ботиш томондан чиқиши каби. Булардан биттаси зоҳир бўлса, қолганлари ҳам бирин-кетин со-дир бўлади.

(1) Бухорий (50) ва Муслим (9, 10) ривоятлари.

Дажжолнинг чиқиши — катта аломатларнинг биринчисидир. У яҳудлардан бўлади ва худолик даъво қилади, ғайриоддий шайтоний амаллари билан одамларни ўзига оғдиради. У буюрса, осмондан ёмғир ёғади, унинг буйруғи билан ер ўзининг хазиналарини ва набототларини мўл-кўл чиқаради. Дажжол энг катта фитнакор (яъни одамларни чалғитиб, йўлдан тойдирувчи) кимса бўлади. Жуда кўпчилик унинг фитнаси билан алданади. Унинг ўз жаннати ва дўзахи бўлади, у Макка ва Мадинадан бошқа барча диёрларга киради. Бу фитна мўминни кофирдан ажратиб беради. Уни Дажжол масиҳ дейилади. Дажжол — каззоб маъносида бўлиб, кўп ёлғон гапирадиган бўлгани учун шундай номланган. Масиҳ деб номланишига бир неча сабаблар зикр қилинган. Улардан бири — Аллоҳ таоло унга шамолдан ҳам тезроқ кўчиб юрувчи восита ато этгани ва у ер юзида елдек бир жойдан бошқасига кўчиб юргани учун масиҳ - учқур, деб номланган дейилади. Кўзи мамсуҳ (яъни кўзининг ўрни теккис) ва ғилай бўлгани учун шундай номланган ҳам дейилади. Уни залолат масиҳи деб ҳам айтилади. Дажжол чиқиб, яҳудларни ўзига эргаштиради ва у сабабли мусулмонларга улкан фитналар ҳосил бўлади. Ўтган ҳар бир пайғамбар борки, умматини ундан огоҳлантирган. Ундан энг кўп огоҳлантирган зот пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламдирлар. Чунки, у зот сўнгги пайғамбар, умматлари охирги ва Дажжолга замонаси энг яқин умматдир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намознинг охирги ташаҳхудидан сўнг тўрт нарсадан: жаҳаннам азобидан, қабр азобидан, ҳаёт ва ўлим фитнасидан, масиҳ дажжол фитнасидан паноҳ тилашга буюрганлар.⁽¹⁾ Зеро, унинг фитнаси ғоят улкан ва ёмонлиги ўта

(1) Термизий (3613) ривоят қилган ва: «ҳасан, саҳиҳ ҳадис» деган.

каттиқдир. Сўнгра Ийсо алайҳис-салом осмондан тушиб келиб, Дажжолни (Фаластиндаги) «Луд» дарвозаси олдида ўлдирадилар ва мусулмонларни унинг ёмонлигидан қутқарадилар. Сўнг Ийсо алайҳис-салом Ислом ҳукми билн ҳукм юритадилар, у киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга тобеъ бўладилар. Чунки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан сўнг пайғамбар бўлмайди, у зотнинг шариатлари сўнгги шариатдир.

Сўнг Яъжуж ва Маъжуж деган бир қавм чиқади, улар ҳам жуда катта фитнадир. Аллоҳ таоло айтади:

﴿ حَتَّىٰ إِذَا فُجِحَتْ يَأْجُوجُ وَمَأْجُوجُ وَهُمْ مِّن كُلِّ حَدَبٍ يَنْسِلُونَ ﴾



«То Яъжуж ва Маъжуж (тўғони) очилиб, улар ҳар бир тепаликдан оқиб келадиган ва Ҳақ ваъда (яъни қиёмат) яқин бўладиган вақтгача улар (яъни Биз ҳалок қилган кимсалар) қайтмайдилар» (Анбиё 96). Яъжуж ва Маъжуж бир махлуқотнинг номи бўлиб, улар Искандар Зулқарнайн замонида тоғ ортида яшашар, бузғунчиликлари сабабли икки тоғ ўртасига Искандар эритилган темирдан баланд девор-тўғон қуйиб, уларни тўсиб, ажратиб ташлаган эди. Аллоҳ таоло айтади:

﴿ فَمَا اسْطَعُوا أَنْ يَظْهَرُوهُ وَمَا اسْتَطَعُوا لَهُ نَقْبًا ﴾ ﴿٩٧﴾

«Энди улар у (тўсиқ) устига чиқишга ҳам, уни тешиб ўтишга ҳам қодир эмаслар» (Каҳф: 97). Бироқ, Аллоҳ Яъжуж ва Маъжужни чиқади, деб ваъда қилган вақти келганда, у тўсиқни теп-текис қилиб қўяди ва улар чиқиб келиб, оламда қирғинбарот урушлар қилишади. Ҳеч ким уларга бас келолмайди. Сўнг Аллоҳ таоло уларни бир соатда ҳалок қилади.

۲۰۰. وَنُزُولِ عِيسَى ابْنِ مَرْيَمَ عَلَيْهِ السَّلَامُ مِنَ السَّمَاءِ.

200. Ийсо ибн Марям алайҳис-саломнинг осмондан тушишлари ҳам Қиёмат аломатларидан эканига иймон келтирамиз.

У кишининг масих (силовчи) деб номланишларига сабаб шуки, майиб-мажруҳ ва беморларни силасалар Аллоҳ уларга шифо берарди. У кишини ҳидоят масиҳи ҳам дейилади. Охирзамонда осмондан тушишлари мутавотир бўлиб, буни инкор қилган киши кофир бўлади. Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَإِنَّهُ لَعِلْمٌ لِّلسَّاعَةِ﴾

«Албатта (Ийсо Қиёмат) Соати ҳақидаги билим-аломатдир» (Зухруф: 61). Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَإِن مِّنْ أَهْلِ الْكِتَابِ إِلَّا لِيُؤْمِنَنَّ بِهِۦ قَبْلَ مَوْتِهِۦ وَيَوْمَ الْقِيَامَةِ يَكُونُ عَلَيْهِمْ شَهِدًا﴾

«Ҳар бир аҳли Китоб ўлими олдидан унга (яъни Ийсога) албатта иймон келтирур. Қиёмат Кунда эса у буларнинг зарарига гувоҳ бўлур» (Нисо: 159). Бу охирзамонда юз беради. Чунки, Ийсо алайҳис-салом тирик ва осмондалар, ўзларига топширилган вазифани тўлатўкис адо этганларидан сўнг — Дажжол ва тўнғизни қатл қилганларидан, жияни (яъни ғайридинлар тўлайдиган солиқни) бекор қилганларидан ва Ислом билан ҳукм юритганларидан сўнг вафот этиб, ерга дафн этиладилар.

۲۰۱. وَتُورَمِنْ بَطُلُوعِ الشَّمْسِ مِنْ مَّغْرِبِهَا،

201. Қуёшнинг кунботар тарафдан чиқишига иймон келтирамиз.

Қуёш бўйсундирилган, Аллоҳнинг амри билан ҳаракатланади, машриқдан чиқиб, мағрибга ботади. Замон охирлаб, қиёмат соати келганида Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло унга мағриб томондан чиқишга амр этади ва бу қиёмат қоим бўлгани аломати бўлади. Қуёш ботиш тарафидан чиққач, Аллоҳ таоло тавба қилган одамнинг тавбасини қабул қилмайди. Аллоҳ таоло айтади:

﴿ هَلْ يَنْظُرُونَ إِلَّا أَنْ تَأْتِيَهُمُ الْمَلَائِكَةُ أَوْ يَأْتِيَ رَبُّكَ أَوْ يَأْتِيَ بَعْضُ آيَاتِ رَبِّكَ يَوْمَ يَأْتِي بَعْضُ آيَاتِ رَبِّكَ لَا يَنْفَعُ نَفْسًا إِيْمَانُهَا لَمْ تَكُنْ ءَامَنَتْ مِنْ قَبْلُ أَوْ كَسَبَتْ فِي إِيمَانِهَا خَيْرًا قُلِ انظُرُوا إِنَّا مُنظِرُونَ ﴾

«Улар фақат ўлим фаришталари келишини ё Парвардигорингизнинг (бирон азоби) келишини, ёки Парвардигорингизнинг оятларидан — Қиёмат аломатларидан айримлари келишини кутмоқдалар, холос. Парвардигорингизнинг айрим оятлари келадиган кунда эса илгари иймон келтирмаган ёки иймонида яхшилик касб қилмаган бирон жонга (энди келтирган) иймони фойда бермас. Айтинг: «Қутаверинглар! Биз ҳам кутувчилармиз!» (Анъом: 158). У кунда кофир ҳам мусулмон бўлади, лекин Аллоҳ унинг исломини қабул қилмайди, у куни осий тавба қилади, бироқ тавбаси мақбул бўлмайди.

٢٠٢. وَخُرُوجِ دَابَّةِ الْأَرْضِ مِنْ مَوْضِعِهَا.

202. Доббатул арз (ер жонивори)нинг ўз жойидан чиқишига (иймон келтирамиз).

Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَإِذَا وَقَعَ الْقَوْلُ عَلَيْهِمْ أَخْرَجْنَا لَهُمْ دَابَّةً مِّنَ الْأَرْضِ تُكَلِّمُهُمْ أَنَّ النَّاسَ
كَانُوا بِآيَاتِنَا لَا يُوقِنُونَ﴾ (82)

«**Қачон** (кофирларнинг) устига сўз-азоб тушганида (яъни қиёмат яқинлашиб қолганида), **Биз** улар учун ердан бир жонивор чиқарурмиз. У уларга одамлар **Бизнинг оятларимизга ишонмайдиган бўлиб қолганлари ҳақида сўзлар**» (Намл: 82). Бу жонивор чиққач, мўминни ҳам, кофирни ҳам белгили қилиб қўяди, яъни ҳар иккисига ўзига хос таниқли аломат-белги қўяди ва шу белги билан одамлар бир-бирини ажратиб, бири: «Эй мусулмон!» деса, иккинчиси: «Эй кофир!» дейди. Ушбу жонивор ғайриоддий тарзда одамларга гапиради. Унинг қаердан чиқиши ҳақида аниқ маълумот йўқ. Лекин биз унинг Аллоҳ таолонинг Ўзигагина маълум бўлган еридан чиқишига иймон келтирамыз.

۲۰۳. وَلَا نُصَدِّقُ كَاهِنًا وَلَا عَرَّافًا.

203. Фолбинларга, башоратчиларга ишонмаймиз.

Муаллиф юқорида кароматлар ва уларни шайтоний амаллардан ажратиш йўли ҳақида гапириб ўтган, шунингдек, кароматларнинг ҳақлигини, бироқ уларга суяниб қолмаслик кераклигини, қабрга топинувчи хурофотчилар даъво қилганидек авлиёларнинг дуо қилиниш ва мадад сўралишга лойиқ хос мартаба-даражалари бор деб ўйлаб қолмаслик, азиз-авлиёларга боғланиб қолмаслик лозимлигини зикр қилган эдилар.

«**Фолбинларга, башоратчиларга ишонмаймиз**» деган иборадан каромат бошқа, фолбинлик, сеҳргарлик,

кўзбўямачилик, мунажжимлик бутунлай бошқа нарса экани маълум бўлади. Фолбин ва қоҳинларнинг ғайриоддий ишлари шайтоний амаллар бўлиб, улар бу ишларни шайтонларга тоат қилиш ва сиғиниш воситасида ўрганганлар ва ўзлаштирганлар. Жоҳил одамлар уларнинг бу ишларини Аллоҳга яқинликлари, яъни валийликлари сабабли юз бераётган кароматлар сифатида қабул қилишади. Бу эса жуда катта хатодир. Аслида, бу уларнинг жиншайтонларга бўйсунилари ва ширкда уларга мувофиқ келишлари туфайли шайтонлар ёрдамида амалга ошаётган ишлардир. Сеҳргарлар ўз сеҳрларини фақат жиншайтонларга бўйсунуш орқалигина амалга ошира оладилар. Сеҳр шайтоннинг амалидан бўлиб, куфрдир. Сеҳргар ва кўзбўямачиларга алданиб қолмаслик, улардан нафратланиш лозим. Чунки, улар Аллоҳ ва Расулининг душманларидир.

Сеҳр икки қисмдир:

Биринчи қисм: Ҳақиқий сеҳр. У сеҳрланган кишининг баданига таъсир кўрсатиб, уни касалликка дучор қилади ё ақлу ҳушидан мосуво қилади ё ўлимига сабаб бўлади. У шайтоний амалдир.

Иккинчи қисм: Ҳаёлий сеҳр, яъни кўзбўямачилик. Аллоҳ таоло айтади:

﴿فَإِذَا جَاءَهُمْ وَعَصِيَهُمْ يُخَيَّلُ إِلَيْهِ مِنْ سِحْرِهِمْ أَنَّهَا تَسْعَى﴾

«(Улар қўлларидаги асо ва ипларини ташлаган эдилар) баногоҳ иплари ва асолари сеҳр қилганлари сабабли (Мусога) юриб кетаётгандек туюлди» (Тоҳа: 66). Улар ўзларини одамларнинг кўзига ғайриоддий ишлар қилаётгандек кўрсатадилар, аслида ундай бўлмайдилар. Ўзини қилич билан ураётгандек, мих, ойна ёки оловни ютаётгандек, ёниб турган ўт ичига кириб кетаётгандек, устидан автоулов юриб ўтаётгандек, учли михлар устида ётгандек, сочи билан автоуловни тортаётгандек,

оддий қоғозларни пулга айлантириб қўяётгандек қилиб кўрсатади, ёки бўлмаса қўнғизни ўртага қўяди-да, уни сеҳр билан қўзичоққа айлантириб қўяди ва ҳоказо. Булар аслида ёлғон, алдов ва кўзбўямачилиқдан бошқа нарса бўлмайди. Шунинг учун уларга алданиб қолмаслик, ишон-маслик, имкон қадар уларни фарзандларимиздан ва умуман диёрларимиздан узоқ қилишимиз лозим бўлади.

Коҳин ёки фолбин — ғайбни билиш даъвосидаги кишидир. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам хабар беришларича, жин-шайтонлар осмонда фаришталарнинг сўзларига ўғринча қулоқ тутиб, улардан илиб олган гапларини фолбинга етказишади, шундан сўнг фолбин унга юзта ёлғонни аралаштириб одамларга айтади, юзта ёлғон ичидаги ўша битта рост гапи туфайли одамлар унга ишониб қолишади. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло айтади:

﴿ هَلْ أُنَبِّئُكُمْ عَلَىٰ مَن تَنَزَّلُ الشَّيَاطِينُ ﴿٢٢١﴾ تَنَزَّلُ عَلَىٰ كُلِّ أَفَّاكٍ أَثِيمٍ ﴿٢٢٢﴾ يُلْقُونَ السَّمْعَ وَأَكْتُرُهُمْ كَذِبًا ﴾ ﴿٢٢٣﴾

«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам,) **айтинг: «Мен сизларга жинлар кимларга тушиши ҳақида хабар берайми? Улар барча гуноҳга ботган товламачиларга тушиб, эшитиб олганларини уларга ташларлар. Уларнинг (жинларнинг) кўплари ёлғончилардир»** (Шуъаро: 221-223). Жоҳилият пайтида коҳинлар жуда кўп бўлар, ҳар бир қавмнинг ўз коҳини бўлиб, ундан илми ғойиб нарсаларни сўрашар ва унинг гапи билан амал қилишар эди. Ислом келгач, коҳинликни бекор қилди, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам коҳинларга боришни ман қилдилар, *«Ким коҳинга борса, қирқ кун намози қабул бўлмайди»*, дедилар⁽¹⁾.

(1) Муслим (2230) ривояти.

«Ким фолбин ёки башоратчига бориб, у айтаётган гапларни тасдиқласа, Муҳаммадга нозил қилинган нарсага кофир бўлибди», деганлар⁽¹⁾.

Одамлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан қоҳинлар ҳақида сўрашганида: *«Бари ботил»,* деб жавоб берганлар, *«Уларга борманглар!»* деганлар.

Қоҳин ёки фолбин — жин-шайтонлар воситасида ғайбни билишини даъво қилувчи киши, арроф ёки башоратчи — жин-шайтонлар воситасисиз, тахмин ва чама билан ғайбни билишини даъво қилувчи киши бўлиб, юз бераётган баъзи воқеа-ҳодисаларга қараб келажакда шундай-шундай бўлади, деб айтади.

Баъзи уламолар: *«Башоратчи ҳам, фолбин ҳам бир, мусулмон киши ҳар иккисини ҳам инкор қилиши ва тасдиқламаслиги лозим. Улар Аллоҳнинг дўстлари эмас, шайтоннинг дўстлари»* деганлар. Бу ҳақда кенгроқ маълумотга эга бўлишни истаган киши шайхулисомнинг *«Фурқон»* китобига мурожаат қилиши мумкин.

Мунажжим эса фалакдаги юлдузларнинг ҳолатига қараб, келажакдан хабар берадиган кишидир. Яъни, фалон юлдуз кўринса, фалон иш бўлади, фалон юлдуз ботиб кетган бўлса, фалон нарса содир бўлади, фалон буржда бахтсизлик ёки бахт бўлади, деган каби ёлғон-яшиқ гапларни гапиришади. Шайхулисом мунажжимликни *«ердаги ҳодисаларни фалакдаги ҳолатларга нисбатлаш»* деб таъриф беради. Бу ҳам жоҳилият ишларидандир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: *«Умматим ичида жоҳилият ишларидан тўрт нарса борки, уни тарк қилишмайди: насабларни камситиш, ҳасаб-оқсуяклик билан мақтаниш, ўликка дод-фарёд солиб йиғлаш, юлдузларга қараб ёмғир ёғишини кутиш».*⁽²⁾

(1) Аҳмад (2/429), Ҳоким (1/8) ривоятлари, Ҳоким: «икки имомнинг шартига кўра саҳиҳ ҳадис» деган.

(2) Муслим (934) ривояти.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло айтади:

﴿ فَلَا أَقْسَمُ بِمَوْجِعِ النُّجُومِ ﴾ (75) وَإِنَّهُ لَقَسَمٌ لَوْ تَعْلَمُونَ عَظِيمٌ ﴿76﴾
﴿ إِنَّهُ لَقُرْآنٌ كَرِيمٌ ﴾ (77) فِي كِتَابٍ مَّكْنُونٍ ﴿78﴾ لَا يَمَسُّهُ إِلَّا الْمُطَهَّرُونَ ﴿79﴾
﴿ تَنْزِيلٌ مِّن رَّبِّ الْعَالَمِينَ ﴾ (80) أَفِيهِذَا الْحَدِيثِ أَنْتُمْ مُدْهِنُونَ ﴿81﴾ وَتَجْعَلُونَ
رِزْقَكُمْ أَنْتُمْ تُكَذِّبُونَ ﴿82﴾

«Мен юлдузларнинг ботар жойларига қасам ичурманки, — ҳолбуки бу (қасам) агар билсангизлар шак-шубҳасиз улуғ-катта қасамдир — албатта у (Қуръон сеҳр ёки уйдирма эмас, балки) асралган Китобдаги (Лавҳул-Маҳфуздаги) Улуғ Қуръондир! Уни фақат таҳоратли — пок кишиларгина ушларлар. (У) барча оламлар Парвардигори томонидан нозил қилингандир. Бас, сизлар мана шу Сўз — Қуръонга бепарволик қилурмисизлар?! Ва сизлар ёлғон санашни ўзларингизнинг ризқ-насибаларингиз қилиб олурсизларми?!» (Воқеа: 75-82). Яъни, ўзларингизга ҳосил бўлаётган ризқни юлдузларга ва фалакдаги ҳодисаларга нисбат берасизларми?! Бу жоҳилият эътиқодидандир. Юлдузлар Аллоҳ яратган мавжудотлардан бир тури бўлиб, Аллоҳ таоло уларни яратиши остида учта ҳикмат зоҳир бўлади:

Биринчиси: Улар дунё осмонига зийнатдир;

Иккинчиси: Улар шайтонларга отилажак тошлардир;

Учинчиси: Улар зулматли тунларда денгиз ва қуруқликларда уларга қараб йўл топиладиган ёлчи юлдузлардир.

Ким шундан бошқа нарсани эътиқод қилса, унинг эътиқоди тўғри эмас. Юлдузлар борлиқдаги воқеа-ҳодисаларга таъсир кўрсатади, деб эътиқод қилган кишининг иймони ботил бўлади.

Қуръонни тафаккур билан ўқисангиз, Аллоҳ таоло юлдузларнинг учта фойдасини айтганини кўрасиз. Ерда юз берувчи ҳодисаларга эса юлдузларнинг ҳеч қандай таъсири бўлмайди. «Фалон ҳодисалар фалон юлдузлар таъсиридан» деган гаплар мунажжимларнинг тўқима ва ёлғонларидан бошқа нарса эмас. Аллоҳ таоло:

﴿وَالنُّجُومُ مُسَخَّرَاتٌ بِأَمْرِ رَبِّكَ فِي ذَلِكَ لَآيَاتٍ لِّقَوْمٍ يَعْقِلُونَ﴾

«(Барча) юлдуз — сайёралар ҳам Унинг амрига бўйсундирилгандир. Албатта, бу нарсада ақл юргизадиган қавм учун оят-ибратлар бордир» (Наҳл: 12), — дейди.

٢٠٤. وَلَا مَنْ يَدْعِي شَيْئاً يُخَالِفُ الْكِتَابَ وَالسُّنَّةَ وَإِجْمَاعَ الْأُمَّةِ.

204. Қуръон, Суннат ва муслмонлар ижмосига зид нарсаларни даъво қилган бирон кимсага ишонмаймиз.

Чунки, булар биз суянадиган асосий далиллардир. Буларга мухолиф бўлган ҳар қандай нарса, хоҳ сўз, хоҳ амал, хоҳ эътиқод бўлсин, ботил саналади.

٢٠٥. وَنَرَى الْجَمَاعَةَ حَقًّا وَصَوَابًا، وَالْفِرْقَةَ زَيْغًا وَعَدَابًا.

205. Жамоатни ҳақ ва тўғрилик деб, тафриқа-бўлинишни эса хато ва азоб деб биламиз!

Биз — яъни, аҳли сунна вал-жамоа бирлашишни ҳақ, бўлинишни эса азоб, деб эътиқод қиламиз. Умматнинг

ҳақустида бирлашиши раҳмат, фирқаларга бўлинишлари азобдир. Демак, бирлашиш ва бўлинмаслик вожибдир. Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَأَعْتَصِمُوا بِحَبْلِ اللَّهِ جَمِيعًا وَلَا تَفَرَّقُوا﴾

«**Ва барчангиз Аллоҳнинг арқонига (Қуръонга) боғланингиз ва бўлинмангиз!**» (Оли Имрон: 103). Аллоҳнинг арқони Қуръон ва Исломдир. Уммат Қуръон ва Суннат асосида бирлашиши лозим. Аллоҳ таоло бўлинишдан қайтарди ва Аллоҳнинг арқони — Қуръон асосида бирлашишга буюрди. Ҳар турли фирқалар ва ҳизбларга бўлиниш жоиз эмас, чунки тафриқа-келишмовчиликлар шундан келиб чиқади.

Аллоҳ таоло Ўзининг Китоби асосида бирлашишга, фикр ва қалбларнинг тарқоқлигини улоқтиришга буюрди. Мусулмонлар дунёнинг турли қитъаларида тарқалган бўлишларига, бир-бирларидан ҳар қанча узоқ диёрларда яшаган бўлишларига қарамай, улар ҳақ устида бирлаша оладилар, қалблари бир, бир-бирларини яхши кўрадилар. Ботил аҳли гарчи бир жойда, ёнма-ён яшаса ҳам, қалблари бир-бирдан узоқдир.

Аллоҳ таоло айтади:

﴿تَحْسَبُهُمْ جَمِيعًا وَقُلُوبُهُمْ شَتَّى﴾

«(Оғизларидаги сўзларидан) уларни бир деб ҳисоблайсиз-у, (аммо) диллари хилма-хилдир» (Ҳашр: 14).

﴿وَلَا تَكُونُوا كَالَّذِينَ تَفَرَّقُوا وَاخْتَلَفُوا مِنْ بَعْدِ مَا جَاءَهُمُ الْبَيِّنَاتُ وَأُولَئِكَ هُمُ

عَذَابُ عَظِيمٍ ﴿١٠٥﴾

«Аниқ ҳужжатлар келганидан кейин бўлиниб кетган ва бир-бирлари билан ихтилоф қилиб, талашиб-тор-

тишган кимсалар каби бўлмангиз! Ана ундайлар учун
улуғ азоб бордир» (Оли Имрон: 105).

﴿وَلَا تَكُونُوا مِنَ الْمُشْرِكِينَ ﴿٣١﴾ مِنَ الَّذِينَ فَرَقُوا دِينَهُمْ
وَكَانُوا شِعَابًا كُلِّ حِزْبٍ بِمَا لَدَيْهِمْ فَرِحُونَ ﴿٣٢﴾﴾

«Мушриклардан бўлманглар! Улар (яъни мушриклар)
динларини бўлиб, фирқа-фирқа бўлиб олгандирлар.
Хар бир фирқа ўз олдиларидаги нарса билан хур-
санддирлар» (Рум: 31, 32).

﴿أَنْ أَأَقِيمُوا الدِّينَ وَلَا نَتَفَرَّقُوا فِيهِ ﴿١٣﴾﴾

«Динни барпо қилинглар ва унда фирқа-фирқа бўлиб
бўлинманглар!» (Шуро: 13).

Мусулмонлар ақидаларида ҳам, ибодатларида ҳам,
жамоатларида ҳам, мусулмон раҳбарга итоатларида
ҳам бир бўлинмас уммат, бир жону бир тан бўлишлари,
Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам айтганлари-
дек, бир-бирини тутиб турган бино мисол бўлишлари
лозим. Бу мусулмонлар учун раҳмат бўлади, уларнинг
қонлари тўкилишдан сақланади, қалбларида бир-
бирига муҳаббат пайдо бўлади, жамиятларининг хавф-
сизлиги ҳам кафолатланган бўлади. Иттифоқликлари
ортидан ризқлари ҳам мўл-кўл бўлади. Бўлиниб, бир-
бирларига нафрат қилишса, ўзаро қирпичоқ бўлишса,
устларига душманлар ҳукмрон бўлишига ва ўртада
қонлар тўкишига сабаб бўладилар.

Ихтилоф икки қисм бўлади:

Биринчи қисм: Ақидадаги ихтилоф. Бу асло жоиз
эмас. Чунки, ақидада парчаланиш ўзаро нафрат ва адо-
ват келтириб чиқаради ва бирдамликка путур еткази.
Мусулмонлар ягона ақидада — «*Ла илаҳа иллalloҳ*»га
сўзда ҳам, амалда ҳам, эътиқодда ҳам жипслашишлари

лозим. Ақидада ижтиҳодга ва фикрлар хилма-хиллигига ўрин йўқ. Шундай экан, унда ихтилоф қилишга ўрин йўқ. Ақида ижтиҳодлар ва фикрлардан эмас, Китобу Суннатдан олинади. Ақидада бўлиниш худди жаҳмия, муътазила, ашъария ва бошқа адашган фирқалардан содир бўлгани каби ўзаро адоват, нафрат ва жанжалга сабаб бўлади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «*Бу уммат етмиш уч фирқага бўлинади. Уларнинг ҳаммаси дўзахда, фақат бир фирқа (дўзахдан нажот топади)*», дедилар. Саҳобалар: «У (нажот топувчи фирқа) кимлар, ё Расулуллоҳ?» деб сўраганларида: «*Мен ва асҳобларим тутган йўлда бўлганлар*» деб жавоб бердилар.⁽¹⁾ Демак, одамларни фақат Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва асҳоблари нимага амал қилган бўлсалар, ўша нарсагина бирлаштириши мумкин экан.

Иккинчи қисм: Фикҳий ижтиҳоддаги ихтилоф. Бу ихтилоф адоват келтириб чиқармайди, чунки у далилларга одамларнинг билим ва тушунчаларидан келиб чиқиб ёндошишлари оқибатида юзага келади. Уламолар истинбот (далиллардан ҳукмлар олиш) қувватида, шунингдек илмининг оз-кўплигида бир-бирларидан фарқли бўлганлари боис бу соҳада ихтилофлар бўлиб туради.

Муайян бир раъй-фикрга таассуб бўлмаган ҳолда бу ихтилоф адоватга олиб келмайди. Саҳобалар ҳам фикҳий масалаларда ихтилоф қилишар, бироқ бу улар ўртасида адоватни пайдо қилмас, балки ўзаро биродар бўлиб қолаверишар эди. Салафи солиҳ ва тўрт мазҳаб имомлари ҳам ихтилоф қилишган, улар ўртасида ҳам адоват бўлмаган, бир-бирларига юксак эҳтиромлари сақланиб қолган эди. Уларнинг шогирдлари ҳақида ҳам гап шу. Энди кимда-ким бировнинг раъйига таассуб билан ён-

(1) Абу Довуд (4596), Ибн Можа (3991), Аҳмад (2/332), Ҳоким (1/128) ривоятлари, Ҳоким саҳиҳ санаган.

дошса, шу нарса адоватга сабаб бўлади. Муслмон киши Китобу Суннатдан бўлган далилга мувофиқ келадиган сўзларни олиши лозим.

Аллоҳ таоло айтади:

﴿فَإِنْ نَنْزَعْنَاهُمْ فِي شَيْءٍ فَرُدُّوهُ إِلَى اللَّهِ وَالرَّسُولِ إِنْ كُنْتُمْ تُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ ۚ ذَلِكَ خَيْرٌ وَأَحْسَنُ تَأْوِيلًا﴾
﴿٥٩﴾

«Бордию бирон нарса ҳақида талашиб қолсангиз, — агар ҳақиқатан Аллоҳга ва охират кунига ишонсангиз — у нарсани Аллоҳга ва пайғамбарига қайтарингиз! Мана шу яхшироқ ва чиройлироқ ечимдир» (Нисо: 59).

Яна айтади: «(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам, мўминларга айтинг):

﴿وَمَا أَخْلَفْتُمْ فِيهِ مِنْ شَيْءٍ فَحُكْمُهُ إِلَى اللَّهِ﴾

«Сизлар (бу ҳаёти дунёда кофирлар билан) ихтилоф қилган ҳар бир нарсанинг ҳукми (Қиёмат Куниди) Аллоҳга (қайтарилур ва У зот ким ҳақ, ким ноҳақ эканлигини ажратиб берур)» (Шуро: 10).

Демак, ихтилофли ўринларда Китоб ва Суннатга мурожаат қилинади, далили кучли бўлган фикрни олинади.

٢٠٦. وَدِينُ اللَّهِ فِي الْأَرْضِ وَالسَّمَاءِ وَاحِدٌ، وَهُوَ دِينُ
الإسلام.

206. Ерда ҳам, осмонда ҳам Аллоҳнинг дини ёлғиз Исломдир.

Ислом — ягона ва шериксиз Аллоҳнинг Ўзига ибодат қилишдир. Ислом — осмондаги фаришталарнинг ва ер-

даги инсу жиннинг асил динидир. Унинг умумий маъноси — Аллоҳнинг тавҳидига иқрор бўлиш, Унга тоат билан бўйинсуниш ва ширқдан халос бўлишдир. Ислом — жамики ўтган пайғамбарларнинг динидир. Барча пайғамбарлар қавмларини шунга чақирганлар ва шу нарсада пайғамбарларга эргашган кишилар ҳаммаси қайси замон ва қайси маконда бўлишларидан қатъий назар, муслим, яъни Аллоҳнинг тавҳидига таслим бўлувчи ва Унга тоат билан бўйсинувчи, деб ҳисобланади. Барча пайғамбарларнинг динлари битта, шариатлари эса ўз замоналари кишиларининг ҳожатларидан келиб чиқиб, турлича бўлган. Ҳадисда айтилганидек: *«Пайғамбарлар оталари бир, оналари бошқа ака-укалардир, уларнинг динлари бирдир»*⁽¹⁾. Аллоҳ таоло:

﴿لِكُلِّ جَعَلْنَا مِنْكُمْ شِرْعَةً وَمِنْهَا جَا﴾

«Сизлардан ҳар бир (уммат) учун (алоҳида) шариат ва йўл қилиб қўйдик» (Моида: 48), деган. Демак, Аллоҳ таоло ҳар бир пайғамбарга ўз қавмига муносиб, уларнинг манфаатлари учун салоҳиятли бўлган шариат қилиб берар, ундан кейинги уммат учун унинг эҳтиёжларига жавоб бермайдиган қонун-қоидаларни мансух (бекор) қилар эди. Қай бир киши бир пайғамбарнинг дини мансух бўлишидан олдин ўша динда бўлган бўлса, у муслим ҳисобланади ва ўша пайғамбарнинг шариатига мувофиқ қилган ибодати дуруст саналади. Дин то Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг пайғамбарликларигача мана шу тарзда давом этиб келди. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам пайғамбар қилинган, аввалги динларнинг барчаси бекор қилинди ва фақат у зотнинг динлари ягона мўътабар дин бўлиб

(1) Бухорий (3443) ва Муслим (2365) ривоятлари.

қолди. Энди ўтган динлардан бирон динда қолавериш ҳеч кимга жоиз бўлмай қолди. Чунки, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг рисолатлари ва динлари барча махлуқотларга ва барча замону маконларга ом ва шомил қилинди.

۲۰۷. قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: ﴿إِنَّ الدِّينَ عِنْدَ اللَّهِ الْإِسْلَامُ﴾
(آل عمران: ۱۹) وَقَالَ تَعَالَى ﴿وَرَضِيتُ لَكُمُ الْإِسْلَامَ دِينًا﴾
(المائدة: ۳).

207. Аллоҳ Таоло марҳамат қилади: «Аллоҳ наздида (ягона мақбул) дин Исломдир» (Оли Имрон: 19), «Сизлар учун Исломни дин деб рози бўлдим» (Моид: 3).

Демак, Ислом — Аллоҳ таоло Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам пайғамбар қилинишларидан тортиб то қиёмат барча бандаларига танлаган ва ихтиёр қилган ягона дин бўлиб қолди.

۲۰۸. وَهُوَ بَيْنَ الْعُلُوِّ وَالْتَفْصِيرِ.

208. Ислом дини ғулув (чуқур кетиш) билан қосирлик (сусткашлик қилиш) ўртасидадир.

Ислом — ғулув, яъни ҳаддан ошиш, чуқур кетиш билан қосирлик, яъни бепарволик ва сусткашлик қилиш ўртасида. У ўртача дин бўлиб, унда ўта қаттиқлик ва инжиқлик ҳам, ҳамма нарсага ўта бепарво ва суст қараш ҳам йўқдир. Чунки, ҳар икки тараф ҳам айб ва нуқсонли, яхшилик эса бу иккисининг ўртасидадир. Шунинг учун Аллоҳ таоло айтади:

﴿قُلْ يَا أَهْلَ الْكِتَابِ لَا تَغْلُوا فِي دِينِكُمْ﴾

«Айтинг: Эй аҳли китоб, динингизда нотўғри томонга тажовуз қилманг» (Моида: 77).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «*Мутанаттиғлар* (яъни дин ишида ўта қаттиқ йўлни тутувчилар) *ҳалок бўлсин*»⁽¹⁾ деб уч марта айтганлар.


Уч киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хонадонига келиб, пайғамбаримизнинг ибодатлари ҳақида сўраганларида уларга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ибодатларини айтиб берилгач, гўеки улар зикр қилинган амалларни кам санагандек бўлдилар ва: «Биз қаерда-ю, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қаердалар? У зотнинг аввалги-ю, охириги гуноҳлари кечирилган бўлса?», дедилар. Улардан бири: «Мен кечалари доимо намоз ўқийман», деди. Иккинчиси: «Мен кундузлари доимо рўзадор бўлиб, оғзимни очмайман», деди. Учинчиси эса: «Мен аёллардан узлат қиламан ва ҳеч ҳам уйланмайман», деди. (Бу гаплардан хабар топгач) Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларнинг олдиларига келдилар ва: «*Шундай-шундай гапларни айтганлар сизларми?! Аллоҳ номига онт ичиб айтаманки, албатта мен сизлардан кўра Аллоҳдан қўрқувчироқ ва тақволироғингизман! Лекин, мен рўза ҳам тутаман, оғзим очиқ ҳам бўлади. Намоз ҳам ўқийман, ухлайман ҳам ва аёлларга уйланаман. Бас, ким менинг суннатимдан юз ўгирса, у мендан эмас*», дедилар⁽²⁾. Чунки, бу Аллоҳ буюрмаган ўта қаттиқ йўлни ушлаш бўлур эди. Аллоҳ таоло: «

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا تَحْرِمُوا طَيِّبَاتِ مَا أَحَلَّ اللَّهُ لَكُمْ﴾

(1) Муслим (2670) ривояти.

(2) Бухорий (5063) ва Муслим (1401) ривоятлари.

Эй мўминлар, Аллоҳ Сизлар учун ҳалол қилиб қўйган покиза нарсаларни ҳаром қилиб олманглар» (Моида: 87) деб буюргач, оят давомида:



«...**ва** (Аллоҳ белгиллаган чегарадан) **тажовуз қилманглар!**» (Моида: 87), дейди. Яъни оят ҳар икки тарафдан қайтаришни ўз ичига олган, саҳиҳ дин эса ўртададир.

۲۰۹. وَيَنْ التَّشْبِيهِ وَالتَّعْطِيلِ.

209. У ташбеҳ билан таътил ўртасидадир.

Ислом дини ақидада таътил билан ташбеҳ ўртасида. Яъни Аллоҳнинг исм ва сифатларини таътил қилиш (йўққа чиқариш) билан уларни махлуқотлар сифатларига ташбеҳ қилиш (ўхшатиш) ўртасидадир. Муъатти-ла (яъни таътил қилувчилар) Аллоҳни поклашда ғулув кетиб қолишган ва (Аллоҳнинг исм ва сифатлари бор десак, уни махлуқларга ўхшатган бўлиб қоламиз, деб) У зотнинг исм ва сифатларни рад қилишган. Мушаббиха (ташбеҳ қилувчилар) эса исм ва сифатларни исботлашда ғулув кетиб қолишган ва Аллоҳ таолонинг сифатларини махлуқларнинг сифатларига ўхшатиб қўйишган. Тўғри ақида эса бу иккисининг ўртасида. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло айтади: **«Бирон нарса У зотга ўхшаш эмасдир»** (Шуро: 11). Бу — мушаббихага раддиядир. Оят давомида-ги **«У эшитувчи ва кўрувчидир»** (Шуро: 11) ибораси эса муъаттилага раддиядир.

Биз аҳли сунна вал-жамоа эса Аллоҳ таолонинг Ўзи ёки пайғамбари У зотга исботлаган барча исму сифатларни исботлаймиз, уларни йўққа ҳам чиқармаймиз, рад ҳам қилмаймиз, махлуқотлардан биронтасининг сифатларига

Ўхшатмаймиз ҳам. Балки «Аллоҳ таолонинг исм ва сифатлари Унинг Ўзигагина лойиқ ва муносиб бўлган сифатлардир. Гарчи мазкур сифатлардан баъзилари инсонларда ҳам бор бўлса-да, уларнинг кайфияти турличадир, зотан сифат Ўз эгасига тобеъдир» деймиз.

۲۱۰. وَيَيْنَ الْجَبْرِ وَالْقَدْرِ.

210. У жабрия билан қадария эътиқоди ўртасидадир.

Аҳли сунна вал-жамоа мазҳабига кўра, Ислом жабрия ва қадария эътиқодлари ўртасида. Жабриялар қадарни исботлашда ғулув кетишиб, ҳатто бандадан ихтиёрни бутунлай олиб ташлашади, «Бандада ҳеч қандай ихтиёр йўқ, унинг барча феъл-ишлари мажбурий равишда амалга ошади, у қадар измидаги бир асбоб холос, намози, рўзаси ва бошқа барча амаллари унинг ихтиёрисиз содир бўлади, у асбоб-ускуна мисол беихтиёр ҳаракатда давом этади» дейишади. Қадариялар эса банданинг инонихтиёрини исботлашда ғулув кетишиб, қадарни бутунлай рад қилишади, банданинг амаллари унинг тўла ихтиёри билан амалга ошишини, унинг амаллари Аллоҳнинг хоҳиш-иродасидан хориж эканини даъво қилишади, банданинг мустақил хоҳиш-иродаси бор, у ўз феълларини ўзи яратади, бунга Аллоҳ аралашмайди, дейишади. Ҳарикки эътиқод ботил ва нотўғридир.

Аҳли сунна вал-жамоа бу масалада ўрта йўлни ушлайди. Улар эътиқодича, банданинг ихтиёри ва хоҳиш-иродаси бор, у ўз ихтиёри билан амал қилади, лекин у Аллоҳнинг қазо ва қадаридан ташқарига чиқолмайди, унинг феълларини Аллоҳ яратади, у эса уларни амалга оширади, маъсиятларни ҳам, тоатларни ҳам унинг ўзи амалга оширади, тақдир қилувчи эса Аллоҳдир, шу боис у ўз гуноҳларига жазо олади, тоатлари учун мукофотлана-

ди, агар тоату маъсиятларини ихтиёрсиз қилганида эди, савобга ҳам, жазога ҳам эришмаган бўларди, мажнун ва гўдак бола, шунингдек мажбурланган одам жазога тортилмагани каби.

۲۱۱. وَيَيْنَ الْأَمْنِ وَالْإِيَّاسِ.

211. У (Аллоҳнинг макридан) хотиржамлик билан (раҳматидан) умидсизланиш ўртасидадир.

Аҳли сунна вал-жамоа Аллоҳнинг макри ва азобидан хотиржамлик билан Унинг раҳматидан умидсизланиш ўртасида. Улар Аллоҳнинг раҳматини умид қиладилар, Унинг азобидан, фитнаю синовларга дучор этишидан хотиржам бўлмайдилар. Улар хавф ва ражо — яъни кўрқув ва умидворлик ўртасини жамлайдилар. Зотан, пайғамбарлар ҳам мана шундай ҳолат устида бўлганлар:

﴿إِنَّهُمْ كَانُوا يُسْكَرُونَ فِي الْخَيْرَاتِ وَيَدْعُونَنَا رَغَبًا وَرَهَبًا
وَكَانُوا لَنَا خَلِيعِينَ﴾

«Дарҳақиқат улар (яъни мазкур пайғамбарлар) яхши ишларни қилишга шошар ва Бизга рағбат ва кўрқув билан дуо-илтижо қилар эдилар. Улар Бизга таъзим-итоат қилувчи эдилар» (Анбиё: 90). Улар Аллоҳнинг элчилари эди, Аллоҳдан кўрқувлари Унинг раҳматидан умидсизланишга олиб келмади.

Аллоҳ таоло айтади:

﴿إِنَّهُ لَا يَأْتِسُّ مِنْ رَوْحِ اللَّهِ إِلَّا الْقَوْمَ الْكَافِرُونَ﴾

«Аллоҳнинг раҳматидан фақат кофир қавмгина ноумид бўлур» (Юсуф: 87).

﴿ وَمَنْ يَفْطَ مِنْ رَحْمَةِ رَبِّهِ إِلَّا الضَّالُّونَ ﴿٥٦﴾ ﴾

«Парвардигорининг фазлу раҳматидан фақат гумроҳ кимсаларгина ноумид бўлурлар» (Ҳижр: 56).

Аллоҳнинг раҳматидан умидворлик уларни Унинг макридан хотиржам бўлиб қолишга ҳам олиб келмади. Аллоҳ таоло айтади:

﴿ أَفَأَمْنُوا مَكْرَ اللَّهِ فَلَا يَأْمَنُ مَكْرَ اللَّهِ إِلَّا الْقَوْمُ الْخَاسِرُونَ ﴿٩٩﴾ ﴾

«Улар Аллоҳнинг «макри»дан хотиржам бўлиб қолдиларми? Бас, Аллоҳнинг «макри»дан фақат зиён кўрувчи қавмгина хотиржам бўлур» (Аъроф: 99).

Пайғамбарлар отаси бўлмиш Иброҳим алайҳис-салом Аллоҳга ёлвориб:

﴿ وَأَجْنِبْنِي وَبَنِيَّ أَنْ نَعْبُدَ الْأَصْنَامَ ﴿٣٥﴾ ﴾

«Мени ва болаларимни бутларга бандалик қилишдан йироқ қилгин» (Иброҳим: 35), деди, хотиржамликка берилмади, фитнага дучор этилишдан қўрқди, чунки у ҳам бир инсон эди.

Ҳеч ким «Мен солиҳ одамман» деб хотиржамликка берилиб қолмаслиги, доим хавфда туриши, шу билан бирга Аллоҳнинг раҳматидан умидсиз ҳам бўлмаслиги керак. Аллоҳ таоло айтади:

﴿ قُلْ يَاعِبَادِيَ الَّذِينَ أَسْرَفُوا عَلَىٰ أَنفُسِهِمْ لَا تَقْنَطُوا مِن رَّحْمَةِ اللَّهِ إِنَّ اللَّهَ يَغْفِرُ الذُّنُوبَ جَمِيعًا إِنَّهُ هُوَ الْغَفُورُ الرَّحِيمُ ﴿٥٣﴾ وَأَنِيبُوا إِلَىٰ رَبِّكُمْ وَأَسْلِمُوا لَهُ، مِنْ قَبْلِ أَنْ يَأْتِيَكُمُ الْعَذَابُ ثُمَّ لَا تُنصَرُونَ ﴿٥٤﴾ ﴾

«(Эй Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва саллам), Менинг (турли гуноҳ-маъсиятлар қилиш билан) ўз жонларига жиноят қилган бандаларимга айтинг: «Аллоҳнинг

рахмат-марҳаматидан ноумид бўлмангиз! Албатта Аллоҳ (Ўзи хоҳлаган бандаларининг) барча гуноҳларини мағфират қилур. Албатта Унинг Ўзигина мағфиратли, меҳрибондир. Сизларга азоб келиб, сўнгра ёрдам берилмай қолишидан илгари (яъни Аллоҳнинг бирон бало-қазосига дучор бўлмай туриб), Парвардигорларингизга қайтинглар — Унга бўйсунинглар!» (Зумар: 53, 54).

Демак, инсон раҳмат сабабларини қилиши — тавба қилиши ва Аллоҳга тўла бўйсунуши лозим. Шундагина Аллоҳнинг раҳматига эришади. Аллоҳнинг раҳмати муҳсинларга яқиндир, муҳсинлик раҳматга сабабдир.

Аҳли сунна вал-жамоанинг мазҳаби шудир. У муржиалар билан хаворижлар ўртасидадир.

Муржиалар гуноҳларнинг иймонга таъсири йўқ, инсон қалби билан мўмин бўлса, қилган гуноҳлари иймонига ҳеч қандай зарар етказмайди, дейишади ва Аллоҳнинг макридан хотиржамлика берилишади, улар фикрича, амаллар иймон ҳақиқатига дохил эмас, киши ҳеч қандай амал қилмаса ҳам жаннатга кираверади. Мана шу мазҳаб сабабли дунё фасодга юз тутди, шу сабабли одамлар диндан чиқиб кетиб қолишди, «модомики, жаннатга киришимиз аниқ экан, амал қилишимизга ҳожат йўқ», деб, ис-таган ишларини қиладиган бўлишди.

Хаворижлар эса ширкдан паст бўлган гуноҳи кабира-лар сабабли кишини кофирга чиқаришади, Аллоҳ Ўзига осий бўлган кишиларга ваъда қилган ваъдидини (яъни азоб ҳақида айтилган огоҳлантиришни) албатта ижро қилади, дейишади. Бунинг маъноси — ким ширкдан паст бўлган гуноҳи кабира устида ўлса, у одам дўзахда абадул-абад қолади, демакдир.

Тўғри, Аллоҳ таоло осийларни азоб билан огоҳлантирган, бироқ У:

﴿ إِنَّ اللَّهَ لَا يَغْفِرُ أَنْ يُشْرَكَ بِهِ وَيَغْفِرُ مَا دُونَ ذَلِكَ لِمَنْ يَشَاءُ ﴾

«Аллоҳ Ўзига ширк келтирилишини кечирмайди ва ширкдан бўлак гуноҳларни истаган бандасидан кечиради» (Нисо: 48, 116), деб ҳам айтган. Демак, осийлар Аллоҳнинг хоҳишига ҳавола қилинадилар, истаса азоблайди, истаса кечиради. Аҳли сунна вал-жамоанинг бу масаладаги фикри шу ва бу ўрта йўлдир.

Энг тўғри сўз — умидворлик ва хотиржамликка берилиш билан қўрқув ва умидсизлик ўртасини тутган аҳли сунна вал-жамоанинг сўзидир. Шунинг учун улар: «Қўрқув ва умидворлик инсонга нисбатан қушнинг икки қаноти ўрнидадир. Бир қаноти ишламай қолса қуш учолмай қулаб тушгани каби, қўрқув ва умидсизликдан бирига халал етса, инсон тўғри йўлдан тойилади», дейишади.

۲۱۲. فَهَذَا دِينُنَا وَاعْتِقَادُنَا ظَاهِرًا وَبَاطِنًا، وَنَحْنُ بِرَاءٍ إِلَى اللَّهِ مِنْ كُلِّ مَنْ خَالَفَ الَّذِي ذَكَرْنَاهُ وَبَيَّنَّاهُ.

212. Ана шу нарсалар бизнинг динимиз ва ошкору махфий эътиқодимиздир. Ушбу эътиқодга муҳолиф бўлган ҳар қандай кимсадан поклигимизни Аллоҳга эълон қиламиз.

Яъни, ушбу ақидада биз бошидан охиригача айтиб ўтган гаплар биз мусулмонларнинг динимиздир. Бунга муҳолиф бўлган кишилардан биз покмиз. Чунки, шугина энг тўғри ақида, бундан бошқа ҳар қандай ақида нотўғри ва ботилдир.

۲۱۳. وَنَسْأَلُ اللَّهَ تَعَالَى أَنْ يُبَيِّنَنَا عَلَى الْإِيمَانِ، وَيَخْتِمَ لَنَا بِهِ.

213. Аллоҳ Таолодан бизни иймонда собит қилишини ва ҳаётимизни фақат мўмин бўлган ҳолимизда хотимлашини сўраймиз.

Бу Аллоҳ таолога нисбатан одоб намунасидир. Муаллиф аҳли сунна вал-жамоа ақидасини баён қилиб ўтгач, унда собитқадам қилишини Аллоҳ таолодан сўрамоқдалар. Зеро, инсонга ақидани ўқиб-ўрганишининг ўзи кифоя қилмайди, олим ҳам адашиши, тойилиши мумкин. Шунинг учун ҳеч ким илмига мағрур бўлмаслиги, фитналардан хотиржам бўлиб қолмаслиги лозим бўлади. Чунки, унинг илми Иброҳим алайҳис-саломнинг илмича борми?! Ўшандай зот ҳам:

﴿وَأَجْنِبْنِي وَبَنِيَّ أَنْ نَعْبُدَ الْأَصْنَامَ ﴿٣٥﴾ رَبِّ إِنِّي أَضَلُّنَ كَثِيرًا مِّنَ النَّاسِ﴾

«Мени ва болаларимни бутларга ибодат қилишдан йироқ қилгин. Парвардигорим, у бутлар кўпдан-кўп одамларни йўлдан оздирдилар» (Иброҳим: 35, 36) деб дуо қилган.

Инсон доим Аллоҳдан офият ва динда саломатликни сўрамоғи лозим. Қанча-қанча олимлар борки, тойилиб, диндан чиқиб кетишган. Амаллар хотималарига қараб баҳоланади.

۲۱۴. وَيُعْصِمَنَا مِنَ الْأَهْوَاءِ الْمُخْتَلِفَةِ، وَالْآرَاءِ الْمُتَفَرِّقَةِ،
وَالْمَذَاهِبِ الرَّدِّيَّةِ، مِثْلَ الْمُشَبِّهَةِ، وَالْمُعْتَزَلَةِ، وَ الْجَهْمِيَّةِ،
وَالْجَبْرِيَّةِ، وَالْقَدْرِيَّةِ، وَغَيْرِهِمْ، مِنَ الَّذِينَ خَالَفُوا السُّنَّةَ
وَالْجَمَاعَةَ، وَخَالَفُوا الضَّلَالَةَ.

214. Суннат ва жамоатга қарши чиқиб залолатга юз тутган мушаббиха, муътазила, жаҳмия, жабрия, қадария каби ҳар хил фирқаларнинг турли ҳавойи йўлларидан, тарқоқ фикрларидан ва ботил мазҳабларидан Ўз фазли билан сақлашини сўраймиз.

Одамларни асосан нафси-ҳаволар йўлдан оздиради. Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَمَنْ أَضَلُّ مِمَّنِ اتَّبَعَ هَوَاهُ بِغَيْرِ هُدًى مِنَ اللَّهِ﴾

«Аллоҳ томонидан ҳидоятланмаган ҳолда ўз ҳавои нафсига эргашган кимсадан ҳам йўлдан озганроқ ким бор?!» (Қасас: 50).

﴿أَفَرَأَيْتَ مَنِ اتَّخَذَ إِلَهَهُ هَوَاهُ وَأَضَلَّهُ اللَّهُ عَلَىٰ عِلْمٍ وَحَتَمَ عَلَىٰ سَمْعِهِ وَقَلْبِهِ

وَجَعَلَ عَلَىٰ بَصَرِهِ عِثْمَةً ۚ فَمَنْ يَهْدِيهِ مِنْ بَعْدِ اللَّهِ أَفَلَا تَذَكَّرُونَ ﴿٢٣﴾

«Ҳавоии нафсини ўзига «илоҳ» қилиб олган ва Аллоҳ уни билган ҳолида йўлдан оздириб, қулоқ ва дилини муҳрлаб, кўз олдига парда тортиб қўйган кимсани кўрганмисиз? Бас, уни Аллоҳ (йўлдан оздиргани)дан сўнг ким ҳидоят қила олур?! Ахир эслатма-ибрат олмайсизларми?!» (Жосия: 23).

Инсон нафси ҳавосига эргашишдан саломат қилишини ва хоҳиш-ҳавосига зид бўлса-да ҳаққа йўллашини Аллоҳ таолодан сўрамоғи лозим. Аллоҳ таоло яҳудлар ҳақида айтади:

﴿أَفَكُلَّمَا جَاءَكُمْ رَسُولٌ بِمَا لَا تَهْوَىٰ أَنفُسُكُمْ اسْتَكْبَرْتُمْ فَفَرِيقًا كَذَّبْتُمْ

وَفَرِيقًا تَقْتُلُونَ ﴿٨٧﴾

«Ҳар қачон бир Пайғамбар сизларга ёқмайдиган нарса (оятлар) билан келса, бировини ёлғончи деб, бировини ўлдираверасизларми?!» (Бақара: 87).

Ботил мазҳаблардан мурод — Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам хабар берган фирқа-тоифалардир: «Бу уммат етмиш уч фирқага бўлинади. Уларнинг ҳаммаси дўзахда, фақат бир фирқа (дўзахдан нажот топади)», де-

дилар. Саҳобалар: «У (нажот топувчи фирқа) кимлар, ё Расулulloҳ?» деб сўраганларида: «*Мен ва асҳобларим тутган йўлда бўлганлар*» деб жавоб бердилар.⁽¹⁾ Мазкур фирқаларнинг ҳаммаси дўзахда бўлишига сабаб - улар ҳақдан тойилиб кетганлар, фақат битта фирқа, яъни Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва асҳоблари йўлини тутган кишилар дўзахдан нажот топувчи фирқадирлар. Шунинг учун ҳам уларни «нажот топувчи фирқа» деб аталади.

Мушаббихалар — Аллоҳнинг сифатларини махлуқлар сифатига ўхшатувчилардир.

Муътазилалар — Аллоҳни поклаш даъвоси билан ғулув кетиб қолишган, Унинг сифатларини йўққа чиқарган ва рад қилган тоифадир. Улар Восил ибн Ато ва Амр ибн Убайднинг тобеъларидир. Бу иккиси аслида Ҳасан Басрий раҳимахуллоҳнинг шогирдларидан бўлиб, у кишининг дарс ҳалқаларида иштирок этишарди. Ҳасан Басрийдан гуноҳи кабира соҳиби ҳақида сўралганда у киши Китобу Суннатга мувофиқ жавоб бериб: «У Аллоҳнинг хоҳишига ҳавола қилинади, гуноҳи кабира сабабли кишини кофир саналмайди, балки уни иймони ноқис дейилади», деганларида Восил у кишининг бу гапларини инкор қилиб: «Йўқ, у икки манзил ўртасидаги бир манзилда бўлади, кофир ҳам, мусулмон ҳам бўлмайди», деб мана шу ботил мазҳабни ихтиро қилди. Ҳасан Басрийнинг мажлисидан четланиб, атрофига ўз жинсидан бўлган одамларни тўплади ва алоҳида жамоа ташкил қилди. Шу боис бу жамоа муътазила (четланувчилар) деб аталди.

Жабрия ва Жаҳмиялар — Жаҳм ибн Сафвон ат-Термизийнинг⁽²⁾ тобеълари бўлиб, Жаҳм устози Жаъд ибн

(1) Абу Довуд (4596), Ибн Можа (3991), Аҳмад (2/332), Ҳоким (1/128) ривоятлари, Ҳоким саҳиҳ санаган.

(2) Залолат асосчиси, жаҳмиялар бошлиғи, заковатли ва баҳс-мунозарада моҳир эди. Сифатларни инкор қилар, бу билан ўз даъво-

Дирхамнинг⁽¹⁾ йўлини ривожлантирган эди. Жаъд эса уни яҳудий Толутдан, Толут эса Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга сеҳр қилган Лабид ибн Абсамдан олган эди. Бу мазҳаб Қуръонни махлуқ дейиш билан машҳур бўлган. Уларнинг яна бир машҳур сўзлари — жабр, яъни инсон барча ишларида мажбур ва ихтиёрсиз эканлиги ҳақидаги сўздир. Улар Жаҳмга нисбат берилиб жаҳмиялар дейилди. Жаҳм бу эътиқодни Бани Умайя давлатининг охириги даврларида чиққан ва Холид ибн Абдуллоҳ ал-Қасрий томонидан қатл қилинган Жаъд номли кимсадан қабул қилган. Холид қурбон ҳайити намозида хутба қилиб: «Эй одамлар, қурбонлик қилинглр, Аллоҳ қурбонлигингизни қабул қилсин. Мен Жаъд ибн Дирхамни қурбонлик қиламан, чунки у Аллоҳ таоло Мусо билан гаплашмаган, Иброҳимни Ўзига халил қилмаган, деб даъво қилмоқда», деди. Сўнг минбардан тушиб, уни бўғизлади. Чунки, у зиндиқ бўлган ва шу туфайли қатл қилиниши вожиб бўлган эди. Аҳли сунна вал-жамоа бу иши учун Холиддан миннатдор бўлди.

Жаҳм унинг мазҳабини ривожлантирди, шунинг учун бу мазҳаб унга нисбатланиб «жаҳмия» деб аталди. У жабр ва жаҳмияликни жамлаган эди.

Шоир айтади (шеър таржимаси) :

«Одамларни очикдан-очик дўзахга чақираётган, исми жаҳаннам сўзидан олинган шайтондан ажабланиман».

сича, Аллоҳ таолони поклар эди, Қуръонни махлуқ дер, Аллоҳ таолони барча маконларда эканини айтар эди. 128 - ҳижрийда Бану Умайяга қарши жангда ўлдирилган (Сияру аъламин-нубала: 6/26,27).

(1) Жаъд ибн Дирхам — Умавийларнинг Шомдаги охириги халифаси Марвон ибн Муҳаммаднинг устози бўлган, биринчи бўлиб «Аллоҳ таоло Иброҳимни халил қилмаган, Мусо билан бевосита гаплашмаган» деган сўзни айтиб чиққан. Мадоиний уни зиндиқ бўлганини айтади. 124 ҳижрийда Холид ибн Абдуллоҳ Қасрий қатл қилган. (Сияру аъламин-нубала: 5/433).

Қадариялар — муътазила тоифасидан бўлиб, улар иш-амаллар банданинг мутлақ иродаси ва истак-хоҳиши самарасидир, уларга Аллоҳ аралашмайди, банда ўз феълини ўзи яратади, дейишади. Бу тоифа банданинг қудратини исбот қилишда ғулув кетди. Уларнинг бу гапларидан, Аллоҳ таоло ожиз, яратиш ва пайдо қилишда бошқалар Унга шерик бўлади, деган гап келиб чиқади. Бу эса айни мажусийларнинг сўзидир. Шунинг учун муътазилалар «бу умматнинг мажусийлари» деб ном олишган.⁽¹⁾ Мажусийлар: «Борлиқнинг иккита яратувчиси бор, бири яхшиликларни яратувчиси, иккинчиси ёмонликларни яратувчиси» дейишади. Муътазилалар уларга қўшимча қилиб: «Хар ким ўзининг феълини ўзи яратади» дейишди ва бу билан Аллоҳ таоло билан бирга кўплаб яратувчиларни исбот қилишди.

٢١٥. وَنَحْنُ مِنْهُمْ بَرَاءٌ، وَهُمْ عِنْدَنَا ضَلَالٌ وَأُزْدِيَاءٌ، وَبِاللَّهِ
العِصْمَةُ وَالتَّوْفِيقُ.

215. Биз улардан покмиз, бизнинг наздимизда улар адашганлар ва ёмонлардир. Фақат Аллоҳгина (гуноҳу залолатдан) асрайди ва тавфиқ беради.

Биз улардан покмиз, уларни Аллоҳ учун ёмон кўрамыз ва душман тутамиз. Чунки, улар залолат ва ботил аҳлидир. Улардан юз ўгириш ва уларни ёмон кўриш, уларнинг ботил гапларига раддия бериш вожибдир.

(1) Ибн Умар розияллоху анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайхи ва саллам айтдилар: «Қадариялар бу умматнинг мажусийларидир, улар касал бўлсалар кўргани борманглар, ўлсалар жанозаларида иштирок этманглар» Абу Довуд (4691) ривояти.

Биз «Бу фирқаларнинг ҳаммаси Исломда, шундай бўлгач уларнинг хатоларидан кўз юмиш лозим, сўз эркинлиги, фикр эркинлигига йўл бериш керак» дейдиган одамлардан ҳам покмиз. Бу хато ва уммат учун хатарли йўлдир. Сўз ва фикр эркинлиги Китобу Суннатга ва умматнинг салафлари эътиқод қилган нарсалар доирасига чекланиши лозим. Мухолиф фирқаларнинг ҳаммаси дўзахда, фақат Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва асҳобларининг йўлини тутган фирқагина ундан нажот топади.

Инсон хатодан холи эмас. Гуноҳдан сақлаш ҳам, тавфиқ ҳам, куч-қудрат ҳам Аллоҳнинг қўлида. Инсонда ўзининг нажот топишига бирон кафолат йўқ. Фақат Аллоҳдан умид қилади ва кўрқади.

Шу билан аҳли сунна вал-жамоа эътиқоди ҳақидаги муҳим сўзларни ўз ичига олган ушбу рисола ниҳоясига етди. Аллоҳ таолодан уни барчамизга манфаатли қилишини, муаллифига мўл-кўл ажру савоблар ато этишини сўраймиз. Аллоҳ таоло у кишини ва бошқа барча имомларни чиройли мукофотлар билан мукофотласин.

Пайғамбаримизга, у зотнинг аҳли ва асҳобига Аллоҳнинг саловоту саломлари бўлсин.

